



# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Маънавий-маърифий, илмий-  
услубий журнал  
1996 йилда ташкил этилган.

## 2021/2-son

## MUNDARIJA

**Тахрир хайъати раиси:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим**  
**вазирлиги А.Х.Тошқулов**

**Тахрир хайъати раиси**

**ўринбосарлари:**

У.Ш.Бегимкулов

С.М. Бузрукхонов

**Бош муҳаррир:**

З.Т. Хақимов

**Бош муҳаррир ўринбосари**

М.Х. Эсанов

**Тахрир хайъати аъзолари**

О.Қ.Рихсимбаев

О.Х.Базаров

И.У.Ибрагимов

М.Тажиев

Г.К.Баходирова

Ў.П.Умурзақов

И.У.Мажидов

С.М.Туробжонов

К.А.Шарипов

Р.И.Халмурадов

Н.К.Мадияров

М.К.Кодиров

**Жамоатчилик кенгаши аъзолари:**

Х.А.Ақбаров, Г.Ш.Рихсиева,

К.Х. Каримов, Ж.А.Ризаев,

Ш.Т.Кудратхаджаев

Б.Ш.Усмонов, Ш.С.Сирожиддинов

Т.З.Тешабаев, М.Т.Ходжиев

У. Қосимхўжаев, Қ.Х.Абдурахманов

Б.И.Абдуллаев

Н.М.Жабборов, В.К.Жаров

М.А.Жумомуротов

**Тахририят:**

М.Тожиёв -масъул муҳаррир,

Д.Усманова -дизайнер

### ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ

**Х.Ж.Худойқулов., Д.М.Бобоқулова.** Бошланғич синф ўқувчиларида тадбиркорлик ва тежамкорлик тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологияси.....4

**Д.М.Элмуратова.** Бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш ҳолатининг замонавий таҳлили.....11

**В.А.Қодиров.** Дидактик ўйинларнинг болаларни мустақил фикрлашга йўналтиришдаги методик имкониятлари.....14

**М.Ғ.Атоева.** Fanlararo integratsiya asosida fizika kursi mavzularini o'qitish.....22

**Н.Х.Бегматова.** Мактабгача таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёнида компьютерли дидактик ўйинлардан фойдаланишнинг афзалликлари.....27

**Г.Назирова.** Инновацион ёндашув асосида мактабгача таълим ташкилотлари таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари.....39

**Д.Т.Ергашева., Д.М.Иргашева.** Globallashuv sharoitida xotin-qizlarning intellektual salohiyatlarini yuksaltirishning zamonaviy muammolari.....43

**М.В.Жумазода.** Yoshlarda ijodiy tafakkurni rivojlantirishning pedagogik asoslari.....47

**В.Х.Рахимов., В.А.Назарова., Ш.Ш.Ҳудайбердиев.** Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarini o'quvchilarni milliy hunarlarga yo'naltirishga tayyorlash texnologiyasi.....50

### ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

**Ш.Э.Хамроқулова.** География дарсларида экологик тарбия механизмларини такомиллаштириш.....54

**Д.Х.Турдибоев., Б.Ж.Олимов., М.Дўсанов.** Ўқувчиларда геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш

#### Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

Олий таълимни ривожлантириш тadbiriқотлари ва илгор технологияларни татибиқ этиши маркази

**Манзил:** 1000095, Тошкент шаҳри,  
Олмазор тумани, 100095, Toshkent,  
Shifonurko'chasi, 75-uy

**Телефон:** 207-03-41;  
**e-mail:** [tmxat@edu.uz](mailto:tmxat@edu.uz)

Журнал Ўзбекистон Матбуот  
ва ахборот агентлигидан 2014 йил  
26 декабрда 0506 рақами билан  
рўйхатдан ўтган.

Журнал ҳар ойда ўзбек, рус ва инглиз  
тилларида чоп этилади

"Ta'lim, fan va innovatsiya" журнали  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2015 йил 18 ноябрдаги 218/5-сонли  
қарори билан 13.00.00 – ПЕДАГОГИКА  
ФАНЛАРИ бўйича, 2018 йил 28 ноябр–  
даги 247/6-сонли қарори билан 23.00.00  
– СИЁСИЙ ФАНЛАР бўйича доктор–  
лик диссертациялари асосий илмий  
натижаларини чоп этиши тавсия  
этилган илмий наشرлар  
рўйхатига киритилган.

"Ta'lim, fan va innovatsiya" журналдан  
кўчириб босиш фақат таҳририятнинг  
розилиги билан амалга оширилади.  
Мақолада келтирилган фактларнинг  
тўғрилиги учун муаллиф масъулдир.  
Таҳририят фикри муаллифлар фикрига  
мос келмаслиги мумкин.

кўникмасини шакллантириш талаблари.....	57
<b>U.A.Jabbarov.</b> Tutoring and teacher-apprentice system in the preparation of future foreign language teachers.....	61
<b>Э.О.Исмоилов., З.А.Налибаева.</b> Мактаб ўқувчилари онгида аниқмас интегрални интеграллаш усулларига доир билимларни шакллантириш технологияси.....	64
<b>Н.Ю.Алимов.</b> Фотографнинг фото асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида.....	73
<b>М.Умарова.</b> Бухоро амири амир шоҳмурод ҳукмронлиги даврида (1785-1800) суд тизими.....	75
<b>Ғ.Т.Абдуллаходжаев.</b> Миллий услубдаги замонавий дизайн муаммолари.....	81
<b>Ш.М.Тажиева.</b> Ўзбекистон ёшларини акмешахс сифатида тарбиялашнинг миллий-маънавий хусусиятлари ва истикболлари.....	83

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

<b>U.N.Marasulova., U.E.G'oyimov.</b> Umumta'lim maktabla-rida o'quvchilarning ota-onalari bilan ishlash metodikasi.....	88
<b>M.D.Abdullayeva.</b> Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni so'zlashishga doir me'yorlar bilan tanistirish yo'llari.....	95
<b>Н.Н.Нарзиева.</b> Ўқувчиларда таянч компетенцияларга асосланиб тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш методлари.....	99
<b>Д.А.Комилова.</b> Мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида.....	103

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АКТ ИМКОНИАТЛАРИ

<b>A.A.Parmonov.</b> Umumtexnik fanlarni o'qitishda talabalarning axborot – texnik kompetensiyasini samarali shakllantirishning innovatsion usullari.....	108
<b>J.B.Qudratov., A.R.Azizov.</b> Mikroelektron npm*69 blokini mikroprotessor asosida dasturini va prinsipial sxemasini yaratish avfzalligi.....	112
<b>Z.R.Nazirova.</b> Vetinariya mutaxassisligi talabalarining rus tilini o'rganish kompetensiyasi shakllantirishda audio vositalardan foydalanish.....	114

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ – МОДУЛЬ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ АСОСИ

<b>Ш.Д.Ҳайитова.</b> Талабалар мустақил таълимни фаоллаштиришнинг назарий модели.....	118
<b>С.Аллаярова., З.Қаюмова.</b> Онлайн таълимда самарали ўқитиш стратегиялари.....	122

## СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

**Д.Т.Мамирова.** Проблемы современного спорта и средства восстановления.....127

## МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВА МАЪРИФИЙ ИШЛАР

**З.А.Нарзиева.** Баркамол авлод тарбиясида миллий муסיқий меросдан фойдаланиш имкониятлари ва муаммолари.....131

**Г.Ю.Азимова.** Фарзанд тарбиясига оиладаги ижтимоий муҳитнинг таъсири.....133

**D.M.Safarova.** Ernest Hemingway and uzbek literature.....137

## ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ

**И.А.Турсункулов.** Бошқарув механизми мазмун-моҳияти ва унинг назарий-амалий жиҳатларини такомиллаштириш...140

**Ш.Калонов., Z.Намројева., В.Кодинова.** Qo`shma korxonalar da boshqaruv hisobi ahamiyati va dolzarbligi.....145

**Ю.И.Салимова.** Урбанизация как направление региональной политики.....149

**М.Н.Маҳмудова.** Jurnalist kadrlarni tayyorlashda jamoatchilik bilan aloqalar fanining o`rni.....155

## ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ

*Х.Ж.Худойкулов-проф.в.б., п.ф.д. ЎзМУ  
Д.М.Бобоқулува-мустақил тадқиқотчи ДТПИ*

### **БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАДБИРКОРЛИК ВА ТЕЖАМКОРЛИК ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОИЛА БИЛАН ҲАМКОРЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ**

#### **Аннотация**

*Ушбу мақолада, бошланғич синфдан бошлаб ўқувчиларни тадбиркорлик, тежамкорлик ва иқтисодий билимлар билан қуроллантириш, оила билан ҳамкорлик қилиш, бозор қонунларига мос бўлган рақобатбардош кадрларни тайёрлаш долзарб масалалардан биридир. Бу орада тадбиркорлик ва тежамкорлик тушунчаларининг дастлабки кўникмалари оилада кейинчалик мактабда ҳамкорлик асосида шакллантирилади. Бугунги кунда биз бозор иқтисодиётига асосланган даврда яшар эканмиз, ҳар бир ўқувчини жамиятга олиб қирар эканмиз, у албатта тадбиркорлик ва тежамкорлик тушунчаларини оилада ва мактабда ўрганиш билан бирга, таълим-тарбия бериш орқали бозор иқтисодиёти шароитида ўз ўрнини топиши, ҳамда миллий қадриятларга мос иқтисодий тарбия бериш масалалари асослаб берган.*

***Калит сўзлар:** Тежамкорлик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, касб-ҳунар ўрганиш, иқтисодий ҳисоб-китоб, оила буюжети, ота-она ҳунари, янги технология, бозор қонунлари, ҳалоллик-поқлик тарбияси, сахийлик аломати.*

### **ТЕХНОЛОГИЯ СЕМЕЙНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ФОРМИРОВАНИИ ПОНЯТИЙ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА И СБЕРЕЖЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ**

#### **Аннотация**

*В этой статье говорится об одной из актуальных проблем - вооружить учащихся предпринимательскими, бережливыми и экономическими знаниями с начальной школы, работать с семьей, подготовить конкурентоспособные кадры в соответствии с законами рынка. Между тем первоначальные навыки предпринимательства и бережливости формируются в семье, а затем в школе на основе сотрудничества. Сегодня, живя в рыночной экономике, привлекая каждого учащегося в общество, он или она должны изучить концепции предпринимательства и бережливости в семье и в школе, найти свое место в рыночной экономике через образование и обеспечить экономическое образование в соответствии с национальным законодательством. ценности. вопросы.*

***Ключевые слова:** бережливость, предпринимательство, трудолюбие, предпринимательство, предпринимательство, профессиональное обучение, экономический учет, семейный бюджет, воспитание детей, новые технологии, рыночные законы, честность, чистота, щедрость.*

### **FAMILY COOPERATION TECHNOLOGY IN FORMING THE CONCEPTS OF ENTREPRENEURSHIP AND SAVING IN ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS**

#### **Annotation**

*In this article, one of the pressing problems is to equip students with entrepreneurial, lean and economic knowledge from elementary school, to work with the family, to train competitive personnel in accordance with the laws of the market. Meanwhile, the initial skills of*

*entrepreneurship and frugality are developed in the family and then in the school through collaboration. Today, living in a market economy, attracting every student to society, he or she must learn the concepts of entrepreneurship and frugality in the family and at school, find their place in the market economy through education and provide economic education in accordance with national legislation. values. questions.*

**Key words:** *thrift, entrepreneurship, hard work, entrepreneurship, entrepreneurship, vocational training, economic accounting, family budget, parenting, new technologies, market laws, honesty, purity, generosity.*

Бошлангич синф ўқувчиларига мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги шароитида иқтисодий тарбия бериш масалалари бугунги кунда ёшлар тарбиясида асосий муаммоларидан бири бўлиб келмоқда.

Маколамизнинг **кириш** қисмида бозор иқтисодиётига ўтилаётган бир пайтда ёшларда иқтисодий тафаккурни, бозор одоб-ахлоқини тарбиялаш айниқса муҳимлигига тўхталар эканмиз, иқтисодий тарбия ҳақида ўқувчи-ёшларимиз мукамал тушунчага эга бўлмоғи зарурлиги кўрсатилиши лозим. Ўқувчиларда иқтисодий тарбия беришнинг асосий **мақсади** жамиятга кириб келаётган ёш авлодга тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб ва оила буюжети кабилар ҳақида фикрлай олиш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Бошлангич синф ўқувчиларида тадбиркорлик ва тежамкорлик тушунчаларини шакллантиришда оила билан ҳамкорлик технологиясини йўлга қўйишда кўпроқ иқтисодий тарбиянинг **назарий жиҳатларига** алоҳида эътибор беришимиз лозим ва бу борада қуйидагиларга эътибор қаратамиз.

Иқтисодий тарбия ҳақида Шарқ мутафаккирлари томонидан келажак авлод учун, мунтазам ва етарли маънавий мерос қолдирилган. Чунончи, Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий математика фани инсон ҳаётида асосий ўрин тутишини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ҳисоб илмини билиши ва ўз ишига пишиқ бўлиши керак. Шунда у ўз меҳнатининг натижаларини ўлчовлар орқали аниқлай олиши мумкин. Абу Наср ал-Фаробий инсонга яшаш учун жуда кўп нарсалар кераклиги ва уларни вужудга келтириш йўлида бошқа шахсларга мурожаат қилишни эътироф этади ва бу ўринда олим инсон учун иқтисодий алоқа қанчалик зарур эканлигини кўрсатиб ўтади.

Ибн Сино болаларни ҳаётга тайёрлаш учун уларга хунар ўргатиш лозим деб кўрсатади. Инсон хунарни пухта ўрганиши орқали келажакда рўзғор тебратиш, оилани бошқариш ва тушунишда зарур эканлигини кўрсатиб ўтади. Бу ишни шундай олиб бориш керакки, бола ўз ота-онасининг ва ўз меҳнатининг натижаларини кўра билсин. Шундагина бола ўз имкониятидан тўғри ёки нотўғри фойдаланаётганини англаши мумкин дейди олим.

Бошлангич синф ўқувчиларига иқтисодий тарбия беришда уларга, иқтисодий қонунлар, объектив иқтисодий воқеликнинг **назария-сини**, объектив реалликни, илмий жиҳатдан ўргатиб боришимиз керак.

Хунар эгаллаш бошлангич синф ўқувчиларини мустақилликка ўргатади. Бу жараёнда бола ҳисоб-китоб қилишни ҳам ўрганади, ишбилармонлик ва ташаббускорлик хусусиятларига эга бўлади. Фарзанд оилада ота-онанинг хунари ва тажрибалари асосида тарбия кўради. Ота-она ҳар қадамда болага иқтисодий сабоқ берар экан қуйидагиларга эътибор беради:

-Иш қуроқларини ишлатгач, дарҳол ўрнига, ёпиқ жойга олиб, қўй. У ёмғир эмас, шудринг тегса ҳам занглайди, ўтмаслашиб қолади;

-Товонингни тўғри бос, пояфзалнинг пошнаси ейилмасин;

-Сувнинг бир томчиси ҳам азиз, уни кадрла ва исрофгарчиликка йўл қўйма;

-Ноннинг уволи турмушга, қоғознинг уволи обрўга путур етказди. Увоқни кўрдингми, кўзингга сурт, қоғоз парчасини четга олиб қўй деб бекорга айтмайдилар.

Шундай экан, буюк алломалар ўғитларига қулоқ солиб, бошлангич синфдан бошлаб ёшларга иқтисодий тарбия ҳақида дастлабки маълумотларни берсак, жуда катта имкониятларга, ривожланишнинг юқори поғоналарига эришимиз мумкин.

Шу боис бугунги янги Ўзбекистонда таълим-тарбия муассасаларида йўлга қўйилаётган янги ислохатлар таълим-тарбия, одоб-ахлоқ кўникмалари миллатимиз қадриятларига мос ҳолда иқтисодий тарбия моҳияти билан ўқувчиларни таништириш зарурдир. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар, иқтисодий ривожланиш, ёшларга бўлган эътибор, уларнинг бандлигини таъминлаш ўзига хос аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, иқтисодий алоқа ўрнатиш ва уни тарбиялаш учун одамлар, давлатлар, жамиятлар интеграсия йўлида ҳаракат қиладилар. Ҳозирги пайтда бу фикр нечоғлик тўғри эканлигини Европа амалиёти мисолида кўришимиз мумкин. Иқтисодий интеграсия давлатларга фақат бойлик келтираяпти. Ал-Фаробий "Бахт-саодатга эришув ҳақида" асарида шундай ёзади: "Инсон ўз маблағини сарфлашни билиши керак. Пул сарфлашда қизғанчиқлик қилиш ҳасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди". Кўриниб турибдики, ўтмиш мутафаккирлари мактаб ва оила шароитларида болаларни иқтисодий тафаккурини кенгайтириш, уларни ҳамкорликка, ишбилармонликка, иқтисодий ҳисоб-китобга ўргатишни ҳаётий тажриба асосида амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратганлар. Болага иқтисодий тарбия бериш оиладан бошланади. Ҳар бир киши деҳқончиқдан хабардор бўлиб, буғдой, гуруч, меваларни яратиш ва сақлаш йўллари билиши керак. Эҳтиёжни яроқли нарсаларга қаратиш ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши лозим. Ота-она увол қилиш гуноҳлигини фарзандига ёшлигиданоқ насихат, тушунтириш йўли билан ўргатиб бориши керак.

Ҳар қандай ҳолда ҳам бошланғич синф ўқувчиларида тежамкорлик ҳусусиятлари уларнинг мажозий хислатларига мувофиқ равишда шаклланади ва ҳасислик, пишиқлик, саҳийлик, халоллик тарзида кўзга ташланади. Ҳасис кишилар ўз имкониятларини тежашга доимо интиладилар, аммо ўзгаларнинг ва жамият манфаатини ҳимоя қилишга мойил бўлмайдилар, ундайлар шахсий манфаат, бойлигини кўпайтириш жазаваси билан ёниб, инсоф, мурувват ва одамийликни унутиб яшайдилар. Улар

"Топганингдан етарлисини еб-ичиб, кийиб, саломат, тетик, беармон яша», деган ғояга қарши иш тутиб, фаровонлигимизнинг асл мазмунига путур етказадилар: яшаш ва даромад қилишнинг виждонга, тарбияга хилоф усуллари қўллаб, баъзан кўпчиликнинг нафратига дучор бўладилар, фарзанд тарбиялаш маданиятига доғ туширадилар.

Пишиқлик даромад ва ҳаражатни тўғри режалаштириш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, хўжасизликнинг олдини олиш манбаидир. Рўзғорда ёки хўжаликда бор нарсани қизғанмаслик, инсон қадрини моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш саҳийлик аломатидир. Саҳийлик кишиларда камтарлик, соддалик, кўнгилчанлик, раҳмдиллик, самимийлик, меҳмондўстлик, муҳтожни қўллаш, берилган ёрдамни таъна қилмаслик ҳусусиятлари устун бўлади. Саҳийлик юксак даражадаги инсонпарварликдир. Шу билан бирга саҳийлик, тежамкорлик руҳи билан суғорилмоғи керак. Ёшларга даромад ҳажмини белгилаш ва ҳаражатнинг меъёрини барқарорлаштириш, бошқача айтганда, неъмат яратиш ва уни тасарруф етиш режасини ишлаб чиқиш ва унга қатъий амал қилиш кўникмаси сингдирилиши даркор ва борада ота-она ҳамиша болаларга наъмуна бўлиши лозим, ўзлари билан болаларни рўзғор ишларида, оилавий хўжалик юритишда доимо ёнма-ён олиб юришлари ва моддий имконият қандай пайдо бўлишини бевосида улар иштирокида амалга ошириш ижобий натижа бериши кўзга ташланади.

Ота-она болага ишни кўрсатиш билан чекланмай, балки бола уни қандай бажараётганини назорат қилиб туриш, лозим бўлса, маслаҳат, кўмак бериши, ғайратбахш сўзлар айтиб руҳлантириб туриши мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, тарбиянинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб, жамоатчилик ва меҳнат жамоаларининг ҳамкорлигига боғлиқ бўлиб, бир хил куч-ғайрат сарфлашга ва ўқувчиларга нисбатан қўйиладиган талаблар ҳам бир хил бўлишига боғлиқ.

Бугунги кунда умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида ўтиладиган барча фанлар замирида иқтисодий тушунчаларни ёшлар онгига сингдириш орқали

уларни ҳаётга тарбиялаб бориш йўлга қўйилмоқда. Бошланғич таълимда ўқувчиларга дарс жараёнида балки дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотларда, тарбиявий тадбирларда ҳам ҳар хил ўйинларни ўтказиш жараёнида ўқувчилар онгига сингдириб борилади. Ўқувчиларда иқтисодий тарбияни юксалтиришда меҳнатнинг ўзига хос таъсир этиш кучи бор. Шунинг учун иқтисодий тарбияни шакллантиришда меҳнат тарбияси билан интеграциялаш муҳим аҳамият касб этади. Бизга маълумки, қадимдан ва ҳозир ҳам кундалик ҳаётига бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Шу сабаби инсонлар яшаш учун курашадилар.

Бошланғич таълимда иқтисодий тарбияни йўлга қўйиш 1-синфдан бошлаб математика дарсларида амалга оширсан мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки математика дарслари орқали ҳисоблаш жараёнларида иқтисодий фикрлаш қобилиятлари ривожлантирилади. Бугунги кунга қадар кўплаб олимлар томонидан ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялашда миллий-маънавий кадрлар муҳим омил эканлиги эътироф этилмоқда. Ёшларнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга қаратишдан мақсад шундан иборатки ёшларда иқтисодий тарбияни юксалтириш орқали янгиланаётган Ўзбекистонни гуллаб-яшнаб тарақий этиши ва юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишига ҳиссамизни қўшишдир.

Бола шахсини камолга етказиш учун оиладаги иқтисодий тарбиявий жараёни педагогик маданият асосида ташкил этиш жуда муҳимдир. Ота-она томонидан берилаётган педагогик маданият ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, балки унга тарбия билан жиддий шуғулланиш, изланиш, ўқиш, тажриба орттириш орқали эришилади. Оилада бола тарбиясини режимни боланинг ёшига қараб белгилаш лозим. Режимга ўрганган болада тартиблилик, интизомлилик хислатлари табиий равишда ривожланади; Ота-она синчков бўлиб, боланинг ривожланишига шароит яратиб бера олса, камол топишига катта йўл очади. Бу борада миллий кадрлар асосида тарбия бериш орқали ўқувчиларда тежамкорлик тушунчаларини сингдириш учун қуйидагиларга эътибор беришимиз лозим:

- Бозор иқтисодиёти оила тарбиясида кенг қўлланиб келинган миллий кадрлар сифатидаги тажрибаларига суянишни ҳам тақозо этади. Масалан, ўзбек оилаларида болаларни тежамкорлик руҳида тарбиялаб келганлар, исрофгарчиликка йўл қўймаганлар;

- Маълумки, «иқтисод» сўзининг маъноси кенг бўлиб, чуқур мазмунга эга. Кўп ўринда бу сўз халқ ичида «тежамкорлик» сўзининг синоними сифатида қўлланилади. Тежамкорлик ҳақида сўз кетганда исрофгарчиликка йўл қўймасликка тушунамиз;

- «Иқтисод» тушунчасига, машҳур ўзбек мутафаккири Абдулла Авлоний қуйидагича таъриф беради: «Иқтисод деб пул ва мол каби наъматларнинг қадрини билмакка айтилув». Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда, сўмни аямас. Саховатнинг зидди баҳиллик ўлдиғи каби иқтисоднинг зидди исровдур. Аллоҳ. Таоло исроф қилувчиларни суймас»;

- Ота-боболаримизнинг ўз фарзандларини тежамкор бўлишга ундаганларини халқ оғзаки ижоди мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, тежамкорлик мавзуи халқ мақолларида ҳам ўз аксини топган. Зеро, бу мақоллар юз йиллар давомида авлоддан-авлодга ўтиб, халқнинг дилида сақланиб келган. Мана уларнинг айримлари: «Тежаган-бирга бирни кўшар, тежамаган бирини ҳам бой берар», «Пул топиш учун куч-қувват керак, тежамкор учун фаҳму-фаросат», «Тежамкор-олқиш олар, исрофгар койишга қолар» ва ҳоказо;

- Ҳаттоки, ота-оналаримиз тежамкорлик руҳида тарбиялаш вазифасига фарзандларининг бахтли-саодатли бўлишининг бир шarti, ахлоқий тарбиянинг бир кўриниши сифатида қараганлар;

- Бозор иқтисодиётининг мақсади жамиятнинг барча аъзоларини, жумладан, ота-оналарни, уларнинг фарзандларини амалий ҳисоб-китобга ўргатишдан иборат. Зотан, пул ҳам шахсни тарбиялайди. Уни менсимаслик икки томонлама хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Унинг бир томони, болани оиланинг моддий қийинчиликларини билишни истамаслик одати пайдо бўлади ва у текинхўрликка ўрганади. Иккинчи томони, пулга хирс қўйиш, очкўзлик,

худбинлик, хасислик каби иллатларни келтириб чиқаради;

- Маълумки, азалдан ота-оналаримиз болаларни хўжалик ишлари билан таништириб, оиланинг кириш ва чиқим ишларини уларга ўргатиб келишган. Шу тарзда, болада оиланинг моддий аҳволи ҳақида тасаввур ҳосил бўлишига эътибор берилган;

- Ҳозирги замонда бутун дунёда кўзга ташлаётган озиқ-овқат, ичимлик суви, фойдали қазилмалар ва шу каби захираларнинг камайиб бораётганлиги, шунингдек, аҳволи сонининг ортиб кетаётганлиги қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги тежамкорлик, ишбилармонлик, омилкорлик каби қадриятларнинг умуминсоний, умумбашарий аҳамиятини зарурлигини кўрсатиб бермоқда;

Демак, тежамкорлик ишбилармонликни бир кўриниши сифатида қадрият ҳисобланиб келинган ва у маънавий-ахлоқий мазмунга эгадир. Бу тушунчани бола онгига сингдириб бориш ота-онанинг вазифасини бўлиб, уни бажариш фақат шахсий иш бўлмасдан, балки ижтимоий аҳамиятига молик ҳодисадир. Чунки, бола ўзида тежамкорлик туйғусини шакллантира бориб, фақат ўз меҳнатини ва ўзгалар меҳнатини қадрига етадиган бўлади. Буни англаб етиш болада ўзи, ота-онаси ва жамият яратган бойликларни қадрига етиш, уларни асраб-авайлаш кўникмаси ва малакаси пайдо бўла бошлайди, лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, меҳнатга кўниктириш зиммаларидаги бурч эканлигидан шундай йўл тутадилар.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ўз хўжалиги бўлади ва у ўз хўжалигини соф, ҳалол меҳнати билан қуради: бу хўжалик даромади оила аъзоларининг қандайдир доимий фонда олиб туришлари орқасидан эмас, балки иш ҳақининг ошиши ва оила ҳаражатларидан орттириб, тежаб қолиш туфайли кўпаяди. Оила давлатманд бўлса, бу ҳол оила аъзолари яхши ва бахтли ҳаёт кечираётганини, истеъмол буюмларини кўпроқ келаётганини, ўз эҳтиёжларини қаноатлантираётганини билдиради.

Ҳар бир оила ўз хўжалигини тузатиб олиш йўли билан турмушини яхшилашга уринади. Оиланинг давлатманд бўлиши кўпроқ бутун мамлакат эришган муваф-

фақиятларга унинг иқтисодий ва маданият соҳасидаги ютуқларига боғлиқ бўлади. Оилада болаларни тежамкорлик руҳида тарбиялашга қанчалик кўп эътибор берилса, улар халққа ҳам, ота-оналарига ҳам ўзларига ҳам шунча кўп фойда етказадилар. Ҳар бир бола оиланинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Демак, у оила хўжалигининг иштирокчисидир. Кўпинча ота-оналар болаларининг ҳамма нарсани муҳайё қилиши, уларни беҳад севганликларидан қиладилар. Болаларини деб ўзларининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ҳам четга суриб қўядилар, лекин буни бола эсига ҳам келтирмайди ва ҳатто секин-аста ўзини ҳаммадан ортиқ, менинг истагим ота-онам учун қонун, деб ўйлашга одатланади. Бу тарбиянинг нотўғри ва зарарли йўли бўлиб, бундан ота-оналарнинг ўзлари кўпроқ заҳмат чекадилар. Бизнингча, ота-оналар ўз фарзандларини меҳнатсевар ва тежамкор қилиб тарбиялаш учун қуйидагиларга амал қилишлари керак:

- Бола ўз ота онасининг қаерда ишлашини ва нима ишлаб чиқаришини, бу ишлаб-чиқаришнинг бутун жамият учун қандай аҳамияти борлигини билиши керак;

- Умуман, бола ота-онаси ишлаб, топиб келтирадиган даромаднинг катта ва фойдали ижтимоий меҳнат эвазига олинадиган иш ҳақи эканини мумкин қадар эртароқ ва яхшироқ тушуниши лозим;

- Болани оила бюджети билан мумкин қадар эртароқ таништириш лозим. У отаси ва онасининг қанча маош олишини билиши керак. Бола ота ёки онасининг нимага муҳтож эканлигини, ўзининг баъзи эҳтиёжларидан вақтинча кечишга одатланиши керак;

- Агар оиланинг моддий шароити жуда яхши бўлса, боланинг ўз тенгдошлари олдида бундай яхши шароит билан ғурурланиш ва мақтанишга одатлантирмаслик керак. Бола оиланинг бойлигидан ўзгалар олдида гердаишга ҳеч қандай асос йўқлигини тушуниш зарур;

- Ота-оналар болаларининг ҳалол, ростгўй ва софдилликка одатланиб боришларини диққат билан кузатиб боришлари керак. Улар ҳеч нарсани боладан яширмасликлари ва шу билан бирга унинг кўз ўнгида ётган бўлса ҳам, сўроқсиз олмасликка ўргатишлари зарур;



- Бола фақат ўз хонадонидаги буюм-ларинигина эҳтиёт қилиб қолмай, балки бошқа кишиларнинг буюмларини айниқса, кўпчилик фойдаланадиган буюмларни ҳам эҳтиёт қиладиган бўлиши лозим;

- Тежаб-тергаб иш кўриш одатларини болада мумкин қадар эртароқ тарбияламоқ керак. Одат машқ қилиш билан ҳосил бўлади, шу йўл билан болада буюмларни тежаб-авайлаб туриш истагини доимо рағбатлантириб туриш керак;

- Пулни тежаб-терган сарфлаш айниқса муҳимдир, бундай ҳаражатларнинг рўйхати боланинг ёшига ва оиланинг қурбига қараб турлича бўлиши мумкин;

- Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг меҳнатсевар, тежамкор ва эҳтиёткор кишилар бўлиб етишишларида ўзлари намуна бўлишлари керак. Бу тарбия ишлари учун жуда муҳим омиллардан саналади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мавзунинг **амалий** жиҳатларига эътибор берар эканмиз барча ҳолатларни амалда қўллаб ундан тўғри йўлни танлашни ўқувч-ёшларга ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан мактаб, оила, маҳалла ва жамоатчилик ҳамкорлигида ташкил этилган амалий тадбирлар ва хўжаликни юритиш ҳақидаги маълумотларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу борада оила бюджети ва хўжалик юритиш алоҳида аҳамиятга эгадир: Бизнинг мавзуни ўрганишда оила бюджети ва хўжалиги, уни режалаштириш, ота-она, болалар ўртасида ишларнинг тақсимланиши ва оиланинг иқтисодий манбаи хусусида фикр юритилиб, ўқувчиларда оила бюджетининг даромади ва ҳаражати, оила хўжалигини бошқариш каби тушунчалар шакллантирилади. Ўқитувчи дарснинг мустаҳкамлаш қисмидан сўнг қуйидаги фикрларни навбат билан икки ўқувчига кетма-кет ўқитади:

- Иқтисодий ҳолат ҳақидаги умумий тушунчаларни шакллантиришда оила аъзолари хусусан ота-онанинг ўрни бекиёсдир;

- Пул ва молни керакли, зарур нарсаларга сарфлагандан кейин қолган пулдан бир қисмини келгуси кунлар учун сақлаш лозим. шундай қилинса, доимо иқтисод қилиб борилса, катта сармоя ҳосил бўлади;

- Иқтисод қилишга, тежамкорликга одатланган одамлар саодат ва тинчлик билан умр кечирадилар. Тўғри, яхши ейиш, яхши яшаш, яхши кийиниш керак, аммо «кўрпанга қараб оёқ узат» нақлига амал қилинса, бошқаларнинг нарсаларига таъма қилинмайди, кўнгил ҳам хотиржам бўлади. Қўлида бўлган пулга қаноат қилмаган одамнинг нафси бутун дунё молига ҳам қаноат қилмайди;

- Ёш оилалар фақат бир-бирларини тушунмаслик туфайлигина эмас, балки иқтисодий шароитни йўлга қўя олмай ҳам ажраладиган ҳоллар учрайди.

- Шундай оилалар борки, қийинчилик билан топилган пулни, осонгина сову-радилар, улар оиланинг иқтисодий масалалари билан юзаки шуғулланадилар. Аммо бу борада ўнлаб кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган кўп муаммолар бор. Оила аъзолари ойига қанча иш ҳақи олишлари аниқ, лекин шу пулни қайси мақсадларга, қандай сарфлаётганлари ҳақида аниқ ҳисоб-китоб йўқ;

- Оилада болаларни ёшлигиданок оиланинг иқтисодий масалаларни ҳал қилишга жалб етиш биринчидан боланининг ота-она олдидаги қадрини оширади, боланинг ўзига ишончини кучайтиради, иккинчидан пул сарфлаш маданиятига ҳисоб-китобга, тежамкорликка ўргатади. Оила хўжалигининг иқтисодий масалалари демократик асосда, ҳамма оила аъзолари иштирокида ўтадиган оилаларда пул-маблағ сабабли жанжаллар рўй бермайди, балки оила аъзоларини янада жипслаштиради;

- Оила ўз эҳтиёжларини қийинчилик билан (маълум бир сабабларга кўра) қоплаётган бўлса, шундай қилиш керакки, бола бошқаларга ҳасад билан қарамасин. Бола меҳнатсиз келадиган даромаддан кўра, қийинчилик билан, меҳнат билан оила ҳаёти яхшиланишидан фахрлансин. Агар оилада пул маблағлари тўғри сарфланса, бу оиладаги бола босиқ, тежамкор, пулнинг қадрини биландиган бўлиб улғаяди;

- Шунақ оилалар борки, ойлик олиши билан болаларга ширинликлар, ўйинчоқлар совға қилинади-ю, кейин танг ҳолга тушиб қолишади. Бундай оилалардаги болалар пул ва буюмларнинг қадрига етмайди, борган сари катта талаблар қўя бошлайди. Ота-она

кийинчилик билан бўлса-да боланинг хар-хашасидан қутилиш учун айтган нарсасини олиб беради;

- Бундан болада боқимандалик кайфияти, исрофгарчилик одати, худбинлик пайдо бўлади. у хақиқий юрт граждани, меҳнат-каши бўла олмайди;

- Бундан болага умаман совға бермаслик керак деган маъно чиқмайди, аммо совға болага катта хурсандчилик бахш этади ва у доимо совға кутади! Пухта ўйлаб қилинган совғанинг тарбиявий аҳамияти катта бўлади;

- Боланинг оила хўжалиги ишларида катнашиши ўзининг ортикча талаблардан тийишга, исрофгарчиликка қарши курашга ўргатади. Бола 8-9 ёшга етганда ҳара-жатларни ҳисобга олган ҳолда олдиндан пул бериб туриш мумкин. Бола бунга ўрган-гандан кейин уни мунтазам таъминлаб туриш зарур. Боланинг меҳнати ёки ўқиши ҳеч қачон пул билан рағбатлантирмаслик керак;

- Пул қадрини сақлаш ва бошқа молиявий харажатларни рационал тартибда йўлга қўйиш оилада иқтисодий тарбиянинг асосий механизмларидан бири ҳисобланади. Оилада маълум мақсадда тўпланган пул ўз қадрини йўқотмаслиги учун у кўчмас мулкка, олтин ва қимматбаҳо буюмларга, шунингдек қимматбаҳо қоғозларга айлантирилади. Миллий анъаналаримизга кўра ота-оналаримиз ўз фарзандларини уй-жой билан таъминлашга катта эътибор берганлари кўчмас мулкка бўлган эҳтиёжи асосий мақсадга айланади;

- Оилани бошқаришда бюджетни оқилона ва тўғри режалаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир оилада даромад ва сарф-харажатлар доимий ҳисобга олиб борилса, режалаштирилса барча ҳолат ойдинлашади. Олиб бориладиган ҳисоб-китобларга кўра режалаштириш варинатлари ҳам ўзгариб туради. Умуман олганда иқтисодий қонунлар ва категориялар бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб улар бир-бирини тўлдиради. Уларни биз ўзимиз тўлиқ англаб етганимиздан кейин, ўқувчиларга иқтисодий билимлар беришимиз орқали иқтисодий маданият, иқтисодий дунёқарашлар амалга оширилади. Иқтисодий қонунларни ўргатиш орқали биз ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишга, қилаётган саъйи – ҳаракатлари

самарали бўлишга, тежамкорликга, авайлаб асрашга, ўргатиб исрофгарчиликка йўл қўйишнинг олдини оламиз. Инсонда шундай улуғ бир неъмат борки, у ҳусни комилликка, гўзал фазилатларга, ҳамда одоб-ахлоққа, одам-ларнинг меҳру-муҳаббатини қозо-нишга илохий қувватдирки, уни оддий қилиб айтганда ҳалоллик дейдилар.

“Эй фарзандларим, яхшилик қил ва қилган яхшиликдан ҳаргиз пушаймон бўлма. Бир кишига бир яхшилик қилсанг, яхшилик қилган вақтда у кишига нақадар роҳат бахшида этган бўлсанг, сенинг кўнглингга ҳам ундан зиёдрок шодлик ва хуррамлик киради. Эй фарзанд, сен ҳам ҳунарни донодан ўрганмасанг, нодондан ўрган. Барча катта, кичикка ҳунар ўргатмоқ вожибдир, киши ҳунар ўрганмоқ биланн ўз ҳамроҳларидан баланд мартабада бўлади. Ҳунар ўрганмоқда меҳнат қилмоқ, баданни ялқовлик, яъни бекорчиликдан қутқармоқ фойдалидир, бекорчиликдан баданнинг фасод ва беморликка сабаб бўлади”. Кўп кишилар бўладикки, шарм қилиб ўзларининг барча максудларидан айриладилар. Сен у миқдор шарм қилки, ўзингга зарар ва зиён етказадиган даражада шарм қилма. Нодон билан ҳамсухбат бўлма, хусусан сени доно деб гумон этган билан.

**Хулоса** қилиб айтганда, Ўзбекистон — келажаги буюк давлат бўлиши учун бозорларимизда Шарқона одоб-ахлоқ анъаналарни жорий этишимиз, ҳар бир фуқаромизга бозор-тижоратни тушунтириб боришимиз, ўқувчи-ёшларни кўпроқ чет элдаги бозорлар ҳақида, тижорат таълимини тез вақт ичида йўлга қўйиш ҳақида маълумотлар бериб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яна шу нарса ҳақиқатки, иқтисодиётдаги ҳар бир ҳаракат заминидан манфаат, унга эришиш мақсади ётади. Бу хусусиятлар ҳар бир ёшда шаклланган бўлиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.* – Тошкент,: Шарқ. 1997.-65 б.

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республи-касини 2017-21 йилларда янада ривож-лантириш бўйича бешта уствор йўналишлар юзасидан “Ҳаракатлар стратегияси”*

- тўғрисида фармони, 1-илова.-Т.: Ўзбекистон, 2017 й.
3. Мирзиёев Ш.М.. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, НМИУ, 2017 й. 592-б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008 й.
5. Абу Али ибн Сино. Хикматлар. – Тошкент, : Ўзбекистон, 1980. – 24 б.
6. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: А.Қодирий, 1993. – 223 б.
7. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон–ёхуд ахлоқ. –Тошкент, : Ўзбекистон, 1992. –160 б.
8. Жониматова Х. Абу Али ибн Сино таълим–тарбия тўғрисида. – Тошкент, : Ўзбекистон, 1990. – 97 б.
9. Кайковус. Қобуснома. –Тошкент, : Ўқитувчи, 1992. – 85 б.
10. Маҳмудов К. Турмуш зийнати. – Тошкент, : Ўқитувчи, 1991. –135 б.
11. Умарова Х.А. Бошлангич синф ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг иқтисодий саводхонлигига қўйиладиган талаблар. –Т.: ЎзПФТИ. 2014 й.
12. Ҳайдаров М.Э. Педагогик мерос тарбия манбаидир. Бошлангич таълим. – 1992. -№11-12. -19-20 б.
13. Худойқулов Х.Ж. Шарқ мутафак–кирлари иқтисод одоби тўғрисида. – Тошкент, 2005. -110 б.
14. Худойқулов Х.Ж. Ўзбекнинг гурурининг одобида. Тошкент. 2007. 150 б.
15. Худойқулов Х.Ж. Бозор одоби –миллий қадриятларимиз кўзгуси. –Т.: Навруз. 2011 й.
16. Ҳасанбаев Ж. ва бошқалар. Иқтисодий тарбия назарияси. Тошкент.: ТДИУ: -2006 йил, -175 б.

*Д.М.Элмуратова- п.ф.ф.д.(PhD)ГулДУ*

## **БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ҲОЛАТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛИ**

### **Аннотация**

Мақолада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш, касбий малалакаларни эгаллашда замонавий инновацион технологияларидан фойдаланиши орқали бошлангич синф ўқитувчиларининг инновацион фаолияти ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** бошлангич синф ўқитувчиси, инновация, таҳлил, педагогик жараёнлар, PEST таҳлил

## **СОВРЕМЕННЫЙ АНАЛИЗ СИТУАЦИИ ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ К ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

### **Аннотация**

В статье освещается инновационная деятельность учителей начальных классов через подготовку будущих учителей начальных классов к профессиональной деятельности, использование современных инновационных технологий в приобретении профессиональной квалификации.

**Ключевые слова:** учитель начальных классов, инновация, анализ, педагогический процесс, PEST-анализ.

## **MODERN ANALYSIS OF THE SITUATION OF PREPARING A FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHER FOR INNOVATION**

### **Abstract**

The article highlights the innovative activity of primary school teachers through the training of future primary school teachers for professional activities, the use of modern innovative technologies in the acquisition of professional qualifications.

*Keywords: primary school teacher, innovation, analysis, pedagogical process, PEST analysis*

Мамлакатимизда амалга оширилиётган фан-техника тараққиёти ва жамиятдаги ўзгаришлар, замонавий таълим тизимининг юқори даражада янгилашиш босқичида бўлажак ўқитувчиларни табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнига ўзига хос талаблар қўймоқда. Бўлажак педагогларни табиатшунослик ўқитиш методикаси бўйича инновацион касбий фаолиятга тайёрлашнинг янгилашган талаблари моҳияти: инновацион касбий фаолиятга тайёрлашга шароит яратиш, тез ўзгарувчан меҳнат мазмуни ва узлуксиз янгилашиб борадиган билимлар зарурати билан боғлиқ.

Инновацион педагогик жараёнлар Фарбда тахминан XX асрнинг 50-йиллари охирида, мамлакатимизда сўнгги ўн йилликларда махсус ўрганиш предметига айланди. Уларга жаҳон педагогик жамоатчилигида қизиқиш алоҳида инновацион хизматлар, нашрлар, журналлар, ахборот нашрларининг яратилишида ўз аксини топмоқда. Жумладан, ЮНЕСКО қошида Осиё таълимни ривожлантириш учун педагогик инновациялар маркази мавжуд бўлиб, у дунё мамлакатларининг педагогик янгиликларини умумлаштиради ва таълим масалалари бўйича Халқаро бюро билан ҳамкорликда махсус нашр саҳифалари орқали педагогик жамоатчиликни хабардор этади.

Адабиётларнинг назарий-илмий таҳлили инновацион жараённи интенсифлаштиришга (жадаллаштиришга) кўмаклашувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини беради: а) таълим муассасалари раҳбарларининг инновацион имкониятлари; б) ишлаб чиқилган комплекс лойиҳалар; в) лойиҳалар доирасида ва жараённинг ўзида маслаҳат бериш; г) ижтимоий-иқтисодий муҳит; д) инновацион жараён иштирокчиларининг улушли вазиятлари. Бундан инновацион жараён доимо маълум йўналишга эгаллиги келиб чиқади. Улардан бири – бу педагогик фаолиятга йўналганлик. Таълим – жамиятнинг таркибий қисми, ўқитувчилар – унинг таркибий тизими аъзолари; улар фаолиятининг табиати бевосита янгиликлар билан

боғланган. Шу тариқа таълим тизимида янгиликларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: мазмунида; ўқув-тарбия жараёнининг методикасида, технологиясида, ташкилий шаклларида, методларида, воситаларида; таълим муассасасини бошқаришда; миқёси бўйича: давлат, ҳудудий; миллий-худудий; янги турдаги таълим муассасалари; педагогик аҳамиятлилиги бўйича: мустақил (хусусий, локал, яққа ва х.к.); ўзаро боғлиқ бўлмаган; модулли (хусусий, ўзаро боғлиқ инновациялар комплекси); тизимли; келиб чиқиши бўйича: модификацион, яъни такомиллашган; аралаш (аввал маълум бўлганига янги компонентни бирлаштиради); тубдан янги турлари мавжуд.

Табиатшунослик ўқитиш методикасида инновацион фаолиятни шахсий тоифа, яратувчилик жараёни ва натижаси сифатида талқин қилиш мумкин. Тизимли-йўналтирилган тадқиқот ишларда инновацион фаолият креатив парадигманинг шахсий, бошқарувчи-коммуникатив ва натижали тизим остиларининг таҳлилида очиқ берилади.

Табиатшунослик ўқитиш методикаси бўйича талабаларда инновацион фаолият шаклланилигини тўрт даража бўйича баҳолаш мумкин. Бўлажак ўқитувчиларни табиатшунослик фанидан инновацион касбий фаолиятга мустақил, ижодий, амалий тайёрлаш муаммоси ҳар доим психология ва педагогика соҳаси тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган. Таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва педагогларнинг ўзлаштирган компетенцияларини келгуси меҳнат фаолиятида амалиётга татбиқ қилиш даражаси билан боғлиқ.

Табиатшунослик дарсларида бошланғич синф ўқитувчиси инновацион фаолиятининг асосий хусусияти кичик мактаб ўқувчиси шахсини шакллантиришнинг бошланғич даврда амалга оширилиши, атроф-оламни илмий билишнинг дастлабки кўникма ва малакаларини шакллантириш ва бошланғич синф ўқувчиларининг турли ижтимоий муносабатларга киришлари билан

боғлиқлиги ҳисобланади. Мазкур яхлит жараёни табиатшунослик дарсларида тизимли ташкил этишда марказий ўринни бошланғич синф ўқитувчиси – таълим ва тарбия мазмуни ташувчиси, ўқувчи билиш фаолияти, шахсининг ҳар томонлама ривожланиши ва шаклланиши ташкилотчиси эгаллайди.

Табиатшунослик дарсларидаги инновацион фаолият жараёнида бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчисининг ёш ва индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишига тўғри келади. Бу табиатшунослик дарсларида қўлланадиган инновациялар хусусияти ва мазмунида ифодаланади. Улар мазмуни ва ифода шакли бўйича кўп қиррали бўлиб, қуйидаги белгилари асосида таснифлаш қабул қилинган: фаолият турлари бўйича: педагогик, бошқарув; киритиладиган ўзгаришлар хусусиятига кўра радикал, аралаш, модификацион; киритиладиган ўзгаришлар миқёси бўйича: локал, модулли, тизимли; фойдаланиш миқёси бўйича: бир марталик, тарқалган; манбаси бўйича: ташқи, ички.

Инновацион, муаммоли педагогик вазиятларни қисмларга ажратиш ва таснифлаш, инновацион ахборотни фаол излаш, янгилик билан таништириш; янгиликни яратиш, фаолият операцион компонентининг асосий ташкил этувчилари, мавжуд таълимий лойиҳаларни шахсий-мотивли қайта ишлаш, уларни мустақил интерпретациялаш ёки ўзлаштириш бўйича шахсий имкониятларини касбий-мотивли таҳлил қилиш, янгини қўллаш бўйича қарор қабул қилиш; янгиликни қўллаш мақсадлари ва умумий концептуал ёндашувларни шакллантириш; инновацион фаолият мақсадларига эришиш, ўзгаришлар, қийинчиликлар, воситаларини башоратлаш; янгиликни жорий этиш йўллари хамкасблар, маъмурият, маслаҳатчилар билан муҳокама қилиш; ғояларни яратиш, тажрибасининг концептуал асосини ва босқичларини ишлаб чиқиш; инновацион хатти-ҳаракатларни амалга ошириш: педагогик жараёнга янгиликни киритиш ва унинг ривожланиши ҳамда жорий этишнинг боришини кузатиш; янгиликни киритиш ва бутунинновацион фаолиятнинг назорати ва коррекциясини амалга ошириш; жорий этиш

натижаларини баҳолаш, педагогнинг ўз-ўзини амалга ошириш рефлексияси.

Ташқи муҳитнинг тезкор ўзгаришлари шароитида таълим олмайдиган ташкилотлар ўз ривожланишини сифатли ва ишончли бошқаришга қодир бўлмайди. Инновацион фаолият жараёнида ўқитиш тизимини қуриш (вазифаларни бажариш жараёнида ўқитиш) ташкилий ўқитиш номини олган.

Ўқитувчи изланувчан, андозалар билан қоникмайдиган шахс сифатида тавсифланади. Барча ҳолатлар учун мажбурий бўлган таълим ва тарбиянинг ягона методикаси мавжуд эмас: ҳар бир ўқитувчи новатор бўлиши, унинг шахсий сифатларига жавоб берадиган ўз ёндашувларини топиши мумкин.

“Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанининг дидактик таъминоти инновацион фаолият босқичлари бўйича PEST-таҳлил асосида ишлаб чиқилган. *PEST таҳлил* (баъзан қадам деб аталади) - инсоннинг табиатга таъсир қилувчи муҳитнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва технологик жиҳатларини аниқлаш учун мўлжалланган восита, фаннинг инновацион фаолиятларини ҳам таҳлил қилади.

Сиёсат ҳокимиятни тартибга солганлиги сабабли ўрганилади, бу эса ўз навбатида табиат ва унинг фаолияти учун асосий ресурсларни олишни белгилайди. Иқтисодиётни ўрганишнинг асосий сабаби ресурсларнинг давлат даражасида тақсимланиши тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш бўлиб, бу инсон фаолиятининг энг муҳим шarti ҳисобланади. Тенг муҳим истемол томонлар *PEST* таҳлил ижтимоий таркибий қисми ёрдамида белгиланади. Охириги омил-технологик компонент. Унинг тадқиқот мақсади технологик ривожланиш тенденцияларини аниқлаш бўлиб, улар кўпинча табиатдаги ўзгариш ва йўқотишларнинг сабаблари ҳамда янги маҳсулотларнинг пайдо бўлишидир.

Таҳлил "омил — инсон" схемаси бўйича амалга оширилади. Таҳлил натижалари матрица шаклида тузилади, унинг предмети макро муҳит омиллари, предмет-уларнинг таъсир кучи, баллар, сафлар ва бошқа ўлчов бирликларида баҳоланади. *PEST* таҳлил натижалари инсон, ишлаб чиқариш ва табиатдаги иқтисодий вазиятни баҳолаш

имконини беради.

Мазкур хулосаларга таянган ҳолда, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш методикасини такомиллаштириш самарадорлиги юзасидан қуйидаги **тавсиялар** шакллантирилди:

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашга оид янги влод ўқув адбиётларини яратиш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича веб-ресурсларни, маҳорат дарсларини ишлаб чиқш;

бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш коучинг сеессиялари ва супервизия методикаларини яратиш.

Бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлаш бўйича тажрибасинов ишларининг назарий таҳлиллари бошланғич синф ўқитувчиларини инновацион касбий фаолиятга тайёрлаш методикаси такомиллаштиришни тақозо этди ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш жараёни ўқитувчи шахсини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив омилларининг диалектик бирлигида детерминацияланиши тасдиқланди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Элмуротова Д.М. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда табиий фанларни интеграциялашнинг роли // Узлуксиз таълим тизимида инновацион технологиялар: муаммолар ва ечимлар: Респ. илмий-амалий конф. материал. – Гулистон: ГулДУ, 2010. – Б 27-28.

2. Элмуротова Д.М. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини табиатишуносликдан касбий фаолиятга тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари // Тафаккур сарчашмалари: магистрларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. – Тошкент: ТДПУ, 2010. – Б.247-249.

3. Элмуротова Д.М. Талабаларда креативликни ривожлантириш йўллари // Биология фанининг долзарб муаммолари ва уни ўқитишда инновацион технологиялар илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент: ТДПУ, 2017. – Б 138-141.

4. Elmuratova D.M. Aspects of professional-pedagogical preparation of the future teacher of initial classes // Молодежь и наука: шаг к успеху: Сборник научных статей Всероссийской научной конф. перспективных разработок молодых ученых. – Курск, 2017. – С. 10-13.

**В.А.Қодиров-п.ф.д. АДУ**

## ДИДАКТИК ҲАМКАМЛАРИНИНГ БОЛАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШДАГИ МЕТОДИК ИМКОНИЯТЛАРИ

### Аннотация

Мақолада мактабгача таълим ташиқлотларида дидактик ҳамакамлини болаларни мустақил фикрлашга йўналтириш, фикрлаш тезлигини оширишдаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Мактабгача ҳамадаги бола ўзини қуршаб турган дунёни билиш жараёнида бевосита борлиқ билан мунособатга киришишига интилади. Бу интилишини ҳама шаклида мақсадга йўналтириш гоаят муҳим, яъни мактабгача таълим ташиқлотларидаги таълим-тарбия ишлар самараси асосан болаларнинг ҳама фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ташиқил қила билишига боглиқдир.

**Калим сўзлар:** “Илк қадам” дастури, дидактик ҳамакамли, мустақил фикрлаш, ижодий ҳамакамли, қоидали ҳамакамли, таълим методлари, фикрлаш тезлиги.

## МЕТОДИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГР В ПРИУЧЕНИИ ДЕТЕЙ САМОСТОЯТЕЛЬНОМУ МЫШЛЕНИЮ

### Аннотация

*В статье речь идёт о значении дидактических игр в приучении детей самостоятельно мыслить, развитии их скорости мышления в организациях дошкольного образования. Ребёнок дошкольного возраста в целях познания стремится войти с окружающим миром в контакт. Очень важно это стремление целесообразно направить в игровой форме. Эффективность учебно-воспитательной работы в учреждениях дошкольного образования связана с правильной организацией игровой деятельности.*

**Ключевые слова:** программа «Илк кадам» (Первый шаг), дидактические игры, самостоятельное мышление, дидактические игры, методы обучения, скорость мышления.

## METHODOLOGICAL POTENTIAL OF DIDACTIC GAMES IN DIRECTING CHILDREN TO INDEPENDENT THINKING

### Annotation

*The article deals with the importance of didactic games in teaching children to think independently, developing their speed of thinking in organizations of preschool education. A preschool child, in order to learn, seeks to enter into contact with the world around him. It is very important to direct this aspiration in a playful way. The effectiveness of teaching and educational work in preschool education institutions is associated with the correct organization of play activities.*

**Keywords:** "First step" program, didactic games, independent thinking, creative games, rule games, teaching methods, thinking speed.

Таълим тизимининг ибтидоси бўлмиш мактабгача таълим босқичида тарбияланувчиларнинг етакчи фаолияти ўйин саналса-да, ушбу жараён замирида таълим ва тарбия бериш, борликни англатиш, мустақил фикр юритишга ундаш орқали шахсни шакллантириш кўзда тутилади.[1] Мактабгача таълим ташкилотларида деярли барча жараён – таълим ҳам, тарбия ҳам ўйин шаклида амалга оширилиши “Илк кадам” дастурида алоҳида таъкидланган [2]. Ўйин воситасида тарбиялаш масаласи тарбиячи педагоглар, олимларнинг диққатини ўзига тортиши ҳам бежиз эмас[3,4]. Мактабгача таълим педагогикаси ва методикасига бағишланган адабиётларда таъкидланишича, ўйинлар бу ёшидаги болаларнинг асосий иш фаолиятларидан бўлиб, уларнинг ҳар томонлама ривожланишларига ижобий таъсирни кўрсатади[5]. Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил қилинган ўйинлар тарбияланувчиларда бир қатор шахслик сифатларнинг таркиб топиш асосидир.

Болалар ёши улғайиб мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари уларни ўраб турган борлиқ ва воқеликлар таъсирида

дунёкараши ҳам кенгайиб боради. Бу ёшдаги бола ўзини қуршаб турган дунёни билиш жараёнида бевосита улар билан амалий муносабатга киришишга интилади. Бунда шу жиҳат характерлики, қизиқишлар устунлигидан бола атрофдаги ўзига тааллуқли ва тегишли бўлмаган нарсалар билангина эмас, балки катталарга мансуб бўлган, ўзининг имконияти ва кучидан юқори бўлган ишлар билан ҳам амалий муносабатда бўлишни хоҳлайди. Бу унинг ичидаги тезроқ катта бўлиш истагининг ташқи кўринишидир. Ана шу истакни ўйин шаклида мақсадга йўналтириш ғоят муҳимдир, яъни мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим-тарбия ишларининг самараси асосан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ тарзда ташкил қила билишга боғлиқдир. Ўйин кичкинтойлар томонидан хаёлан яратилган уйдирма эмас, аксинча, болалар хаёлотининг ўзи ўйин жараёнида юзага келиб, ривожланадиган ҳодисадир. Илм-фан бемисл тараққий қилаётган ҳозирги даврда кундан-кун яратилаётган қўплаб янгиликлар болаларга гўё мўъжиза бўлиб кўринади. Шундан улар ҳам ўзларининг

турли ўйинлари жараёнида кўрганларига киёсан турли хил мўжизаларни ўйлаб топадилар (учар жонивор, учар техника, машина одам, сўзлайдиган жониворлар, ярми одам, ярми жониворга ўхшаш жонзотлар ва бошқалар). Шунингдек, болалар ўзларининг хаёлидаги фаразларида ички эҳтиёжлари, қизиқишлари талаб қилаётган нарсаларни ўйлаб топадилар. Ҳаётларидаги ўйин фаолиятларида турли афсонавий қаҳрамонларни, образларни яратишлари одамнинг (айниқса, болаларнинг ҳам) ўраб турган муҳитдаги нарсалар ва ҳодисаларни акс эттириши фаол, креатив, ўзгарувчан тафаккури маҳсулидир.

“Ўйинлар болаларнинг жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбиясида, уларда мустақил фикрлаш кўникмасининг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Ўйинлар мактабгача таълим ташкилотларида амалга ошириладиган машғулотлар, уларнинг кундалик ҳаётидаги кузатишлари билан узвий боғлиқ бўлиб, таълимий-тарбиявий аҳамият ҳам касб этади” [10. Б. 90]. Болалар ўйнайдиган ўйинлари ўзининг хилма-хиллиги, ҳар бирининг ўзгача мазмунҳамда ташкил этиш йўсинига, бунда истеъфода қилинадиган жиҳоз, кўргазмалар турлари ҳамда ўрнига кўра ҳам турфалиги кузатилади. Булар, ўз навбатида, болалар ўйинларини гуруҳлаш имконини беради. Мактабгача таълим педагогикаси илмида болалар ўйинларини икки йирик гуруҳга бўлиниши айтилади: ижодий ва қоидали ўйинлар. Уларга тадқиқотчи Г.Бердалиева ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтган [10. Б. 90-91].

**Ижодий ўйинлар**нинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар ва уларда ўз таассуротлари, борлиқ ҳақидаги тушунчалари, билимлари ҳамда унга муносабатларини акс эттирадилар. Ижодий ўйинларда болаларнинг теварак-атрофдан олган таассуротлари акс эттирилади. Ижодий ўйинларда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ташкилотчилиги ва ижодкорлик қобилиятлари тўлалигича намоён бўлади.

**Қоидали ўйинлар** эса катталар томонидан яратилади ва бола ҳаётига татбиқ этилади. Бундай ўйинлар ўз мазмуни ва қоидаларининг содда ёки мураккаблиги даражасига асосланган ҳолда болаларнинг

ёшларига қараб тақдим этилади. Катталар томонидан белгилаб қўйилган қоидалар асосидаги ўйинларнинг кўпчилигини халқ ўйинлари ташкил этади. Яъни авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача етиб келган кўча ўйинларидир.

Бу икки турдаги ўйинларнинг ўз навбатида хилма-хил кўринишлари бор. Масалан, биринчи гуруҳ ижодий ўйинларга сюжетли-ролли ўйинларни киритиш мумкин. Дидактик ўйинларни эса мазмун-моҳиятига кўра қоидали ўйинлар сирасига киритиш ўринли бўлади. Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган ўйинлар ҳар бирининг бошқалардан фарқли жиҳатлари, бажариш шартлари бўлгани ҳолда барчаси учун умумий бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд: мақсад, вазифа қўйилиши, хулоса қилиниши, режали ҳаракатлар ва ҳ.к. Тарбияланувчиларнинг ривожланишига кўра уларнинг ўйиндавомида олдиларига кўядиган мақсади ҳам ўзгариб бориши табиий ҳолатдир. Улар ўйин орқали қўйилган мақсадга эришиш учун ўзларига шериклар сайлайдилар, керакли ўйинчоқларни топадилар, ўйнаш асносида маълум ҳаракатларни амалга оширадилар. Бошқа фаолият турларидаги каби ўйин жараёнига ҳам болаларнинг индивидуаллиги, руҳий билиш жараёнлари, иродаси, кечинмалари, таъсирчанлиги, қизиқиш ва эҳтиёжлари инобатга олинади. Ўйин асносида болалар фаол ҳаракат қиладилар, мулоқотга киришадилар, ўзлаштирган ҳаётий тажриба, билимларидан фойдаланадилар.

Ўйин болалар шахсий ташаббусидан келиб чиқиб вужудга келадиган, улардаги ижодийлик, юксак таъсирчанлик ифодаланадиган эркин ва мустақил фаолиятдир. Адабиётларда мактабгача таълим ташкилотларида ўйинларни куннинг дастлабки қисмида нонуштагача ва нонуштадан кейин, шунингдек, машғулотлар давомида, сайрга чиққанда, уйқудан кейин ўтказиш мақсадга мувофиқлиги айтилади. Эрталаб фаолият марказларида ролли ўйинлар, қуриш-ясаш, ҳаракатли ўйинларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Айрим машғулотлар орасида эса ҳаракатли ҳамда қоидали ўйинлар ўтказилиши кутилган самара бериши кузатилади.

Очиқ ҳавода ташкил қилинадиган



ўйинлар(югуриш, отиш, сирпаниш кабилар) олдиндан тушунтирилиши керак бўлган қоидаларга эга бўлиб, улар болаларнинг жисмоний ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Кундузги уйқудан сўнг ташкил этиладиган ўйинлар сирасига: ролларга бўлиб саҳналаштириладиган ўйинлар, қурилиш ўйинлари, эртақ бўйича кўйиладиган ўйинлар ва бошқалар киради ва улар болаларнинг интеллектуал қобилиятларини, ахлоқий тушунчаларини, эстетик тафакқурини такомиллаштиради.

Сюжетли-ролли ўйинлар ўзига хос мазмуни, биргаликдаги хатти-ҳаракатга ундаши, ўзаро муносабатга киришиши асносида воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиши болалар руҳиятида жамоавийлик ҳиссини пайдо қилади, кўтаринки кайфият уйғотади, жисмоний фаолиятни яхшилади. Инсон учун табиатига кўра нима қизиқарли бўлса, шу нарса унинг руҳияти, онги ва жисми учун фойдали бўлиши айна ҳақиқат[9. Б. 77]. Шу боисодам ўзига ёқимли бўлган фаолият тури билан шуғулланишдан зерикмайди, чарчамайди. Айниқса, болалар ўзларига ёқимли фаолият тури билан узоқ шуғуллана оладилар. Бу уларга завқ бағишлайди.

Мактабгача таълим-тарбия жараёнида ўйинчоқларнинг бекиёс ўрни ҳамда аҳамияти алоҳида таъкидланади. Ўйинчоқлар бола хатти-ҳаракатини тўлдиради, тасаввурида шаклланган образ ва ҳаёлидаги фикрларни амалга оширишга кўмак беради. Болаларнинг аксар ҳаракати ўйинчоқлар асосида қуриш-ясаш билан боғлиқ бўлади. Ўғил болалар соатлаб машина, уй, пароход, ҳарбий техника қурадилар, уларни аслига ўхшатишга уринадилар. Қўғирчоқни қўлига олган қизалоқлар эса ўзини худди оналаридек сезади, қўғирчоғини парвариларди: овқатлантиради, кийинтиради, ухлатади.

Болалар ўйин экан, тасарруфидаги қўғирчоқларни, бошқа ўйин ашёларини қандайдир нарсаларнинг номи билан атаб, ҳаёлида ўша нарсалар деб билиб берилиб ўйнайдилар. Масалан, ихтиёрида бўлган бир қўғирчоқни отаси, яна бошқасини онаси, стул, ўриндиқни машина, миниш мумкиндай нарсани от дея тасаввур қиладилар ва бу уларга олам-олам завқ беради. Мана шу

завқланиш жараёни уларни юксалтиради, камолот сари етаклайди. Шундай қилиб, ўйинлар ижтимоий фаолият ўлароқтарбия жараёнида муайян вазифаларни бажаради, бола шахси ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Қурилиш материаллари билан ташкил қилинадиган ўйинлар ҳам болалар тарбияси, ақлий интеллектуал ривожидида муҳим ўрин тутаяди. Болаларнинг қуриш-ясаш ўйинлари ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларнинг таркибий қисми саналади. Болалар томондан бирор нарсани қуришга интилиш бу уларнинг ўз фантазияларини рўёбга чиқариш усули ҳисобланади. Бу жараённинг мотивация уйғотувчиси тарбиячи бўлиши ҳам мумкин. Катта ёш гуруҳи болаларининг иштироки турлича кечади: баъзан қурилиш ўйинларига ўз-ўзидан берилиб кетишади, баъзан эса бунинг аксикузатилади. Бунда болалар диққати уларга қизиқ бўлган бирор нарсани қуриш жараёнига қаратилади. Улар мақсадга эришишлари учун турмушдаги нарсалардан: яшиқ тахталари, дарахт шохчалари, қум, лой, сув ва бошқа табиий материаллардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Болалар ёши улғайгани сари ўзлари қилган қурган ишларидан кўнгиллари тўлмай боради. Чунки ўз ижод намуналарининг ҳақиқий қурилишга кўпроқ ўхшаш бўлишини хоҳлайдилар. Истақлари рўёби учун уларга махсус қурилиш материаллари зарур бўлади.

Ҳар хил геометрик шакллари билан боғлиқ қуриш-ясаш ўйинлари, бир томондан, болаларни меҳнатга тайёрлайди, иккинчи томондан геометрик билимларнинг дастлабки белгиларини шакллантиради. Қурилиш материаллари билан боғлиқ ўйинлар ҳам тарбияланувчиларнинг мустақил тафакқурини ривожлантиради, уларни қурилиш ишлари борасида таҳлил ва синтез қилиш, қиёслаш, фарқли ва ўхшаш томонларини аниқлашга ёрдам беради. Айни пайтда болаларни вазифаларни тўғри ҳал қилишга ўргатади. Қурилиш материаллари билан боғлиқ ўйинлар геометрик жисмларнинг хусусиятлари, улар билан ишлашда нисбатларни (ўнг-чап, узун-қиска, кенг-тор, узоқ-яқин, баланд-паст) амалда билиб олишга кўмак беради. Қуриш-ясаш фаолияти асносида болалар жамоа бўлиб бирлашадилар, бу айни пайтда уларнинг нутқи ҳам

ривожланишига туртки беради. Мазкур ўйин шакли болаларнинг маънавий дунёсига ҳам таъсир кўрсатади. Тарбиячи болаларни куриш-ясашга ўргатишда қуйидаги усулларни қўллаши мумкин:

- жараёни бошлашдан олдин болаларга куриб кўрсатади;
- куриладиган объектнинг ҳар бир қисми таҳлил қилинади;
- тайёрланган намунани кўрсатиб, уни тушунтириб беради;
- бошлаган ишни болалар томонидан давом эттиришни таклиф қилади;
- болаларга хоҳлаган шаклда ва мавзуда ихтиёрий курилишни таклиф қилади [8.Б.87].

Мактабгача таълим ташкилотларида кенг фойдаланиладиган дидактик ўйинлар билиш жараёни билан бевоситаалоқадор бўлиб, таълим жараёни такомилга туртки беради. Дидактик ўйинлар мактабгача таълим ташкилоти ёшидаги болаларнинг имкониятларига мувофиқ келадиган таълим методларидан биридир. Дидактик ўйинлардан нофаол болаларни жамоага қўшиш, уларнинг турли хил вазифаларни дадил бажаришлари мақсадида фойдаланилади. Дидактик ўйинлар тарбияланувчиларнинг бирга ўйнаб, шахсий манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштириш, ўзаро ёрдамдан хурсанд бўлиш каби ижобий муносабатларни таркиб топтиришга ёрдам беради. Дидактик ўйинлар – болаларнинг амалий фаолияти. Бунда болалар ўзлари олган ҳаётий тажриба ва билимларидан фойдаланадилар. Шу боис дидактик ўйинлар болаларинтеллектуал фаолиятларини, мустақил фикрлаш қобилиятини кучайтиради, ўзларидаги билимлардан турли усулларда фойдаланишларига зарур шароитларни яратади.

Айни пайтда дидактик ўйинлар болаларни атроф борлиқ тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, шахсий тажрибалари ва ўйин давомида олган билимларини амалда қўллашга ўргатади, мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради, тажриба ва билимларни амалиётга татбиқ этишга йўналтиради. Дидактик ўйинлар билимларни енгилроқ, қизиқарлироқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Болалар ёшига мос ва ўзларига қизиқ бўлган фаолият орқали ўйинда сингдириладиган маълумот,

кўникмалар ўзлаштирилиши осонлашади.

Катталар томонидан яратиладиган дидактик ўйинлар болаларнинг интеллектуал ривожланиши, билим ва кўникмаларни ўзлаштириши, мустақил фикрлаш қобилиятини таъминлашни мақсад қилиб қўяди. Уларда ўйин унсурлари қанча кўп бўлса, болаларга шунча кўп завқ бағишлайди. Ўйин табиатига кўра болаларда мотивация уйғотади, аксар ҳолларда ўйиндаги етакчи фикр ушбу ўйиннинг бош сабаби бўлади. Дидактик ўйиннинг ҳар бири ўз мазмунидан келиб чиққан муайян қонун-қоидаларга эга бўлади. Мазкур қоидаларнинг мавжудлиги ҳаракат йўналиши, ўйин жараёни боришини белгилайди, болаларнинг хулқ-атвори, ҳаракати, бир-бирлари билан муносабатларини бошқаради, керакли томонга йўналтиради.

Дидактик ўйинлар учун белгиланган қоидалар болаларнинг ҳаракатини баҳоловчи мезон сифатида олинади. Мазкур қоидалар ўйин иштирокчилари ҳаракат йўналишини белгилаб беради, натижаларнинг болаларга маънавий ва ахлоқий таъсирини аниқлайди. Тарбияланувчиларнинг зеҳни, топқирлиги, синчковлиги ва хотира қобилиятини намойиш қилиш имконияти вужудга келади. Шу тариқа болаларнинг ўз кучига ишончи ортади, ўйиндан оладиган маънавий қониқиш хиссини пайдо қилади.

Таниқли олима Ф.Р.Қодировага кўра, дидактик ўйинларнинг муҳим унсури қоидалар ҳисобланади. [7. Б.103] Қоидаларни бажариш асносида ўйин мазмуни амалга оширилади. Дидактик ўйин таълим-тарбия мазмуни ва шакли билан бевосита боғлиқ бўлиб, унга ёрдам беради. Дидактик ўйин – бу мактабгача ёшдаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир.

Дидактик ўйиннинг мазмуниҳақида тадқиқотчи Г.Бердалиева ўз ишида тўхталиб, қуйидагиларни ўз ичига олишини таъкидлайди:

а) буюмлар, уларнинг номи, ранги, шакли, ҳажми, сифати ва ишлатилиши тўғрисида билимлар бериш;

б) меҳнатнинг ҳар хил тури ва унинг кишилар ҳаётидаги роли тўғрисидаги билимлар;

в) табиат воқеалари, нарсалар, буюмлар,

йил фасллари тўғрисидаги билимлар;

г) дастлабки математик тушунчалар: сон, санок, катталиқ, шакл вақт ва фазовий тушунчалар бериш.[10. Б. 96]

Дидактик ўйинларга қатъий қолипга ёндашилгандай қаралмайди, вазиятга кўра – болаларнинг хоҳиши, берган саволлари ва ташаббусларига қараб ўйин шакли, унинг мазмунини ўзгартириш ҳамда бойитиш мумкин. Ўйинни белгиланган вақтда бошлаб, кўзда тутилган пайтда кунлаш катта маҳоратдир. Тарбиячи ўйинга болаларнинг иштиёқлари сусаймай туриб тугатиши лозим, токи болалар кўнглида уни давом эттириш истаги сақланиб қолсин. Дидактик ўйинлар гуруҳнинг машғулоти хонасида, залда, ўйин майдончаси, ҳовли ва бошқа жойларда ўтказилиши ҳам мумкин. Жойларнинг ўзгариши ўйинларнинг болаларда турфа таассуротларни уйғотишига сабаб бўлиб, уларнинг фаоллигини оширади, ақлини пешлайди, тафаккурини чархлайди. Кўринадик, дидактик ўйинлар ўтказилган бошқа ўйинлар каби тарбияланувчиларга нафақат таълим бериш воситаси, айна пайтда дунёрашнинг кенгайтириш, тафаккури мустақиллигини таъминлаш, ғалаба завқини туйдириш сингари фазилатларнинг ортишига ёрдам беради.

Одатда, 3-4 ёшдаги болалар ўзлари ёлғиз ўйнашга мойил бўладилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали кичик ёшдаги болаларнинг хотира, идрок, тасаввур, тафаккур, ҳаракат лаёқатлари ривожлантирилади. Сюжетли-ролли ўйинларда эса улар ўзлари мунтазам кўриб, кузатаётган катталарнинг хатти-ҳаракатларини акс эттирадилар. 4 – 5 ёшли болаларнинг ўйини бора-бора жамоавий тус ола бошлайди. Болаларга хос индивидуал хусусиятлар уларнинг жамоавий ўйинлариданоён бўлади. Мазкур ўйинлар орқали болалар катталарнинг нафақат предметларга муносабатини, айна пайтда ўзаро ижтимоий муносабатларини ҳам акс эттирадилар. Шунингдек, жамоавий ўйинда кичкинтойлар муайян гуруҳларнинг ўзига хос ҳаётий фаолиятларини ҳам кўрсата оладилар.

5-6 ёшда сюжетли-ролли ўйинлар ривожланганини кузатилади, лекин энди бу ўйинлар мавзу мазмунан бойийди,

шунингдек, хилма-хиллиги билан фарқланиб туради. Ролли ўйинлар ижросида болаларнинг ҳар бирида етакчилик истаги ва қобилияти юзага кела бошлайди, ташқи-лотчилик кўникмалари ҳам шакллана боради[6. Б.56].

Соҳа педагогларининг фикрича, беш ёшли бола бир қанча этакки эшитган, улар юзасидан берилган саволларга жавоб бера олади, алоҳида эпизодларни қайта ҳикоя қилиб беришни уддалайди, айримлари асарнинг тўла сюжетини ҳам сўзлаб беришлари мумкин. Шу боис бу ёшда болага нисбатан мураккаброқ масалаларни кўйиш тўғри бўлади. Бу орқали унинг ривожланишига етакчилик қилинади [11. Б. 68].

Мактабгача ёшдаги болаларга хос дидактик ўйинлар тавсия этилган адабиётларда бундай ўйинлар шартли равишда икки гуруҳга ажратилади: аввалгиси сенсор (ҳис қилиш, туйиш орқали ўзлаштириш) фаолиятига қаратилган, кейингиси мантикий дидактик ўйинлар (яъни математик қобилиятни ўстирувчи ўйинлар). Ўйинларнинг биринчи гуруҳи нарса (предмет)ларни ажратиш (улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни фарқлаш) ва нарса (предмет)лардан яхлит бир шакл яшаш (тасаввур қилиб, қисмлардан яхлит бир бутунликни яратиш)дир [6. Б. 26].

Мактабгача таълим ёшидаги болаларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи яна бир дидактик ўйин «**Жамоа туз**» деб номланади. Бу ўйин ўз олдига мева ёки сабзавотларни турли белгилари бўйича саралаш билан болаларда маълумотлар кўламини, билимларини ошириш, мустақил фикрлашга ўргатиш мақсадини кўяди. Турли хил рангли расмлар ёки табиий мева, сабзавотлар ушбу ўйиннинг кўргазмали материали бўла олади. Ўйин қуйидагича тартибда ўтказилади: тарбияланувчиларга бир нечта мева ёки сабзавоттасвири туширилган суратлар ёки мева, сабзавотларнинг ўзи тарқатилади. Ўйин аввалида тарбиячининг ўзи бошловчилик қилади. Масалан, помидорни қўлга олади ва “унинг шарбати бор” дейди. Шунда помидор ўз жамоасини «тузди»: унинг теграсига шарбати бўлган бошқа сабзавоти бор болалар қўлидаги расм билан келиб қўшиладилар. Жамоага қўшилган болақўлидаги сабзавот номини ҳамдўзига

хос хусусиятларини баён этади: кўлимда сабзи бор, унинг ҳам суви-шарбати жуда фойдали; менда қовоқ бор. унинг ҳам шарбати бор. Уйда унданфойдаланамиз.

Кейин бошқарувчилик гуруҳдаги болалардан биригаўтади: у «Менда лавлаги бор. У қизил». Энди болалар қўлларидаги шу рангдаги сабзавотлар билан яна бир жамоа ҳосил қиладилар, ўзларида бўлган сабзавотнинг номи ва рангини айтиб кўшила-верадилар. Учинчи бир бошловчилик қилаётган бола: «Менда шолғом бор. Ундан таом тайёрлашда фойдаланилади», дейди. Қайси бир боланинг кўлида овқатга солинадиган сабзавот бўлса, ушбу жамоага номи ва у овқатга солинишини айтиб кўшилади. Бошқа жамоалар эса меваларнинг у ёки бу хусусиятларидан келиб чиқиб уюшадилар, муайян белгиларини баён этадилар. Қайсидир бола адашиб кетса, бошқалари тузатиб боради. Мазкур ўйин тарбияланувчиларнинг мева ёки сабзавотлар, уларнинг хусусиятлари ҳақидаги маълумот, билгиларини мустаҳкамлайди, шу билан бирга уларда синчковлик фазилатини тарбиялайди.

Тил ва нутқ фаолият марказларида болаларни мустақил фикрлашга ўргатадиган дидактик ўйинлардан яна бири «Инсонлар ва жониворлар» деб номланади. Ўйин болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга суҳбатга киришиш, нутқни шакллантириш, суҳбат учун мавзу танлаш лаёқатини ривожлантиради. Бу ўйин воситасида уй ҳайвонларининг одамларга келтирадиган фойдасини ўзлари учун кашф этадилар.

Болалар дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этувчи, уларда мустақил фикрлаш лаёқатини такомиллаштиришга омил бўладиган дидактик ўйинлардан бири «**Байрам дастурхони**» деб номланади. Мазкур ўйин машғулоти жиҳозлари сифатида ўрмондаги ҳайвонлар, уларнинг уялари ва ейдиган овқатлари тасвири туширилган карточкалар бўлади. Тарбиячи бугун куён байрам муносабати билан ўрмондаги бошқа ҳайвонларни зиёфатга чақирганлигини айтади. Меҳмон кутиш учун бир мунча таомлар тайёрлаганини айтади ва болаларга ҳар хил озиқ-овқатлар расмини ҳавола этади. Кейин болаларга мурожаат

қилиб айтади: «Болажонлар, шу таомларга қараб топинглар-чи, куён зиёфатга кимларни таклиф қилибди?» Болалар расмларда акс этган идишдаги асал, тақсимчадаги ёнғоқ, кўзачадаги сут, ихчам боғланган пичан, косачадаги курт-кумирсақалар ва ҳ.к. таомларга асосланилган ҳолда уларни истеъмол қиладиган ҳайвонларнинг номларини айтадилар. Кейин тарбиячи бу овқатларнинг олдига уларни истеъмол қиладиган ҳайвонлар суратини ёпиштиради ва сўрайди: «Ўйлаб боқинг-чи, куён қайси ҳайвонларни меҳмонга чақирмабди? Нима сабабдан чақирмади экан?» Болалар мулоҳаза қилиб, куён бўри билан тулкини меҳмонга чақирмаганини айтадилар. Чақирмаганлиги сабабини ўзлари билганича изоҳлайдилар. Сўнгра тарбиячи ҳикояни давом эттириб: «Меҳмонга келган ҳайвонлар зиёфатда яйраб овқатланишибди, суҳбатлашибди ва кечга яқин уяларига қайтишибди», дейди ва ўйиндаги кейинги топшириққа ўтади. Тахтага ҳар хил уяларнинг суратини ёпиштириб, қуйидаги топшириқни беради: «Меҳмондан қайтган ҳайвонларнинг суратини ўз уяси олдига қўйинглар». Бирин-кетин чиққан болалар маймоқ айикни каттагина уясига, олмахонни дарахтга, кушларни дарахт шохларига, куённи буталар остига жойлаштиришади. Сўнгра яна ҳикоя қуйидагича давом эттирилади: «Эрталаб туриб барча ҳайвонлар куён ташкил қилган меҳмондорчилик қандай ўтганини сўзлаб беришибди». Тарбиячи шу ўринда болаларга савол билан мурожаат қилади: «Бир ўйлаб кўринглар-чи, қайси ҳайвон қандай ҳайвончаларга куённинг зиёфати ҳақида гапириб берибди?» ва иштирок этган ҳайвонларнинг болалари акс этган суратларни чиқаради. Энди болалар суратдаги ҳайвон болаларининг номини айтиб, уларни ўз оналари олдига ёпиштириб қўядилар. Шу тарика баҳолаш босқичига етиб келинади: тўғри қўйилган жавоблар олдига тарбиячи ҳар хил баҳоларни акс эттирувчи белгиларни ёпиштириб чиқади. Масалан, тўғри бажарилган топшириқлар ёнига юлдузча ёки «смайлики»ларин қўйиб бориш мумкин. Бу дидактик ўйинлар воситасида болалар ҳам билим оладилар, ҳам мустақил мулоҳаза юритиб кашфиётлар қиладилар.

Таъкидлаш лозимки, бунда ўйинларни ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилади: дидактик ўйинларнинг барча жиҳозлари олдиндан тайёрлаб кўйилиши, ўйинларни бошлаш ва яқунлаш чегараси белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки чўзилиб кетса, болалар чарчаб қолишлари ёки имкониятларидан юқорида топшириқлар бўлса, кизиқишларисўниши мумкин. Шу учун бундай дидактик ўйинларни ташкил қилганда дастлаб бир ёки иккитаси билан чекланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Болаларда тез фикрлаш кўникмасини шакллантирадиган дидактик ўйинлардан бири «**Ҳозиржавоб бола**» деб номланади. Тарбиячи бундатурли мавзуларни ўртага ташлайди. Тарбияланувчилар шу мавзуга доир сўзларни топишлари керак бўлади. Шарт шуки, мавзу бўйича ким кўп сўз топса, у балл (юлдузча)тўплайверади. Ўйин сўнгида бал (юлдузча)лари кўп бўлган бола ғолиб бўлади. Масалан, тарбиячи: «Ёввойи ҳайвонлари», деса, болалар: «Фил, айик, бўри, тулки...» каби билганларини айтади. Тарбиячи: «Мультфильмлар», дейди, болалар: «Зумрад ва Қиммат», «Маугли» «Алпомиш»;тарбиячи: «Ўқув қуроллари» деса,тарбияланувчилар: «Ўчирғич, дафтар, қалам, циркуль...» ва ҳоказо. Тарбиячи кушлар, уй ҳайвонлар, эртақ қаҳрамонлари, сув ҳавзалари ва бошқаларни ўртага ташлайверади,болалар жавоб топаверадилар. Мазкур жараёнда болаларнинг фикрлаши тезлашади, сўз бойлиги ортади, хотираси чархланади, билими ортади.

Хуллас, болаларда мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантириш ва уларни бунга йўналтиришда бадиий асарлар билан бир қаторда ҳар хил дидактик ўйинларнинг ҳам ўрни бекиёслигига юқорида тақдим этилган ўйинлар мисолида амин бўлиш мумкин.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. *O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-maydagi PQ-4312-son "O'zbekiston Respublikasi maktabgacha ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivozhlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" qarori. Elektron manba: <http://www.lex.uz/docs/4327235>.*

2. «*Ilk qadam*». *Maktabgacha ta'lim muassasalari davlat o'quv dasturi. Tayyorlaganlar: I.V.Grasheva, L.G.Evstafeva, D.T.Mahmudova, Sh.B.Nabihonova, S.V.Pak, G.Je.Djanpeisova.* – T.: MTV, 2018. – p. 268.

3. *Азизова З. Мактабгача катта ёшдаги болаларда кўзгирчоқ театри воситасида ахлоқий-эстетик сифатларни шакллантириши.* –Т.: Ўқитувчи, 2010. –90 б.

4. *Аксенова А.К., Якубовская Э.В. Дидактические игры на уроках русского языка в 1–4 классах вспомогательной школы.* –Москва: Просвещение, 1991. – 176 с.

5. *Мирзажонов Д.М. Миллий ўйинларда бола шахсини шакллантиришнинг психологик асослари. Пед-псих. фан. номз ...дисс.* –Т.: 1996. – 130 б.

6. *Миндлина Т. Я. Дошкольное воспитание во Франции.* –Москва: Педагогика, 1984. –64 с.

7. *Қодирова Ф.Р., Кадирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириши назарияси ва методикаси.* – Т.: Истиқлол, 2006. – 114 б.

8. *Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори... дисс. Т., 2007. – 240 б.*

9. *Ҳусанбоева Қ., Шодиев Ф., Ҳазратқулов М. Бошланғич синфларда адабиёт ўқитиш методикаси.* – Самарқанд.: СамДУ нашрети, 2019. – 380 б.

10. *Бердалиева Г.А. Мактабгачатаълим муассасалари нутқ ўстириши машғулотларида болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш методикасини такомиллаштириши. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* - Т.: 2019. – 128 б.

11. *Венгер А.Л., Цукерман Г.А. Психологическое обследование младших школьников.* –Москва: Изд-во “Владос-пресс”, 2003. – 160 с.

## FANLARARO INTEGRATSIYA ASOSIDA FIZIKA KURSI MAVZULARINI O'QITISH

### Annotatsiya

*Ushbu maqola fizika fani mavzularini o'qitishda fanning boshqa fanlar bilan sub'ektlararo integratsiyasini amalga oshirishda o'quvchilarning ta'lim motivlarini oshirish jarayonlarini o'rganishga bag'ishlangan.*

**Kalit so'zlar:** *integratsiya, uyushmalar, fanlararo aloqa, yaxlit dars, o'qitish metodikasi, fanlarni birlashtirish, fanlararo elementlar.*

## ПРЕПОДАВАНИЕ КУРСОВ ФИЗИКИ НА ОСНОВЕ МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ИНТЕГРАЦИИ

### Аннотация

*Статья посвящена исследованию процессов повышения учебной мотивации обучающихся студентов при реализации межпредметной интеграции физики с другими дисциплинами в процессе обучения физике.*

**Ключевые слова:** *интеграция, межпредметные связи, интегрированный урок, методика подготовки, ассоциации, интеграции наук, межпредметные элементы.*

## TEACHING COURSES OF PHYSICS BASED ON INTERDISCIPLINARY INTEGRATION

### Annotation

*This article is devoted to the study of the processes of increasing the educational motivation of students in the implementation of intersubject integration of physics with other disciplines in the process of teaching physics.*

**Keywords:** *integration, interdisciplinary communications, integrated lesson, training methodology, integration of sciences, associations, interdisciplinary elements.*

Jamiyat taraqqiyoti barcha sohalar kabi ta'lim muassalarining oldiga har bir o'quvchini, talabani tizim-faoliyat yondashuvi asosida yuqori sifatli o'qitish kabi asosiy vazifani qo'yadi o'z navbatida, bilim oluvchilarning ta'lim jarayonida faol ishtirok etishlari, ularga ta'lim jarayoni davomida mustaqil ravishda yangi bilimlarni egallashlariga, ularni chuqurlashtirishlariga imkon berish zarurligini bildiradi. Ushbu yondashuvni amalga oshirish natijasida talaba axborot oqimida navigatsiya qilishni o'rganadi, passiv o'zlashtirishdan faol ma'lumotlarni qidirishga o'tish amalga oshiriladi, uni tanqidiy anglash va amalda foydalanishga urg'u beriladi va natijada paydo bo'layotgan muammolarni ijodiy hal qiladi.

Ta'limni talaba faoliyati mavjudligisiz, uning "ishi" bo'lmasdan tasavvur qilib bo'lmaydi. Taniqli rus o'qituvchisi K.D.Ushinskiy 9-asrda

o'quv jarayonini quyidagicha ta'riflagan edi: "O'quv - bu faollik va fikrga to'la ishdur" [1, 349-bet]. An'anaga ko'ra, mashg'ulotning asosiy maqsadlari quyidagilardir: bilimlarni (tushunchalar tizimini) va faoliyat uslublarini (kognitiv faoliyat usullari, ko'nikma va malakalarni) shakllantirish; aqliy rivojlanishning umumiy darajasining o'sishi, fikrlash turining o'zgarishi, o'z-o'zini o'rganish uchun ehtiyoj va qobiliyatlarni shakllantirish, o'rganish qobiliyati.

Asosiy maktabda fizikani o'rganishning umumiy maqsadlarini ajratib ko'rsatish mumkin:

1. Kognitiv va ijodiy faoliyat bilimlari va tajribalarini uzatish orqali talabalarning qiziqishlari va qobiliyatlarini rivojlantirish;

2. Talabalar tomonidan fizikaning asosiy ilmiy tushunchalari va qonunlari ma'nosini, ular o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni anglash;

3. Dunyoning jismoniy surati to'g'risida talabalarining g'oyalari shakllantirish [2].

Ushbu maqsadlarni shaxsiy, metasubject va predmetlarni o'rganish natijalari orqali aniqlash mumkin. Ko'plab o'qituvchilarning fikriga ko'ra talabalarni "fan" o'qitish doirasida amalga oshirish unchalik samara bermaydi, boshqa tomondan o'quv jarayonida fanlararo aloqalardan foydalanish barcha talablarni qondirishi mumkin. Ta'lim sifatini oshirish uchun o'quv jarayoniga yangi yondashuvlar va texnologiyalar kiritilmoqda, ularning asosini integratsiya tashkil etadi. Maktab o'quvchilarini sifatli o'qitish darajasining oshishiga, o'quv-bilish faoliyatini optimallashtirishga, o'quvchilarning ijodiy fikrlashini rivojlantirishga va bilim olishga intilishning oshishiga xizmat qiladigan bilimlarning fanlararo integratsiyasi ekanligi shubhasizdir.

Subyektlararo aloqalarning didaktik ahamiyati K.D.Ushinskiy tomonidan asoslab berildi, u sub'ektlararo bog'lanishlar o'zlarining atroflicha dunyosini to'liq va yaxlit idrok etishni shakllantirishga hissa qo'shadigan o'zlarining har tomonlama roliga ega deb hisobladi. U ob'ektlar va hodisalarning ob'ektiv munosabatlari aks ettiruvchi turli assotsiativ aloqalardan sub'ektlararo aloqalarni aniqlaydi [3]. Subyektlararo aloqalarni o'rganadigan I.D.Zverev, V.N.Maksimova fanlararo aloqalarning ilmiy dunyoqarashni shakllantirishda,

talabalarda tizimli va ijodiy fikrlashni rivojlantirishdagi muhim rolini qayd etib, quyidagi muhim xulosalarga kelishdi:

Birinchidan, ajratilgan fanlarni o'qitish tizimi sharoitida talabalar fanlarni alohida bo'laklar sifatida qabul qilishadi, bu esa bilimlarning bo'linishiga olib keladi, chunki o'quvchilarda fikrlash uslubi ajratilgan bilimlarni o'zlashtirishga dasturlashtirilgan. Bularning barchasi ta'limdagi halollikning yo'qligiga olib keladi. Ikkinchidan, tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, ko'p qirrali fanlararo aloqalar intradiplinerlar bilan birlashganda talabalarda ajralmas ilmiy va gumanistik dunyoqarashni shakllantiradi [4].

G.F.Fedoretsning fikriga ko'ra, "fanlararo aloqalar - bu o'quv jarayonining mazmuni, shakllari va usullarida aks etadigan va ta'lim, rivojlanish va tarbiyalash funksiyalarini bajardigan ob'ektlar, voqea hodisalari va jarayonlari o'rtasidagi sintezlovchi, integral munosabatlarni belgilash uchun pedagogik kategoriya. ularning organik birligi"[5, 33-bet]. Bizning fikrimizcha, "sub'ektlararo aloqalar" kontseptsiyasining ushbu formulasi sub'ektlararo aloqalarni o'rnatish maqsadini juda aniq belgilaydi, ta'lim mazmuni, usullari, usullari va shakllarini tanlashga alohida yondashuvning ahamiyati haqida gapiradi. G.F. Fedoretsga ko'ra fanlararo aloqalarga tegishli funksiyalar quyidagi jadvalda keltirilgan:

Jadval 1

## Fanlararo aloqalarning funksiyalari

Funksiya	Harakat
Ta'limiy	Tegishli mavzular dasturlarida materialni tanlash va muvofiqlashtirish, butun dunyo bilimlarining yaxlit tizimini va yagona rasmni shakllantirish.
Tarbiyaviy	Kadrlar tayyorlashning ta'lim darajasini ko'tarish, tarbiyaviy funktsiyani kuchaytirish, axloqiy va estetik shaxsni shakllantirish.
Rivojlantiruvchi	Bu aqliy faoliyatni faollashtiradi, bilimlarning moslashuvchan tizimini va fanlararo tushunchalar va ko'nikmalarni shakllantiradi.


A. V. Usova "Fizikani o'qitish nazariyasi va metodikasi" asarida shunday yozadi: "So'nggi o'n besh yil ichida sub'ektlararo bog'lanish muammosi olimlar-o'qituvchilar va maktablarning amaliy ishchilari e'tiborini tobora ko'proq jalb qilmoqda, bu bir qator omillarga bog'liq:

birinchidan, ilmiy-texnik taraqqiyot sur'atining tezlashishi, bu o'quv mazmuni darajasiga talablarning oshishiga, maktab davrida o'zlashtiriladigan ma'lumotlarning ko'payishiga olib keladi;

ikkinchidan, "gibrid" yoki "ko'prik" fanlarini shakllantirish, ikki, ba'zan esa bir-biri bilan chambarchas bog'liq bo'lgan uchta fan sohasining kontseptsiyalari, qonunlari va nazariyalarini sintez qiladigan fanlarni birlashtirish jarayoni, masalan, fizik kimyo, kosmik biologiya, biokimyo, astrofizika, biogeokimyo, molekulyar biofizika, kibernetika va boshqalar "[6, 126-bet].

Zamonaviy davlat standartlari o'quvchilarni tarbiyalashda, ularning ilmiy dunyoqarashini shakllantirishda, fikrlashning dialektik uslubini shakllantirishda, ularning politexnika mashg'ulotlarida va kasb-hunarga yo'naltirishda maktabga qo'yiladigan talablarni kuchaytirgani sababli, biz, ayniqsa, o'qituvchi-amaliyotchilar

uchun bunga qo'shilmasligimiz mumkin. Temir yo'llar vazirligining ulkan o'rni maktab o'quvchilarining ekologik tarbiyasida, ularda tabiatga ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lishida. Zamonaviy maktabda o'quvchilarning haddan tashqari yuklanishini kamaytirish masalasini hal qilish munosabati bilan fanlararo aloqalarga e'tibor kuchaytirildi. Fanlararo aloqalarning muhimligini anglash barcha fanlarning o'quv dasturlarini takomillashtirishda aks etdi. Ular har bir o'quv mavzusi oxirida fanlararo aloqalarni qanday amalga oshirish bo'yicha ko'rsatmalar beradi. A.V.ga ko'ra sub'ektlararo aloqa turlari. Usova rasmda ko'rsatilgan. 1 [39].



**Rasm.1. Fanlararo aloqalar turlari**

Pedagogikaning fan sifatida shakllanishining bir necha asrlari davomida tabiat va jamiyat ob'ektlari va hodisalarining o'zaro bog'liqligini ta'lim bilimlarida aks ettirish zarurati vujudga keldi; fanlararo aloqalarning ilmiy bilimlar tizimini shakllantirishga va maktab o'quvchilarining umumiy aqliy rivojlanishiga ta'siri ko'rsatil-

gan; turli mavzularda mutanosib o'qitishning turli uslublari ishlab chiqilgan va kelajakda o'qituvchilar fanlararo aloqalarni amaliyotga tatbiq etish uchun tayyorlangan. 2-jadvalda turli xil manbalardan fanlararo aloqalar tasnifi bo'yicha umumlashtirilgan ma'lumotlar keltirilgan.

**Jadval 3**

**Pedagogikada integratsiyani amalga oshirish**

<b>Avtor</b>	<b>Muammo</b>
A. Ya.Danilyuk, V. S. Ilyin, V. N. Maksimova, V. V. Serikov va boshqalar	Ta'lim predmeti va shakllarining integratsiyalashuv muammolari.



V. S. Bezrukova, A. A. Bogdanov va boshqalar.	Fanlar integratsiyasining metodologik asoslari.
A. Ya.Danilyuk, Yu.A. Kustov va boshqalar.	Integratsiyaning umumiy nazariy asoslari.
З.Ш. Каримов, Н.А. Крель, М. В. Правдина и др.	Ta'lim tizimidagi integratsiya yo'nalishlarini belgilashda turli xil yondashuvlar.
T.P.Korotkov, N.A.Moreva va boshqalar.	Fanlararo aloqalar bilimlarni o'zlashtirish samaradorligini oshirish vositasi va kognitiv faoliyatni rivojlantirish sharti sifatida.
Yu.I. Dik, I.D. Zverev va boshqalar.	Umumlashtirilgan darajalar va dunyoning yaxlit rasmini shakllantirish uchun integratsiya g'oyalarini qo'llash, ularning o'quvchilar dunyoqarashini shakllantirish va rivojlantirishga ta'sirini o'rganish.
A. Ya.Danilyuk, K. Yu Kolesina, E. A. Paladyants, N. N. Petrova va boshqalar	Shaxsga yo'naltirilgan ta'limni amalga oshirishning istiqbolli yo'nalishi sifatida integratsiyani o'rganish.
И.Б. Богатова, Г. Д. Гачев, Е. О. Иванова и др	Tabiatshunoslik ta'limini turli mavzulardagi bilimlarni birlashtirish g'oyalari asosida gumanitarlashtirish.
Л.Н. Вахтиярова, А. V. Yeltsov, R. G. Ivanova va boshqalar	Umumiy va individual o'quv fanlari bo'yicha ta'lim mazmunini loyihalashda integratsiyadan foydalanish xususiyatlari.

Muammoning dolzarbligi tabiatshunoslik, texnik va umumiy madaniy bilimlarning birlashishi fan va texnika taraqqiyotining zamonaviy darajasining asosi ekanligi bilan bog'liq. Federal davlat ta'lim standartlarini amalga oshirish doirasida maktab bitiruvchilarini tayyorlash vazifasi quyidagilar o'rtasidagi bir qator ziddiyatlarni hal qilish uchun o'qitishni tashkil etishning yangi shakllarini izlashdan iborat:

➤ o'quv jarayonining yashirin imkoniyatlarini va har bir fan o'qituvchisi ishida integratsiyalashuv zarurligini amalga oshirish shartlarini fanlararo integratsiya orqali aniqlash va rivojlantirishda;

➤ o'quv jarayonida maktab o'quvchilarining intellektual va hissiy sohalarini rivojlantirish zaruriyati va bu jarayonda tabiiy fanlar, gumanitar va estetik tarkibni birlashtirishdan etarli darajada foydalanmaslik.

➤ boshqa fanlar bilan birlashtirilgan fizika darslari, shuningdek, fanlararo mashg'ulotlar, bir tomondan, boshqa fanlarga yaxshi tayyorgarlik

ko'rgan talabalarning motivatsiyasini oshirishga yordam beradi, boshqa tomondan, tayyorgarligi past o'quvchilar va nogiron bolalar uchun motivatsiyani bekor qilishi mumkin.

Inson tabiatan ajralmasdir. Moddiy nuqtai nazardan, kimyoviy va fiziologik jarayonlar o'zaro ta'sir qiladi, fikrlash darajasida - mantiqiy, majoziy va assotsiativ. Inson uchun o'zini va atrofdagi dunyoni bilishning asosiy usullaridan biri bu estetik, kognitiv, tarix-genetik, ijtimoiy va funktsional jihatlarni birlashtirgan integratsiya.

O'quv oluvchi o'quvchilar mavhum fikrlashga moyil bo'lishadi. Jismoniy rivojlanish analitik va sintetik miya faoliyatini murakkablashtirish uchun zarur shart-sharoitlarni yarata-di. Bundan kelib chiqadiki, o'spirinlarda tabiat hodisalarini tushuntirishga, umumiy va xususiy qonuniyatlarni tushunishga, yakuniy natijani oldindan bilishga, insoniyat jamiyati rivojlanishining mantig'ini tushunishga imkon beradigan nazariy fikrlash rivojlanadi. Integratsiya

dunyoning yagona rasmini, hayotning barcha hodisalarini o'zaro bog'liqlikda ko'rishga o'rgatadi.

Mavzu ichidagi integratsiyaning misoli sifatida alohida predmet doirasidagi bilimlarni tizimlashtirish - alohida faktlardan ularning yagona tizimiga o'tish. Integratsiya materialni katta guruhlarga to'plashga qaratilgan bo'lib, bu mavzu mazmuni tarkibining o'zgarishiga olib keladi, bu esa ko'proq ma'lumotga ega, yangi ma'lumotlar bilan boyitilgan. Mavzu ichidagi integratsiyaning xususiyati shundaki, talabalar asl muammoni yodda tutib, u bilan bog'liq bilimlarni kengaytiradi va chuqurlashtiradi.

I. Kolojvari va L. Sechenikovalarning fikriga ko'ra, sub'ektlararo integratsiya qonunlarni, nazariyalarni, boshqa o'quv intizomining usullarini boshqasini o'rganishda qo'llashda namoyon bo'ladi. Ushbu darajada amalga oshirilgan tarkibni tizimlashtirish o'quvchilar ongida dunyoning yaxlit rasmini shakllantirish kabi bilim natijasiga olib keladi, bu esa o'z navbatida, sifat jihatidan yangi turdagi bilimlarning paydo bo'lishiga olib keladi. Subjectlararo integratsiya intrasubjectni sezilarli darajada boyitadi [7].

Shunday qilib, o'qitishda integratsiyalashgan yondashuv va fanlararo integratsiyani qo'llash g'oyasi juda yangi, u tabiatning yaxlitligini ta'lim mazmunida aks ettirish yo'llarini izlash jarayonida paydo bo'ldi.

#### **Xulosa**

Ushbu mavzusi fizikani o'qitish jarayonida fizikani boshqa fanlar bilan intizomga intilishini amalga oshirishda asosiy va o'rta maktab o'quvchilarining ta'lim motivlarini oshirish jarayonidir.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. Ушинский К. Д. *Собрание сочинений / К.Д.Ушинский / Гл.ред. А.М. Еголин / – М., 1950.*

2. Бородин М.Н. *Физика. УМК для основной школы 7 – 9 классы. Методическое пособие для учителя. – М., Бином. Лаборатория знаний, 2013.*

3. Ушинский К. Д. *Избранные педагогические сочинения: в 2 т. М.: Педагогика, 1974, с. 349.*

4. Зверев И. Д., Максимова В. Н. *Межпредметные связи в современной школе. – М.: Педагогика, 1991.*

5. Федорец Г. Ф. *Проблемы интеграции в теории и практике обучения. – Л., 1990.*

6. Усова А. В., Орехов В. П., Каменецкий С. Е. *Методика преподавания физики в 7–8 классах средней школы для учителя: Пособие.; Под ред. А. В. Усовой. – М.: Просвещение, 1990.*

7. Коллождвари И., Сеченикова Л. *Как организовать интегрированный урок (о методике интегрированием образования). М.: Народное образование. – 1996. – №1, с.31.*

8. Atoeva M. F., Safarova R.S. *Pedagogical integration as a means of forming professionally important qualities among students of a medical university. ISSN: 2249-7137 Vol. 10, Issue 8, August 2020 Impact Factor: SJIF 2020 = 7.13 ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, India. P. 564.*

9. Atoeva, M. F. *Didactic foundations of inter media relations in the training of university students. Theoretical & Applied Science. QR – Issue QR – Article SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS. International Scientific Journal . ESJI (KZ) = 8.997 . 06 (86) 2020 P.124.*

10. Ельцов А.В. *Интегративный подход как теоретическая основа осуществления школьного физического эксперимента. Дис. и авт. по ВАК РФ 13.00.02*

11. Капустин В.С. *«Синергетика социальных процессов», М.: МЭИ, 2000.*

12. Атоева М.Ф. *Периодичность обучения физике. Аспирант и соискатель.– Москва, 2010. –№6. – С. 41-43.*

13. Атоева М.Ф. *Электродинамика бўлимини даврийлик тизими асосида таълим этиши. Халқ таълими. – Тошкент, 2012. – № 1. –Б. 52-54.*

14. Атоева М.Ф. *Узлуксиз физика таълим самарадорлиги. Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2012. – № 3. –Б. 19-23.*

15. Atoeva, M. F. *Interdisciplinary relations in physics course at specialized secondary education. The Way of Science. – Volgograd,2016. –№9 (31). – P.22-24.*

16. Atoeva, M. F. *The significance of periodicity at teaching physics. The Way of Science. – Volgograd,2016. –№ 10 (32). – P.62-64.*

17. Атоева М.Ф. *Эффективность обучения электродинамике на основе технологии периодичности. The Way of Science. – Volgograd,2016. –№ 10 (32). – P.65-66.*

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА КОМПЬЮТЕРЛИ ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

### Аннотация

Мақолада мактабгача таълим ташкилотларининг машғулотлар жараёнида “Шакларни устма уст қўйиш”, “Катакни тўлдир”, “Балиқчани аквариумга жойла” каби мультимедиа компьютёрли дидактик ўйинларидан фойдаланиш имкониятлари баён этилган бўлиб, бу эса машғулотлар жараёнида инновацион ёндошув бўлиб ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** таълим, тарбия, мультимедиа технологияси, слайд, дидактик ўйин, компьютёрлар, услуб, катак, сонларни қўйиш ва айириш, таълим самарадорлиги.

## ПРЕИМУЩЕСТВА ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПЬЮТЕРНЫХ ДИДАКТИЧЕСКИХ ИГР В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

### Аннотация

В статье изложены возможности использования мультимедийных компьютерных дидактических игр на занятиях дошкольных образовательных организаций, таких как «Положите фигуры друг на друга», «Заполните ячейку», «Поместите рыбку в аквариум», что является инновационным подходом на занятиях.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, мультимедийные технологии, слайд, дидактическая игра, компьютеры, стиль, ячейка, сложение и вычитание чисел, эффективность обучения.

## ADVANTAGES OF THE USE OF COMPUTER DIDACTIC GAMES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF PRESCHOOL EDUCATION ORGANIZATIONS

### Annotation

The article describes the possibilities of using multimedia computer didactic games in the lessons of preschool educational organizations, such as "Put the figures on top of each other," "Fill the cell," "Place the fish in the aquarium," which is an innovative approach in the lessons.

**Keywords:** education, training, multimedia technology, slide, didactic game, computers, style, grid, addition and subtraction of numbers, educational effectiveness.

Ўзбекистон Республикаси Президенти–нинг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори билан “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур” тасдиқланди ва мазкур Дастурнинг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари қаторида мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига

жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” ги Қонунининг 53-моддасида мактабгача таълим ва тарбия тизимини илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш вазифалари белгиланган бўлиб, жумладан, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, мактабгача таълим ташкилотлари учун ўқув-услубий ва дидактик материаллар ишлаб чиқиш ва ишлаб

чиқариш, мактабгача таълим ва тарбия соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, мактабгача таълим ва тарбияни бошқаришнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кабилар кўзда тутилгандир.

Юқорида баён қилинган далиллар мактабгача таълим ташкилотларининг таълим-тарбия жараёнида ахборот технологияларини татбиқ этиш, машғулотлар жараёнида компьютерли дидактик ўйинлардан фойдаланиш ва тарбияланувчиларнинг илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида мактаб таълимига тайёрлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири эканлигини кўрсатади.

Баркамол авлодни шакллантириш дастлаб оилада, сўнгра мактабгача таълим ташкилотида амалга оширилади. Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг биринчи тури бўлибгина қолмай, балки ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантирувчи биринчи поғона ҳамдир. Бола фаолиятининг 80 фоизини турли ўйинлар, жумладан, дидактик ўйинлар ташкил этади. Ўйин орқали болаларда мактабда муваффақиятли билим олиши, янги муҳитга мослашув кўникмалари ривожлантирилади. Бугунги кунда компьютерлар халқ хўжалигининг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун, ёш авлоднинг компьютер саводхонлигини шакллантириш мактабгача таълим ташкилотларидан бошланиши мақсадга мувофиқдир.

Катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида компьютерли таълимий, ривожлантирувчи ва таълимий-ривожлантирувчи ўйинлардан фойдаланиш давр талаби ҳисобланади, шу асосда, даставвал катта ва мактабга тайёрлов гуруҳи болаларида компьютер саводхонлигини шакллантириш лозим. Таълимий ўйинларнинг услуби ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- **имитацион ўйинлардан** аниқ ишлаб чиқариш, кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган касбий ўқитишда фойдаланилади.

- **мазмунли-ролли ўйинлар** асосида аниқ ҳаётий, ишчан ёки бошқа вазият ётади. Бундай ҳолда, ўйин ҳар бир қатнашчи аниқ ролни бажарадиган (ўйнайдиган) театрни

эслатади. Бунда ўйин мазмунан интеллектуал фаолият шаклли ижодий ўйиндир, шунинг учун қатнашчиларни тайёрлаш ва ўйин сценарийсини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга;

- **инновацион ўйинларнинг** бошқа ўйин турларидан ажралиб турадиган фарқи, ҳаракатли тузилишга эга эканлиги ва ўйинни бир неча ўқитиш-ривожлантирувчи “фазо”ларда, масалан, компьютер дастурларидан фойдаланиб ўтказишдир. Инновацион ўйинлар замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда сифатли билим олишга қаратилган.

- **ташкилий-фаолиятли ўйинлар.** Бу ўйинларда вазиятни ташхис қилиш ва муаммони ечиш вариантларини танлаш асосий мақсад қилиб қўйилади. Услуб нуқтаи назаридан, қатнашчиларнинг мулоқотида, муносабатига ва гуруҳий ишларнинг бошқа шаклларида кўпроқ эътибор қаратилади;

- **ишчан тренинглари.** Бу энг самарали ўйин туридир. Уни моделлаштириш жараёнида муаммони вазият аниқланади, ўйиннинг мақсади, уни ечиш йўллари изланади. Ишчанлик ўйинлари таълим соҳасида ҳам, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам қўлланилади. Ишчанлик ўйинида тарбияланувчиларда муаммонинг ечимини излаш механизми шакллантирилади ва мустаҳкамланади. Бундан ташқари, тарбияланувчилар психологиясини шакллантиришда ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Тренингни ҳар бир ўйин ёки психологик методикаси босқичи юқори малакали психолог-бошловчининг таҳлили билан бирга олиб борилади. Бу ва бошқа технологиялардан фойдаланиш назария ва амалиётни меъёр даражада биргаликда олиб бориш имкониятини беради.

Натижада, тренинг тингловчилар ўзлари ва бошқаларни тўғри баҳолашга, бошқалар билан кундалик ҳаётда ҳам, иш жараёнида ҳам самарали муносабат ўрнатишга ёрдам беради.

Компьютерли дастур бола учун янги ўйин воситаси, кизиқ ва бошқарилувчи ўйинчоқ бўлиши мумкин ва бу воситалар ёрдамида турли-туман ўйин масалаларини ечиши, демак, ривожланиши мумкин. Лекин, компьютер ўйинини муваффақиятли эгаллаш

учун болада психик жараёнларни шаклланганлик даражаси талаб этилади. Шунинг учун ҳам кўпгина психолог олимларнинг фикрича компьютерни 5 ёшдан кичик бўлмаган болаларга таништириш мумкинлигини таъкидлайдилар. Чунки:

1. Компьютерни фаолият воситаси сифатида тўлақонли фойдаланиш учун, боладан белгилар, умумлашган шакллар (бунинг учун, унда етарлича ривожланган онг, ижодий тасаввур керак) билан ишлашни билиши керак. Экрандаги тасвир – ҳақиқий ёки ўйинли объектларнинг шакллари ва белгиларидан иборат ва улар билан бола муваффақиятли амаллар бажариши учун, унинг онги етарли даражада ривожланган бўлиши талаб этилади.

2. Компьютер дастури билан ишлаганда бевосита иккиланган фаолият амалга оширилади, масалан, бола бармоқлари билан компьютер тугмаларини ёки «сичқонча»нинг тугмасини босиб, қўллари билан амаллар бажариши ва бир вақтнинг ўзида экранга қараб унда тасвирланган нарса ва ходисаларни кузатиши керак.

3. Болада ҳаракатларни ихтиёрийлик даражаси ва эркин ўзини-ўзи тартибга солиш хусусияти ривожланган бўлиши талаб этилади.

Компьютерда ишлашни ўрганишга мўлжалланган юқорида келтирилган шартлар турли-туман предметли-амалий ва ўйинли фаолиятда (расм солиш, яшаш, ролли ўйин ва ҳ.к.) шаклланади. Бевосита анъанавий ўйин табиий равишда, болани мажбур қилмаган ҳолда у ёки бу ҳаракатлар қилишга йўналтиради ва бу ҳаракатларга уни аралаштиради. Ўйин (дастлаб нарсалар билан, кейин нарса ёки белги асосида тасаввур киладиган вазиятли ўйинлар)да ҳаракатларининг сифатли ўзгартириш, йиғиш, умумлаштириш, белгиларни ўрнига (имо, сўз) қўйишлар жуда аниқ намоён бўлади.

Таълимга оид ўйинларнинг таълимдаги ўрни ниҳоятда муҳим. Педагогикада улар тарбияланувчиларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги, мустақиллигини ривожлантиришга асосланган ривожлантирувчи таълимнинг ажралмас таркибий қисмидан иборатдир. Таълимий ўйинларни таълим-тарбия жараёнига қўллаш бўйича олиб

борилган тадқиқот натижалари ушбу технология, умуман олганда, таълимнинг самарадорлигини кўтариш имкониятини беришини кўрсатди. Таълимга оид ва ишчанлик ўйинлари психологик аҳамият касб этади, касбий ва шахсий сифатларни ривожлантиришга самарали таъсир этади.

Таълимий ўйинларини самарадорлигини ошириш учун унинг технологияси:

- ўйинни таълим мақсадларига мос бўлиши;
- иммитацион-роллик ўйинни амалий педагогик (психологик) вазиятга таъсир этиши;
- ўйин қатнашчиларининг ўйин мазмунига мос келадиган махсус психологик тайёргарлиги;
- ўйинда ижодий элементларидан фойдаланиш имкониятлари;
- тарбиячи (психолог) нафақат раҳбар сифатида, балки ўйин жараёнида “тўғриловчи” ва маслаҳатчи сифатида ҳам иштирок этиш каби талабларга тайёр бўлиши керак.

Ихтиёрий таълим бериш ўйини бир неча босқичдан иборат бўлиши мумкин:

1) ўйин муҳитини яратиш. Бу босқичда ўйиннинг мазмуни ва асосий вазифаси аниқланади, унинг қатнашчиларини психологик тайёргарлиги амалга оширилади;

2) ўйин жараёнини ташкил этиш. Бу босқичда қатнашчиларга ўйин қоида ва шартлари тушунтирилади ва улар орасида ролларни тақсимлаш амалга оширилади.

3) ўйинни ўтказиш. Бунда қўйилган мақсад ҳал қилинади;

4) яқун яшаш. Бу босқичда қатнашчиларнинг ўзлари ҳам, махсус экспертлар (психолог, педагог) томонидан ҳам ўйин бориши ва натижалари таҳлил этилади.

Ўйиннинг мақсади-ўйин ўтказишга мўлжалланган дидактик материаллар, жумладан слайдлар тайёрлаш жараёнида белгиланади. Масалан, слайд у ёки бу таълим материални ўргатиш, бола эгаллаган материални такрорлаш ёки мустаҳкамлаш ва болани ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин. Тарбиячи фақат ўйин ўтказишдан олдин болаларни танланган материал ва слайдга мос келадиган мақсадни таъкидлайди ҳамда баён этади.

Ҳар бир компьютерли дидактик ўйиннинг мақсадидан ташқари вазифаси ҳам бор.

Вазифасига кўргазмалиликни ошириш, таълим жараёнини қизиқарли қилиш, таълим материални ўзлаштиришни енгилроқ қилиш, ўрганилган материални такрорлаш ва мустаҳкамлаш киради.

Мультимедиали компьютерли дидактик ўйинлар тарбияланувчиларнинг қизиқувчанлик хусусиятини ошириши қуйидагилар асосида номоён бўлади:

1. Экранда кўрсатиладиган ўйин объектига анимация самараси берилган бўлиши ва улар доимий равишда ҳаракатланиб, жилоланиб туришида;

2. Товушда;

3. Мусиқада;

4. Анимацияда;

5. Мультификацияда.

Ўйин давомидаги ушбу “компьютерли” психологик-педагогик таъсирлар ёш болаларнинг фақат қизиқувчанлик хусусиятини оширибгина қолмасдан, балки билим олишга бўлган иштиёқини ҳам оширади.

Компьютерли ўйинларни бир неча турга ажратиш мумкин, жумладан:

1. Компьютерли таълим ўйинлари.

2. Компьютерли ривожлантирувчи ўйинлар.

3. Бошқотирма ўйинлари.

4. Дам олиш ўйинлари.

5. Стол устида ўйналадиган ўйинлар (шахмат, шашка).

6. Ҳарбий машқларни кўрсатадиган ўйинлар.

8. Якка кураш, таъқиб, қочиш ўйинлари

9. Авантюра ўйинлари.

10. Конвейрли ўйинлар.

11. Конструкция (йиғиш) – ҳаракат ўйинлари.

12. Мулоқотли-англаш ўйинлари.

13. Ўқув-технологик ўйинлар.

14. Спорт ўйинлари.

15. Бошқарув-иқтисод ўйинлари ва бошқалар.

Мультимедиали таълимий ва ривожлантирувчи компьютер ўйинларининг ўзига хос технологик жараёни, педагогик ва психологик жиҳатлари мавжуд бўлиб, ўйинлар ана шу жиҳатлар асосида олиб борилиши лозим. Бу болаларга:

- кузатиш;

- ақлий фаолиятни ривожлантириш (компьютерли ўйинда);


- болаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;

- болаларнинг компьютер саводхонлигини ошириш имкониятини беради.

Қуйида, мактабгача таълим ташкилотларида қўлланиладиган таълимий, ривожлантирувчи ва таълимий ривожлантирувчи компьютер ўйинларининг педагогик-психологик жиҳатларидан баъзи бирларини кўриб чиқамиз.

**Педагогик жиҳатлари.** Дидактик ўйинларнинг педагогик жиҳатларидан бири-уларни таълимийлигидир. Тарбияланувчи ўйин давомида бир вақтнинг ўзида ҳам ўйинда иштирок этади, ҳам маълум бир даражада таълим олади. Айрим ўйинларда билимларини машқларда намойиш қиладилар ва уларни чуқурлаштирадилар.

Демак, компьютерли дидактик ўйинлар таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб, таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам қилади. Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинлардан фойдаланиб ўтказиладиган технологик жараёнлар қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:



Схемадан кўришиб турибдики, тарбиячи даставвал ўйин объекти (тури ва йўналиши)ни танлайди, сўнгра ўйин қоидаларини, шартларини ва вазифаларини

аниқлайди. Навбатдаги иш ўйиннинг мазмунини ва қандай мақсадда амалга оширилиши, таълимий ва ривожлантирувчи жиҳатлари бегиланади. Шундан кейин, ўйин

ўтказилиб, натижалар таҳлил этилади ва ўйин ғолиблари аниқланади. Компьютерли ўйинлар ва машқлар асосан тарбиячининг назорати остида ўтказилади.

Демак, компьютер ва унинг хотирасидаги таълимий ўйинлар биргаликда, мультимедиа технологиясининг ўйинлар бўйича асосий дидактик воситаси ҳисобланади. Компьютер хотирасидаги ўйинлардан ташқари қўшимча дидактик ўйинлар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун, махсус дастурлардан (Power Point ва Macromedia Flash) фойдаланилади.

Компьютерли таълимий ва ривожлантирувчи ўйинларнинг афзалликлари ва педагогик жиҳатларидан бири - улар тарбияланувчилар томонидан йил давомида ва исталган пайтда ўйналиши мумкин. Болалар компьютердан фойдаланишни ўрганиб олганларидан сўнг, бундай ўйинлардан мустақил равишда фойдаланишлари мумкин. Ўйин давомийлиги 15 дақиқадан ошмаслиги лозим.

**Психологик жиҳатлари.** Мактабгача таълим ташкилотининг турли гуруҳ тарбияланувчилари компьютерни ва компьютер ўйинларини турлича қабул қилишлари мумкин. Масалан, кичик гуруҳ тарбияланувчилари шахсий компьютерлар ва уларнинг қурилмаларини қиматбаҳо ва катта ўйинчоқ деб қабул қилишлари мумкин. Унинг «Сичқонча»сини ҳақиқий «Сичқонча», монитор экранини эса, телевизор экрани билан таққослай оладилар. Психологик нуқтаи назардан компьютер (монитор) экранидан мультимедиа тасвирлар ёш болаларга ҳис-туйғули самара беради. Ёш болалар турли хил буюмларга, қурилмалар ва транспорт воситаларининг моделларига жуда қизиқувчан бўлганликлари учун компьютернинг психологик таъсири буюмларга қараганда кучлироқ бўлади.

Компьютер ўйинлари ёш болаларга кинематик (жонли) психологик таъсир этадилар. Монитор экрандаги ўйин буюмлари ҳаракатланиб, ранглари ўзгариб жилоланиб туради. Шунинг учун, уларнинг ёш болаларга таъсирини кинематик (жонли) психологик таъсир деб ҳисоблаш мумкин.

Дидактик ўйинлар жараёнида психик билиш жараёнларининг такомиллашуви юз беради, яъни болалар буюмларнинг сони,

катта-кичиклиги, шакли, ҳажми, рангларини идрок қилиши ривожланади.

Компьютер ўйинларининг психологик таъсири айниқса, улгурмовчи, пассив тарбияланувчиларга сезиларли бўлади. Улар биринчи муваффақиятли сеансдан (ўйиндан) кейин, ўзлари фаоллашиб топширикни бажаришга киришиб кетадилар. Шундан бошлаб, тарбиячининг уларга нисбатан танбеҳ беришига ҳожат қолмайди. Тарбияланувчи “компьютер” психологиясига тез кўникиб, малакасини ошириши лозим. Масалан, курсорни тўхтовсиз пастга, юкорига, ўнгга ва чапга ҳаракатлантириб турилиши ҳам, болаларда кўникма ҳосил қилгунга қадар, маълум бир психологик таъсир этади.

Таълим методлари. Компьютерли таълимда ҳам педагогиканинг намоёиш этиш ва амалий усулларидан фойдаланган ҳолда, МТМ болаларига янги материалларни ўргатиш жараёнида бевосита диалог методидан фойдаланилади.

Янги материални ўргатишга қаратилган компьютер иштирокидаги бевосита диалог методи – махсус дастурлар асосида тайёрланиб, компьютер хотирасига киритилган материаллар ва дидактик воситалар орқали амалга оширилган машғулотларга татбиқ этилади.

Янги билим беришда бевосита диалог методидан фойдаланишни мактабга тайёрлов гуруҳлари болаларининг ёшлари (6-7), уларнинг фикрлаш даражалари ва бошқа хусусиятларини эътиборга олишни тақозо этади. Бевосита диалог методидан фойдаланилган ҳолда компьютер дидактик воситалар манбаи ролини ўйнайди.

Болалар томонидан материал мустақил ўрганилган (ёки мустақил такрорланган)да, машқлар мустақил бажарилганда, компьютер ўйинлари амалга оширилганда компьютер иштирокидаги билвосита диалог (виртуал ахборот муҳитида компьютер билан диалог) методидан фойдаланилади.

Виртуал ахборот муҳитида компьютер билан (билвосита) диалог методининг алгоритми:

1. Бола дастурда кўрсатилган тугмачалардан топширикка мосини танлайди.

2. Компьютер тарбияланувчига – топширик, савол, машқни бажариш ёки ўйинни бажаришни буюради.

3. Тарбияланувчи топширикни бажаради.

4. Компьютер топширик бажарилишининг тўғри ёки нотўғрилигини билдиради.

5. Нотўғри бўлса, такрорий бажартиради.

6. Компьютер боланинг билимини баҳолайди.

Компьютерда ишловчи бола машқларни ва компьютер қўйган вазифаларни, ўйинларни такрор-такрор бажариб, мақсадига эриша олади, чунки компьютер - “бағри кенг” ва “тоқатли, сабрлидир”. Бола хато қилган тақдирда ҳам хатони ўзи тузатгунга қадар ҳеч ким унга танбеҳ бермайди. Аммо, болалар компьютерда мустақил ишлаган ҳолларда ҳам уларнинг ҳаракатлари доимо тарбиячи назоратида бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларга мўлжалланган компьютерли дидактик ўйинларга асосланган мультимедиа технологияси жорий анъанавий технологияларга нисбатан қуйидагилар билан фарқланади:

- болаларнинг психологик жиҳатлари;
- болаларнинг ёши (6-7 ёш);
- компьютерли машғулотнинг давомийлиги (15 дақиқа);
- материалнинг болаларга мослиги (мультимедиа шаклида);
- материалнинг ҳажми (30 дақиқага мўлжалланган);
- материалнинг мураккаблик даражаси (болалар учун содда материаллар танланади);
- уларнинг фаоллик даражалари ва ҳ.к.

Дидактик ўйинлар болаларнинг тевақатроф тўғрисидаги билимларини мустақамлашга ёрдам беради. Ўз шахсий тажрибалари ва машғулотларда олган билимларини амалда қўллай билишга ўргатади, улардаги фикрлаш қобилиятларини, ижодий кучларни, сенсор жараёни ривожлантиради, олган билимларини тартибга солади.

Мактабгача таълим ташкилотларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, чунки дидактик ўйинлар таълим ва тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйинлар бола-

ларнинг ёши ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш услубидир.

Компьютерли дидактик ўйинларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

**1. Компьютерли таълимий ўйинлар.** Компьютерли таълимий ўйинлар асосан болаларга таълим бериш, ўрганилган материални такрорлаш ва мустақамлашга қаратилган. Шунингдек, улар ўрганиладиган материалга қизиқиш ўйотиш ва уни билишга интилиш, ҳавас қилиш вази-фаларини ҳам бажаради.

Компьютерли таълимий ўйинларга қуйидагилар кирадилар: “Катакни тўлдир”, “Сонни топ”, “Уй яшаш”, “Ўрта бўйлисини аниқла”, “Сўз яшаш”, “Алифбони ўрганамиз”, “Экологик ўйин” ва ҳокозолар.

Мактабга тайёрлов гуруҳлари учун 5 сони ичида қўшишга доир “Катакни тўлдир” таълимий компьютер ўйинини амалга ошириш мумкин. Ўйинни амалга ошириш учун мультимедиа слайд кўриниши 1-расмда келтирилган.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 0

1	+		=	3
	-	2	=	3

1 2 3 4 5 6 7 8 9 0

1-расм. Катакни тўлдир компьютер ўйини (ўйингача бўлган ҳол)

1 3 4 5 6 7 8 9 0

1	+	2	=	3
	-	2	=	3

1 2 3 4 5 6 7 8 9 0

Начало игры      Конец игры

2-расм. Катакни тўлдир компьютер ўйини (ўйиндан кейинги ҳол)



Ушбу таълимий компьютерли ўйиннинг мазмуни бўш катакни мос сон билан тўлдиришдан иборат.

Мультимедиа самараси: ўйин дастури ишга туширилгач, рақамлар бирин-кетин ҳаракатланиб монитор экранига намоиш этилади ва слайддаги катакларга жойлашадилар (анимация самараси). Сухандоннинг овози эса жараённи шарҳлаб боради (аудио самара), катаклар эса мультимедианинг график қисмини билдиради. Натижада, юқорида таъкидланганлар тарбияланувчиларга қизиқарли ва жозибали самара беради.

Ушбу компьютерли таълимий ўйинда икки вазифа, яъни, компьютерли ўйин ўтказилади ва 5 сони ичидаги сонларни қўшиш ва айириш амали ўрганилади.

Навбатдаги “Уй яшаш” ўйиннинг таълимий жиҳатларига эътибор қаратамиз: “Уй яшаш” ўйини “Илк қадам” дастуридаги мавзулар асосидадир (мактабга тайёрлов гуруҳи).



### 3-расм. Уй яшаш ўйини

Ушбу ўйин дастурини ишга тушириш биланок монитор экранига ўйиннинг элементлари-тўртбурчак шаклидаги эшик, квадрат шаклдаги дераза, учбурчак шаклидаги том, томда ўрнатилган доира шаклидаги туйник кетма-кет намоиш этилади ва элементлар белгиланган ўринларида жойлашаврадидилар. Натижада 3-расмда кўрсатилгандек ўйиннинг ён томонидан кўриниш хосил бўлади.

Тарбиячи ушбу ўйиндан фойдаланиб болаларга таълим беришда қуйидагиларни таъкидлайди: болалар монитор экранига ўйиннинг ён томондан кўринишига эътибор

беринглар-ўйиннинг эшиги тўртбурчак шаклда, деразаси квадрат шаклда, томи (ён томондан кўриниши) учбурчак шаклда, томдаги туйник доира шаклда эканлигига эътибор қаратади.

Ўйин дастури шундай яратилганки “Сичқонча” ёки “Клавишлар” ёрдамида ясалган ўйни яна элементларига ажратиб юбориш (бўлаклаб юбориш) мумкин. Тарбиячи болаларни қизиқтириш учун ўйни элементларига ажратиб (бўлаклаб) юборади ва яна ясайди. Сўнгра ушбу жараён тарбияланувчи томонидан бажарилади. Ўйин якунида тарбиячи уй элементларининг номларини такрорлайди.

**2. Компьютерли ривожлантирувчи ўйинлар.** Компьютерли ривожлантирувчи ўйинлар бола тафаккурини ривожлантириш, ақлий фаолиятини ошириш, диққатини барқарорлаштириш, идрокларини фаоллаштириш ва ҳокозоларга қаратилган. Компьютерли ривожлантирувчи ўйинлар мантиқий ўйинлар сирасига киради. Компьютерли ривожлантирувчи ўйинларга “Қушчани қафасга жойла”, “Лабиринт”, “Тетрис”, “Денди”, “Пазл”, “Фарқини топ” кабилар киради.

Компьютерли ривожлантирувчи ўйинга “Гул, балиқ, қушчани жойлаштир” ўйинларини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу ўйин бўйича ҳам мультимедиа тақдимот тайёрланиб, тақдимот материаллари намоишга қўйилгач монитор экранининг юқори қисмида бирин-кетин гул, балиқ ва қушча пайдо бўла бошлайдилар, экраннинг қуйи қисмида аралаш ҳолда мушукча жойлаштирилган қафас, гулдон, сувсиз аквариум, бўш қафас, қоғоз ташланадиган бўш саватча ва сувли аквариум жойлашадилар.

Болалар ушбу жараённи тарбиячи билан биргаликда кўриб турадилар ўйиндан мақсад болаларнинг ақллари чархлаш ва фикрларини ўстиришдан иборат. Вазифа-гул, балиқ ва қушчани пастдаги гулдон, сувли аквариум ва бўш қафасга тўғри жойлаштиришдан иборат.



#### 4-расм. Гул, балиқ ва қушчани жойла ўйини

Тарбиячи слайдни экранда очиб бўлгач кадрни шу ерда тўхтатиб болалардан сўрайди. Гул, балиқ ва қушчани қайси бир идиш ва қафасга жойлаштириш мумкин? Болалардан тўғри жавоб олгач; тарбиячи ўйинни бажариб кўрсатади сўнгра, бир нечта болаларга бажартиради.

Ўйинда иккита ечим бор: тўғри ва нотўғри ечим. Агар бола балиқни сувсиз аквариумга жойлаштира с нотўғри ечим бўлади, шунингдек, қушчани мушукча бор бўлган қафасга жойлаштира бу ҳам нотўғри ечим бўлади, чунки мушукча қушчани еб қўяди ва ҳокозо. Шундай қилиб ушбу ўйинда боланинг ақлий ва фикрлаш қобилияти ривожлантирилади.

**3. Компьютерли таълимий-ривожлантирувчи ўйинлар.** Компьютерли дидактик ўйинларнинг катта қисми таълимий-ривожлантирувчи ўйин шаклида бўладилар ҳамда бир вақтнинг ўзида иккита функцияни бажарадилар-болаларга таълим бериш билан

бир қаторда, уларнинг фикрлаш ва ақлий қобилиятларини ҳам ривожлантирадилар.

Таълимий-ривожлантирувчи ўйинларга “Кимнинг уйи қаерда”, “Шаклларни ўрганамиз”, “Сўз тузиш”, “Фасллар ўйини” ва ҳокозолар кирадилар.

Қуйида фасллар ўйинини ўйнаш жараёнини баён этамиз. Тарбиячи “Фасллар ўйини” номли компьютерли таълимий-ривожлантирувчи ўйинидан фойдаланиш учун дастлаб тайёрланган такдимот материални намойишга қўяди.

Слайднинг ўйингача қисмида 6 та расм жойлаштирилган.

Юқоридан пастга: 1. Бола ёз ойида, 2. Дарахт куз ойида, 3. Дарахт баҳор ойида, 4. Дарахт қиш ойида.

Иккинчи қатор юқоридан пастга: 1. Мева териш (ёз ойида) 2. Бола баҳор ойида, 3. Қиш манзараси ўрта қаторда, 1. Бола қиш кийимида, 2. Бола гул кўтариб мактабга бормоқда. Жами 8 та расм.



### Fasllar o'yini

### Fasllar o'yini



**5-расм. Фасллар ўйини (ўйингача)**

Слайднинг пастки қаторида 4 та бўш катак жойлашган.

Вазифа: пастки қатордаги бўш катакларда баҳордан бошлаб фаслларга мос расмларни жойлаштириш.

Тарбиячи шу ҳолатда кадрни тўхтатиб, болаларга мақсад ва вазифани тушунтиради ҳамда болаларнинг бир нечтасидан:

- а) расмлар сони нечта эканлигини;
- б) табиатда (йилда) нечта фасл мавжудлигини ва уларнинг номларини (монитор экранига қараб);
- г) қайси расмлар бир-бирига мослигини;
- д) расмларнинг барчасини 4та катакка жойлаштириш учун уларни нечталаб гуруҳлаш кераклигини сўрайди.

5. Тарбиячи болалар билан интерфаол мулоқотда бўлиб, уларни фикр юритишларига имкон яратади ва бирлашиб тўғри жавоб танлагач ўйинни “Сичқонча” ёрдамида дастлаб ўзи бажариб кўрсатади сўнгра, болаларга мустақил бажартиради.

Ўйиннинг таълимий жиҳатлари-болалар томонидан 8 гача санашни ўрганиш, объектларни (нарсаларни) гуруҳлашга ўрганиш ва йил фаслларини ўрганишдан иборат. Ривожлантириш жиҳатлари-фаслларнинг ўзгаришини идрок этишда, болаларни қандай гуруҳлаш кераклиги тўғрисида фикр юргизишда, “Сичқонча”дан фойдаланишни ўрганишда номоён бўлади.

Шаклларни устма-уст қўйиш ўйинида, биринчидан, ўйин вазифаси бўйича бола шаклларни устма-уст қўйиш натижасида қандай шакл ҳосил бўлишини топса, иккинчидан, тарбиячининг топшириғи бўйича шакллар сонини санаб беришни, шакллар қандай кўринишда эканлигини ва уларнинг номларини айтишни, ранглари ажратиб бериш вазифаларини бажаради (таълимий жиҳати). Бундан ташқари, тарбияланувчи “сичқонча”дан фойдаланиб компьютерда ишлаш малакасини ҳосил қилади ва компьютер саводхонлигини оширади.

**6-расм. Фасллар ўйини (ўйиндан кейин)**

**6 - расм. Шаклларни устма-уст қўйиш ўйини**

Ўйин тартиби: тарбиячи тарбияланувчиларни олдин юқори қатордаги шакллар билан, сўнгра пастки қатордаги шакллар билан таништиради ва уларнинг рангларига эътибор беришни таъкидлайди.

Вазифа: юқори қатордаги шаклларни устма-уст қўйиш натижасида, пастки қатордаги қайси шакл ҳосил бўлишини айтиб бериш ва “сичқонча” ёрдамида буни амалга ошириш.

Ўйиннинг мақсади: шаклларни устма-уст қўйиш компьютерли ўйин билан таништириш, “сичқонча” билан ишлаш малакасини ҳосил қилиш, геометрик шакллар, квадрат ва доира бўйича билимларини мустаҳкамлаш. Болаларга шаклларни тўғри устма-уст қўйиш ўйинини ўргатиш.

Машғулотнинг бориши: тарбиячи Алибекни компьютер рўпарасига ўтказиб, ундан экранда қандай шаклларни кўраёйсиз ва улар нечта қаторда жойлашган, - деб сўрайди.

Алибек юқори қаторда учта, пастки қаторда тўртта шакл борлигини таъкидлайди.

Тарбиячи: қандай шакллар экан?

Алибек: иккита доира ва бешта квадратдан иборат.

Тарбиячи: шаклларнинг ранглари қандай тусда?

Алибек: юқори қатордагиларнинг биринчиси кўк, иккинчиси қизил, учинчиси эса яшил, - дейди

Тарбиячи гуруҳнинг бошқа тарбияланувчиларига ҳам Алибек айтганларини такрорлатади.

Сўнгра “Шаклларни устма-уст кўйиш” ўйинини амалда бажаришга ўтилади.

Тарбиячи: Алибек, қани айт-чи, юқори қатордаги шаклларнинг биринчисини пастда, иккинчисини унинг устига (ўртада), учинчисини иккинчисининг устига кетма-кет жойлаштирилса, пастки қатордаги қайси шаклнинг кўриниши ҳосил бўлади.

Алибек, пастки қатордаги шаклларни кузатиб, фикр юрита бошлайди ва рангларга эътибор қилиб, - пастдаги қатордан иккинчиси, - дейди.

Тарбиячи: Алибек, энди “сичқонча” курсорини айтилган шаклга олиб бор.

Алибек “сичқонча” курсорини айтилган шаклга олиб боради. Натижада юқоридаги шакллар ҳаракатга келиб, таъкидланганидек, бир-бирларининг устига жойлашади. Алибек ўйинни тўғри бажарган бўлади.

Алибек пастки қатордан биринчиси, учинчиси ёки тўртинчисини танлаганда ўйинни бажара олмаган бўлар эди. Тарбиячи компьютерли таълимий-ривожлантирувчи ўйинлар натижасини баҳолаши ҳам мумкин. Бунинг учун, Алибекка шу туркумдаги яна иккита ўйинни бажаришни таклиф этади. Агар Алибек, уччала ўйинни тўғри бажарса, 3 балл (аъло), иккитасини тўғри бажарса, 2 балл (яхши) ва биттасини тўғри бажарса, 1 балл (қониқарли) қўйилади. Шу билан бирга, баҳолаш пайтида сонларни санаш, геометрик шаклларни аниқлаш ва ранг танлашига ҳам эътибор қаратилади. Шуни қайд этиш керакки, ўйинларнинг қолган эллик беш хил варианты шу усул билан амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган компьютерли ўйинлардан машғулотдан ташқари, 15 дақиқа давомида ривожлантирувчи ўйинлар сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда ўйин тартиби қуйидагича бўлади:

Компьютер олдида 3 нафар тарбияланувчи таклиф этилади ва улар, юқоридаги усул ёрдамида ўйинда берилган вазифани бажаради.

Тарбиячи ҳар бир тарбияланувчининг ўйинни бошлаган ва бажариб бўлган вақтини аниқлайди. Сўнгра, иккинчи тарбияла-

нувчига навбат берилади. Унинг ўйинни бажарган вақти ҳам аниқланади. Кейин, учинчи тарбияланувчи ўйинни бажаради. Унинг ҳам ўйинни бажарган вақти аниқланади ва ўйин ғолиби аниқланади.

Эслатма: тажриба-синов даврида бола-ларнинг билим даражаларини таққослаш учун назорат гуруҳи тарбияланувчиларига ушбу ўйинни ўтказиш учун шакллар картон қоғоздан тайёрланади ва 6-расмда кўрсатилганидек, тегишли рангларга бўялади.

Назорат гуруҳларида машғулотлар анъанавий усулда (компьютерсиз) ўтказилади ва болаларга юқорида қайд этилган тартибда бажартирилади ҳамда уларнинг билимлари баҳоланади.

Шундай қилиб, “Шаклларни устма-уст кўйиш” ўйинидан:

1) еттигача санаш; 2) таълимий, яъни геометрик шакллар (квадрат ва доира) ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш; 3) рангларни фарқлаш; 4) “сичқонча”дан фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш каби маълумотлар кўшимча ўрганилади. Беш хил вариантдаги ўйин давомида мавзу асосидаги маълумотлар такрорланиб, тарбияланувчиларнинг билимлари мустаҳкамланади.

Компьютер ўйинлари тарбияланувчиларни ўрганиладиган материалга ва ўйин мазмунига диққатларини жалб қилишда самарали восита ҳисобланади.

Компьютер ўйинларида тарбияланувчиларнинг идроки ва кузата билиш қобилияти ривожланиб, тараққий эта бошлайди. Идрок этишнинг бир нечта тури бўлиб, шулардан ҳаракатни идрок этиш тури компьютер ўйинларида ҳам намоён бўлиб, кўпроқ жангарилик ўйинларида кузатилади. Бу ҳолда компьютер экранида ўқ (снаряд)нинг ҳаракати, нишонга тегиши, портлаш жараёнини кўриш мумкин. Автопойга ўйинлари ҳам идрокнинг ҳаракат турига киради.

“Балиқчани аквариумга жойла” компьютерли дидактик ўйинидан намуналар:



7-расм. Балиқчани аквариумга жойлаштириш ўйини.  
(Ўйингача бўлган хол)



8-расм. Балиқчани аквариумга жойлаштириш ўйини.  
(Ўйин жараёни)



9-расм. Балиқчани аквариумга жойлаштириш ўйини.(Ўйин натижаси)

“Табиат билан таништириш”га доир мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига экологик таълим бериш мумкин. Аввало, экологик таълим уч турга бўлиб чиқилади, яъни, ижобий ва салбий экологик таълим ҳамда компьютернинг болага салбий экологик таъсири.

Болалар онгига табиатдаги гўзалликдан завқ олишни тарбиялаш, улар теварак - атрофни тоза ва озода сақлашлари, ҳайвон ва қушларга озор бермаслик, гулларни, ўт-ўланларни пайҳон қилмаслик, дароҳт

шоҳларини синдирмаслик, қуш уяларини бузмаслик, чумолиларнинг инини бузмаслик каби хислатлар ҳам шакллантирилиши керак.

Навбатдаги мультимедиа воситасида ижобий ва салбий экологик таъсирлар баён этилган бўлиб, болалар Интернет ашёларидан олинган маълумотлар асосида ижобий ва салбий экологик таъсирлар ҳақида маълумотга эга бўладилар.



10-расм. “Ижобий ва салбий экологик таъсирлар” мультимедиа тақдироти

Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларига экологик таълим – тарбия беришда компьютерли “Саёхатдан” фойдаланиш мумин. Бунинг учун, Интернетдан ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёси ҳамда турли хил қушларнинг тасвирларини топиб, компьютер хотирасига файл сифатида сақланади. Маълум бир мавзуга тегишли экологик машғулотда уларни намойиш этилади ва тарбиячи томонидан шарҳлаб тушунтириб берилади. Натижада, болалар узоқ худудлар, қитъалар ва мамлакатлардаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан танишиб, бутун дунё бўйича “Саёхат”га чиқган бўладилар.

Машғулотлар жараёнида тарбиячилар компьютерли дидактик ўйинларни амалга ошириш бўйича қуйидагиларга эътибор беришлари лозим.

1. Бир марталик ўйин (сеанс) 15 дақиқадан ошмаслиги керак.

2. Компьютерли ўйинларни бошқа турдаги ўйинлар билан алмаштириб олиб бориш, яъни 15 дақиқа давом этган компьютерли ўйиндан сўнг жисмоний ҳаракатли ўйинга ўтиш.

3. Тарбияланувчиларга жангарилик, зўравонлик ва бошқа номаъқул ўйинларни кўрсатмаслик.

4. Компьютерли дидактик ўйинларни маълум бир таълим-тарбия йўналиши бўйича ўтказилишини таъминлаш.

5. Компьютерли дидактик ўйинларни тарбияланувчиларнинг фикрлаш қobiliятларини ривожлантирилишига қаратилган бўлишига эришиш.

6. Компьютерли ўйинларни тарбияланувчиларни зеҳнларини ва зийракликларини оширишга қаратиш.

7. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ўзлари томонидан компьютерли дидактик ўйинларни яратишни таъминлаш.

Машғулот мобайнида тарбияланувчиларнинг компьютер олдида 15 дақиқадан ортиқ ўтириши мумкин эмаслиги эътиборга олиниши керак. Оралиқ (дам олиш) босқичида тарбияланувчиларнинг толиқишини ҳисобга олиб, компьютерсиз амалга ошириладиган машғулот ўтказилади. Компьютерсиз ўтказиладиган ушбу оралиқ машғулотларда, мавзуга тегишли оғзаки

савол-жавоблар, топишмоқлар, турли мазмундаги ўйинлар, амалий тадбирлар (масалан, қайчи билан ҳарфлар қирқиш, қоғозда 5 гача рақамларни ёзишга ўргатиш) ўтказилади. Шунингдек, шеър, ашула айтилади ва жисмоний машқлар бажарилади. Жумладан, кўз толиқишини бартараф этувчи кўз гимнастикаси – бир неча дақиқа давомида кўзни очиб юмиш, хонанинг бурчакларига навбатма-навбат назар ташлаш киради. Оралиқ босқичдан сўнг яна 15 дақиқали асосий машғулот давом эттирилади.

Релаксация вақтини аниқлаш. Компьютерли дидактик ўйинларни амалга ошириш жараёнида релаксация (бола компьютерда ишлагандан кейинги барча толиқишларни, жумладан кўз толиқишини бартараф этиш) вақтини аниқлаш ва унга риоя қилиш асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Релаксация вақти болаларнинг монитор экранидagi материалларга қараш давомийлигига боғлиқдир.

Релаксация вақти:

1) монитор экранига узлукли (дискрет равишда вақти-вақти билан) қаралганда;

2) 15 дақиқа давомида узлуксиз қаралганда фарқланади.

Машғулот ўтказишда бевосита диалог методидан фойдаланиш биринчи ҳолга тўғри келади, яъни бу методда бола монитор экранига узлукли қарайди. 15 дақиқали узлукли ҳолатдаги релаксация вақти сўров орқали қуйидагича аниқланди:

Бевосита диалог асосида ўтказилган машғулотда 15 дақиқа узлукли монитор экранига қараган ва болалар компьютердан узоқроқ (“сичқонча” ва клавиатура кабелларининг узунлиги масофасида) жойлашган ҳолда болаларнинг 95 фоизи 15-20 дақиқадан сўнг толиқишлари йўқолганини билдирдилар.

Шундай қилиб, мактабгача таълим ташкилотларининг таълим-тарбия жараёнига компьютерли дидактик ўйинлардан фойдаланишнинг кенг имкониятлари мавжуд бўлиб, бу жараён эса тарбияланувчиларни мактаб таълимига компьютер саводи билан боришларини таъминлаш ва шу асосда таълим-тарбия самарадорлигини ошириш имконини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги "2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2707-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 11-модда, 35-сон, 923-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 декабрдаги "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги ЎРҚ-595-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон)

3. Абдуқодиров А.А., Бегматова Н.Х. Мактабгача таълим муассасаларида

мультимедиа технологиясидан фойдаланиши услуги (ўқув-услубий қўлланма). – Қарши: Насаф, 2011. –Б.163.

4. Боқиев Р. Р., Р.Меҳмонов, Д. Ҳусниддинова. Болалар боғчасида бошланғич компьютер саводхонлиги. – Тошкент: Иқтисод-молия, 2010.-112 б.

5. Бегматова Н.Х. Методика проведения компьютерных образовательных игр в дошкольных учреждениях // Технологии и методики в образовании. – Воронеж, 2011. - № 3. – С. 4.

6. Бегматова Н.Х. Мультимедиавий компьютерли таълим жараёнини ташиқил этиши алгоритми // Информатика ва энергетика муаммолари. – Тошкент, 2011. - №1. – Б. 85-89.

*Г.Назирова-п.ф.ф.д (PhD), доцент. ҚўқДУ*

## ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Аннотация**

Мақола мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, уларнинг бажарилиши, мактабгача таълим жараёнини ривожлантириши масалаларига бағишланган. Муаллиф мактабгача таълим ташкилотларини таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришида инновацион технологияларни татбиқ этиши буйича ўз фикр ва мулоҳазаларини келтириб ўтган.

**Калит сўзлар.** Мактабгача таълим тизими, инновацион ёндашув, инновацион технологиялар, тарбия, ўқув жараёни, билим, малака, кўникма.

## ОСОБЕННОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА

**Аннотация**

Статья посвящена вопросам реформ, проводимых в системе дошкольного образования, их реализации, развития образовательного процесса дошкольного образования. Автор комментирует применение инновационных технологий в развитии учебно-воспитательного процесса дошкольных организаций.

**Ключевые слова.** Система дошкольного образования, инновационный подход, инновационные технологии, образование, образовательный процесс, знания, квалификация, навыки.

## FEATURES OF IMPROVING THE EDUCATIONAL PROCESS OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS BASED ON AN INNOVATIVE APPROACH

### Annotation

*The article is devoted to the issues of reforms carried out in the system of preschool education, their implementation, development of the educational process of preschool education. The author comments on the use of innovative technologies in the development of the educational process of preschool organizations.*

**Key words.** *Preschool education system, innovative approach, innovative technologies, education, educational process, knowledge, qualifications, skills.*

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кузатишлар шуни кўрсатдики, мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишдаги мавжуд зиддиятлар мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти; иккинчидан, мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган; учинчидан, мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келмоқда; тўртинчидан, миллий маданий-тарихий кадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга кизиқишни уйғотувчи методик-дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди; бешинчидан, кадрларни тайёрлаш ва қайта

тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди; олтинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермаяпти; еттинчидан, мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, шу жумладан, соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Шу сабабдан мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарори, 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси



мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мактабгача таълим соҳасини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

“2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сон қарор мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилганлиги мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Бу ўз навбатида мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асосларини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари давлат тармоғи билан бир қаторда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, таълимнинг илғор технологияларини жорий этиш, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳамда болаларни мактабгача таълимга кенг қамраб олиш асосида уларни мактабга тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш орқали ёш авлодни баркамол қилиб камолга етказишга бўлган замонавий талаб ва эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилмоқда.

Умумий манфаатларни ўзида мужассам этган мазкур қарорнинг амалга оширилиши давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришнинг изчиллиги ва узвийлигини

таъминлаш билан бир қаторда, мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш жараёнларига ҳам ижодий ёндашувни татбиқ этиш, мактабгача ёшдаги болаларни мактабга тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларида таълим олишга зарурий эҳтиёж ва мотивларни шакллантириш, мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг фаолиятини илмий асосда ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, таълим муассасасида қулай таълимий муҳитни шакллантириш, яъни инновацион таълимий муҳитни вужудга келтириш заруриятини белгилайди.

Педагогик амалиётнинг кўрсатишича, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларида мустақил ва эркин фикрлаш кўникмалари ва бой маънавий дунёқарашнинг шаклланиши нафақат махсус ташкил этиладиган педагогик жараёнларда, балки улар яшаётган ва таълим олаётган муҳит, таълим муассасаси жамоаси аъзоларининг ўзаро муносабатлари ва шахслараро муносабатлар жараёнларида вужудга келаётган таълимий муҳитда амалга ошади. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар-ҳодимлари ва тарбиячиларининг шахсий сифатлари, хатти-ҳаракати, дунёқараши, тажрибаси, билим, кўникма ва малакалари тарбияланувчилар шахсининг ривожланишига ўзига хос таъсир кўрсатади.

Педагогик жараёнларда самарадорликка эришиш ва тарбияланувчилар дунёқараши ва тушунчаларини ривожлантириш учун одатда белгиланган мезонларни алмаштириш билан бир қаторда, асосий ва ёрдамчи жараёнлар иштирокчиларининг фаолиятини такомиллаштириш ҳам зарур бўлади.

Фикримизча, мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар бир бутун организм сифатида ички ўзгаришларга асосан ривожланади ва ўзаро алоқалар тизими барқарорлашади. Педагогик жараён самарадорлиги кўрсаткичларига кўра мактабгача таълим ташкилотлари мақсадига эришишдаги вазифалар такомиллаштириб борилади.

Асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларда вужудга келадиган турли хил муаммоларни ҳал этиш замонавий усуллар ёрдамида амалга оширилади, натижалар замон талабларига мослашади ва педагогик тизим самарадорлиги таъминланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (таъминловчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш ва педагогик тизимнинг умумий моделини ўзгартиришда тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг имкониятлари, бошланғич тушунчалари ва мактабгача таълим ташкилотлари ички имкониятларига асосланиш керак. Чунки вазиятларга кўра такомиллаштирилган ва янгиланган модел давлат талаблари даражасида тарбияланувчиларнинг ўзгарувчан таълим-тарбиявий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондира олиши ҳамда тарбиячиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилиши муҳим.

Фикримизча, мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш ва педагогик тизимнинг умумий моделини такомиллаштиришда педагогик тизимнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги омилларга асосланиш керак:

– мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларда эришиш мумкин бўлган муваффақиятлар тарбияланувчиларнинг фаоллигига, тарбиячиларнинг вазиятларга кўра тарбияланувчилар фаоллигини таъминлаш қобилиятларига боғлиқлиги;

– мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнларининг тизимли объект сифатида изчил ривожланиб бориши барча асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар ҳамда тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнлари интеграциясини таъминлашга боғлиқлиги;

– асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардаги муваффақиятлар тарбиявий муносабатлар ва шахслараро муносабатлар жараёнларидаги ўзаро таъсирнинг самарадорлигига боғлиқлиги;

– мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик жараёнларни олдиндан лойиҳалаштиришдаги таваккалчилик (эҳтиёжлар ва имкониятларни, тарбияланувчиларнинг қобилиятлари ва бошланғич тушунчаларини инобатга олмаслик) билан педагогик жараёнлар самардорлигининг номутаносиблиги;

– мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларни ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда тарбияланувчиларга кучли мажбурий ва кенг қамровли таъсир кўрсатишнинг самарасиз эканлиги;

– мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни аниқ белгиланган тартибда (локал) мувофиқлаштиришнинг зарурати.

Демак, мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнларни лойиҳалаштириш ва умумий моделини шакллантиришда уларнинг тизимга хос хусусиятларини инобатга олиш, яъни асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлар самарадорликлари ҳам ўзаро таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга эканлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Яъни мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган мураккаб тузилишга эга бўлган педагогик тизимни ташкил этувчи асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардан бири ҳисобланган тарбиявий муносабатлар жараёнлари ҳам тизимли хусусиятларга эга

бўлиб, унинг самарадорлиги асосий (таълим-тарбиявий) машғулотлар натижавийлигига ўз таъсирини кўрсатиши ёки ўзини-ўзи тарбия жараёнлари сифатида хизмат қилишини инобатга олиш зарур.

Шундай экан, мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этиладиган барча шакллардаги асосий (таълим-тарбиявий) ва ёрдамчи (мотивлар шакллантирувчи ва шарт-шароитлар яратувчи) жараёнлардан иборат бўлган педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлашда уларнинг тизимга хос хусусиятларини ўрганиш ҳамда самарадорликка таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил., 6-сон, 70-модда.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириши чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2707 сонли қарори.*

3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини ривожлантириши концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сон Қарори.*

*D.T.Ergasheva-o'qituvchi. SamDCHTI  
D.M.Irgasheva-o'qituvchi. SamDTI*

## GLOBALASHUV SHAROITIDA XOTIN-QIZLARNING INTELLEKTUAL SALOHİYATLARINI YUKSALTIRISHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI

### Аннотация

*Ushbu maqolada ayollarni qo'llab-quvvatlashda me'yoriy-huquqiy hujjatlarning roli, ayollarning ijtimoiy faolligini oshirish imkoniyatlari, O'zbekistondagi Hunarmandlar uyushmasining roli, «Tashabbus» milliy tanlovi natijalari, «Tadbirkor ayollar» uyushmasi faoliyati muhokama qilinadi va xotin-qizlar muammolariga davlatimiz tomonidan ko'rastilayotgan yordamlar.*

*Kalit so'zlar:* «Hunarmand uyushmasi», «Tashabbus» ko'rik tanlovi, «Tadbirkor ayol», kashtachilik, popurchilik, ko'rik tanlov, ko'rgazma, oilaviy tadbirkorlik.

## СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА ЖЕНЩИН В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

### Аннотация

*В данной статье рассматривается роль нормативных актов в поддержке женщин, возможности повышения социальной активности женщин, роль союза ремесленников в Узбекистан, итоги республиканского конкурса «Ташаббус», деятельность ассоциации женщин-предпринимателей. Оказываемая государством помощь женщинам в решении их проблем.*

*Ключевые слова:* Конкурс «Ассоциация ремесленников», «Ташаббус», «Деловая женщина», вышивка, гончарное дело, конкурс, выставка, семейный бизнес.

## MODERN PROBLEMS OF RAISING THE INTELLECTUAL OF WOMEN IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

### Abstract

*This article discusses the role of regulations in supporting women, opportunities to increase women's social activism, the role of the Craftsmen's Union in Uzbekistan, the results of the national competition «Tashabbus», the activities of the Association of Women Entrepreneurs and activities of the Association of women entrepreneurs state assistance to women in solving their problems..*

**Keywords:** «Craftsmen's Association», «Tashabbus» contest, «Businesswoman», embroidery, pottery, contest, exhibition, family business.

***Davlat va jamiyat boshqaruvida ayollarning o'rne va mavqeini yanada mustahkamlash – islohotlarimizning eng ustuvor yo'nalishlaridan biridir.***

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti  
Sh.M.Mirziyoyev.**

Yurtimizda xotin-qizlarning huquq va qonuniy manfaatlarini muhofaza qilish, ularning sog'lig'ini mustahkamlash hamda munosib mehnat va turmush sharoitini yaratish, onalik va bolalikni himoyalash, oila institutini mustahkamlash, ijtimoiy-maishiy sharoitlarini yaxshilash va boshqa bir qator masalalarda davlatimiz tomonidan qabul qilingan Farmon va qarorlarga muvofiq keng ko'lamda ishlar amalga oshirib kelinmoqda.

Mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridanoq xotin-qizlarning qonuniy huquq va manfaatlarini ta'minlash, ularning qobiliyatini, iste'dodini ro'yobga chiqarish orqali oila hamda jamiyatdagi mavqeini yuksaltirishga katta e'tibor qaratib kelinayotgani bois bugungi kunda barcha sohalarida faol ayollar o'z o'rnini topib bormoqda. Darhaqiqat, ayolni ulug'lash, xotin-qizlarning jamiyatdagi nufuzini oshirish, ularning davlat qurilishidagi ishtirokini ta'minlash siyosiy, iqtisodiy va ma'naviy jihatdan katta ahamiyatga ega. Shu sababli istiqloq yillarida ayollar masalasida 80dan ortiq xalqaro andozalardagi milliy hujjatlar qabul qilindi. Normativ huquqiy hujjatlarda asosiy maqsad yurtimiz ayollarining huquq va manfaatlarini himoya qilishga, opa-singillarimizning faolligini oshirishga O'zbekistonda amalga oshirib kelinayotgan ijtimoiy yo'naltirilgan bozor islohotlari samaradorligini ta'minlashda ayollar rolining ortishi, ularning jamiyat hayotining barcha jabhalarida faol ishtirok etish, onalik burchlarini bajarish bilan birga, ishlab chiqarishda mehnat

qilish uchun zarur huquqiy va ijtimoiy kafolatlarning yaratilganligi shundan dalolat beradiki, respublika hayotining barcha sohalarini qamrab olgan tub o'zgarishlar, yangilanishlar tufayli ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal etish demokratik jarayonlarni amalga oshirishning eng muhim shartlaridan bo'lib kelmoqda. Bu masala hozirgi paytda dolzarb muammo hisoblanadi. **«Ular uchun munosib shart-sharoitlar, yangi ish o'rinlari yaratish, opa-singillarimizning og'irini yengil qilish, salomatligini mustahkamlash, iste'dod va qobiliyatini ro'yobga chiqarish bundan keyin ham muhim vazifa hisoblanadi».** Islohotlarni amaliyotga tadbiiq etishda respublika aholisining 51,2 (%) foizini, faol mehnat resurslarining 47,8 (%) foizini tashkil etuvchi xotin-qizlarning tobora faollashib borayotganligi mustaqillik xotin-qizlarning ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirishga ulkan imkoniyatlar ochib berganligini, bu ulug' ne'mat ayolning oila va jamiyatda o'z o'rniga ega bo'lishiga kafolat ekanligini to'la anglab yetilganligidan dalolatdir.

Avvalo, jamiyatimizga yangi tushuncha sifatida kirib kelgan «gender» so'ziga e'tiborimizni qaratamiz. Ushbu so'zga O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 2 sentyabrdagi «Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida»gi O'RQ-562-son qonunida shunday ta'rif beriladi: «gender — xotin-qizlar va erkaklar o'rtasidagi munosabatlarning jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida, shu jumladan, siyosat, iqtisodiyot, huquq, mafkura va madaniyat, ta'lim hamda ilm-fan sohalarida namoyon bo'ladigan ijtimoiy jihati»dir [1; b.1]. Bu tushunchaning jamiyatimizga kirib kelishining sababi esa jamiyat hayoti va faoliyatining barcha sohalarida xotin-qizlar va

erkaklarning huquqlari hamda erkinliklarini tan olmaslikka qaratilgan har qanday tarzda farqlash, istisno etish yoki cheklash, shu jumladan, oilaviy holati, homiladorligi, oilaviy majburiyatlari tufayli kamsitish, teng mehnat va malaka uchun har xil haq to'lash va bir jinsdagi shaxslarni boshqa jinsdagi shaxslarga nisbatan noqulayroq holatga tushirib qo'yadigan vaziyatlarni, holatlarni yoki mezonlarni yaratish, ya'ni, gender tengsizlikni ommaviy axborot vositalari, ta'lim, madaniyat orqali targ'ib etish, muayyan jinsdagi shaxslar uchun salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin bo'lgan shart-sharoitlar belgilash va boshqalar.

Qonunga muvofiq xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash quyidagi sohalarda amalga oshiriladi:

1. Davlat xizmati sohasida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash;

2. Davlat xizmatidagi lavozimlarni egallash uchun tanlovlarda xotin-qizlar va erkaklarning teng ravishda ishtirok etishi;

3. Saylov huquqlarini amalga oshirishda xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash;

4. Saylov komissiyalarini shakllantirishda xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlarni ta'minlash;

5. Iqtisodiy sohada hamda tadbirkorlik faoliyatida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari;

6. Mehnat munosabatlarida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari;

7. Jamoa shartnomalari va kelishuvlarida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari;

8. Ijtimoiy himoya sohasida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari;

9. Oilaviy munosabatlar hamda bolalar tarbiyasi sohasida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari;

10. Uy mehnatini bajarishda teng munosabatlar kafolatlari;

11. Ta'lim, ilm-fan hamda madaniyat sohasida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari;

12. Sog'liqni saqlash sohasida xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari.

O'zbekistonda o'zbek xotin - qizlarimiz uchun «Hunarmand» uyushmasi tashkil etilib, barcha viloyat va tumanlarida uyushmaning boshqarma va bo'limlari faoliyati yo'lga qo'yildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 17 noyabrdagi «**Hunarmandchilikni yanada rivojlantirish va hunarmandlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash chora tadbirlari to'g'risida**» PF-5242-son sonli Farmon „Hunarmand“ uyushmasining faoliyatini yanada kengaytirib tadbirkor hunarmandlarning mehnat qilishi uchun imkoniyatlar ko'paydi. Uyushma a'zolari tarkibida ayollar ko'pchilikni tashkil etadi. O'zbekistonning mohir hunarmand ayollari o'zbek xalqini jahonga tanitish bo'yicha tinimsiz izlanishlar olib bordi. Gulnora Odilova, Sharipova Roziya, Muhamedov Surayyo, Jumanazarova Roziya, Sherxo'jaeva Nargiza, Baxadirova Zarifa kabi hunarmandlar Xitoy, Yaponiya, Frantsiya, Angliya, AQSH, Germaniya, Koreya, Shveysariya, Kanada, Gretsiya, Tailand, Afg'oniston, Isroil, Rossiya, Azarbayjon, Turkmaniston, Qozog'iston, Qirg'iziston va boshqa xorijiy mamlakatlarda o'tkazilgan xalqaro ko'rgazmalarda muvaffaqiyatli ishtirok etdi. Hunarmandlar tomonidan yasalgan buyumlar Santa-Fe shahrida (AQSH), Tehronda o'tkazilgan ko'rgazmalarda namoyish etildi. O'zbekistonlik ayol hunarmandlar Turkiyaning Anqara shahrida o'tkazilgan «Qo'l san'atlari» deb nom olgan xalqaro ko'rgazmada faol ishtirok etdi. Bu ko'rgazmada dunyoning 30 dan ziyod mamlakatidan hunarmandlar qatnashdi. O'zbekistonlik hunarmand ayollar faoliyatida «Tashabbus», «Yosh ijodkorlar» ko'rgazmasi, «Usta-shogird» ko'rgazmasi, «Qo'li guldird o'zbek ayoli», «Xalq iste'mol tovarlari ko'rgazma-savdosi» kabi anjumanlarning o'rni katta bo'ldi. O'zbekistonda 1996-yildan buyon tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi sovrini uchun «Tashabbus» ko'rik-tanlovi o'tkazish an'anaga aylangan. 2009 yil 12-martda Termiz shahrida ana shu an'anaviy ko'rik tanlovning viloyat bosqichi o'tkazildi. Tanlovda ta'kidlanishicha, Surxondaryo viloyatida 27 mingga yaqin kichik biznes sub'ektlari faoliyat olib borib, ularni qo'llab-quvvatlash maqsadida 48,3 mlrd so'm kredit ajratildi. Viloyatda 2009

yilgi «Tashabbus» ko'rik-tanlovning shahar va tuman bosqichlari ham yuqori saviyada tashkil etilgan. Shuningdek, ko'rik-tanlov tashkiliy qo'mitasi tomonidan «**Yilning eng yaxshi tadbirkor ayoli**» nominatsiyalari joriy etildi. «**Yilning eng yosh hunarmandi**» nominatsiyasi g'olibligini Termiz shahridan Hamidboeva Madina qo'lga kiritdi. Xususan, 2015 yil aprelda «Tashabbus –2015» ko'rik-tanlovi Qarshi shahrida bosqichi o'tkazilib, unda 60 nafardan ziyod eng ilg'or, ishbiarmon, tashabbuskor tadbirkor va hunarmandlar o'zlari ishlab chiqargan va tayyorlagan mahsulotlar, taklif etayotgan xizmatlar bilan ishtirok etdi. Ko'rgazmada yakka tartibdagi tadbirkor Sitora Raupova esa bir necha turdagi sport kiyimlarini ishlab chiqardi. Ayniqsa, uning dzyu-do kiyimlari ishlab chiqarishni yo'lga qo'ygani viloyatda bu mahsulotga bo'lgan talabni bir qadar qondirish va uning arzon bo'lishini ta'minlashga xizmat qildi. 2015-yil 8-mayda Qarshi shahri Mulla-to'ychi Toshmuhammedov nomli viloyat musiqali drama teatri binosida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti sovrini uchun o'tkazilayotgan «Tashabbus-2021» ko'rik tanlovining viloyat bosqichi bo'lib o'tdi. Tanlovda G'uzor qurilish va kommunal xo'jalik kasb-hunar kolleji o'quvchisi Xosiyat Xurramova kashtachilik va popurchilik san'at turi bilan shug'ullanib, onalar va momolaridan ushbu san'at turining unitilib borayotgan an'analari va tikish usullarini o'rgandi va hozirgi zamon ruhiga moslab, yangi na'munalarini yaratdi «Tashabbus-2019» ko'rik-tanlovining respublika bosqichida «Xizmat ko'rsatish sohasida yilning eng yaxshi tadbirkori» nominatsiyasi bo'yicha — Sitora Imkon Plus kompaniyasi rahbari Qashqadaryolik Nargiza Salomova mukofatlandi. «Tadbirkor ayol» ishbiarmonlar ayollar uyushmasi O'zbekistonda xalq amaliy san'atini rivojlantirishga o'z xissasini qo'shib kelmoqda. Uyushma tashabbusi bilan Respublika miqyosida qator tadbir va anjumanlar o'tkazib kelinmoqda. Masalan, uyushma rahbarligida 2015 yil aprelda Toshkentda «Tadbirkor ayol» Vatanimiz ravnaqiga o'z hissamizni qo'shamiz deb nomlangan tadbir va savdo ko'rgazmasi tashkil etildi. Xotin-qizlar rahbarlik qilayotgan ishlab chiqarish korxonalari, oilaviy tadbirkorlik sub'ektlari, hunarmandlar mahsulotlarini targ'ib qilish maqsadida tashkil etilgan bu kabi tadbirda yangi biznes loyihalar bo'yicha shartnomalar tuzish, tadbirkor ayollarni soliq va

bojxona qonunchiligidan xabardor qilish, bitiruvchi qizlar uchun tadbirkorlik borasida saboqlar berishda ham muhim ahamiyatga ega bo'ldi. «Tadbirkor ayol» O'zbekiston ishbiarmon ayollar uyushmasi tomonidan Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi va O'zbekiston Xotin-qizlar qo'mitasi hamkorligida tashkil etilgan tadbirda usta-hunarmandlar, tadbirkor ayollar, talaba-yoshlar ishtirok etdi. O'zbekistonda faoliyat yuritayotgan tadbirkorlarning 40 foizini xotin-qizlar tashkil etadi. Tadbirkorlik sub'ektlarini mikroreditlashga oid me'yoriy-huquqiy baza yaratilgani tadbirkor ayollar faoliyatini rivojlantirish uchun zarur moliyaviy resurslarni ajratishda muhim ahamiyatiga ega bo'lmoqda. Masalan, O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma'lumotlariga ko'ra, 2014 yilda tadbirkor ayollarga salkam bir trillion so'mga yaqin kreditlar ajratilib, bu borada 2013 yilga nisbatan qariyb 1,4 barobarga o'sish ta'minlangan. Qashqadaryo viloyatida ham joriy yildan yaxshi an'ana yo'lga qo'yildi.

Tumanlarda «O'zbekim durdonasi» nomli ko'rgazmali seminarlar tashkil etilib, unda yoshi ulug' hunarmand, tadbirkor ayollar tayyorlagan mahsulotlar namoyish etildi. Mohir ustalar yoshlarga xalq san'atining nozik sirlarini o'rgatishda va targ'ib etishda bu kabi tadbirlarning o'zni beqiyos bo'ldi. Tadbir tashabbuskorlaridan biri «Tadbirkor ayol» uyushmasi Qashqadaryo viloyati bo'limi raisi Oynisa Ochilova shunday deydi: «Bunday tadbirlar tajriba almashish, ayollar tadbirkorligidagi yutuq va istiqbolli rejalar bilan tanishishda qo'l keladi. O'tgan yili kasb-hunar kollejlarning ikki mingdan ortiq bitiruvchi qizlarni tadbirkorlikka jalb etish maqsadida yigirmaga yaqin yo'nalishda o'qitdik. Ulardan ellik nafariga bankdan kredit olishda ko'maklashdik. Ushbu ko'rgazmaga o'z biznesini boshlagan o'n ikki nafar tadbirkorlarni olib keldik. «Qashqadaryo viloyat xotin-qizlar qumitasi tashabbusi «Quli guldir o'zbek Ayoli» «O'zbekim durdonalari» «Kasbim Faxrim» ko'rgazmali seminari Qarshi tumanida, Koson tumanida, Kasbi tumanida, Mirishkor tumanida, G'uzor tumanida, Nishon tumanida, Qamashi tumanida tashkil qilindi. Har bir tumanda tashkil qilingan ko'rgazmali seminarlarda 50 dan ortiq tadbirkor va hunarmand xotin-qizlar o'zlari yaratgan mahsulotlari bilan ishtirok etdi. Iqtidorli hunarmandlar turli tashkilotlarga grant loyihalarini topshirib, g'oliblikni qo'lga ki-

ritmoqda. Masalan, Qarshi tumani «Hunarmand» bo'limi boshlig'i Qunduz Karomova 2013 yilda Oliy Majlis huzuridagi Jamg'armaga ishsiz xotin-qizlarni hunar o'rgatish yo'li bilan bandligini ta'minlash xususidagi loyahasini topshirib, 15 mln. so'mlik grant yutdi. Quvonadigan narsalardan yana biri 2019 yilda AQSH ning Filadel'fiya shahrida Shahrisabzlik hunarmand Gulnora Odilovaning «Gulnor» savdo uyi faoliyat boshladi. Bundan ko'zlangan maqsad ocean ortiga milliy to'qimachilik mahsulotlar eksportini tizimli yo'lga qo'yish va rivojlantirishdir. Shu o'rinda aytish kerakki «Gulnor» brendi ostida 20 ming dollarlik tovarlar sotildi. 50 ming dollarlik kelishuvlarga erishildi. 2020-yil yanvar oyida navbatdagi tadbirda ham ishtirok etish bo'yicha shartnoma imzolandi. Xullas, O'zbekistonda mustaqillik yillarida ayollarning jamiyat hayotida faol ishtirokini ta'minlashda turli uyushmalar tomonidan tashkil etilgan ko'rik-tanlovlar va ko'rgazmalarning o'rnini katta bo'ldi. O'zbekistonlik mohir hunarmand ayollar o'z hunarini nafaqat yurtimizda, balki xorijdagi targ'ibotiga katta rol o'ynadi va davlatga investitsiya kiritishda ko'pgina vazifalarni o'taydi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, mamlakatimizda gender tenglikka erishishda xotin-qizlarning jamiyatdagi mavqeyini yanada

kuchaytirish, shu orqali oilani mustahkamlash, yuqori intellektual darajadagi yosh avlodni voyaga yetkazish, jamiyat barqarorligini ta'minlashning garovidir.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Mirziyoyev Sh.M. «Milliy taraqqiyot yo'limizni qa'tiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz» Toshkent:-O'zbekiston, 2018. – B.83

2. Gafforov M. «O'zbekistonning ijtimoiy-siyosiy hayotida xotin-qizlarning mavqei» Toshkent:-2018. B.13

3. Qashqadaryo viloyati «Hunarmand» uyushmasi arxivi

4. O'zbekiston Respublikasi-«Tadbirkor ayol» uyushmasi arxivi

5. Xalq so'zi. 2019. 24-avgust. B.3

6. O'zbekiston Respublikasining 2019 yil 2 sentyabrdagi «Xotin-qizlar va erkaklar uchun teng huquq hamda imkoniyatlar kafolatlari to'g'risida»gi O'RQ-562-son qonuni. Toshkent: - 2019 yil 2 sentyabr.

7. F.Abdiyeva, Davlat boshqaruvida xotin-qizlar rolini oshirish: muammo va yechimlar. «Xotin-qizlar ijtimoiy-siyosiy faolligini oshirish – mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning muhim omili» mavzusida respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to'plami. 26 fevral 2019 yil. 83-bet.

*M.B.Jumazoda-Samarqand davlat universiteti*

## YOSHLARDA IJODIY TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI

### Аннотация

*Yoshlarni etuk, barkamol, bo'lib etishishlari uchun har tomonlama e'tibor qaratilmoqda. Maqolada yoshlarni ijodiy tafakkurini rivojlantirish, ijodkorlikning pedagogik asoslariga oid tahlillar, fikr – mulohazalar keltirilgan.*

**Kalit so'zlar:** *bo'ajak mutaxassi, talaba – yoshlar, kasbiy kamolot, ijod, ijodkorlik, ijodiy faollik, pedagogik asoslar.*

## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ

### Аннотация

*Прилагаеца все возможное, чтобы молодые люди росли зрелыми, разносторонними. В статье даеца анализ, высказывающа мнения о развитии творческого мышления молодежи, педагогических основах творчества.*

**Ключевые слова:** *специалист, студенческая молодёжь, профессиональная зрелость, творчество, творчество, творческая деятельность, педагогические основы.*

## PEDAGOGICAL BASES OF DEVELOPMENT OF CREATIVE THINKING IN YOUTH

**Annotation:** Every effort is made to ensure that young people grow up mature, well-rounded. The article provides analysis, opinions on the development of creative thinking of young people, the pedagogical basis of creativity.

**Key words:** specialist, student-youth, professional maturity, creativity, creative activity, pedagogical bases.

Mustaqil davlatimizning buyuk kelajagi hozirgi kunda, asosan, maktablarda, oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida ta'lim olayotgan iste'dodli ijodkor va tashabbuskor yoshlar qo'lida. Chunki bu yoshlar har jabhada o'z bilim va ko'nikmalari bilan iqtisodiyot, ishlab chiqarish va madaniyat sohalarida faoliyat ko'rsatib, ijod qiladigan kelajagimiz poydevorining yaratuvchilaridir. Shu bois, ulug' ijdodlarimiz shaxs tarbiyasida, uning barkamol bo'lib etishida avvalo, uni aqliy mehnatga o'rgatish, kasb – hunarga qiziqtirishga alohida e'tibor berishgan. Yosh avlodning intellektual faoliyatining rivojlanishi unga o'zini kurshab turgan olamni yana chuqur, to'la, to'g'ri va aniq aks ettirish imkonini yaratadi. SHuningdek dunyoning asl mohiyatini, turli yo'sindagi murakkab munosabatlar va aloqalarni tobora aniq idrok etadi.

Bugun jonajon O'zbekistonimizning xalqaro miqyosda obro' topib, taraqqiyotda yangilanib, tobora rivojlanib borayotganida ham yoshlarimiz kuch-qudratining, ijodkorligining o'ziga xos ifodasi mujassamdir. Niyati ulug' insonning, xalqning hayoti yorug', kelajagi farovon bo'ladi. Mamlakatimizning porloq istiqbollari haqida yuksak maqsad va rejalar belgilangan. Bu yo'nalishda, ayniqsa, O'zbekiston Respublikasining 2016 yil 14 sentyabrdagi "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi 406-sonli Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi 4947-sonli Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.M.Mirziyoevning 2018 yil 28 dekabrda Oliy Majlisga Murojaatnomasi.(1)

Davlatimiz rahbari tomonidan 2019 yil 19 martda ilgari surilgan "Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ularning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha muhim besh tashabbus", O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkama-

sining 2019 yil 25 fevraldagi 133-F sonli Farmoyishi muhim ahamiyatga ega. Taraqqiyot rejalarining samarali ijrosini ta'minlash maqsadga erishishning aniq mazmuni bo'ladi. Yoshlarning ta'lim-tarbiyasiga, unumli faoliyatiga barakali sifat beradigan, ular uchun jonkuyarlik va fidoyilik bilan amaliy munosabatdagi barcha muassasalar, boshqarmalar, korxonatashkilotlar zimmasida yuksak ma'suliyatlar, qarzdorlik, insonparvarlik burchlari mavjud.

"Bunda, avvalo, ta'lim va tarbiyani rivojlantirish, sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, ilm – fan va innovatsiyalarni taraqqiy ettirish milliy g'oyamizning asosi ustunlari bo'lib, xizmati qilishi lozim..." (2) deya yurtboshimiz alohida ta'kidlagan.

Yoshlarning kelajak istiqboli ravshanligini ta'minlashga barcha tarmoq va sohalar mas'uldir. Ba'zilar ta'lim-tarbiya yo'nalishi bo'yicha bo'lsa, boshqa biri ijodiy tafakkurli barkamollik bo'yichadir. Ana shunday zaruriy vazifa va burchni amalga oshirish uchun inson aqliy faoliyatining yuksak shakli bo'lgan tafakkurini yoshligidanoq sog'lom boyitmoq lozim, chunki tafakkur – bu voqelikning ongda aks etish jarayoni. Muhtaram Prezidentimiz SH.M.Mirziyoevning mamlakatimizda maktabgacha ta'lim yo'nalishida davlat boshqaruvi siyosati darajasida ish olib borayotganligi bir olam mazmun-mohiyatga ega. Tafakkur orqali fikr yuzaga keladi. Fikr esa inson ongida hukm va tushunchalar shaklini oladi, nihoyat u xulosa bo'lib yuzaga chiqadi. Farzandning iqtidorli, qobiliyatli, sog'lom, xalqimiz istiqboli uchun jonkuyar inson bo'lib voyaga etishida uning hayotdan olgan tarbiyasi, ta'limi muhim ahamiyatga ega. Mamlakatimizda belgilangan yuksak istiqbolning ijrosida ta'lim-tarbiya olib boruvchi mutaxassislarining samarali faoliyat yuritishi qattiq nazoratga olingan. Ularning unumli faoliyati uchun davlatimiz tomonidan zaruriy imkoniyatlar, sharoitlar yaratilgan. Shunga



ko'ra, yoshlar tafakkurini boyitishda ular uchun ishlarni har taraflama yangicha mazmunda olib borish talab etiladi. Masalan, ularga alohida istirohat bog'lari tashkil etish, unda sport, kutubxona, amfiteatr, kitobxonlik, internetdan ijobiy foydalanishni bilish kabi tafakkurni boyitadigan imkoniyatlar yaratish maqsadga muvofiqdir.

Yoshlar faoliyatida davlat siyosatini amalga oshirish – asosiy maqsadlardan biridir. SHunga ko'ra, davlatimizda O'zbekiston Yoshlar Ittifoqi tashkil etildi. Uning huquqlari davlat rahbarligida munosib imkoniyatlarni qamrab oladi. Yoshlar faoliyatida davlat siyosatini amalga oshirish – asosiy maqsadlardan biridir.

Bugungi kunda ta'lim oluvchilarning tanqidiy fikrlash, axborotni mustaqil izlash va topish, aqliy mehnat madaniyatini, mustaqil bilim olish malakalarini rivojlantirish zamonaviy ta'limning dolzarb vazifalaridan hisoblanadi. Zamonaviy ta'lim barcha sohalar kabi tezkorlikni, shiddatli o'zgarishlarga qisqa muddatda samarali moslashishni, yangi bilimlarni mavjud fanlar negiziga faol singdirishni, ta'lim oluvchilarni ular bilan izchil tanishtirib borishni taqozo etadi. YOshlarning ijodiy ishlash faoliyatini samarali rivojlantirish muayyan pedagogik shart-sharoitlarda amalga oshirishni taqozo etadi. Mavzuga doir adabiyotlarni o'rganish va kasb ta'limining tashkil etilish jarayonini kuzatish natijasida quyidagi pedagogik shart-sharoitlarning mavjudligi yoshlarning ijodiy va mustaqil ishlash faoliyatini rivojlantirishda muhim ahamiyatga ega, degan xulosaga kelindi. Tadqiqot ishini olib borish jarayonida kasb ta'limi (pedagogika) yo'nalishi yoshlarning ijodiy ishlash faoliyatini rivojlantirishda ular tomonidan mustaqil ta'lim topshiriqlarining to'g'ri, samarali bajarilishi muhim ahamiyatga ega.

“... Ushbu maqsad yo'lida yoshlarimiz o'z oldiga katta marralarni qo'yib, ularga erishishlari uchun keng imkoniyatlar yaratish va har tomonlama ko'mak berish – barchamiz uchun eng ustuvor vazifa bo'lishi zarur. Shundagina farzandlarimiz xalqimizning asriy orzu-umidlarini ro'yobga chiqaradigan buyuk va qudratli kuchga aylanadi”[2].

Yoshlarni ijodiy ishlash faoliyatiga tayyorlashga maqsadli o'zaro ta'sirlashuv

jarayonida va o'quvchi shaxsga quyidagi yo'nalishlarda shart-sharoitlar, imkoniyat yaratish omillari orqali erishish mumkinligi asoslandi:

- ijodiy va mustaqil ishlash faoliyati motivlarini faollashtirish;

- ijodiy va mustaqil ishlash faoliyati sharoitlari va mazmuni haqida o'quvchilarda bilim va tasavvurlar tizimini shakllantirish;

- o'quvchilarda mustaqil ishlash faoliyati bilim va ko'nikmalarini o'quv jarayoniga kiritish orqali shakllantirish.

Yoshlarning ijodiy ishlash faoliyatiga tayyorlashning pedagogik shart-sharoitlari quyidagilardan iborat:

1. Ijodiy va mustaqil ishlash kompetensiyalarini aniqlash.

2. Ijodiy va mustaqil ishlash kompetensiyasini shakllantirishga yo'naltirish.

3. Ijodiy va mustaqil ishlash faoliyati orqali o'qitish (ijodiy topshiriqlarni ishlab chiqish, muammoli vaziyatlar).

4. O'quvchilarni ijodiy va mustaqil ishlash faoliyatiga jalb etish.

...Ijodning taraqqiy etishida jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy shart-sharoitlari hal qiluvchi ahamiyatga ega.[4]

Olib borilgan tahlillar ijodiy ishlash faoliyatining quyidagi xususiyatlarini ajratish imkonini berdi: maqsadga yo'nalganlik, ya'ni qo'yilgan maqsadga erishish va aniq shakllantirilgan masalani echishga yo'naltirilgan jarayon; yangilik izlash – original g'oyalarni ilgari surish va asoslash, ularni amalga oshirish yo'llarini izlash, avvaldan ma'lum bo'lgan hodisa va voqealarni yangicha nuqtai nazardan yoritish; xulosa va umumlashtirishlarning xolisligi, oson esga olinishi, isbot qilish mumkinligi. O'qitishning muhim tomonlaridan biri – talaba va pedagog faoliyatining o'zaro uzviyligi. Bu jarayonning asosiy funksiyasi o'quvchi-yoshlarni o'qishida, rivojlantirish va tarbiyalashda yagona uslubdan iboratligi. O'qitish usullari – o'quv-tarbiyaviy masalalar echimiga qaratilgan o'quvchi va o'qituvchi faoliyatining o'zaro bog'liqligini yo'lga qo'yish. Biror uslubni tanlash uchun pedagog ta'lim oluvchilarning izlanish faoliyatiga tayyorgarlik darajasini, materialning deduktiv o'zlashtirishi, amaliy mashg'ulotning mustaqil bajara olgani, o'qitishdan o'z-o'zini boshqarish darajasining rivojlanishi hamda ish qobiliyati holatini, albat-

ta, avvaldan bilishi kerak. Pedagogikada avvaldan yoshlarning mustaqil o'quv ishlarini tarbiyalash va bilim berish vazifalari ma'lum. "Rivojlanish va bilish", – deb yozgan edi A. Disterverg, – hech qanday kishiga berilmaydi yoki e'lon qilinmaydi. Har kim ularga qo'shilmog'chi bo'lsa, unga o'z faoliyati, o'z kuchi, o'z intilishlari bilan etishishi shart".

Tarixdan ma'lumki, ijodkorlik madaniyat va ma'rifat o'chog'i sifatida jamiyat hayotida inson badiiy-ijodiy tafakkurini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etib keladi. Rivojlangan mamlakatlar yoshlari orasida "axborot xuruji", "ommaviy madaniyat", internet va shu kabi turli ijtimoiy tarmoqlarga mukkasidan ketish singari salbiy ko'rinishlar tobora ommalashib borayotgan bir pallada ijodkorlikning yoshlar kamolotidagi o'rni qay darajada kechayotganligi ko'pchilikni o'ylantirib kelayotgan masalalardan biridir. SHu boisdan ham mamlakatimizda ijodiy tafakkurning yoshlar tarbiyasidagi ahamiyatiga alohida e'tibor qaratish va ularni mazkur san'at turiga bo'lgan muhabbatini yanada yuksaltirish borasida ko'plab samarali ishlar amalga oshirilmoqda.

Yuksak salohiyatli, ijodkor, har bir jabhada o'z qobiliyatiga ega yoshlarning faoliyatini yanada qo'llab – quvvatlash maqsadida 2019 – yil 20 – fevralda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Prezident maktablarini tashkil etishning chora – tadbirlari to'g'risida»gi Qarori qabul qilindi. Bu ham o'z navbatida, bugungi kunda mamlakatimiz yoshlariga yaratilayotgan keng imkoniyat va sharoitlarning ko'rinishi desak, mubolag'a bo'lmaydi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga va O'zbekiston xalqiga murojaatnomasi. Toshkent. 2020 yil 29 dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020 yil 29 dekabrda Oliy Majlisga va O'zbekiston xalqiga murojaatnomasi. Toshkent. 2020 yil 29 dekabr.
3. Karimov I.A. Biz kelajagimizni o'z qo'limiz bilan quramiz. T.7. – T.: «O'zbekiston», 1999.
4. O'zbek tilining izohli lug'ati. Toshkent. 176 – bet.

*B.X.Raximov – P.f.d., professor*

*B.A.Nazarova-p.f.n., direktori. Sirdaryo viloyat PKMOQTI, Sh.Sh.Yuldashev - katta o'qituvchi. GulDU*

### BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHILARINI O'QUVCHILARNI MILLIY HUNARLARGA YO'NALTIRISHGA TAYYORLASH TEXNOLOGIYASI

#### Аннотация

*Maqolada ijodiy ishlarni bajarishga muayyan metodlarga tayanish kutilgan natijaga olib borishi haqidagi fikr yuritilgan. Shuningdek, amaliy ishlarning bajarilishiga ta'sir qiluvchi salbiy omillar ham sanab o'tilganki, bular ham asosli. Talabalar ijodkorlik qobiliyatini oshirishda amaliy ishlarning samarali yo'llarini to'g'ri ko'rsatish zarurligi to'g'risida xulosa chiqariladi.*

*Tayanch so'zlar: sopoldo'zlik san'ati, texnologiya, mum bilan ishlash, dekorativ o'yinchoqlar, o'yinchoqlar assortimenti, obraz.*

### ТЕХНОЛОГИЯ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ ДЛЯ ПРИВЕДЕНИЯ УЧАЩИХСЯ К НАЦИОНАЛЬНЫМ НАВЫКАМ

#### Аннотация

*В статье утверждается, что опора на определенные методы творческой работы приводит к ожидаемому результату. Также перечислены негативные факторы, влияющие на выполнение практических работ, которые также являются оправданными. Сделан вывод о необходимости правильно показать эффективные способы практической работы по повышению творческих способностей учащихся.*

**Ключевые слова:** керамика, технология, восковая эпиляция, декоративные игрушки, ассортимент игрушек, изображение.

## TECHNOLOGY FOR PREPARING FUTURE TEACHERS IN ELEMENTARY SCHOOL TO BRING STUDENTS TO NATIONAL SKILLS

### Annotation

*The article argues that relying on certain methods to do creative work leads to the expected result. It also lists the negative factors that affect the performance of practical work, which are also justified. It is concluded that it is necessary to correctly show the effective ways of practical work in improving the creative abilities of students.*

**Keywords:** pottery, technology, waxing, decorative toys, assortment of toys, image.

Jahon ta'lim tizimida bo'lajak boshlanqich sinf o'qituvchilarini o'quvchilarni milliy hunarlarga yo'naltirishga tayyorlash texnologiyasi o'quvchilarning ilmiy-ijodiy faoliyatida tayanch kompetensiyalar asosida amalga oshirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev "...yoshlarimiz mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga qech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz"□ – deb alohida qayd etganlar.

Bugungi kunda jamiyatimizning barcha sohalarida bo'layotgan o'zgarishlar umumta'lim maktablariga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda. Maktab oldiga yangi maqsad va vazifalar qo'yilmoqda, uning faoliyat ko'nikmasi o'zgarimoqda. Barcha o'zgarishlarning maqsad va mohiyati, markazida rivojlanayotgan o'quvchi shaxsi – uning maqsadi va o'zini anglashi hamda o'zini kasbiy kompetetlik darajasini, ijodini namoyon etishi masalalari yotadi.

Umumta'lim maktablari shaxsni garmonik tarbiyalashni ta'minlovchi, uning bilim olish uchun ichki motivi, ta'limning kasbiy yo'nalishi mazmuni, o'quv tadqiqot va maktab ta'limi o'rta maxsus ta'lim muassasalari hamda oliy o'quv yurtlari faoliyati bilan uzviy olib borilganda amalga oshadi.

O'zbekistonda yosh avlodni mustaqil, ijodiy fikrlashga o'rgatishning davlat darajasidagi masalaga aylanishi bejiz emas. Chunki mustaqil fikr fuqarolarining erkinligi ta'minlangan jamiyatda rivojlanadi, fikrning erkinligi esa jamiyatning kuchli bo'lishi garovidir.

Respublikamizda ta'lim islohotlari bosqichma - bosqich amalga oshirib borilayotgan

hozirgi davrda kasb-hunarga yo'naltirish soqasida mavjud bo'lgan ilmiy xulosalar va tavsiyalar hamda umumiy o'rta ta'lim maktablari o'quvchilarini milliy hunarlarga yo'naltirish, xususan kasblar olami bilan tanishtirish usullarini yangilash zarurati yuzaga kelmoqda.

Bo'lajak boshlanqich sinf o'qituvchilarini o'quvchilarni milliy hunarlarga yo'naltirish, ularning kasb-hunarni ongli ravishda va to'g'ri tanlashiga ko'maklashish masalasi ta'lim sohasida davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi.

Boshlanqich sinf mehnat ta'limi va tarbiyasi jarayonida o'quvchilarni kasb-hunar tanlashga qiziqtirishga oid bilim berish masalasini chuqur o'rganish, ilmiy-uslubiy qo'llanmalar va tavsiyalar yaratish, ilmiy-tadqiqot ishlari olib borish borasida hali juda ko'p ishlar qilinishi lozimligini ko'rsatadi.

Shu sababli boshlang'ich ta'lim muassasalarining imkoniyatlaridan samarali foydalanish holda meqnat ta'limi va tarbiyasi jarayonida o'quvchilarni kasb-hunar tanlashga yo'naltirish, mehnat ta'limi va tarbiyasi jarayonining uzviyligini ta'minlash, zamonaviy pedagogik texnologiyalardan o'rinli foydalanish va ta'lim-tarbiya jarayonida kasb-qunarga yo'naltirish bo'yicha yuqori samaradorlikka erishish o'qituvchilarga muqim vazifalarni yuklaydi.

O'zbek xalq tarbiyashunosligining o'tmishdagi mashhur mutafakkirlari, xalq maorifi arboblari va ma'rifatparvar shoirlarining mehnat kasb-qunar to'g'risidagi qimmatli fikrlarini biz uchun ahamiyatli tomoni shundan iboratki, ulardan yosh avlodni mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash, kasb-

hunarga qiziqtirishning vositasi sifatida foydalanish mumkin.

O'rta Osiyoda ko'plab shoirlarning ustози bo'lgan Abulqosim Firdavsiyning «Shohnoma»sida mehnat ahliga va kasb-hunarni egalash malakasiga bag'ishlangan misralarni ko'plab uchratish mumkin:

Mehnat tagidadir, ey oqil, har ganj,

Ganj topmas hech kimsa, tortmas ersa ranj.

Maktab o'quvchilarining kasb tanlash muammosiga oid ko'plab tadqiqotlar bajarilgan, xususan, N.Shodiev, B.Mirzaaxmedov, P.Mazgumov, N.Muslimov, E.Choriev, Sh.Sharipov, Q.Boymirov, O.Ma'diev, U.Nishonaliev, K.Davlatov, S.Umarovlarning ishlarida kasb tanlash tizimining faqat mohiyati aniqlanib qolmasdan, balki ba'zi qirralari nazariy jihatdan asoslab berilgan. O'quvchi shaxsining kasbiy yo'naltirilishini shakllantirish bo'yicha ular bilan maxsus ish olib borish muhimligi aniqlanadi. Bunda o'quvchilar o'quv-tarbiya vazifalarini samarali hal etishda, muayyan darajada nazariy va amaliy tayyorgarlik paytida o'zlari egallagan nazariy bilimlarga tayanishadi.

O'quvchilarni dars va darsdan tashqari vaqtlarda kasbga yo'naltirishni zamonaviy usullar va axborot texnologiyalarni ijtimoiy hayotga uyqunlashtirilgan holda amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

1. Ishlab chiqarish korxonalari, firma, fan, maorif, madaniyat san'at muassasalari haqida AKT yordamida o'quvchilarni tanishtirish, va mazkur joylarga sayohatlar tashkil etish.

2. Mehnat ta'limi va kasbga yo'naltirish ishlari bo'yicha multimedia materiallarini iqtidorli o'quvchilar bilan birgalikda tayyorlash va o'quvchilar jamoasiga ko'rsatish.

3. O'quvchilarning kasbga oid qiziqishlarini o'rganib chiqib, ularning qiziqishlarini hisobga olgan holda turli xil kasbiy to'garaklarga jalb etish.

4. Kasblar haqida tuli xil tadbirlarni tashkil etish.

5. Yangi kasb va mutaxassisliklar, fan-texnika taraqqiyoti, ishlab chiqarish texnologiyalari bilan o'quvchilarni muntazam ravishda tanishtirib borish bo'yicha o'quvchilar orasidan maxsus guruh tashkil etish va kasbga oid yangiliklarni turli xil OAV orqali yoritilib borilishiga erishish.

Boshlanqich sinf o'quvchilarini kasb-hunar haqidagi fikrlari va tafakkurlarini shakllantirishga samarali ta'sir etadigan interfaol usullardan keng foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi.

Texnologiya darslarida turli mehnat faoliyati turlaridan foydalanish jarayonida o'quvchilar tomonidan to'planuvchi tajribalarning texnologik jarayonlarni bajarish sohasidagi bilim va malakalarining muhim asosini tashkil etadi. [X.Sanoqulov: 3,4]

Texnologiya darslarida o'quvchilar faoliyatining muhim natijasi bu ularning o'rganilayotgan ob'yekt va hodisalarning yangi belgi va xususiyatlarini yanada mustaqil aniqlash, darsdan darsga yanada ham aniqroq va tizimlashtirilib boruvchi xulosalarning chiqarilishidir. Masalan, darslarning birida o'qituvchi o'quvchilar oldiga qog'oz turlarini aniqlash, qog'ozning ko'pgina vazifasiga ega bo'lgan material sifatida umumiy xususiyatlarni hamda qo'llanish va foydalanishning cheksiz miqdordagi shartlarini ta'riflash vazifasini qo'yadi. [X.Sanoqulov: 3,4]

O'quvchilar tomonidan bajariluvchi kuzatishlar va tajribalarning muhim natijasi – hayot bilan bog'liqlik, bunda olingan bilim va malakalarning joriy o'quv ishlarida, texnologiya darslarida turli buyumlarni tayyorlashda amaliy qo'llanishidir.

Kichik maktab bolalarini nafaqat ko'ra olishga, balki o'tkaziluvchi kuzatishlar maqsadini qo'ya olish, eng oddiy, amalga oshirish mumkin bo'lgan tajribalarni tashkil eta olish, o'z kuzatishlaridan xulosalar chiqara olish va bu xulosalardan texnologiya jarayonida foydalana olishga o'rgatish juda muhim. [X.Sanoqulov: 3,4]

O'qituvchi tomonidan tashkil etiluvchi ko'rsatishlar, kuzatishlar va tajribalarning ko'p qismi odatda o'quvchilar oldin mashg'ulotlar, suhbatlar, ekran qo'llanmalarini ko'rib chiqish jarayonida o'zlashtirgan o'quv materialini takrorlash, mustahkamlash va umumlashtirish maqsadlariga xizmat qiladi. Bu holda maxsus topshiriqlar va rejalar bo'yicha bajariluvchi kuzatishlar va tajribalar kichik maktab o'quvchilariga ularning bilimlarini tizimlashtirish, ularni to'ldirish va aniqlashtirish, boshqa o'quv fanlari bo'yicha olingan bilimlar bilan bog'lash, bilimlarning amaliy ishni ba-

jarish uchun ahamiyatini aniqlash uchun xizmat qiladi.

Turli materiallarning bir turdagi xususiyatlarni aniqlash va taqqoslash uchun o'tkaziluvchi kuzatishlar va tajribalar katta foyda beradi, masalan, qog'oz va gazlamani, loy va plastilinni, iplar va qog'oz shpagati, qog'oz va plastmassa plyonkalarni. Bunda bajariluvchi taqqoslashlar muhim politexnik ahamiyatga ega bo'lib, bolalarga materiallarning farqli xususiyatlari, sifatlarini yaxshiroq o'zlashtirishga yordam beradi. [Sanoqulov,3,4]

O'qituvchi amalda texnologiya va turli maxsus kuzatishlar jarayonida olingan bilimlar ishni tez va yaxshi bajarishga yordam berishini ko'rsatganda, o'quvchilar uchun kuzatishlar va tajribalar alohida ma'no kasb etadi. Masalan, bolalar jadvallarga qog'ozdan hoshiya tayyorlash ishini bajarayotganda, o'qituvchi ular oldiga muammoli savol qo'yadi: qog'oz yo'llarni qanday kesish kerak - qog'oz varag'i tolalari asosiy yo'nalishi bo'ylabmi yoki unga ko'ndalangmi, nima uchunq Kichkina tajriba o'tkazib, o'quvchilar bu holda qog'oz yo'llarini bo'ylama kesish kerakligini aniqlashadi, bunda ular elim bilan namlanishida kamroq cho'ziladi, ular bilan ishlash osonroq va ish sifati yuqoriroq bo'ladi. Qog'oz jildlar, bloknotlar va broshyuralar chetini elimlash uchun qog'oz yo'llari ko'ndalang yo'nalishda kesiladi: ular mustahkamroq bo'ladi, cho'zilmaydi, ko'proq xizmat qiladi. Qog'oz yo'llarini to'g'ri kesish uchun ularni tajriba yo'li bilan qog'oz varag'ida bo'ylama va ko'ndalang yo'nalishini aniqlash va belgilab qo'yish kerak.

O'qituvchi tomonidan ho'llashda qog'oz va karton xususiyatlari o'zgarishini yaqqol ko'rsatib beruvchi tajribalar qatorining ko'rsatilishi katta foyda beradi. Bu tajribalar o'quvchilar e'tiborini buyumlar yuzasida burmalar hosil bo'lishi va materiallarni yelim eritmaları yoki bo'yoqlar eritmaları bilan namlanishi oqibati bo'lgan boshqa nuqsonlarga qaratadi. [Sanoqulov, 3,4]

Boshlang'ich sinflarda loy va plastilin bilan ishlash mashg'ulotlarining maqsadi va vazifasi bolalarning haykaltaroshlikning elementar asoslari bilan tanishtirish va amaliy ishlashga o'rgatishni nazarda tutadi. Bunday mashg'ulotlarni yuksak saviyada tashkil etish va o'tkazish har bir o'qituvchidan mazkur soha bo'yicha ma'lum tayyorgarlikka ega bo'lishni

talab etadi. Buning uchun o'qituvchilar o'z ustlarida ko'proq ishlashlari, origami, xaykaltaroshlik va sopoldo'zlik asoslarini yaxshi bilib olishlari kerak bo'ladi.

Texnologiya darslarida loy, plastilin, mum kabi materiallardan foydalanib, ulardan turli uyincholqlar, jonivorlar, qushlar, ertak qahramonlari yasaladi. O'yinchoq – dekorativ san'atning eng qadimiy turlaridan biri bo'lib, qadim asarlarda loydan yasalgan narsalar bizgacha yetib kelgan. Mamlakatimizda sanoat va madaniyatning rivojlanib borishiga ko'ra uyincholqlarni assortimenti, ularning obrazlari yildan-yilga boyib bormoqda. O'yinchoqlar yasaladigan materiallar xilma-xildir. Biroq afzallik loyga beriladi. Loy narsalar yasashda asosiy material hisoblanadi.

Plastilin va loydan tashqari narsalar yasashda mumdan foydalaniladi. Mumning tabiiy va suhniy (neftdan olingan) turlari mavjud. Mum ancha qimmat turadi va undan mayda narsalar yasaladi. Mum bilan ishlash qulay, u qurimaydi, suv bilan namlanishni talab qilmaydi, darz ketmaydi va undan yasaladigan narsalar uzoq saqlanadi.

O'qituvchi tomonidan tashkil etiluvchi kuzatishlar va tajribalar, ko'rsatib berishlar kabi odatda ikki bir-birini to'ldirib turuvchi maqsadni ko'zlaydi: bir tomondan, u yoki bu hodisa yoki natijalarni kuzatishda, o'quvchilar ma'lum xulosalarga kelishadi, ular bajaradigan amaliy ishlari uchun bevosita ahamiyatga ega bo'lgan xulosalar chiqaradilar; ikkinchi tomondan oldindan xulosalarni bilib, o'quvchilar o'z bilimlariga maxsus kuzatishlar va tajribalarda tasdiqlanishlar topadilar, ularning bilimlari mustahkamroq, ongliroq bo'ladi, bu esa amaliy ishlar sifatida o'z aksini topadi.

Shunday qilib, texnologik ta'limining bosh maqsadi o'quvchilarni mehnatga va kasbiy faoliyatga tayyorlash, jamiyatimiz farovonligi uchun fidoyi yoshlarni tarbiyalashdan iborat.

#### **FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR**

1. *Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. Toshkent, "O'zbekiston" NMIU, 2017. – 29 b.*

2. *Mavlonova R.A., Sanaqulov X.R., Xodiev D.P. Mehnat va uni o'qitish metodikasi. O'quv qo'llanma. – T.: TDPU, 2007.*

3. Sanaqulov X., Xodieva D., Sanaqulova A. *mehnatdan sinfdan tashqari ishlar.* – T.: TDPU, 2–3 sinf. «Mehnat ta'limi» darsligi. – T.: 2014.
4. Sanaqulov X., Rustamova M., Ismatova T., Nosirova M. *Boshlanqich sinflarda*
5. Magzumov P.T., Antonov A.F. va boshqalar. *O'quvchilarni mehnat va kasb tanlashga tayyorlash.* – T.: «O'qituvchi», 1991.

## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Ш.Э.Хамрокулова –докторант. ЎзМУ*

### ГЕОГРАФИЯ ДАРСЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

#### **Аннотация**

*Мазкур мақола мазмуни географик ҳудудларни ўрганиш орқали экологик тарбия механизмларини шакллантиришга бағишланади. Мақолада муаллиф табиий фанларни ўқитишида зарур бўлган экологик жиҳатларга аҳамият берган. Ҳар бир инсон ўз ҳудудини ўрганиш орқали табиатни муҳофаза қилиши, жониворларни севиши, табиат ва инсон муносабатларида уйғунликка эришиш масалалари ёритилган*

**Калим сўзлар:** *экологик таълим-тарбия, экологик онг, экологик маданият, инсон-табиат муносабатлари, экологик инқироз, табиий муҳит, интерфаол методлар, тарбия механизми, атроф-муҳит*

### СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА УРОКАХ ГЕОГРАФИИ

#### **Аннотация**

*Статья посвящена формированию механизмов экологического образования через изучение географических территорий. В статье автор акцентирует внимание на экологических аспектах, которые необходимо учитывать при преподавании естественных наук. Освещаются вопросы защиты природы, любви к животным, достижения гармонии в природе и человеческих отношениях через изучение собственной территории.*

**Ключевые слова:** *экологическое образование, экологическое сознание, экологическая культура, отношения человека и природы, экологический кризис, природная среда, интерактивные методы, образовательный механизм, среда*

### IMPROVING THE MECHANISMS OF ENVIRONMENTAL EDUCATION IN GEOGRAPHY LESSONS

#### **Annotation**

*The article is devoted to the formation of mechanisms of environmental education through the study of geographical territories. In the article, the author focuses on environmental aspects that must be taken into account when teaching natural sciences. The issues of nature protection, love for animals, achieving harmony in nature and human relations through the study of one's own territory are highlighted.*

**Key words:** *environmental education, environmental awareness, environmental culture, relations between man and nature, environmental crisis, natural environment, interactive methods, educational mechanism, environment.*

XX аср инсониятга жуда катта тараққиёт билан бирга экологик инқирозни ҳам келтирди. Экологик муҳитга техноген таъсирлар кучайиши жуда ривожланди. Охириги 30–40 йил ичида антропоген омилларнинг атроф–муҳитга таъсири бир неча маротаба ошиб, бутун инсоният учун ечими долзарб бўлган муаммога айланди. Экологик тарбия масалалари қадимги давр адабиётларида, ҳадисларда, халқ оғзаки ижоди намуналарида йиллар давомида ўз аксини топиб келмоқда. Бироқ, инсоннинг табиатдан фойдаланишда меъёрни билмаслиги, инсоният “ишхатаси”нинг доимий равишда ошиб бориши, ҳар бир фаолият натижасида табиатга зарар келтириш каби муаммолар борки, бу муаммолар инсонни огоҳликка, ҳар доим уйғоқликка чорлайди. Аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффоқлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш давлатимиз экология концепциясида устувор масалалардан бири сифатида айтиб ўтилган. Замонавий география фани нафақат худуддаги табиий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил этади, балки инсон ва табиат муносабатини – ресурслардан фойдаланишда рационал даражага кўтариш, худудларни муҳофаза қилиш, худудларнинг ўзига хос табиий, ижтимоий хусусиятларини ўргатиш орқали экологик тарбияни ўқувчиларда шакллантиради. География дарсларида экологик тарбия механизмларини ривожлантиришдан мақсад–ўқувчиларни экологик маданиятини ва онгини, хулқ-атворини ривожлантириш – географик муҳит ва инсон муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ўзи яшаб турган худудининг табиий, иқтисодий-ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқиб, табиатни муҳофаза қилишга эришишдир. Ҳозирги кунда инсон ва табиат муносабатларини уйғунлаштириш ва табиатга антропоген таъсирни камайтириш инсоният ҳаёти учун жуда муҳим масалага айланди. Эрамизгача 500 йил бўлган даврдаги қадимги Хитой солномаларида шундай битик учрайди: “Агар сиз бир йил ҳақида фикрласангиз – ерга уруғ экин, агар 10 йил ҳақида қайғурсангиз – дарахт экин, агар 100 йил ҳақида қайғураётган экансиз –

инсонни тарбияланг”. Демак ҳар қандай эзгуликка йўналтирилган ишимизда тарбияга эътиборли бўлишимиз қадимдан таъкидлаб келинган.

Бугунги мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, ҳозирги даврда экологик муҳитга, табиат ресурсларга булган муносабатни тўғри шакллантириш жуда муҳим масаладир. Чунки ҳозирги кунга келиб экологик тарбия, экологик онг ва экологик маданиятни ўстириш инсон яшаши учун муҳитни асрашнинг ягона шarti бўлиб қолмоқда. Экологик тарбия узлуксиз бўлиши, табиий ресурслардан инсоннинг рационал фойдаланиши ва бунинг натижасини ўқувчилар англаб олиши зарур. Экологик тарбия беришдан мақсад нима?:

- Аввало, ўқувчиларда табиий муҳитга, жониворлар ва ўсимликларга нисбатан меҳр-мухаббатни шакллантириш.

- Ижтимоий ҳаёт фаолиятлари давомида табиий жараёнларни кузатиш ва бундан тўғри хулоса чиқаришга эришиш.

- Табиий фанларни ўқитишда экологик таълим-тарбияни ривожлантириш жуда муҳим, шу жумладан география фанини ўқитишда худудлар нуқтаи-назаридан ёндашиш, ҳар бир ўқувчи ўз она юртини ўзи туғилган жойининг табиий муҳитини билмасдан туриб, келажакдаги фаолиятини режалаштириш жуда қийин кечади. Шундай экан аввало “Ватан остонадан бошланади” яъни – ҳар бир ўқувчи ўз она юртини севиши, ўзи туғилиб ўсган жойни эъзозлаши, асраши ўзи яшаб турган жойни ўрганишидан бошлаши лозим.

География дарсларида экологик тарбия беришни такомиллаштириш учун олдимизга қўйилган масалалар:

- Дарсликнинг таҳлили: Адабиётнинг биз ўрганаётган мавзу билан боғлиқликларини аниқлаш, яъни ўтадиган дарсларимизни қайси жиҳатларини биз экологик тарбия билан боғлаш мумкин;

- Предметни ўрганишда умумий тайёргарлик, тушунчалар, эксперимент-тажрибаларни қўллаш олиш;

- Дарслар тизимини ишлаб чиқиш. Дарс давомида қандай муаммоларга қай томонлама эътибор қаратамиз, ўқувчилар индивидуаллигини, ёшини ҳисобга олган ҳолда;

- Дарсларда экологик билимларни мустаҳкамлайдиган методик тавсиялар ишлаб чиқиш;

- “Ўқувчи–ўқитувчи”, “ўқувчи–ўқувчи” схемасида экологик таълим тарбия жараёнини амалга ошириш, тажрибаларни очиқ дарслар, анъанавий дарслар, кўргазма, конкурслар сифатида амалда кўрсатиш;

Демак, қайси синфларда дарс ўтишимизга қараб дарсликнинг таҳлилини тузиб олишимиз зарур. Намуна сифатида 7-синф дарслигини олишимиз мумкин. 7-синф География дарслиги Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географиясига бағишланган. 68 соатга мўлжалланган бу курсда жуда кўп мавзуларни экологик тарбия билан боғлаш мумкин.

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси курсини ўргатишда – табиий округлар ва районлар, Ўрта Осиё ҳудудининг ривожланиш тарихи, географик ўрганилиши, геологик тузилиши ва рельефи, иқлими, иқлимий тафовутлари, ресурслари, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, сув ресурслари, табиатни муҳофаза қилиш, табиий комплекслар тушунчалари кенг ёритилган. Амалий машғулот ва назорат ишлари орқали бу тушунча ва кўникмалар янада такомиллаштирилади. Намуна сифатида: “Ўрта Осиё сув ресурслари” мавзусини, сувлар ифлосланиши ва мана шу муаммога қарши қандай таклифлар бор? деган саволларни қўйиш орқали ўқувчилар фикрлаши ва атроф-муҳитга муносабатини тўғри шакллантиришга эътибор бериш мумкин.

Дарс тизимини ишлаб чиқишда нафақат анъанавий дарслар, интерфаол методлардан фойдаланиб табиий жараёнлар ва табиий муҳитни ўрганишда экологик билимларни мустаҳкамлайдиган методик тавсиялар ишлаб чиқишимиз жуда муҳим. Масалан: Ўсимлик дунёсини ўрганиш дарсларида “Қандай шифобахш ўсимликларни биласиз” мавзусида буклетлар, расмлар танлови уюштириш, “Дарёлар” мавзусига оид кластер ёки ижодий иш техникасидан фойдаланиб жадвал тайёрлатиш, об-ҳаво ва иқлим ресурсларига оид дарсларда эса эксперимент, тажрибалар ўтказиш орқали экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш мумкин.

“Ўқувчи–ўқитувчи”, “ўқувчи–ўқувчи” схемасида ишлаш нафақат анъанавий дарсларда, балки интерфаол методлардан фойдаланиб дарс ўтишда, очиқ дарслар, конкурслар ўтказишда энг муҳими дарс самарадорлигини оширишда жуда кўл келади. Бу схемада ишлашда ўқувчи фақатгина ўқитувчи билан эмас ўзаро ўқувчилар билан ҳам баҳс, мунозара, савол-жавоб ва фикр алмашилишида иштирок эта олади. “Ўқувчи–ўқувчи” схемаси иш жараёнида дарс муҳитига аҳамият бериш зарур. Фикр-мулоҳазалар ўқитувчи томонидан кузатилиб, дарс охирида эксперт-кузатувчилар томонидан ёки ўқитувчининг ўзи томонидан умумлаштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

География дарсларида экологик тарбия қандай методлар орқали шакллантирилади?

- Ўйин технологияси орқали;
- Турли дебат, савол-жавоб, викториналар;
- Конкурс ва тематик байрамлар;
- Фан ойликлари доирасидаги тадбирлар;
- Сухбат, амалий-тажриба дарслари;
- Анимация ва видео кетма-кетликлар;
- Халқ оғзаки ижоди материаллари (топишмоқ, эртак, мақоллар);

Юқоридаги методлардан фойдаланиб дарсларда экологик билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришда ва тарбиялашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратдик:

- Экологик онг ва маданиятни оиладан бошлаш;
- Атрофимиздаги олам ва биз деган тушунчани шакллантириш ва тарбиялаш;
- Экологик инқироз нима эканлигини тушунтириш;
- Экологик инқирозни инсонга таъсирини англаб етиш;
- Атроф-муҳит учун ҳар бир инсон ўзи масъуллигини сезиш;
- “Тозалик-соғлиқ гарови” эканини тушуниб етиш;
- Ён-атрофдаги тозалик учун масъул ишчилар меҳнатини қадрлаш, уларни ҳурмат қилиш;
- Дунёдаги экологик вазиятни англаштиш каби билим, кўникма, малакаларни,



экологик тарбияни шакллантиришимиз мумкин;

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз мумкинки, ўз юртини, она табиатини муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг аввало буюк инсонийлик бурчидир. Мана шу бурчнинг маъсулиятини сездириш, ўқувчиларни атроф-муҳитга, жониворларга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялаш кўп жихатдан ўқитувчи зиммасига тушади. Она табиатни эъзозлаш аввало ўз яшаб турган ҳудудини табиатини севиш, уни ўрганишдан қандай ўзига хос хусусиятларини билишдан бошланади. Табиий жараёнларни ҳисобга олмасдан, атроф-муҳит омилига ахамият бермасдан амалга оширилган ҳар қандай ижтимоий фаолият келажакда нохуш ходисаларга олиб келиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ўқувчиларга ўзи яшаб турган ҳудудини ўргатиш, табиат ва жамият алоқаларида уйғунликни таъминлашни ўргатиш ўқитувчиларга янада катта масъулият, изланиш ўзи устида ишлашни талаб қилади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент-2017: «Ўзбекистон», 2017.
2. Кошелева В.Л. Журнал «Экология и нравственность». *Общественные науки и современность*. М. 1993г. №1.
3. ПФ-5863-сон 30.10.2019 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида.
4. Захлебный, А.Н. *Экологическое образование школьников во внеклассной работе* — М.: Просвещение, 1984.
5. <http://kursk-sosh22.ru/obychenie/metod-kopilka/26-geografiya/215-ekologicheskoe-vospitanie-shkolnikov-na-urokax-geografii-.html>
6. *Экологическое воспитание школьников на уроках географии и во внеурочной деятельности*. Ерофеева Мария Ивановна - учитель географии МБОУ “Средняя общеобразовательная школа” №22

*Д.Х.Турдибоев- PhD.*

*Б.Ж.Олимов- ўқитувчи.*

*М.Дўсанов-магистрант. ГулДУ*

## ЎҚУВЧИЛАРДА ГЕОМЕТРИЯ ЎҚУВ ФАНИДАН ТЕОРЕМАЛАРНИ МУСТАҚИЛ ИСБОТЛАШ КўНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

### Аннотация

*Ушбу мақолада, геометрия ўқув фани талими жараёнида ўқувчилар онгида реал борлиқни тасаввур қилиши, маълумотларни ҳиссий билиши ва идрок қилиши орали мантиқий тасаввурни ҳосил қилиши, геометриядаги теореманинг асосий мазмуни ва асл моҳиятинни тушуниши, теоремани исботлаш жараёнида фойдаланиладиган асосий таянч тушунчалар ҳақида назарий ва амалий билимга эга бўлиши, теореманинг шарти ва хулосаси нимадан иборат эканлигини тўлиқ англаш, теоремани шарт ва хулосасида қатнашаётган ҳар тушунчани назарий билиши, теореманинг шарт ва хулоса қисмларини алгебраик (формула) ифодалаш, теоремани исботлаш жараёнида ундаги шартлардан хулосасининг тўғрилигини кўрсатувчи мулоҳазаларни келтириб чиқара олиши, теоремани мустақил исботлаш ва уни масала ечишида қўллаш ва исботлашнинг бошқа усулларини топа олиши кўникмасини шакллантиришига қўйиладиган асосий талабларни белгилаш бўйича таклифлар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *назарий, амалий, мантиқий хулоса қилиши, исботлаш, кўникма, шакллантириши, тасаввур, мантиқий тасаввур, мантиқий фикрлаш, аксиома, хосса, теорема, мустақил исботлаш, тушуниши, англаш, қбилият, абстракт, ҳиссий билиши.*

## ТРЕБОВАНИЯ К СТУДЕНТАМ К РАЗВИТИЮ НАВЫКА НЕЗАВИСИМОГО ДОКАЗАТЕЛЬСТВА ТЕОРЕМ ДИСЦИПЛИНЫ ГЕОМЕТРИИ

### Аннотация

*В данной статье приведены рекомендации по установлению основных требований к формированию логического воображения путем представления реального бытия в сознании, чувственно осознать и соотносить данные, понятие основного контекста и сущность теоремы в геометрии, овладение теоретических и практических знаний об основных понятиях, используемых в процессе доказательства теоремы, полное понимание условия и вывода теоремы, теоретическое знание каждого понятия, участвующего в условии и выводе теоремы, умение выражать условной и заключительной частей теоремы алгебраически (формульно), в процессе доказательства теоремы делать выводы указывающие правильность условий в нем в процессе доказательства теоремы, определению основных требований для формирования умения применять и находить другие методы доказательства при решении учащимся в процессе обучения геометрии.*

**Ключевые слова:** теоретический, практический, логическое заключение, доказательство, навык, формирование, воображение, логическое воображение, логическое мышление, аксиома, свойство, теорема, самостоятельное доказательство, понятие, осознание, умение, абстракт, чувственное осознание.

## REQUIREMENTS FOR STUDENTS TO DEVELOP THE SKILL OF INDEPENDENT PROOFING BY THE THEOREMS OF THE DISCIPLINE OF GEOMETRY

### Abstract

*This article provides recommendations for establishing the basic requirements for the formation of a logical imagination by representing real life in consciousness, sensually comprehending and grasping about the data, the concept of the main context and the essence of the theorem in geometry, mastering theoretical and practical knowledge about the basic concepts used in the process of proving the theorem, a complete understanding of the condition and conclusion of the theorem, theoretical knowledge of each concept involved in the condition and derivation of the theorem, the ability to express the conditional and final parts of the theorem algebraically (formulary), in the process of proving the theorem to draw conclusions indicating the correctness of the conditions in it in the process of proving the theorem, determining the basic requirements to form the ability to apply and find other methods of proof when solving students in the process of teaching geometry.*

**Keywords:** theoretical, practical, logical conclusion, proof, skill, formation, imagination, logical imagination, logical thinking, axiom, property, theorem, independent proof, concept, awareness, ability, abstract, sensual awareness.

Геометрия ўқув фани таълими жараёнида ўқувчилар онгида ўқув дастури асосида ўрганилиши лозим бўлган геометрик билимлар тизимини шакллантириш ва ўқувчиларнинг ақлий ривожланиш қобилиятлари сифатини ошириш каби асосий икки мақсад асосида дарс ташкил қилнади. Геометрия ўқув фанини ўқитиш реал борлиқни тасаввур қилиш, маълумотларни ҳиссий билиш ва идрок қилиш орқали мантикий тасаввур ҳосил қилиш, сўнгра мантикий билиш асосида абстракт фикрлашга ўтиш натижасида геометрик билимлар ҳосил бўлади.

Геометрия таълимида ўқувчиларни мулоҳаза қилиш, таҳлил қилиш ва исботлаш кўникмасини шакллантириш учун, аввало, уларда мантикий фикрлаш малакасини ривожлантириш лозим бўлади. Геометрия курсидаги ўқув материални қатъий белгилаб қўйилган дедуктив метод асосида ўргатишни жорий қилиш ўқувчининг ақлий зўриқишига олиб келади. Геометрия таълимида дифференциал ва индивидуал ёндашувларга асосланиш ҳамда ўқувчиларнинг мантикий билимларини ривожлантириш асосида ўқувчиларни теоремаларни мустақил исботлаш ва масала ечиш кўникмаларини шаклланти-

ршга эътибор қаратиш муҳимдир. Ҳозирги вақтда геометрия таълимида ўқувчиларнинг мантиқий тафаккурини ривожлантиришга восита бўладиган мантиқий характердаги исботлашга доир масалалар ечишга эътибор кам қаратилмоқда. Ўқувчиларни геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмаси шаклланишига уларнинг ақлий ва мантиқий фаолияти етарли эмаслиги, яъни геометрия таълимида бунга эътибор қаратилмаётганлигини ўтказилган педагогик тажрибаларимиздан кузатдик.

Ўқувчилар геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш жараёнида жуда ҳам қийналадилар, яъни кўп ўқувчилар теоремаларни ёдлаб оладилар, мантиқий исботлаш кўникмасига эга бўла олмайдилар. Ўқувчиларда геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришда теорема мазмунидаги таянч тушунчалар, теоремалар, аксиома ва хоссаларни ўзлаштириш сифатини оширишга эришиш керак бўлади.

Геометрия таълим жараёни юзасидан олиб борилган кўп ўрганиш ва тажрибаларимиздан, шу нарса маълум бўлди-ки, аксарият ўқувчилар геометрия ўқув фанини ўрганишда, ўрганилаётган объектнинг асосий тушунчалари, унинг асосий хосса ва теоремалари мазмунини саёз(паст) ўзлаштириш билан кифояланади, яъни ўқувчиларни исботлаш кўникмасини шакллантиришга эътибор жуда камайиб қолган. Афсуски, аксарият геометрия фани ўқитувчилари ҳам шу тизимга мослашган ҳолда геометрия фанини ўқитишда юзакчиликка мослашиб қолишган. Бу эса ўқувчиларни сохта билим эгаллашига ва кейинчалик мустақил равишда илмий изланишига мойиллигини камайтиради. Бундан ташқари, тажрибаларимиз жараёнида ўқувчиларни геометрия ўқув фани бўйича ўзлаштирган мавзулари юзасидан теоремаларни мустақил исботлай олиш даражалари таҳлили натижасига кўра аксарият ўқувчиларнинг қийналганлигини гувоҳи бўлдик. Ўқувчиларнинг геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантириш учун куйидаги **назарий, амалий, мантиқий ва хулоса қилиш билимларни** ўзлаштириши шарт деган асосий талаблар қўйилади:

теореманинг асосий мазмуни ва асл моҳиятинини тушуниш;

теоремани исботлаш жараёнида фойдаланиладиган асосий таянч тушунчалар ҳақида назарий ва амалий билимга эга бўлиш;

теореманинг шарти ва хулосаси нимадан иборат эканлигини тўлиқ англаш;

теоремани шарт ва хулосасида катнашаётган ҳар тушунчани назарий билиш;

теореманинг шарт ва хулоса қисмларини алгебраик(формула) ифодалаш;


теоремани исботлаш жараёнида ундаги шартлардан хулосасининг тўғрилигини кўрсатувчи мулоҳазаларни келтириб чиқара олиш;

теоремани мустақил исботлаш ва уни масала ечишда қўллаш ва исботлашнинг бошқа усуллари топа олиш[1,2,3,4,5].

Ҳар-бир геометрик тушунчани фанга маълум бўлган математик моделлаштириш нуқтаи назар билан қараш ва мантиқий билишга асосланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу эса ўқув материални ўзлаштиришда ахборот технология имкониятларидан фойдаланишга олиб келади. Бу билан геометрия таълим мазмунини технологиялаштириш жараёнига мос уни ўзлаштиришнинг янгича моделини яратиш мумкин.

Маълумки, геометрия ўқув фани мазмунининг асосини аксиомалар ташкил қилиб, улар асосида геометрик фигуларнинг бошқа хоссалари тушунтирилади ёки исботланади. Бу эса ўқувчиларни геометриядан таълим талабларига мос ўқитиш ва уларни психологик ва мантиқий тайёрлашни талаб қилади. Ўқувчилар махсус танланган топшириқларни бажариш орқали ҳамда аксиомаларга асосланиб, геометрик фигураларнинг хоссаларини мантиқий мулоҳазалар билан исботлаш кўникмасига эга бўладилар. Ўқувчиларга геометрия ўқув фанидан ўқув материални ўргатишда, таҳлил қилиш, мулоҳаза қилиш ва исботлашни ўргатиш учун уларда мантиқий фикрлаш малакасини ўстириш лозим бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, ўқувчиларни геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил исботлаш кўникмасини шакллантиришнинг куйидаги асосий талабларини белгилаймиз (1-расм)



1-расм. Ўқувчиларда геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил ишботлаш кўникмасини шакллантиришнинг асосий талаблари.

Ўқувчиларда геометрия ўқув фанидан ўқув материални ўзлаштиришда назарий ва амалий билим алоқадорлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўқув материални назарий жиҳатдан чуқур ўзлаштириши геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил ишботлаш кўникмасини шакллантиришга қўйиладиган асосий талабларни бажаришда энг муҳими саналади. Геометрия ўқув фанини ўқитиш мобайнида ўқувчиларга мантиқий хулоса қилишни ўргатиш теоремаларни мустақил ишботлаш кўникмасини шакллантириш муаммоларидан биридир. Шунинг учун ҳам, ўқувчиларда геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил ишботлаш кўникмасини шакллантириш учун аввало назарий, амалий, мантиқий, дедуктив ва индуктив билимлари сифатини ошириш талаб этилади.

Юқоридаги фикрларни инобатга олиб, ўқувчиларнинг геометрия ўқув фанидан теоремаларни мустақил ишботлаш кўникмасини

шакллантиришнинг асосий талаблари ва ўзлаштириш кўрсаткичларини белгиловчи педагогик меъзонлар ўзаро алоқадорлигини таъминлашга эътибор қаратиш умумтаълим муассасалари ва академик лицейларда ўқитиладиган геометрия таълим мазмунини маълум даражада такомиллаштиришга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Турдубоев Д.Х. *Tasks of mathematics teaching*// *Eastern European Scientific Journal*. – Германия, 2017, – № 5, – Б.102-107.

2. Турдубоев Д.Х. *Проектирование учебных занятий по геометрии с использованием информационно-коммуникационных технологий* // *Молодой учёный ежемесячный научный журнал*. – Россия, 2012. – № 6, – С. 442-447. ISSN 2072-0297.

3. Турдубоев Д.Х. *Геометрия элементларини ўрганишга муаммоли-модулли ёндашув*// *Касб-хунар талими*. – Тошкент, 2010. – № 2, – Б.17-20.

4. Турдибоев Д.Х. Геометрия ўқув фанидан мавзулар бўйича электрон таълимий ишланма яратилишига доир// Педагогика. – Тошкент, 2017. – № 2, – Б.96-100.
5. Турдибоев Д.Х. Геометрик теоремаларни ўқувчиларга таянч тушунчалар орқали исботлашни ўргатиш методикаси// Таълим, фан ва инновация. – Тошкент, 2017. – № 1, – Б.15-19.
6. Турдибоев Д.Х., Душабоев О. *Methods of proving theorems training*// *Eastern European Scientific Journal*. – Германия, 2016. – № 5, – Б. 43-51.
7. Маматов А., Турдибоев Д.Х., Досанов М., Рахмонов Ж., *Одна задача параболического типа с дивергентной главной частью*// национальная ассоциация ученых (НАУ), 2413-5291.2020.1.57, стр. 56-59
8. Душабоев О., Турдибоев Д., Зокиров А. *Improvement of teaching geometry based on pedagogicalsynergetical principles*// *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, Vol. 24, Issue 08, 2020  
ISSN: 1475-7192, Pages: 5268-5276
9. Д.Турдибоев, М.Файзуллаев *Преимущества организации дифференцированного обучения в системе среднего общего образования*// *Среднее профессиональное образование*, СПО 5(297) 2020

*U.A.Jabbarov- National University of Uzbekistan*

## TUTORING AND TEACHER-APPRENTICE SYSTEM IN THE PREPARATION OF FUTURE FOREIGN LANGUAGE TEACHERS

### Abstract

*The article is devoted to the problem of modeling the process of tutor providing didactic training of the future teacher of a foreign language. In the framework of this training is the formation of linguo-cultural competence, which is becoming more significant in the formation of a new paradigm of foreign language education*

**Keywords:** *tutor support, cross-cultural communication, linguo-informational approach, linguo-multimedia competence, model, multimedia-mediated context of language training.*

## ТЮТОРСТВО И СИСТЕМА "НАСТАВНИК -УЧЕНИК" В ПРОЦЕССЕ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

### Аннотация

*Статья посвящена проблеме моделирования процесса тьюторского обеспечения лингводидактической подготовки будущего учителя иностранного языка. В рамках данной подготовки происходит формирование лингвокультурной компетенции, которая становится все более существенной при формировании новой парадигмы иноязычного образования*

**Ключевые слова:** *тьюторское сопровождение, межкультурная коммуникация, лингво-информационный подход, лингво-мультимедийная компетентность, модель, мультимедийно-опосредованный контекст языкового обучения.*

## BO`LAJAK CHET TILI O`QITUVCHILARINI TAYYORLASHDA TYUTORLIK VA "USTOZ-SHOGIRD" TIZIMI

### Annotasiya

*Maqola bo'lajak chet tili o'qituvchisining didaktik tayyorgarligini ta'minlovchi repetitor jarayonini modellashtirish muammosiga bag'ishlangan ushbu trening doirasida xorijiy til*

*ta'limining yangi paradigmasini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etuvchi lingvo-madaniy kompetentsiyani shakllantirish.*

**Kalit so'zlar:** *tyutor, ustoz, shogird, qo'llab-quvvatlash, o'zaro madaniy aloqa, lingvistik-axborot yondashuvi, lingvistik-multimedia kompetentsiyasi, til o'rganishning modeli, multimediali vositali konteksti.*

Being a tutor is a serious job tutoring involves not only the transfer of knowledge and experience, but also responsible educational work. In order to regulate the work of a tutor and simplify its assessment, special professional standards of tutor support have been developed to help specialists achieve their goals more effectively, improve the quality of work and master new opportunities for personal development and professional growth.

The teacher-apprentice School can provide a young teacher with the necessary support from an experienced mentor, acquire teaching skills, and provide urgent practical assistance in the workplace. The need for such a solution has formed the Mentor-Student mentoring system, which promotes the assimilation of a large amount of knowledge, the development of life competencies, professional training, and the ability to establish industrial relations. We believe that the school of mentoring "TEACHER-APPRENTICE" works in the direction of pedagogy of cooperation, it is the work of a young teacher in tandem with an experienced mentor (coach). This includes the work of a senior colleague with young people who need the school's coaching methodology, science, and professional help and support. This can be done via:

- improving the professional level and qualifications of young university teachers;
- development of a positive attitude to educational activities among young professional teachers;
- the possibility of accelerated adaptation and achievement of expected results in teaching activities;
- Assistance in improving the quality of the educational process at the university.

This system is a roadmap that helps young teachers to get acquainted with the activities of all structures and departments of the higher education system. This is an example of the organization of imitation and pedagogical activity and the process of motivating a young teacher.

The mentoring school "teacher-apprentice" promotes the development of managerial skills, the elimination of shortcomings of practical experience, the formation of personal qualities of a young teacher, and the improvement of the methodological base for the acquisition of practical skills.

Tutor support in the education of stapo in demand not so long ago until recently, teachers were charged with showing the need to study first of all on their own, that is, self-educating periodic courses that affect qualifications were used primarily to assess the success of this process. Today, the situation has changed radically. The professional standard of tutor support implies the possibility of a special organization of educational events.

Tutoring provides teachers with an opportunity to gain access to new methods and up-to-date information on the educational process and to work out theoretical knowledge in practice:

1. Openness as a qualitative characteristic of modern education.
2. Individualization of education and tutor practice.
3. Five models of tutoring activity: ("mentor", "dispatcher", "Challenger", "consultant", "head of individual space design"): the specifics of the activity, the competence of the tutor, the institutional forms.
4. Training technologies in tutoring activities
5. Educational event as a tutor practice
6. Aspects of the development of tutor support. Team as a form of organization of tutoring activities.
7. Building an effective team.

At the turn of the XX-XXI century, a new paradigm of language education is being formed, determined by the strengthening of international contacts, integration processes, and the volume of information exchange. In modern conditions, intercultural communication cannot be considered in isolation from the information space as an integral part of modern multicultural. This makes multimedia mediated the context of

polylingual and multicultural training of the future teacher of foreign language in conjunction cultural psychological p OET characteristics of the interaction formulation of the problem, obsessive the need for the formation linguaitaliana approach nochnomu higher education, which combines existing priorities authoritarian education towards the development of the autonomy of students development, tutoring forms accompany them linguaitaliana was prepared b. Modeling is an effective method of studying the process of introducing tutor forms of supporting the process of linguistic and informational training of future teachers of foreign languages

The purpose cytoscope support linguaitaliana training formation lingualumina competence is determined, on the one hand, the need of the state and society in foreign languages teachers are competent in the field of intercultural communication in the professional multimedia mediated context, on the other hand, the need of future teachers of foreign languages to meet the modern requirements of the level of development of competence in multimedia-mediated intercultural professional communication. Considered the target component of the model has led to the definition of the principles of the organization of tutor support process information training, ensuring the achievement of the objectives of the projected model the Principle of integrity tyutikova ensure the processes of the formation of a polylingual communication and media competence of future teachers of foreign languages.

The principle of the unity of the use of tutor technologies for the processes of development and self-development in the framework of linguistic and informational training of future teachers of a foreign language. The principle of the diagnostic basis for the use of tutor technologies of ling non-educational training. The aforementioned principles to define the effective functioning and principles guide the selection of content and learning technology in compliance with total organizational and didactic conditions the Contents linguaitaliana training due to the peculiarities of the multimedia-mediated intercultural communication and includes, therefore, the knowledge about multimedia mediated the context of the polylingual and multicultural communicative

activity of the future teacher of a foreign language, lingualumina " competence.

The principles determine the selection of the content and technology of training in compliance with the set of organizational and didactic conditions. The content of linguistic and informational training is determined by the peculiarities of multimedia-mediated intercultural communication and thus includes knowledge about the multimedia-mediated context of the multilingual and multicultural communicative activities of the future foreign language teacher.

The used technologies are focused, on the one hand, the formation and updated in real-multimedia-mediated intercultural communication together lingualtechnik competencies on the other hand, the development of the profile lingualumina competence. Therefore, we are talking about the technologies of the competence approach, integrating the methodological level of the technologies of personality-oriented, personal-activity, cognitive, affective approaches and developing education, modern information and communication technologies in particular, technologies of round tables, remote consulting, project activities, reflection, problem tasks, case studies, modeling, and evaluation of results. The implementation of the developed model is carried out in the context of certain organizational and didactic conditions The complex of organizational and didactic conditions includes:

1 Adequate technical equipment for tutor support of linguistic and informational training

2. The inclusion in the educational process of the technology of electronic network professional portfolio and a special course that provides opportunities for tutor support of linguistic and informational training.

3. The effective component of the model assumes the presence of the final result.

The result of the implementation of the model is the formation of a certain profile of linguistic and multimedia competence in the components of readiness ability and experience. The visually presented model of tutor support of linguistic and informational training of a future foreign language teacher (Fig.) is characterized by the integrity of interrelated components: adaptability to various manifestations of

external conditions, pragmatism, as it is the basis for the development of a methodology for the formation of linguistic and multimedia competence of a future foreign language teacher.

#### LITERATURE

1. №-3076. 08.10.2018. *On approval of the rules of teaching load of professors and teachers of the higher educational institution and determination of educational-methodical, scientific-research and "ustoz-shogird" works*,
2. Bachin D.A. *Nastavnichestvo kak metod obucheniya i razvitiya personala [Coaching as a method of training and staff development [electronic resource]]* // – URL: <http://web.snauka.ru/issues/2014/04/32311> (reference date: 23.05.2016).
3. Michaels E., Hendfield-Jones H., Ekselrod E. *Voyna talantov [War for talent]*. – Mann, Ivanov and Ferber, 2006.
4. Polnikova E.A. *Programma razvitiya talantov [Talent Development Program [electronic resource]]* // – URL: <https://research-journal.org/psychology/programma-razvitiya-talantov/> (reference date: 01.05.2016).
5. *Upravlenie talantami [Talent management [electronic resource]]* // – URL: [http://ru.wikipedia.org/wiki/Talent\\_Management](http://ru.wikipedia.org/wiki/Talent_Management) (reference date: 06.28.2016).
6. Бачин Д.А. *Наставничество как метод обучения и развития персонала [Электронный ресурс]* // – URL: <http://web.snauka.ru/issues/2014/04/32311> (дата обращения: 23.05.2016).

*Э.О.Исмоилов-ўқитувчи.*

*З.А.Налибаева-ўқитувчи ТТЕСИ*

### МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА АНИҚМАС ИНТЕГРАЛНИ ИНТЕГРАЛЛАШ УСУЛЛАРИГА ДОИР БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

#### Аннотация

Мақолада аниқмас интеграл ва аниқмас интегрални интеграллаш усуллари ҳақида маълумот берилган. Интегралларни топши формуллари келтириб ўтилган. Шунингдек, мақолада педагогик технология тушунчасининг моҳияти, унинг таълим тизимидаги ўрни ёритилган. Педагогик технологиялардан муаммоли таълим технологиясининг афзалликлари ҳамда “Аниқмас интегрални интеграллаш усуллари” мавзусини ўқитишда ушбу технологиядан қандай фойдаланиш кераклиги батафсил баён этиб берилган. Бундан ташқари, мақолада, ўқитувчилар учун, педагогик технологиялардан фойдаланишга доир бир қанча таклиф ва тавсиялар ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** функция, дифференциал, аниқмас интеграл, интеграллаш, интеграл жадвали, функция узлуксизлиги, педагогик технология, муаммоли таълим, модификацияланган маъруза методи, демонстрация (намоиши қилиш) методи.

### ТЕХНОЛОГИЯ ФОРМИРОВАНИЯ СОЗНАНИЕ У ШКОЛЬНЫХ УЧЕНИКОВ МЕТОДЫ ИНТЕГРИРОВАНИЯ В НЕОПРЕДЕЛЕННОМ ИНТЕГРАЛЕ

#### Аннотация

В статье представлена информация о неопределенных интегралах и методов интегрирования. Приведены формулы для нахождения интегралов. В статье также раскрывается сущность концепции педагогической технологии, ее роль в системе образования. Подробно описаны преимущества проблемной технологии обучения педагогических технологий и способы использования этой технологии при обучении темы «Методы интегрирования неопределенных интегралов». Кроме того, статья содержит ряд предложений и рекомендаций для учителей по использованию педагогических технологий.

**Ключевые слова:** функция, дифференциал, неопределенный интеграл, интегрирование, интегральная таблица, непрерывность функции, педагогическая технология, проблемное обучение, метод модифицированный лекции, метод демонстрации.



## TECHNOLOGY OF FORMATION OF KNOWLEDGE ON METHODS OF INTEGRATING INDEFINITE INTEGRAL IN THE MIND OF SCHOOL PUPILS

### Annotation

*The article provides information about indefinite integrals and methods of integrating. Formulas for finding integrals are given. The article also reveals the essence of the concept of pedagogical technology, its role in the education system. The advantages of the problem technology of teaching pedagogical technologies and the ways of using this technology when teaching the topic "Methods of integrating indefinite integrals" are described in detail. In addition, the article contains a number of suggestions and recommendations for teachers on the use of pedagogical technologies.*

**Key words:** *function, differential, indefinite integral, integration, integral table, function continuity, pedagogical technology, problem-based learning, modified lecture method, demonstration method.*

Олиб борилаётган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, мактаб ўқувчиларида аниқмас интеграл ва аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзуси бўйича билимлар ўта саёз. Ўқувчиларнинг аксарият қисми ушбу мавзу юзасидан ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас.

Конларнинг ҳажми ва улардаги маъданлар миқдорини, эгри юзаларни, дарё ўзани узунлигини, денгиз ва кўлларнинг чуқурлигини, сув омборлардаги сувларнинг миқдорини ҳисоблашда ҳамда шунга ўхшаш жуда кўплаб ҳаётий масалаларни ечиш жараёнида интеграл амалига мурожаат қилиниши шу соҳаларда фаолият юритувчи кадрлардан аниқмас интеграл ва аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзуси бўйича чуқур билимга эга бўлишни тақозо этишини ҳамда аниқмас интеграл ва аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини ўқитиш, ҳозирги кунда, замон талаблари даражасида йўлга қўйилмаганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу мақола аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқитиш мавзусига бағишланди.

Педагогик технология – бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир. Ҳозирги кунда ўқитувчилар методикани кўп ҳолларда технологиядан ажрата олмаяптилар. Шу боисдан бу тушунчаларни аниқлаштириш керак бўлади. Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

мажмуасидан иборат. Методикадан кўзланган мақсад предмет мавзуларига оид назарияларни аниқ ҳодисалар текислигига кўчиришдир. Мисол учун, газ қонунлари тушунчаларини шакллантириш методикаси ёки энергиянинг сақланиш қонунини физика курсининг электр бўлимида кўллаш методикаси ва ҳоказо. Педагогик технологиялар ўқитиш жараёнининг ўзаро боғлиқ қисмларини ташкилий жиҳатдан тартибга келтириш, босқичларни қуриш, уларни жорий этиш шартларини аниқлаш, мавжуд имкониятларни ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришишни таъминлайди. Шунингдек, ўқитувчининг касбий фаолиятини янгилайди ва таълимда яқуний натижани кафолатлайди. Технология ўзининг эгилувчанлиги, натижаларнинг турғунлиги, самарадорлиги ва олдиндан лойиҳаланиш зарурати билан методикадан фарқланиб туради.

Маълумки, ҳаракатдаги нуқтанинг тезлигини топиш, шунингдек, эгри чизикқа уринма ўтказиш каби масалалар функцияни дифференциаллаш тушунчасига олиб келган эди. Нуқтанинг ҳар бир вақт momentiдаги тезлиги маълум бўлганда унинг ҳаракат қонунини топиш, эгри чизикни унинг ҳар бир нуқтасидаги уринмаларига кўра аниқлаш каби масалалар ҳам кўп учрайди. Бундай масалалар юқорида эслатиб ўтилган масалаларга тескари масалалар бўлиб, улар *функцияни интеграллаш* тушунчасига олиб келади.

*Таъриф.* Бирор чекли  $(a; b)$  ёки чексиз ораликдаги ҳар бир  $x$  нуқтада дифференциалланувчи ва ҳосиласи

$$F'(x) = f(x)$$

шартни каноатлантирувчи  $F(x)$  функция берилган  $f(x)$  функция учун бошланғич функция дейилади.

Масалан,

$$f(x) = a^x \quad (a > 0, a \neq 1) \quad x \in (-\infty; +\infty)$$

функция учун  $F'(x) = \frac{a^x}{\ln a}$  бошланғич функция бўлади.

*Таъриф.* Агар  $F(x)$  ва  $G(x)$  берилган  $f(x)$  функциянинг ихтиёрий иккита бошланғич функциялари бўлса, у ҳолда бирор  $C$  ўзгармас сонда

$$G(x) - F(x) = C$$

бўлади.

*Таъриф.* Агар  $F(x)$  бирор  $(a; b)$  ораликда  $f(x)$  функциянинг бошланғич функцияси бўлса, у ҳолда  $F(x) + C$  функциялар тўплами шу ораликда  $f(x)$  функциянинг аниқмас интегралли дейилади.

Берилган функциянинг аниқмас интегралли  $\int f(x)dx$  каби белгиланади ва таърифга асосан, бирор  $F(x)$  бошланғич функция

$$\int f(x)dx = F(x) + C$$

тенглик билан аниқланади. Бунда  $\int$  – интеграл белгиси,  $f(x)$  – интеграл остидаги функция,  $f(x)dx$  – интеграл остидаги ифода,  $x$  эса интеграллаш ўзгарувчиси дейилади. Берилган  $f(x)$  функциянинг  $\int f(x)dx$  аниқмас интеграллини топиш амали – бу функцияни интеграллаш дейилади.

Аниқмас интеграл қуйидаги бир қатор хоссаларга эга:

$$1. (\int f(x)dx)' = f(x);$$

$$2. d(\int f(x)dx) = f(x)dx;$$

$$3. \int F'(x)dx = F(x) + C;$$

$$4. \int dF(x) = F(x) + C;$$

$$5. \int kf(x)dx = k \int f(x)dx;$$

6.

$$\int [f(x) \pm g(x)]dx = \int f(x)dx \pm \int g(x)dx;$$

7. Агар  $\int f(x)dx = F(x) + C$  бўлса, у ҳолда

$$\int f(ax + b)dx = \frac{1}{a} F(ax + b) + C$$

бўлади.

Дифференциаллаш ва интеграллаш амаллари ўзаро тескари амаллар бўлганлиги учун, ҳосилалар жадвалидан фойдаланиб, қуйидаги интеграллар жадвалини ҳосил қиламиз:

Интеграллар жадвали:

$$1. \int 0 \cdot dx = c \quad (c - \text{ўзгармас сон});$$

$$2. \int dx = x + c;$$

$$3. \int x^n dx = \frac{x^{n+1}}{n+1} + c \quad (n \neq -1);$$

$$4. \int \frac{dx}{2\sqrt{x}} = \sqrt{x} + c;$$

$$5. \int \frac{dx}{x} = \ln|x| + c \quad (x \neq 0);$$

$$6. \int x dx = \frac{x^2}{2} + c;$$

$$7. \int \frac{dx}{x^2} = -\frac{1}{x} + c;$$

$$8. \int a^x dx = \frac{a^x}{\ln a} + c;$$

$$9. \int e^x dx = e^x + c;$$

$$10. \int \sin x dx = -\cos x + c;$$

$$11. \int \cos x dx = \sin x + c;$$

$$12. \int \frac{dx}{\cos^2 x} = \operatorname{tg} x + c \quad (x \neq \frac{\pi}{2} + k\pi);$$

$$13. \int \frac{dx}{\sin^2 x} = -\operatorname{ctg} x + c \quad (x \neq k\pi);$$

14.

$$\int \operatorname{tg} x dx = -\ln|\cos x| + c \quad (x \neq \frac{\pi}{2} + k\pi);$$

$$15. \int \operatorname{ctg} x dx = \ln|\sin x| + c \quad (x \neq k\pi);$$

$$16. \int \frac{dx}{x^2 - a^2} = \frac{1}{2a} \ln \left| \frac{x-a}{x+a} \right| + c;$$

$$17. \int \frac{dx}{\sqrt{1-x^2}} = \begin{cases} \arcsin x + c, \\ -\arccos x + c. \end{cases}$$

$$18. \int \frac{dx}{1+x^2} = \begin{cases} \operatorname{arctg} x + c, \\ -\operatorname{arcctg} x + c; \end{cases}$$

$$19. \int \frac{dx}{\sqrt{x^2 \pm a^2}} = \ln \left| x + \sqrt{x^2 \pm a^2} \right| + c;$$

$$20. \int \frac{dx}{\sqrt{a^2 - x^2}} = \arcsin \frac{x}{a} + c;$$

$$21. \int \frac{dx}{a^2 + x^2} = \frac{1}{a} \operatorname{arctg} \frac{x}{a} + c.$$

Аниқмас интегрални топишда аниқмас интегралнинг хоссаларидан ва интеграллар жадвалидан фойдаланилади. Бунга аниқмас интегрални бевосита топиш дейилади. Аниқмас интегрални топишда кўпинча

$$\int u^n \cdot u' dx = \frac{u^{n+1}}{n+1} + c \quad (n \neq -1) \quad \text{ва} \quad \int \frac{u'}{u} dx = \ln|u| + c$$

формулардан фойдаланиш қулай бўлади. Умумий ҳолда, аниқмас интегрални интеграллаш усуллари 4 та бўлиб, биз, қуйида уларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида танишиб чиқамиз.

*Тўғридан тўғри интеграллаш усули*

Бу усулда интеграл остидаги функцияларни формулар ёрдамида алмаштириш орқали ҳамда аниқмас интегралнинг асосий хоссалари ва асосий интеграллар жадвалидан фойдаланиб интеграл топилади.

$$\int \left( 7x^5 + 3\sqrt[4]{x^3} + \frac{6}{x^2} \right) dx = 7 \int x^5 dx + 3 \int x^{\frac{3}{4}} dx + 6 \int \frac{dx}{x^2} =$$

$$\frac{7x^6}{6} + \frac{12}{7} x^{\frac{7}{4}} - \frac{6}{x} + c.$$

2.  $\int \left( \frac{3}{x^5} - \frac{2}{x^4} + \frac{1}{x^3} \right) dx$  интегрални топинг.

*Ечиш:*

$$\int \left( \frac{3}{x^5} - \frac{2}{x^4} + \frac{1}{x^3} \right) dx = 3 \int \frac{dx}{x^5} - 2 \int \frac{dx}{x^4} + \int \frac{dx}{x^3} =$$

$$3 \int x^{-5} dx - 2 \int x^{-4} dx + \int x^{-3} dx = 3 \cdot \frac{x^{-5+1}}{-5+1} - 2 \cdot \frac{x^{-4+1}}{-4+1} + \frac{x^{-3+1}}{-3+1} + c =$$

$$-\frac{3}{4x^4} + \frac{2}{3x^3} - \frac{1}{2x^2} + c.$$

*Дифференциал белгиси остига киритиб интеграллаш усули*

Бу усулда интеграл остидаги ифодаларнинг бири иккинчисининг дифференциали сифатида ифодалаб олиниши ҳисобига интеграл остидаги ифода жадвал интегралига келтирилади ҳамда интеграллар жадвали орқали осонгина интегралланади.

Бевосита мисоллар ечиш орқали ушбу усулни кўриб чиқамиз ва унинг моҳиятини англаб етишга ҳаракат қиламиз.

1.  $\int \left( 7x^5 + 3\sqrt[4]{x^3} + \frac{6}{x^2} \right) dx$  интегрални топинг.

*Ечиш:* Бу ерда  $f(x)$  функция учта қўшилувчидан иборат. Интегрални топиш учун йиғиндининг аниқмас интегрални ҳақидаги хоссадан ва интеграллар жадвалидан фойдаланамиз.

Бу усул билан аниқ мисоллар ёрдамида чуқурроқ танишиб чиқамиз.

1.  $\int (3x^3 + 5x^2 - 8)^3 (9x^2 + 10x) dx$

интегрални топинг.

*Ечиш:* Агар  $u = 3x^3 + 5x^2 - 8$  деб олсак,  $9x^2 + 10x = u'$  бўлади. У ҳолда

$$\int (3x^3 + 5x^2 - 8)^3 (9x^2 + 10x) dx = \int u^3 \cdot u' \cdot dx = \frac{u^4}{4} + c =$$

$$\frac{(3x^3 + 5x^2 - 8)^4}{4} + c.$$

2.  $\int \sin^3 x \cdot \cos x dx$  интегрални топинг.

*Ечиш:* Агар  $u = \sin x$  деб олсак,  $u' = \cos x$  бўлади. У ҳолда

$$\int \sin^3 x \cdot \cos x dx = \int u^3 \cdot u' \cdot dx = \frac{u^4}{4} + c = \frac{\sin^4 x}{4} + c.$$

*Ўзгарувчини алмаштириб интеграллаш усули*

Жадвалга кирмаган  $\int f(x) dx$  интегралларни ҳисоблаш талаб қилинганда

бу усулга мурожаат қилинади.  $x = \varphi(t)$  алмаштириш киритамиз, бунда  $\varphi(t)$  узлуксиз, узлуксиз ҳосилага ҳамда  $t = \psi(x)$

тескари функцияга эга бўлсин. У ҳолда  $dx = \varphi'(t)dt$  бўлиб,

$$\int f(x)dx = \int f(\varphi(t)) \cdot \varphi'(t)dt$$

формула ўринли бўлади.

Масалан,  $\int \frac{\psi'(x)dx}{\psi(x)} \Big|_{\psi(x)=t}^{\psi'(x)dx=dt} = \int \frac{dt}{t} = \ln|t| + c = \ln|\psi(x)| + c.$

Бу усулда ўзгарувчини алмаштириш жараёни интегралдан сўнг вертикал кесмалар орасига ёзилади.

**Ечиш:**

$$\int \frac{\sin x dx}{\sqrt{1+2\cos x}} = \left| \begin{array}{l} 1+2\cos x = t, -2\sin x dx = dt, \\ \sin x dx = -\frac{1}{2} dt \end{array} \right| = -\frac{1}{2} \int \frac{dt}{\sqrt{t}} = -\frac{1}{2} \int t^{-\frac{1}{2}} dt = -\frac{1}{2} \cdot 2t^{\frac{1}{2}} + c = -\sqrt{t} + c = -\sqrt{1+2\cos x} + c.$$

2.  $\int \frac{dx}{1+\sqrt[3]{x+1}}$  интегрални топинг.

**Ечиш:**

$$\int \frac{dx}{1+\sqrt[3]{x+1}} = \left| \begin{array}{l} x+1 = z^3 \\ x = z^3 - 1 \\ dx = 3z^2 dz \end{array} \right| = \int \frac{dx}{1+\sqrt[3]{x+1}} = \int \frac{3z^2 dz}{1+z} = 3 \int \frac{z^2 - 1 + 1}{1+z} dz = 3 \left( \int \frac{z^2 - 1}{1+z} dz + \int \frac{dz}{1+z} \right) = 3 \left( \frac{z^2}{2} - z + \ln|1+z| + c \right)$$

Эски ўзгарувчи  $x$  га қайтсак

$$3 \left( \frac{z^2}{2} - z + \ln|1+z| + c \right) = \frac{3^3 \sqrt{(x+1)^2}}{2} - 3^3 \sqrt{x+1} + 3 \ln|1+\sqrt[3]{x+1}| + c$$

**Бўлақлаб интеграллаш усули**

Фараз қилайлик,  $u(x), v(x)$  дифференциалланувчи функциялар бўлсин. У ҳолда  $d(u \cdot v) = vdu + udv$

ёки  $udv = d(u \cdot v) - vdu$  бўлиши равшан. Охирги тенгликнинг иккала қисмини интеграллаб

$$\int udv = \int d(u \cdot v) - \int vdu \text{ ёки} \\ \int udv = uv - \int vdu \quad (1)$$

бўлақлаб интеграллаш формуласи деб юритилувчи формулага эга бўламиз. Бўлақлаб интеграллашнинг моҳияти шундан иборатки, берилган интегрални топишда интеграл остидаги  $f(x)dx$  ифодани  $udv$

**Изоҳ.** Баъзи ҳолларда ўзгарувчини  $x = \varphi(t)$  кўринишда эмас, балки  $t = \psi(x)$  каби олган маъқул.

1.  $\int \frac{\sin x dx}{\sqrt{1+2\cos x}}$  интегрални топинг.

кўпайтма шаклида тасвирлаб ва (1) формулани татбиқ қилинса, берилган  $\int udv$  интегрални  $\int vdu$  жадвал интегрални ёки осонгина топиладиган интеграл билан алмаштирилади. Интегралларни бўлақлаб интеграллаш усули билан топишда муҳим ўринни  $u$  ва  $dv$  ифодаларнинг қандай танланиши эгаллайди. Қандай ҳолларда  $u, dv$  ларни қандай танлашни қарайлик.

1.  $\int P_n(x) \sin ax dx, \int P_n(x) \cos ax dx, \int P_n(x) e^{ax} dx$  турдаги интегралларни бўлақлаб интеграллаш учун  $P_n(x) = u$  деб олиб, қолган ифодаларни  $dv$  билан

белгилаган маъкул. Бунда  $P_n(x)$  –  $n$ -  
2.  $\int P_n(x) \ln x dx$ ,  $\int P_n(x) \arcsin ax dx$ ,  
 $\int P_n(x) \arccos ax dx$  турдаги интеграл-  
ларни бўлаклаб интеграллаш учун  
 $P_n(x) dx = dv$  деб ва трансцендент  
кўпайтувчини  $u$  деб олган маъкул.

3.  $\int e^{ax} \sin bx dx$ ,  $\int e^{ax} \cos bx dx$  ( $a, b$   
– ўзгармас сонлар) турдаги интегралларни  
бўлаклаб интеграллаш учун  $e^{ax} = u$  деб

$$\int \ln x dx = x \cdot \ln x - \int x \cdot \frac{dx}{x} = x \cdot \ln x - \int dx = x \cdot \ln x - x + c$$

келиб чиқади.

2.  $\int x e^x dx$  интегрални топинг.

*Ечиш:*  $x = u$ ,  $e^x dx = dv$  десак,

$$dx = du, v = \int e^x dx = e^x$$

бўлиб, (1) формулага биноан

$$\int x e^x dx = x \cdot e^x - \int e^x dx = x \cdot e^x - e^x + c$$

келиб чиқади.

Аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини ўқитишда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш энг юқори самара беради. Муаммоли таълим технологияси ўқувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштиришга асосланган. Муаммоли таълим технология–сининг асоси – инсоннинг фикрлаши муаммоли вазиятни ҳал этишдан бошланиши ҳамда унинг муаммоларни аниқлаш, тадқиқ этиш ва ечиш қобилиятига эга эканлигидан келиб чиқади. Муаммоли таълим ўқувчиларнинг ижодий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Муаммоли таълимнинг бош мақсади – ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзуга доир муаммоларни тўлиқ тушуниб етишига эришиш ва уларни муаммоларни ҳал эта олишга ўргатишдан иборат. Муаммоли таълимни амалиётда қўллашда асосий масалалардан бири ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ муаммоли вазият яратишдан иборат.

Муаммоли таълим технологиясига асосланган дарс қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1) Муаммоли вазиятни келтириб чиқариш;  
2) Муаммоли вазиятни асослаш, тушунтириш;

3) Муаммоли вазиятни ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилиш;

даражали кўпхад,  $a$  ўзгармас сон.

$\int P_n(x) \arccos ax dx$ ,  $\int P_n(x) \arctg ax dx$ , олиб, қолган ифодаларни  $dv$  билан белгилаган маъкул.

1.  $\int \ln x dx$  интегрални топинг.

*Ечиш:*  $\ln x = u$ ,  $dx = dv$  десак,  
 $(\ln x)' dx = du$ ,  $\frac{dx}{x} = du$ ,  $v = x$  бўлиб, (1)  
формулага биноан

4) Муаммоли вазият ечимининг бир неча усуллари аниқлаш;

5) Муаммонинг натижавий ечимини танлаб, ҳар томонлама баҳолаш.

Муаммоли таълимнинг ўзига хос функциялари:

- Ижодий фикрлатиш орқали билимларни ўзлаштиришни ривожлантиради;

- Олинган билим, малакаларни ҳаётда қўллай олишни шакллантиради, ўқув муаммоларига мустақил йўл очиш кўникмаларини ҳосил қилади;

- Ижодий фикрлаш тажрибасини пайдо қилади, илмий методлар асосида изланишга ўргатади.

Илмий изланишлар, тажриба-синовлар, педагогик амалиётлар шуни кўрсатадики, муаммоли вазиятларни ҳамма ўқув фаолиятларига нисбатан қуйидаги типларга бўлиш мумкин:

1-тип. Агар ўқувчилар олдида вазифалар қўйилиб, қўйилган масалаларга ҳаётдан ўқув материали асосида жавоб талаб қилинса, муаммоли вазият келиб чиқади.

2-тип. Ўқувчилар илгариги дарсларда олган билимларини янги мавзунини ўзлаштириш вақтида қўллаш зарурлигига учраб қолсалар, янги мавзуга оид масалаларнинг ечими илгариги олган билимларини ўзлаштирганликларини талаб этиб, вазиятдан чиқа олмай қолсалар муаммоли вазият келиб чиқади.

3-тип. Муаммоли вазиятларни ўрганилган назарий билимларнинг ечими мавзунини ўрганишнинг амалий ечимларига мос келмаган ҳолатларда ҳам учратиш мумкин.

4-тип. Муаммоли вазиятларни ўқув топширигини амалда бажариш учун

ўқитувчида исбот, назарий асос бўлмаган ҳолларда ҳам учратиш мумкин.

Ўқувчини фикрлашга йўналтирилган махсус воситаларни қўллаб, уни фанга кизиктириш, эркин фикрлашга ўргатиш, ривожлантириш тизими яратиб борилса, буни муаммоли таълим дейиш мумкин. Муаммоли таълим жараёнида ўқувчи таҳлил қилиш, синтез қилиш, умумлаштириш, фактик материалларни аниқлашни ўрганади, мавзуга доир янги ахборотларни ўзи мустақил олади. Муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи мавзу бўйича янги маълумотларни қўлланма ва дарсликлардан

$$1. \int (x^3 + 5 \sin x - 9) dx \quad 2. \int x e^{x^2} dx \quad 3. \int \frac{\sin x dx}{\sqrt{1 + 2 \cos x}} \quad 4. \int \ln x dx.$$

Ўқувчиларга аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусидан олдин аниқмас интеграл ва интеграл жадвали мавзуси ўтилганлиги учун улар берилган мисолларни интеграл жадвали орқали

$$1. \int (x^3 + 5 \sin x - 9) dx = \frac{x^4}{4} - 5 \cos x - 9x + C.$$

Узоғи билан 5 дақиқа ўтгач, ўқувчиларнинг қолган 3 та мисолни ўқитувчининг ёрдамисиз еча олмасликлари ақли етади ҳамда улар ўқитувчидан қолган 3 та мисолни ечишни ўргатишни сўрайди. Қўйилган биринчи муаммо натижасида ўқитувчи ўқувчиларнинг бор диққат-эътиборини аудиторияга жалб этади ҳамда ўқувчилар аниқмас интеграл мавзусига тегишли барча мисолларнинг ҳам жавоби интеграл жадвали орқали топилавермаслигини англаб етадилар, бунинг учун аниқмас интегрални интеграллаш усуллари ўрганиш кераклигини тушунадилар ва ўқитувчи ўргатадиган аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини ўрганишга киришадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи модификацияланган маъруза методи ёрдамида тўғридан-тўғри интеграллаш, аниқмас интегрални дифференциал белгиси остига киритиб, ўзгарувчини алмаштириб, бўлаклаб интеграллаш усуллари ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга етказиши, бунда демонстрация (намойиш қилиш) методидан фойдаланиш юқори самара

тайёр ҳолда бермайди, улар ўқувчи томонидан излаб топилади. Мана шу ҳолат ўқувчида изланувчанлик, синчковлик мето-дида ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

Ўқитувчи аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиб ўқитишда, дастлаб, 4 хил интеграллаш усуллари билан ечиладиган қуйидаги 4 та аниқмас интеграл мавзусига доир мисолларни доскага ёзади ҳамда мисолларни мустақил ишлаш вазифасини муаммоли топшириқ сифатида ўқувчиларга беради:

ишлашга уриниб кўрадилар ҳамда фақатгина биринчи мисолнинг (тўғридан-тўғри интеграллаш усулига тааллуқли) жавобини чиқарадилар:

беришини ҳисобга олиб, берилган 2-мисолни дифференциал белгиси остига киритиб интеграллаш усулида, 3-мисолни ўзгарув-чини алмаштириб интеграллаш усулида ва 4-мисолни бўлаклаб интеграллаш усулида ўқувчиларга ишлаб кўрсатиши шарт. Модификацияланган маъруза методида ўқитувчи мавзу мазмунини оғзаки нутқ орқали ўқувчиларга етказди, формулалар чиқаришда ўқувчилар билан мулоқот олиб боради. Ушбу маъруза методининг анъанавий маърузадан фарқи – ўқитувчи ва ўқувчи орасида мулоқот кетади. Демонстрация – “кўрсатаман, исботлайман” деган маънони англатади. Ушбу ўқитиш усулида ўқитувчи топшириқни бажариб, ўқувчиларга топшириқларни қандай бажариш кераклигини кўрсатади. Шундан сўнг, ўқувчиларга бошқа топшириқларни мустақил бажариб кўриш имконини бериш кераклигини бу ўқитиш усулида ёддан чиқармаслик лозим.

Демонстрация (намойиш қилиш) методидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг аниқмас интегрални дифференциал белгиси

остига киритиб, ўзгарувчини алмаштириб, бўлак-лаб интеграллаш усуллари ажрата билишига ёрдам беради ва улар бу усулларнинг бир-биридан фарқини, мисолларни ишлаш жараёнида қандай

қўлланилишини чуқур англаб етадилар, шунингдек юқорида берилган, ўқувчилар жавобини чиқара олмаган 3 та мисол ушбу интеграллаш усуллари қўллаш натижасида осонгина ишланишини амалда кўрадилар:

$$2. \int x e^{x^2} dx$$

$u = x^2$  деб олсак,  $\frac{1}{2}u' = x$  бўлади. Шундай қилиб, берилган интеграл

$\frac{1}{2} \int e^u u' dx$  кўринишга келади. Бундан эса

$$\int x e^{x^2} dx = \frac{1}{2} \int e^u u' dx = \frac{1}{2} e^{x^2} + c$$

эканлиги келиб чиқади.

$$3. \int \frac{\sin x dx}{\sqrt{1+2\cos x}}$$

$$\int \frac{\sin x dx}{\sqrt{1+2\cos x}} = \left| \begin{array}{l} 1+2\cos x = t, -2\sin x dx = dt, \\ \sin x dx = -\frac{1}{2} dt \end{array} \right| =$$

$$-\frac{1}{2} \int \frac{dt}{\sqrt{t}} = -\frac{1}{2} \int t^{-\frac{1}{2}} dt = -\frac{1}{2} \cdot 2t^{\frac{1}{2}} + c = -\sqrt{t} + c = -\sqrt{1+2\cos x} + c.$$

$$4. \int \ln x dx$$

$\ln x = u$ ,  $dx = dv$  десак,  $(\ln x)' dx = du$ ,  $\frac{dx}{x} = du$ ,  $v = x$  бўлиб, (1) формулага биноан

$$\int \ln x dx = x \cdot \ln x - \int x \cdot \frac{dx}{x} = x \cdot \ln x - \int dx = x \cdot \ln x - x + c$$

келиб чиқади.

Шундан сўнг, ўқувчиларнинг аниқмас интегрални интеграллаш усуллари қанчалик даражада ўрганганлигини билиш учун уларга мустақил мисоллар ечириб

кўриш мумкин. Қуйида бундай мисолларга намуналар келтирилган:

Қуйидаги интегралларни тўғридан тўғри интеграллаш усули билан интегралланг:

$$1. \int (x^2 + 2x + \frac{1}{x}) dx$$

$$2. \int \left( \frac{1}{\sqrt{x}} - \frac{1}{\sqrt[4]{x^3}} \right) dx$$

$$3. \int \left( \frac{10x^2 + 3}{x^4} \right) dx$$

$$4. \int \frac{x-2}{x^2} dx$$

$$5. \int \frac{(x^2+1)^2}{x^2} dx$$

$$6. \int (\sqrt{x} + \sqrt[3]{x}) dx$$

Қуйидаги интегралларни дифференциал белгиси остига киритиб интеграллаш усули билан интегралланг:

$$1. \int \frac{\arctg x dx}{1+x^2}$$

$$2. \int x^3 (1-2x^4)^3 dx$$

$$3. \int x^2 \sqrt{x^3+5} dx$$

$$4. \int \frac{(2\ln x + 3)^3 dx}{x}$$

$$5. \int (3x^2 - 5)^{10} x dx$$

$$6. \int \frac{\ln x}{x} dx$$

Қуйидаги интегралларни ўзгарувчини алмаштириб интеграллаш усули билан интегралланг:

1.  $\int \frac{\sin \sqrt{x}}{\sqrt{x}} dx$

2.  $\int \frac{x+5}{x^2+2} dx$

3.  $\int (x^2 - 3x + 1)(2x - 3) dx$

4.  $\int \frac{\ln x}{x} dx$

5.  $\int \frac{4 \arctg x}{1+x^2} dx$

6.  $\int \frac{\ln^5 x}{x} dx$

Куйидаги интегралларни бўлаклаб интеграллаш усули билан интегралланг:

1.  $\int \ln^2 x dx$

2.  $\int \sqrt{x} \ln x dx$

3.  $\int x^2 e^{3x} dx$

4.  $\int (x^2 - 2x + 5)e^{-x} dx$

5.  $\int x^3 e^{-x^2} dx$

6.  $\int e^{\sqrt{x}} dx$

Кўриниб турибдики, аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиб ўтиш, ўқувчини аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини ўрганишга нафақат чорлайди, балки унга ушбу мавзуга доир қўшимча маълумотларни излаб топиб, мустақил равишда янада чуқурроқ ўқиши кераклиги ҳаётини зарурат эканлигини ҳам уқтиради. Демак, аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиб ўқитишда фақатгина интеграллаш усуллари билангина ечиладиган муаммоли мисолларга мурожаат қилиш яхши самара берар экан. Бунда мисоллар кетма-кетлигини уларнинг мураккаблик даражаларига қараб танлаш мақсадга мувофиқдир, яъни дастлаб содда мисоллардан фойдаланиш, сўнгра эса мисолларни босқичма-босқич мураккаблаштириб бориш зарур.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, аниқмас интегрални интеграллаш усуллари мавзусини педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқитиш юқори самара беради ва ўқувчиларда мавзуга доир мустақам тушунча ҳамда қўникмаларнинг шаклланишига олиб келади. Улар онгли ҳолда бу мавзунини яхши ўқиш кераклигини тушунадилар ва ўзлари мустақил изланиб, мавзу юзасидан қўшимча маълумотлар топиб, уларни ўрганадилар.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Claudio Canuto, Anita Tabacco "Mathematical Analysis", Italy, Springer, I-part, 2008, II-part, 2010.

2. Gerd Baumann. Mathematics for Engineers I. Minchen. 2010.

3. Сайидаҳмедов Н. "Янги педагогик технологиялар". Т. "Молия" 2003 йил.

4. Фарберман В. "Илғор педагогик технологиялар". Т. "Фан" 2000 йил.

5. К.Ҳашимов, С.Нишоновна. Педагогика тарихи. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент - 2005, 304 б.

6. W.WL.Chen. Fundamental of analysis, Macquarie university, 2008.

7. Данко П.Е., Попов А.Г., Кожевникова Т.Я., Данко С.П. Высшая математика в упражнениях и задачах. В 2 ч. – М., Мир, 2008 г.

8. П.Е. Данко. "Олий математикадан мисол ва масалалар тўплами". Дарслик. Т.: "Ўзбекистон", 2007 й. – 248 б.

9. А.В. Дворниченко, С.Ф. Лебедь, О.В. Бань. Integrals and Differential Equations: методические указания на английском языке по дисциплине «Математика». Брест : БрГТУ, 2019. – 105 с.

10. Takemitsu Hasegawa, Hiroshi Sugiura. A user-friendly method for computing indefinite integrals of oscillatory functions. Journal of Computational and Applied Mathematics. Volume 315, 1 May 2017, Pages 126-141.



## ФОТОГРАФНИНГ ФОТО АСАРИГА БЎЛГАН МУАЛЛИФЛИК ХУҚУҚИ ТЎҒРИСИДА

### Аннотация

*Гарчи фотосуратда тасвирланган шахс ўзининг розилигини бериб, ўз суратини фойдаланувчига тақдим этган бўлса ҳам, фойдаланувчи томонидан фотографдан рухсат сўрамай, фотосурат интернет сайтга жойлаштирилганида, муаллифлик ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобланади.*

***Калим сўзлар:** мутлақ ҳуқуқлар, фотография асарлари, маънавий зиён, фотограф-даъвогар, журнал-жавобгар.*

## ОБ АВТОСКИХ ПРАВАХ ФОТОГРАФА НА ФОТОГРАФИИ

### Аннотация

*Размещение пользователем на своём сайте фотографий без разрешения фотографа, считается нарушением авторских прав, даже если лицо, изображённое на фотографиях, согласился и передал свои фотографии пользователю.*

***Ключение слова:** исключительные права, фотографические произведения, моральный ущерб, фотограф-истец, журнал-ответчик.*

## ABOUT COPYRIGHT OF THE PHOTOGRAPHER ON THE PHOTOGRAPHIC WORK

### Abstract

*The posting of photographs by a user on his website without the permission of the photographer is considered a violation of copyright, even if the person depicted in the photographs agreed and transferred his photographs to the user.*

***Key words:** exclusive rights, photographic works, moral damage, photographer-plaintiff, magazine-defendant.*

Ҳозирги кунда интернет оламида муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши кўп учраб туради. Санъат асарини яратиш мураккаб жараён бўлиб, машаққатли меҳнатни талаб қилади. Яратилган барча асарлар жамиятга манзур бўлавермайди, бироқ яхши асарлар ўзга шахс томонидан рухсат сўралмай, даромад олиш мақсадида фойдаланилади.

Қуйида суд жараёнидан мисол келтирилган бўлиб, ундан бир нечта саволларга жавоб топиш мумкин:

фотография асарининг муаллифлари сони нечта бўлиши мумкин;

профессионал услубда ишланган фотография асарлари ва хаваскор фотография асарларига бўлган муаллифлик ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши бир хил таъминланадими ёки йўқми;

реклама қилинадиган сайтда фотография асарларини жойлаштириш асардан эркин фойдаланиш турига кирадими?

Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳар Василеостровск райони судининг 2-72/2017 – сонли ишининг мазмуни:

Даъвогар, яъни фотограф маълум бир давр оралиғида ўзининг фотоаппарати билан бир танишини бир неча бор суратга туширган ва фото асарларни шу танишининг (кейинги ўринларда тушуниш осон бўлиши учун, бу кишини “модель” деб атаймиз) ўзига шахсий фойдаланиши учун ижтимоий тармоқ орқали жунатган. “Модель”га қайта ишлаш ҳуқуқи берилмаган. Иккаласи дўст бўлганликлари сабабли, улар ўртасида лицензион шартнома тузилмаган.

Даъвогарнинг фикрига кўра, “модель” фотографга тегишли бўлган мутлақ

хуқуқларни бўзиб, Photoshop дастурида ўз суратларини қайта ишлаган ва даъвогарнинг рухсатисиз жавобгарга, яъни журнал маъмуриятига берган. Журнал маъмурияти суратларни иллюстрация сифатида ўз сайтига жойлаштирган.

Ўзининг мутлақ хуқуқлари бўзилганини важ қилиб, даъвогар судга мурожаат қилган ва сайтига фото суратларини жойлаштирган журналга қарши даъво аризасини киритган.

**Изоҳ:** бу иш умумий тартибли судда кўриб чиқилган ва даъво талабининг суммаси тўғрисидаги маълумотлар очик маълумотлар порталида мавжуд эмас.

### **Даъвогарнинг талаби нимадан иборат бўлган?**

хуқуқни бузадиган ҳаракатларнинг тўхтатилишини, яъни жавобгарга тегишли бўлган сайтдан фотография асарлари олиб ташланилишини;

хуқуқбузардан маънавий зиённинг қопланилишини ва мутлақ хуқуқларнинг ҳар бир бузилиши натижасида келиб чиққан зарарнинг қопланилишини талаб қилган.

### **Суд қандай ҳал қилув қарорини қабул қилган?**

Даъво қисман қаноатлантирилган:

хуқуқни бузадиган ҳаракатлар тўхтатилган, яъни жавобгарга тегишли бўлган сайтдан фотография асарлари олиб ташланган;

даъвогарга жавобгар томонидан етказилган маънавий зиён қопланган ва мутлақ хуқуқларнинг бузилиши натижасида келиб чиққан зарар қопланган.

### **Нима учун?**

Мутлақ хуқуқларнинг эгаси бўлган фотограф ва журнал ўртасида шартнома тузилмаган, демак фотограф томонидан мутлақ хуқуқлар ҳеч кимга берилмаган.

Модель фотография асарида унинг сиймоси туширилганлигини важ қилиб, ҳеч қанақа талаб қўймаган.

Бадий маҳорати қанақа бўлишидан қатъий назар даъвогар томонидан яратилган фотография асарлари муаллифлик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади. Қонунчиликда уларнинг чегараси белгиланмаган: профессионал услубда ишланган асарлар ва ҳаваскор асарларнинг чегараси мавжуд эмас, ҳар иккаласига ҳам бирхилда муҳофаза ҳуқуқи берилади.

Муаллиф асарни яратиши билан асар бадий қийматидан қатъий назар, унга муаллифлик ҳуқуқи берилади. Муаллифга асарни ошкор қилиш, яъни асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ёки бошқача усулда юбориш йўли билан илк бор асардан барчанинг воқиф бўлиши учун имкон берадиган ҳаракатни содир этиш ҳуқуқи берилади.

Шартнома бўйича бошқа шахсга фойдаланишга рухсат берилганида, ошкор қилишнинг мазмунини ташкил этадиган асарни чоп этиш, омма олдида намойиш этиш, омма олдида ижро этиш, эфирга узатиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтади.

Журнал маъмурияти фотограф билан асарга нисбатан мутлақ хуқуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома тузилганлигини тасдиқловчи далилларни кўрсата олмаган.

Модель томонидан эътироз билдирилмаганлигидан журналнинг фотография асарларини сайтга жойлаштирилганлиги ҳолати “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонуннинг 26, 28, 31, 32-моддаларида назарда тутилган асарларидан эркин фойдаланиш турига кирмайди.

Журнал сайтида муаллифнинг фотография асарлари иллюстрация сифатида жойлаштирилганлигидан сайтга кирувчиларнинг қизиқиши ошади ва сайтга кирувчиларнинг сонини оширади. Натижада реклама жараёни фаоллашади, сайтда бирон-бир маҳсулот ёки хизмат реклама қилинилишидан журнал даромад кўради.

Суратга туширилган шахснинг ҳаммуаллиф бўлиши ёки бўлмаслиги масаласида шуни айтиб ўтиш керакки, фотография асарларининг фақат битта муаллифи бўлади, фотосъёмкани бир киши амалга оширади. Ҳаммуаллифлик бўлиши учун асар икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган бўлиши керак. Модель томонидан фото асар биргаликдаги ижодий меҳнат маҳсули эканлиги ҳақидаги исбот тақдим қилинмаган.

Шунинг учун суд компенсация тўлаш тўғрисидаги талабни қисман қаноатлантирган ва сайтдан фото асарларнинг олиб

ташланиши мажбуриятини юклаган. Жавобгардан даъвогарга етказилган маънавий зиён қисман ўндирилган.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. “Ўзбекистон Республикасининг Реклама тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 25 декабрь, 723-1-сон

2. “Ўзбекистон Республикасининг Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 20 июль, ЎРК-42-сон.

3. [https://www.facebook.com/groups/za.avtorskoe.pravo.v.runete/?notif\\_id=1580893143330864&notif\\_t=group\\_r2j\\_approved](https://www.facebook.com/groups/za.avtorskoe.pravo.v.runete/?notif_id=1580893143330864&notif_t=group_r2j_approved)

*М.Умарова- ўқитувчи МРДИ,  
ЎЗР ФА Тарих институти изланувчи*

### БУХОРО АМИРИ АМИР ШОҲМУРОД ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА (1785-1800) СУД ТИЗИМИ

#### Аннотация

*Ушбу мақола Бухоро амири Амир Шоҳмурод ҳукмронлиги даврида амалга оширилган суд ислоҳотлари, судлов жарёни, суд жараёнида иштирок этувчи мансабдор шахслар ва уларнинг ваколат доираси ва вазифаларини ўз ичига қамраб олган. Амир Шоҳмурод томонидан ислоҳотлари оқибатларининг амирликда адолат меъёрларининг вужудга келишини таъминлаганлиги, мутафаккирлар фикрлари асосида ифодаланган.*

**Калит сўзлар:** Бухоро амирлиги, Амир Шоҳмурод, бек, суд тизими, қози калон, қози аскарӣ, мухтасиб, муфтий, адолат мезонлари, ислоҳот, ваколат доираси, яраштирув призумцияси, лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш.

### СУДЕБНАЯ СИСТЕМА В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРА ШАХМУРАДА (1785-1800)

#### Аннотация

*В этой статье рассматриваются судебные реформы, проведенные во время правления эмира Бухары Амир Шахмурада, судебный процесс, должностные лица, участвующие в судебном процессе, их объем и обязанности. Амир Шахмурад констатировал, что последствия его реформ обеспечили появление в эмирате норм правосудия, основанных на взглядах мыслителей.*

**Ключевые слова:** Бухарский эмират, Амир Шахмурад, бек, судебная система, кази калон, кази аскарӣ, мухтасиб, муфтий, критерии справедливости, реформа, объем полномочий, призма примирения, назначение и увольнение.

### THE JUDICIAL SYSTEM DURING THE REIGN OF THE BUKHARA EMIR SHAHMURAD (1785-1800)

#### Annotation

*This article examines the judicial reforms carried out during the reign of the Emir of Bukhara Amir Shahmurad, the judicial process, the officials involved in the judicial process, their scope and responsibilities. Amir Shahmurad stated that the consequences of his reforms ensured the emergence in the emirate of the norms of justice based on the views of thinkers.*

**Key words:** Emirate of Bukhara, Amir Shahmurad, bey, judicial system, qazi kalon, qazi askari, muhtasib, mufti, criteria of justice, reform, scope of powers, prism of reconciliation, appointment and dismissal.

Ўзбек давлатчилиги чуқур тарихий такрорламайдиган, бой мазмунга эга бўлган илдизга эга. Шу давр мобайнида бир бирини давлат ва ҳуқуқ ходисалари шаклланган,

бирини иккинчиси алмаштирган. Тарихимизни ўрганиш, бой анъана ва тажрибалардан дунёвий, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда фойдаланиш бугунги кунда ҳам муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Модомики ўз тарихини билган ва ундан руҳий қувват олган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, миллатимизни, халқимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур”.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган шундай давлат тузилмаларидан бири Бухоро амирлиги ҳисобланади. У йирик сиёсий тузилма сифатида ўзбек давлатчилиги тарихида муҳим ўрин эгаллайди. Маълумки, XVIII аср бошларида ҳокимият манғитлар сулоласи қўлига ўтди. Манғитлар сулоласи вакили Шохмурод (1785-1800) жоний шахзодалардан бўлган “сохта хон” Абдулғозихон (1785-1785)ни тахтдан ағдаради ва расман ўзини амир деб эълон қилади. Шу вақтдан бошлаб давлатнинг ҳам расмий, ҳам амалий бошлиғи амир ҳисобланган. Зеро, энди мамлакатдаг бирон-бир сиёсий куч манғитларнинг, чунончи Шохмуроднинг тахтга даъвоси асоссиз деб баҳона қила олмасди.

Бухоро амирлигининг бошқарув тизими тўғрисида сўз юритганда, шуни назарда тутиш керакки, у **ерда давлатчилик бир томондан шариат нормалари асосида, иккинчи томондан эса узок йиллар мобайнида давом этиб келаётган давлатчилик одатлари асосида ташкил этилган.** Бухоро амирлигининг маъмурий бошқаруви давлат девонхонаси, молия – солиқ органи, суд ва назорат органи каби бошқармалардан иборат бўлган. Амирлик бошқарув тизимида суд ва назорат органи алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Суд тизими шартли равишда олий суд, вилоят судлари, бевосита иш олиб борувчи қози судлари ва махсус судларга бўлиб кўрсатиш мумкин.

**Амир Шохмурод ҳукмронлиги даврида қозилик тизимида катта ислоҳат ўтказилган. У қирқ қонуншунос-аъламдан иборат бўлган Олий суд-қозихона палатасини тузди. Бунда амирнинг ўзи бош бўлиб турган. Шунинг учун ҳам бу ташкилотни амирнинг олий**

**суди деб аташ мумкин. Ислоҳотга биноан, Амирнинг суд тизими қасабалар, туманлар, вилоятлар қозилари, Бош қози ҳамда қирқ аълам суди ва энг олий қози-Амирдан иборат бўлган.** Зеро, ушбу палатанинг аъзолари, яъни қонуншунослар шариат қонун – қоидалари ва Амир Шохмурод томонидан шаръий қоидалар асосида тузилган қоидалар тўплами (“**Айнь ул ҳикмат**” ва “**Фатвойи аҳли Бухоро**”) билан куйи суд идоралари қозиларининг ҳукмидан норози бўлиб ёзилган арз ва шикоятномаларни кўриб чиқар эдилар. Ушбу кенгашда иштирок этувчиларнинг барча Амир Шохмуроднинг китобларини ёддан билиши талаб этилган.

Амир Шохмурод томонидан ўтказилган суд – **ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим жиҳати шундаки,** бу даврга келиб қозининг ҳукмидан норози бўлган тараф қозикалонга ёки амирга шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Қозикалонга ёки амир номига ёзилган шикоятнома ўрганиб чиқилиб, қозининг ҳукмини асосли равишда қозикалон бекор қилиши ҳамда қозикалон қарорини фақат амир бекор қилиши мумкин эди.

Амир Шохмурод томонидан ўтказилган суд - **ҳуқуқий ислоҳотларининг яна бир муҳим янгилиги,** бу олий суд палатасида қирқ аълам (қонуншунослар) иштирокида кўрилаётган арз ёки шикоятномада даъвогар ва айбдорнинг шахсан ўзи иштирок этишининг талаб қилиниши бўлган. Бундай суд мажлисларида Шохмурод агар айбланувчи бўлмаса, ҳеч қайси бир жабрланувчининг талабларини эшитмаган ҳамда суд ишини бошлашга қирқ аъламга рухсат бермаган. Амир Шохмурод давлат ва ҳуқуқ ислоҳотчиси, фикҳ илми нормаларининг ғоявий ва амалий курашчиси сифатида ўз навбатида давлат бошлиғи сифатида қирқ аълам суди ишларида иштирок этганда тарафларнинг ўзаро келишуви, жабрланувчи ва айбланувчи томонларнинг ўзаро ярашувининг тарафдори ва ҳимоячиси эди. Амир Шохмурод асосан икки томоннинг ўзаро келишиб олишининг, ярашиш презумциясининг тарафдори бўлган, ярашиш иконияти бўлмагандан сўнггина қонун доирасида жазо чораларини қабул қилган.

Бу ҳолатга Амир Шохмурод шаҳзодалик чоғидаёқ амал қилган ва доим адолат ва яраштирув призмциясини кўллаган-лигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шундай воқеалардан бири тўғрисида Ахмад Дониш “Таърихи салтанати манғития” асарида куйидаги маълумотни келтиради: “Бир куни Каландаржон охунд талабалари билан суҳбатлашиб турган эди. Улардан бири оч қолди ва нонвойнинг ўғлидан нон сотиб олмоқчи бўлди. Нонвойнинг ўғли эса, бу нон жуда қиммат эканлиги ва муллабаччалар учун эмаслигини рўқач қилиб, нонни сотмади. Охунднинг ўғли бу ҳақоратни эшитиб, талабаларга “Бу ит, кофирни уринглар” деб буюрди. Муллабаччалар нонвойнинг ўғлига ташланиб, бири мушт тушириб, бири оёғи билан тепиб, нонларини олиб қўйишди. Унинг мурдасини “жанжал майдони”дан олиб кетишди. Нонвой шаҳзодага шикоят билан мурожаат қилди. Шаҳзода Каландар охунднинг ўғлини шармандали равишда саройга олиб келишни буюрди. Каландар охунд Кўкалдош майдонида одамлар билан суҳбатлашиб ўтирганди. Хизматкор унга бирон нарса дея олмасдан, ахийри кириб амирнинг талабини билдирди: - “Кўзингизнинг нури нон сотувчи болани ўлдирди, унинг отаси тўрамга шикоят қилди. Менга сизнинг ўғлингизни олиб келишни буюрди. Мен бирон нарса десам, мени ҳам сотувчи боланинг орқасидан жўнатиб юборишидан қўрқдим. Бу ишни сиз очиклантиришингиз лозим”.

Охунд буни эшитиб, юзи ўзгармади. Муллалар гуруҳига “Боринглар, бу ишни юборилган шахс қандай айтган бўлса шундай бажаринглар” – деди ва ўз дарсини давом эттирди. Муллалар бориб охунд ўғлига хабар беришди.

“Унинг ўзи менга таслим бўлди ва биз бирга кетамиз” деганда муллабаччалар охунднинг ўғли тўрага боришини билиб, тўполон кўтаришди: “Биз ёш хўжайиннинг жазо масканига ёлғиз, ҳақоратланиб, пиёда боришини истамаймиз дейишди” ва отга миндириб, узангисини ушлаб бирга кетишди. Минораи калонга боргунига қадар муллабачалар сони икки-уч мингдан ортиб кетди. Хизматкор тезда оломон ичидан чиқиб, бўлган воқеани амирга сўзлаб берди. Шаҳзода жаҳл билан ташқари югуриб чикди.

Келаётган оломонни кўлини кўтариб, тинчлантирди. Мехмонхонагача келган охунд ўғлидан бўлган воқеа тафсилотларини сўради. Охунд воқеани сўзлаб берди: “Унинг ўғли илмни ва илм одамларини ҳақорат қилди. Бу эътиқодни ерга уриш билан баробар. Шунинг учун мен одамларга уни уришни ва ҳайдашни буюрдим. Аммо дўстларим дўпослашидан омон қолмади. Энди сизнинг ҳар қандай жазоингиз адолатли бўлади” деди. Шаҳзода даъвогарга қараб: “Сенинг ўғлинг ўлим жазосига лойиқ, унга тош отиб, ўтда ёқиш керак эди. Биз сенга Каландар охунд номидан ярашувсифатида уч юз танга берамиз. Сен эса шикоятингдан воз кечасан. Акс ҳолда ўғлингни бу ерга олиб келишганида, уни минорадан ташлатган бўлардик”, деди. Даъвогар “Мен шундоғам кетавераман” дея жавоб қайтарди. Шаҳзода уч юз танга ва сарполарни нонвойга беришга буйруқ берди, от минган охунд ўғли томон бир-икки қадам ташлаб, ундан узр сўради”. Бу йўл билан биз шаҳзодалик чоғларидаёқ Амир Шохмуроднинг илм-фанни ҳимоя қилиш баробарида, томонларни яраштириш ва бундан ташқари ҳоҳ у даъвогар бўлсин, ҳоҳ жавобгар бўлсин барчанинг қонун олдида баробар эканлигини намойиш қилганлигига гувоҳ бўламиз.

Амирлик бошқарувига кўра ҳар бир мусулмон ўзининг ҳамма иши юзасидан мамлакат ҳукмдорига мурожаат қилиши мумкин бўлган. Амир энг олий инстанция сифатида эътироф этилган. Амир барча даражадаги қозиларни лавозимга тайинлаган ва лавозимдан озод қилган, уларнинг фаолият кўрсатиш доирасини белгилаб берган. Давлатга қарши жиноятлар, мансабдорлик жиноятлари ва ўлим жазоси билан боғлиқ ишлар Амир томонидан кўриб чиқилган. Жиноят тўғрисида беклар амирга хабар етказдилар. Ҳатто Бухоро аркида ҳар пайшанба, шанба, душанба кунлари одамлар гаавжум жойларда таёқ билан жазолаш ўтказилиши учун ҳам амирнинг ёзма рухсати керак бўлган. Жиноятчини авф этиш, умуман “авфи умум” эълон қилиш ёки ўлимга ҳукм қилиш ваколати ҳам амирга тегишли бўлган.

Амирлик суд тизимида амирдан кейинги олий мартабага шайх-ул ислом ҳам эга бўлиб, Қози Калон (Қози ал-куззат) ва Қози аскарый унга бўйсунган, у билан ҳисоб-

лашишган. Шайх-ул ислом жамиятнинг маънавий ҳаётида, жумладан, ҳукмдор хонадони ва олий ҳукмдор турмушига таъсири жиҳатдан XVII асрдан XIX аср биринчи ярмида катта мавқега эга бўлган шахс сифатида изоҳланади. Умуман олганда шайх-ул ислом амирдан кейинги иккинчи инстанция вазифасини бажарган. Қозиларнинг устидан тушган шикоятларни амирдан ташқари шайх-ул ислом ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган. Шайх-ул ислом амир томонидан лавозимга тайинланган ва озод этилган. Унинг тайинланиши ҳақида фармонда, шайх-ул ислом ўз вазифасини сидқидилдан, хиёнат қилмасдан адо этиши ва вақфларни назорат қилиши ҳақида тўхталиб ўтилган. Шайх-ул ислом хизматига мирзо – иш юритувчи, девонги – хўжалик ишлари юритувчи, мирохўрбоши – от бошқарувчи, маҳрамлар – шахсий яқин хизматкорлар, қуйи хизматкорлар берилган.

Бухоро амирлиги суд тизимининг негизини қозилик судлари ташкил этган. Амирлик суд тизимига олий раҳбарлик Қози Калон олиб борган. Заруррийбилимларга эга бўлган ҳар бир шахс, ҳукмдор қошига келиб ўзини қози этиб тайинланишини сўраши мумкин. Аммо шариат қонунларига қисқача шарҳ берувчи асарлар бўлмий Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя фи фуруль ал фикҳ”, Хўжа ибн Мансурнинг “Мухтасар ул виқоя” асарларида қайд этилишича қозиликни талаб қилиб бўлмайди. Фақат ўзининг адолатлигига ишонган одамгина қозиликка даҳл қила олади.

Мамлакат ҳукмдори қозилик даъво қилаётган шахс зарур сифатларга эга, деган хулоса келса, уни олий фармон билан лавозимга тайинланган. Амирнинг ёзма фармони халқ орасида ва албатта гувоҳлар олдида ўқиб эшиттирилгандан сўнг, мазкур шахс қози лавозимига тайинланган ҳисобланади.

Қози, луғатда ҳукм қилмоқ, шариатда дъволашувчиларнинг низоларини бартараф этувчи ва ҳар қайсига шариат бўйича тегишли ҳақларни олиб берувчи маъносини билдиради. Суд жараёнини олиб борувчи шахс мадрасаларда Қуръон тафсири ва шариатнинг бутун тармоқлари бўйича билимга эга бўлиши шарт бўлган. Қози ўз фаолиятидавомида адолатли иш юритиши

лозим бўлган. Агар қози фикс йўлига кирса, масалан пора олса, зино қилса ё хамр ичса уни ишдан четлатишган. Лавозимдан озод этилган Қози Калоннинг мухри синдирилиб, ўзи ҳайдалган. Қози Калон барча судларга нисбатан юқори инстанция ҳисобланган. Вилоят, шаҳар, туман қозилик судлари устидан Қози Калонга шикоят қилиш мумкин.

Қози Калон бир вақтда нотариал бўлимнинг, дин ва ўқув муассасаларининг бошлиғи ҳисобланган. У амирнинг ҳузурига тўғридан тўғри кириши ва учрашганда кучоқлашибкўришиш ҳуқуқига эга бўлган. Қози Калон ваколатларига қуйидагилар кирган: умуман суд ишлари, кўчалардаги аҳвол, мадрасалардаги таълим, вақф ишлари, йўқолган вақф ҳужжатларини тиклаш, етим ва бева ҳуқуқини ҳимоя қилиш, карвонсаройларни тартибга солиш ва ҳоказо.

Мирзо – иш юритувчи, қозилар – илмли судья, нотариуслар, мулла азимлар-кўрилайётган иш аъзолари, девонги – хўжалик ишларини юритувчи, мирохўрбоши – от бошқарувчи, маҳрамлар – шахсий яқин хизматкорлар, қуйи хизматкорлар Қози Калон хизматида бўлган. Буларнинг барчасини Қози Калоннинг ўзи лавозимга тайинлайди ва лавозимдан бўшатади. XIX асрнинг II ярмига келгандагина, Бухоро амири Амир Насрулло ишнинг кўплиги ва бевосита ўзи ҳал этмаслиги натижасида алоҳида турувчи ишларни ва 2000 сўмдан ортиқ бўлган низоли ишларни Қози Калонга топширган.

Жойларда вилоят қозилари фаолият кўрсатганлар ҳар бир вилоят, бекликда алоҳида вилоят қозиси бўлган. Уларнинг барчасини амир лавозимга тайинлаган. Айрим ҳолларда ҳар бир бекликка тегишли қозиларнинг тайинланиши ҳақида умумий фармон эълон қилинган. Вилоят қозилари ўз навбатида бекликда юзага келган низоларни, 2000 тангагача миқдордаги ишлар билан бир қаторда бекликда юз берган ҳар қандай воқеа-ҳодиса юзасидан амирга хабар етказиб турган. Амирликда қозилик судларнинг салмоқли ўрни бўлган. Қозилар мамлакат ҳукмдори томонидан лавозимга тайинланган ва озод этилган.

Қоида бўйича низолашувчи томонлар қайси қози томонидан ишларнинг кўриб

чикилишини хоҳласалар, ўшанга мурожаат қиладилар. Агар томонларнинг биронтаси норози бўлса, иш вилоят қозисига ўтказилган. Вилоят қозиси чиқарилган ҳукми ўз ҳолича қолдириши ёки умуман янги ҳукм чиқариши мумкин бўлган.

Амирликда махсус суд сифатида аскар судлари мавжуд бўлган. Ушбу судларга Қози Аскарӣ раҳбарлик қилган. У амир томонидан лавозимга тайинланган ва алвозимдан озод этилган. Ҳарбий доирадаги ҳуқуқий масалаларни ҳал этиб, ўз навбатида оддий халққа ҳам таъсир ўтказган. Қўшинлар қозиси ҳукмдор билан вилоятларга чиққанда, ўша жойнинг қозиси одатга кўра вақтинча лавозимдан четлатилган ҳисобланган.

Суд ҳокимияти қозилик судларидан ташқари, маҳаллий ҳокимият вакиллари бек ва амалдорлар томонидан амалга оширилган. Улар кам аҳамиятли ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлганлар. Қозиларнинг қарорларидан норози томон бек ва кейин кушбегига шикоят қилиши мумкин бўлган.

Мамлакат суд тизимининг юритилишида муфтийлар алоҳида ўринни эгаллаган. Улар орасида аълам олий мансабдор шахс ҳисобланади. Муфтийни мусулмон ҳуқуқшуноси ва шариат нормаларини шарҳловчи сифатида қайд этиш мумкин бўлган. Муфтийлар ҳам амир фармони асосида лавозимга тайинланган ва озод этилган. Фармонда муфтийнинг фаолият доирасига тегишли ҳудуд кўрсатиб ўтилган. Муфтий лавозимга тайинлангандан сўнг, амалдаги ривоятдан хулоса чиқариши ва ҳар қандай миш-мишдан ўзини четга олиши уқтирилган. Муфтийларнинг асосий вазифаси юридик ҳужжатларни расмийлаштиришда иштирок этиш бўлган ва асосан фатво, даъво, васиқа каби ҳужжатларни ёзганлар. Фатво - юридик ҳужжат бўлиб, унда шаръий изоҳлар берилган, бундан ташқари томонлар илтимосига кўра даъво ҳужжати ёзганлар. Унга уч муфтий ва бир аълам муҳр босади. Ҳужжатлар хошиясига далил учун “Мухтасар” ва “Ҳидоя”дан сўзлар ёзиб қўйилган. Муфтий васиқа ҳам ёзганлар. Бу васикаларга гувоҳлар имзо қўйишган, васиқа кози ёки муфтий муҳри билан тасдиқланган.

Муфтийлар орасида аскар муфтий, ҳарбийлар учун фатво тузган, айниқса ҳарбийлар йиғинида ёки давлат раҳбарининг бошқа вилоятларга сафари вақтида вақтинча уларнинг мансаби алмаштирилган. Бунинг учун амирдан махсус розилик олинмаган.

Бухоро амирлиги суд тизимида яна бир мансаб бўлиб, бу мансаб мухтасибяъни раисдир. Мухтасиб қонун бажарилишини назорат қилган. Раис мансабига асосан келиб чиқиши бўйича Муҳаммад алахис салом пайғамбаримиз авлодларидан бўлган сайидлар Амир томонидан лавозимга тайинланган ва озод этилган. Агарда шундайлар бўлмаса, сайид бўлмаганлар ҳам тайинланган. Шариатга кўра, айрим вақтда ҳар бир кўшин сайидлари орасида мухтасибнинг мажбуриятлари уроғ бажарган. Мухтасибнинг лавозимга тайинланиши ҳақида фармонда, унинг лавозими амал қиладиган ҳудуд, у кўриб ҳал этадиган масалалар (никоҳ, низолар ва мерос) аниқ кўрсатиб ўтилади. Шу билан бирга унинг қонуний талаб ва таъқиқларига бўйсунадиган шахслар доирасига аниқлик киритилади. Фармонга кўра, мухтасиб одамларни яхши ишлар қилишига кўрсатмалар бериши ва бутун ҳаракати билан ундаши, таъқиқланган ишлардан ўзини тийишни назорат этиши, умумий намоз ўқишини ва болаларни мактабга боришларини рағбатлантириши, мактабларни таъсис ва ташкил этиши, таъқиқланган ишлар (қимор, шахмат ўйнаш, вино ва маст қиладиган ичимликлар истеъмол этиш) билан шуғулланишни таъқиқлаши ва олдини олиши, оғирлик ва ўлчов воситаларининг аниқлигини назорат этиши, ўзи ёки шу ишни биладиган шахс орқали никоҳларини шариат қонунларига амал қилган ҳолда текшириш ва ҳал этиши лозим бўлган. Шу билан бирга фармонда мухтасиб бажарадиган ишларнинг тартиби кўрсатилган бўлиб, масалан, никоҳ тузувчиларга иккитадан ортиқ шарт қўя олмайди.

Булар:

1) эр ўз оиласига яшаш воситалари қолдирмай олти ойдан ортиқ муддатга кетиб қолиши мумкин эмас;

2) эр хотинни шариатда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари уриши мумкин эмас.

Шу шартлар бажарилмаган тақдирда хотин никоҳни бузишга тўла ҳақли.

Никоҳ тузиш учун олинадиган ҳақ (никоҳона) олиш кўзда тутилиб, унга кўра никоҳ тузиш учун тўланадиган ҳақни куёв тўлайди. Никоҳона эркак учун бир кумуш танга, қиз учун ўн танга, аёл учун беш танга. Ушбу ҳақни имконияти бор кишилардангина олиш, акс ҳолда ушбу ҳақни олмаслик кўрсатиб ўтилган. Мерос тақсимлаш масалаларида, минг танга учун беш танга олиш мумкинлигини уқтирилган. Фармон сўнгида муҳтасиб шариат қонунларига қатъий бўйсуниб, иш олиб бориши, агарда ушбу кўрсатма ва қонунларни бузса, ўша заҳотиёқ лавозимдан четлатилиши белгилаб қўйилган. Раислар аҳолини шариат таъқиқланган ҳаракатлардан тийиб туришини, қонунларнинг бажарилиши, аҳлий софлик, диний эътиқоднинг ҳимояланганлигини кузатган, барчани яхшиликка оид ҳаракатларни қилишга ундаганлар.

Бош раис Қози Калонга бўйсунган. Унинг хизматидамирзолар, раислар (муҳтасиблар – топшириқлар учун мансабдорлар), маҳрамлар, девонбеги, мироҳўрбоши ва қуйи хизматкорлар бўлганлар. Буларнинг барчаси амир ва Қози Калонга эълон қилингандан сўнг раис томонидан лавозимга тайинланган ёки бўшатирилган.

Бош раислар бекликда вужудга келадиган ишларни ҳал этишда қози ва беклар билан баробар иштирок этганлар ва бундан ташқари маъмурият фаолияти ва алоҳида муҳим ишлар юзасидан амирга хабар етказганлар. Раислар турли миқдорда жарима солиши, ҳибсага олиш ва тан жазоси бериш ҳуқуқига эга бўлганлар. Аммо кейинчалик вақт ўтиши мобайнида раислар асосан бозордаги ишлар билан чекланиб қолганлар.

Бухоро амирлигида суд тизими амирликнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, диний томонларини ўз ичига олган. Суд тизимининг асосий хусусиятларидан бири тизимининг ўрта асрларга хослигини сақлаб қолганлигидир.

Амир Шоҳмурод томонидан ўтказилган суд – ҳуқуқий ислохотлари ўша вақтда нафақат Бухоро амирлигида, балки бошқа хонликларда ҳам суд ва судловни ижобийлаштириш учун улкан қадам эди. Ўз

навбатида Амир Шоҳмурод суд идораларининг қайта тузилиши, ташкил топиши ва қуйи суд идоралари қозиларининг тайинланиши каби янгиликларни амалга оширган эди.

Ўша даврда суд идораларини ислоҳ қилиш мақсадида Амир Шоҳмуроднинг бевосита ташаббуси билан қирқ аъламдан (қонуншунос) иборат таркибда олий суд (қозихона) палатаси тузилиши, адолатли қарор чиқарилиши ва фуқароларнинг манфаатларининг ҳимояланишини таъминлаган. Зеро, ушбу палата қуйи суд органларида юз берган норозиликларни қайта кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиши билан биргаликда, қозининг қай даражада фаолият юритганига ҳам эътибор қаратган. Қози ва бошқа мансабдор шахслар юкланган вазифада ўз мансабини суистеъмол қилганлиги аниқланса, уларга нисбатан ҳам тегишли жазо чоралари қўлланилган.

Шундай қилиб, Амир Шоҳмурод даврида Бухоро амирлигида янги суд тизими бошқаруви асосида адолатсизликка, қонунбузарликка қарши кураш таъминланган. Шаръий қонунлар асосида Шоҳмурод тузган қоидалар тўпламининг диққатга сазовордирлигидан уни излаб топиш ва илмий жамоатчиликка етказиш олимларимиз олдидаги вазифалардан бири бўлиб турибди. Чунки биз Ўзбекистонда ҳукм сурган сулолалардан чиққан давлат бошлиқлари қўли билан тузилган қоидалар тўпламларини жуда кам учратамиз.

Бухоро амири Шоҳмурод ўз бошқаруви даврида, судларнинг адолатли ташкил этилишига, коррупцияга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратган. Суд тизимида фаолият юритаётган мансабдор шахсларнинг адолатли фаолият юритишини қаттиқ назорат остига олган. Бухоро амирлигида мансабдор шахслар амир томонидан тайинланганлиги, фармонда мансабдорга тегишли ҳудудда қандай вазифалар юкланганлигининг ёритилиши, уларнинг ваколат доирасини қай даражада бажарилишининг кўрсатиб берилиши ва мансабдорларнинг фаолият доираси назоратга олинганлиги тўғрисида огоҳлантирилиши ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир.

Суд тизимининг изчиллиги ва узвийлиги таъминланган. Поғонама-поғона система-лаштирилган мансаблар тизими мавжуд



бўлган. Ҳар бир мансабдор шахс фаолияти доирасида амирга ҳисобот бериши таъминланган. Мансабдорларга юкланган тегишли вазифа барча мансабдорларга таълуқли бўлиб, амирликнинг маъмурий худудида (вилоят, беклик миқёсида) амал қилган. Белгиланган вазифани бузганлар учун қатъий чораларнинг қўлланилиши адолат нормаларининг устивор бўлганлигини билдиради. Давлат идораларининг инсон манфаатлари йўлида хизмат қилишини таъминланган.

Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш масаласи долзарб бўлиб турган шароитда анъанавий, тарихий таҳлил услублари, суд тизимининг баркамоллигини таъминлайди. Жаҳонга юз тутаётган давлатимиз учун қонунчилик, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш асосий ўринни эгаллайди. Судловни давлат ва жамоатчилик фаолиятининг бошқа соҳалари ҳамда шакллари, энг

аввало, моддий ва маънавий маданиятининг тарихий тараққиёт даражаси билан ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро алоқаси аниқ ва бир бутун ҳолда ўрганилиши лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Адолатли жамият сари.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: Шарқ, 2000. 280-б.
3. Муқимов З. Ўзбек давлати, ҳуқуқи, тарихи. Самарқанд. Зарафшон. 1997. 228-б.  
Ахмад Дониш "Таърихи салтанати мангития". Перевод и предисловие, примечание И.А.Наджафовой. "Дониш". Душанбе. 1976. Б. 30-31.
4. Чехович О.Д. Арки Бухары.
5. Логофет А.А. Страна безправия. Санкт Петербург. Березовский 1909. 327-б.
6. Мухтасар. Т.: Чўлпон. 1994. 254-б
7. ЎЗМДА. Қушбеги архиви. Фонд 126. Опись 1. Д № 138. В.3.

*Ғ.Т.Абдуллаходжаев-ю.ф.н., доцент. МРДИ*

### **МИЛЛИЙ УСЛУБДАГИ ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН МУАММОЛАРИ**

#### **Аннотация**

*Ушбу мақолада архитектура ва дизайндаги муаъмомлар, ҳамда миллий менталитет талабларига жавоб бериши тўғрисида гапирилмоқда.*

*Калит сўзлар:* Миллий меъморчилик, замонавий архитектура, иншоотлар.

### **ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО ДИЗАЙНА В НАЦИОНАЛЬНОМ СТИЛЕ**

#### **Аннотация**

*В данной статье рассматриваются проблемы дизайна и архитектурных решений, а также соответствие современных проектов национальному менталитету.*

*Ключевые слова:* Национальная архитектура, современная архитектура, объекты.

#### **PROBLEMS OF MODERN DESIGN IN NATIONAL STYLE .**

#### **Annotacion**

*This article deals with the problems of design and architectural solutions, as well as compliance with the national mentality of modern projects.*

*Key words:* objects, national architecture, modern architecture

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган йигирма тўққиз йил давомида мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари жуда катта аҳамиятга эга. Бу даврда юртимизда асрларга татиғулик бетимсол ишлар қилинди. Шаҳару қишлоқларимиз киёфасини, одамларнинг яшаш шароитини

бундан йигирма йил олдинги ҳолат билан қиёслаганда бу янада яққол намоён бўлади. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор бино ва иншоотлар, мухташам қошоналар, улкан саройлар, муаззам майдонлар, равон йўллар, маҳобатли

кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар юртимиз кифасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Буларнинг барчаси, Президент Шовкат Мирзиёев раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки йилларида олдимизга қўйилган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек улғувор мақсадлар изчиллик билан амалга ошаётганини кўрсатиб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари ва ғоялари асосида пойтахтимиз марказида бунёд этилган "Маърифат маркази" халқимиз учун муносиб тухфа бўлди. Ушбу замонавий мухташам бинодан Симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жой олган.

Ушбу улкан кошона истиқлол йилларида пойтахтимиз марказида барпо этилган Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Пойтахт бизнес маркази каби бетакрор иншоотларга ҳамоҳанг тарзда яхлит композицияни ташкил қилган. Ватанимизнинг бош майдони - Мустақиллик майдонига туташ ушбу ҳудуд бетакрор ландшафт дизайни билан ғоят гўзал кифа касб этган.

Йирик илмий анжуманлар, халқаро симпозиумлар ўтказиладиган маҳобатли сарой ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий ечими, безаклари билан нафақат минтақамизда, балки жаҳонда ҳам ноёб ҳисобланади.

Мазкур мухташам сарой ўзида миллий меъморчилик ва замонавий архитектура услубларини мужассам этган. Сарой деворларидаги сержило нақшлар, маҳобатли мрамар устунлар, мовий гумбаз меъморчилик бобида ҳам жаҳон аҳлини ҳайратда қолдирган ажодларимизнинг асрий анъаналари давом этаётганидан далолатдир.

"Тошгипрогор" аксиядорлик жамияти лойиҳаси асосида "12-Трест" аксиядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан барпо этилган "Маърифат маркази" биносига кириб боришнинг ўзидаёқ кўз олдингизда гўзал манзара намоён бўлади - марказ атрофидаги ўзига хос ландшафт дизайни асосида яратилган ям-яшил майсазорлар, марказнинг ҳар икки томонида бунёд этилган фавворалар ташқи умумий

манзарани бойитиш баробарида ҳудудда микроклим ҳосил қилади.

Саройнинг вестибюли, дизайни, замонавий меъморий ечимларга уйғун миллий анъана ва услубларни, ёритиш тизимини, деворда ноёб тошлардан ишланган улкан панноларни, бу ерга келувчилар учун яратилган шароитларни яратилганлиги юқори баҳолади.

Симпозиумлар саройининг 1000 ўринли катта зали ўз салобати ва маҳобати билан ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Меъморий ечимига кўра дунё тажрибасида ҳали учрамаган гумбаз атрофи бўйлаб жойлаштирилган 36 дераза залда кун давомида табиий ёруғликни таъминлайди.

Мамлакатимизда бундай меъморчилик намуналарини кўплаб тилга олишимиз мумкин. Неча минг йиллар давомида шакилланиб келган Шарқона миллий услубимиз бошқа услублардан қурилиши, бежирим нашинкор безаклари, ташқи ва ички безаклари нозиклиги, меъморчилик шакллари билан алоҳида ажралиб туради. Шундай халқимиз асрлар давомида уста хунарманд ва меъморлар томонидан яратилган тенгсиз меъморчилик санъати, услублари, уларнинг миллий хунармандчилигимиз билан ўзаро уйғунлашуви, безалиш санъатининг намуналари дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда.

Лекин шуни айтиш лозимки айрим жойларда қурилаётган биноларда кўплаб камчилик ва нуқсонлар юзага келмоқда. Уларни ўзимизнинг миллий меъморчилик услубларимизга таққослаб бўлмайди. Бундай қурилаётган биноларнинг кўринишлари ён атрофидаги бинолардан бир бири билан ажралиб турибди. Уларда ҳамоҳанглик ўзаро уйғунлашув йўқ. Ҳозирда янги қурилаётган биноларни кўпроқ Ғарб меъморчилик услубига тақлид қилиб қуриш оммалашиб бормоқда. Тўғри ривожланган мамлакатлар меъморчилиги, услубларидан хабардор бўлиш керак, лекин бу дегани ўзимизнинг миллий услубларимиздан воз кечиш дегани эмас. Бундай бинолар ташқи кўринишида чунарсиз шакллар, уларнинг ранглари шаҳар эстетикаси, атрофдаги бинолар кўринишига умуман мос эмас. Ишлатилинаётган қурилиш ҳомашёлари иқлим шароитимизга чидамсиз. Девор қопламаларида суний

пластик, метал, алюмин қопламалари кўпайиб кетмоқда. Бу эса бинога совуқ, файзсиз кўринишга олиб келади. Дераза, эшик ва чунарсиз шакллар, бино ҳажми учун мос эмас. Хусусий биноларда айниқса ўткир киррали шакллар, кўпроқ Герб готика, роман услубларига тақлид кучаймоқда. Бино кўриниши атрофдаги бинолар билан умуман боғлиқ эмас. Бунга сабаб нима? Ишланаётган лойиҳалар турли ҳил услубларда ишланиб ранглар колорити ҳам бир-бирига боғланмайди. Биноларда ташқи кўринишида умумий контрастлик йўқ ва бу каби камчиликларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Хулоса, энг аввало замонавий услублардан эмас, ўзимизнинг миллий меъморчилик услубимизни биринчи ўринга қўймоғимиз лозим. Негаки, шаҳримизни бойитадиган, тарихий меъморчилик анъаналаримизни давом эттирган ҳолда бино ва иншоотлар лойиҳаланса шаҳримизга янада кўрк бағишлаган бўламиз.

Шаҳримизнинг 2200 йиллик тарихга эга бўлган бугунги кундаги кўринишини кўриш истагида келган сайёҳлар учун замонавий биноларни кўриниши эмас, балки бизнинг миллий меъморчилик асосида қурилган биноларимизга қизиқиши каттадир. Шунинг учун ҳам шаҳримизни безайдиган биноларимизни миллий ва замонавий услубларни уйғунлаштирган ҳолда бунёд этсак миллий меъморчилик анъаналаримизни келажак авлодга намуна сифатида қолдирган бўламиз.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси*;
2. *Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида” ги қонун*;
3. *Ўзбекистон Республикаси “Шаҳар-созлик тўғрисида” ги қонун*;
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz);
5. [www.norma.uz](http://www.norma.uz);

*Ш.М.Тажиева. СамДУ*

### ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИ АКМЕШАХС СИФАТИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

#### Аннотация

*Ушбу мақолада Ўзбекистон ёшларини акмешахс сифатида тарбиялашнинг миллий-маънавий хусусиятлари ва унинг истиқболлари кўрсатиб берилган бўлиб, рақобатбардош миллий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришига асос бўладиган ўтмишдаги буюк алломаларимизнинг акмеограммасини ўрганиш орқали келажак авлодни камолот, мукамалликка ундаш, шу орқали жамиятимизда замонавий акме шахсларни шакллантиришига эришишимкониятларига эътибор қаратилган. Шунингдек, акмеологияда шахснинг ахлоқий тарбиясида энг аввало, соғлом турмуш тарзига эътибор бериш муҳим эканлиги илмий томондан асослаб берилган.*

***Калит сўзлар:** Ўзбекистон ёшлари, акмеология, акмешахс, рақобатбардош миллий кадрлар, акмеограмма, шахснинг ахлоқий тарбияси, соғлом турмуш тарзи, Буюк сиймолар, «Авесто», миллий тарбия, «Донолар уйи», “алгоритм”.*

### НАЦИОНАЛЬНО-ДУХОВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА В КАЧЕСТВЕ АКМЕ-ЛИЧНОСТЕЙ

#### Аннотация

*В данной статье освещаются национально-духовные особенности и перспективы воспитания молодежи Узбекистана в качестве акме-личностей, уделено внимание возможности побудить будущее поколение к совершенству посредством изучения акмеограммы великих ученых прошлого, которая послужит основой для развития*

конкурентоспособной системы подготовки национальных кадров, а также формированию современных акмеистов в нашем обществе.

**Ключевые слова:** Молодежь Узбекистана, акмеология, акме-личность, конкурентоспособные национальные кадры, акмеограмма, нравственное воспитание личности, здоровый образ жизни, Великие деятели, «Авеста», национальное воспитание, «Дом мудрецов», «алгоритм».

## NATIONAL AND SPIRITUAL FEATURES AND PERSPECTIVES OF EDUCATING THE YOUTH OF UZBEKISTAN AS ACME-PERSONALITIES

### Abstract

*This article highlights the national and spiritual features and prospects of educating the youth of Uzbekistan as acme personalities, paying attention to the possibility of encouraging the future generation to perfection by studying the acmeogram of great scientists of the past, which will serve as the basis for the development of a competitive system of training national personnel, as well as the formation of modern acmeists in our society.*

**Key words:** Youth of Uzbekistan, acmeology, acme, competitive national personnel, acmeogram, moral education of the individual, healthy lifestyle, Great figures, "Avesto", national upbringing, "House of the sages", "algorithm".

Ўзбекистонда таълим тизимини ислох этишнинг асосий меъёрий-ҳуқуқий асоси янги таҳриридаги Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» Қонуни ва 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ҳозирги глобал ривожланиш асоси сифатида баркамол авлодни шакллантириш негизига айланди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда рақобатбардош миллий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш республикасида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда юксак ўзгаришларни амалга оширилиш билан боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида бўлажак мутахассислардан маънавий етукликни касбий билимларни, юксак маданиятни ва кенг дунёқарашни талаб этади. Ушбу талаблар ва интилишлар асосида рақобатбардош кадрларни тайёрлаш куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда.

Ҳозирги давр, маънавий таълим-тарбияни ўзгартириб юбормоқда, негаки, ахлоқ маънавиятнинг негизини ташкил этиб, у бўлмаса инсон ижтимоий шахс сифатида шаклланмайди. Фақат етук ахлоқгина кишиларда ҳаётининг мазмуни ва мақсади тўғрисидаги тушунчалар ҳосил қилади. Абу Наср Форобийнинг, ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражада етукликка эришишга ҳаракат

қилади, деган оқилона концепцияси шахснинг мукамалликка интилиши, ҳар бир инсон ихтиёрига кўра ўз тараққиётидаги энг юксак чўққиларга чиқа олишини ифодалайди.

Айниқса, ўтмишдаги буюк аллома-ларимизнинг акмеограммасини ўрганиш орқали келажак авлодни камолот, мукамалликка ундаш, шу орқали жамия-тимизнинг замонавий акме шахс-ларини шакллантиришга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Мусо ал-Хоразмий акмеограммасини тарихан ўрганиш жуда мураккаб иш бўлса-да, бу вазифани маълум фан йўналишлари доирасида таҳлил қилиб кўриш мумкин.

Мусо ал Хоразмий математика, астрономия, география фанларини чуқур ўрганиб, бу соҳада кўплаб янгиликлар яратди. Буни биз ал Хоразмийнинг акмеограммасида рўйи-рост кўра оламиз. У киши эрамизнинг 780 йили Хива шаҳрида таваллул топган, ўқиш ва ёзишни ёшликданок, диний мактабда ўрганган. Савод чиқаришнинг бошиданок бу шахсга ахлоқ-одобга, илмга чанқоқлик рухлари сингиб борган. Натижада, тез орада илм фаннинг муаммоли масалаларини англаб етишда, тушунишда ўз ўқитувчиларидан ўзиб кетганлар. Бўлажак олим фақат мактаб дастуридаги фанлар билан чекланмасдан, табиат қонунлари, ҳисоб-китоб қоидалари, чет тиллар билан

хам жиддий шуғулланганлар. Ал Хоразмий ўсмирлик чоғиданоқ Марказий Осиёнинг кўплаб шаҳарларида бўлиб, ўз билим хазинасини жуғрофия, тарих, астрономия ва бошқа фанлар билан бойитади.

Худди шу ўсмирлик чоғида ўзларининг Хоразм тилидан ташқари форсий, ҳиндларнинг қадимги адабий тили санскритни ҳам ўрганади. Хоразм тилини мукамал эгаллаганликлари уларни қадимий турк тилини ўзлаштиришга ёрдам беради. Баъзи бир маълумотларга қараганда, ёш йигитча Мусо Муҳаммад қадимги яхудий иврит тилини ҳам яхши билган.

Илм фанга бўлган улкан интилувчанлик Мусо Муҳаммад Хоразмийни йигирма ёшида ўша даврнинг машҳур шаҳри Бағдодга етаклаб келади. Бағдодда меҳнатсевар, тиришқоқ, собитқадам, ўз тамойилларига эга ва истеъдодли Хоразмий ўз устида ишлайди, ўз билимларини мукамаллаштиради, илмий изланишлар билан шуғулланадилар. Мана шу даврда қадимги юнон - Евклид, Архимед, Арасту тилини мустаҳкам ўрганади. Бағдоддаги «Донлар уйи»да тўпланган китоблар устида ишлаб, юнон ва ҳиндларнинг илмий, амалий меросларини ўзлаштиради.

Буюк риёзатчи, математик, географ, астроном, тарихшунос, табиб бўлиб шаклланган Хоразмий, тез орада Ўрта Шарқнинг етакчи олими бўлиб етишади. Эндиликда 35 ёшли Хоразмийга кутубхона, расадхона, илмий-тадқиқот ишларини, турли китоблар яратишни бошқариш топширилади. Бундай масъулиятни ҳозирги замонга нисбат берадиган бўлсак, бу деярли фанлар академияси президентлигига қиёсланиши мумкин.

Хоразмийнинг буюклигини ифодаловчи асар «Ал-жабр ва вал-муқобала» китоби хисобланади. Ҳозирда бутун жаҳонда ишлатилаётган “алгоритм” сўзи Ал-Хоразмий номи билан бевосита боғлиқдир.

Бу мисолни келтиришдан мақсад, ҳозирги мамлакатимиз ёшларида буюклар буюги Мусо Муҳаммад ал-Хоразмий қони, наслнасаби йўқ, деб айтолмаймиз. Бор албатта. Ҳеч бўлмаганда, XX аср алломалари – Қори Ниёзий, Ҳабиб Абдуллаев, Собир Юнусов, Обид Содиков, Фани Мавлонов, Муҳаммад Ўрозбоев, Ҳосил Боймуҳаммедов, Яхё Фуломов, Иброҳим Мўминов, Бўрибой Аҳмедов,

Омонулла Файзуллаев, Хадича Сулаймонова, Раҳима Аминова, Отабой Эшонов ва бошқалар ҳозирги ёшлар учун ибрат, намуна кўрсата оладилар.

Акмеологик изчиллик, яъни мукамаллик чўққисига интилиш, бу – инсон ҳаётининг ажралмас ҳосиласи бўлиб, бу ибора орқали шахсий, касбий ривожланиш ва ўз-ўзини тақомиллаштиришга мойиллик англатилади. Бундай изчиллик инсоннинг ижодий потенциалида ва касбий маҳоратида ўз ифодасини топади. Акмеологик изчиллик, инсон ҳаётмамотининг онтологик атрибутидир, яъни одамнинг туғилганидан, токи умрининг охиригача бўлган индивидуал ривожланиш йўлини қамраб олади. Акмеология айнан шу жиҳати билан жамиятшунослик ва инсоншунослик фанлари билан тўғридан – тўғри боғланиб кетади. Акмеологиянинг ижтимоий билимлар билан алоқаси унинг тарихий ва маданий илдизларини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Бундай таъкид акмеологиянинг фалсафа билан ўзаро боғлиқлигида яққол кўзга ташланади. Бундай алоқа икки йўналишда амалга ошади – биринчидан бу, дунёқарашга оид томон бўлса, иккинчидан, методологик томонини ташкил этади.

Айнан шундай манзарани юқорида таъкидалб ўтилган ал-Хоразмий акмеограммасида ҳам кузатишимиз мумкин.

Буюк сиймолар шахсида турли акмеологик жиҳатлар ўзаро мужассамлашади ва бундай инсонлар руҳиятига концептуал, технологик, коммуникатив, инфорацион ташкилловчиларининг ўзаро ҳамжиҳатликдаги мутаносиблиги характерлидир.

Шарқ алломалари акмеограммасининг ўзига хос жиҳати шундаки, акмеограммик харитада уларнинг ахлоқий тарбиясига алоҳида урғу берилишидадир.

Ахлоқ – инсон ҳаётида ўз-ўзини бошқариш меъёрлари, бошқалар билан муносабатда бўлиш маданияти, ҳалол, тўғри соғлом турмуш тарзи кечириш мезонларини белгилайди. Айнан шу мезонлар таълим-тарбиянинг асосий мақсади шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиради.

Дарҳақиқат, оила кўрғони қанчалик мустаҳкам бўлиб, баркамол авлод тарбияси пойдеворини ярата борса, яъни Мустақиллигимиз истиқболи учун хизмат қилаверади. Демакки, келажаги буюк

давлатимиз, очик фуқаролик жамиятимиз барпо бўлиб, жаҳонда ўзига хос ва ўзига мос тарзда тараққий қилаверамиз. зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да оила қурувчиларнинг саломат бўлиши, оилавий бурчи, фарзанд тарбияси, қавм ва уруғ қонининг тоза бўлиши ҳамда ҳозирги авлодни бенуқсон сақлаш учун қариндошларнинг ўзаро никоҳ тузишлари ман этилган. «Авесто»да оила, жамият ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги унинг фаровонлиги ҳамда ҳалол меҳнати орқали шахснинг баркамол тарбиясида бўлиб, унинг сўзи, фикри, фаолияти бирлигига катта эътибор берилган. Оила қуриш, наслини давом эттириш учун яхши фарзанднинг зарурлиги, аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган юрт – энг ёмон юрт деб, таъкидланади.

Тарих шундан сабоқ берадики, қайси бир давлат ёки жамият ўзининг моддий бойликларини кўпайтириш билан айна бир пайтда халқининг маданиятини, инсоннинг маънавий эҳтиёжлари ривожланишини ўйламас экан, у албатта, инқирозга юз тугади.

Мамлакатимиз ўз Истиқлолининг биринчи кунлариданоқ хур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан ҳоли бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялашга катта аҳамият бераётганлиги бунинг далилидир. Айниқса, Республика-мизнинг ўз мустақиллигига эришган дастлабки кунлариданоқ таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган педагоглар ва талабаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида талай ишлар қилинганлиги мустақил давлатимизнинг келажагини белгиловчи ёшлар учун қилинаётган ғамхўрликнинг намунаси дир. Умуман олганда, акмеологияда шахснинг ахлоқий тарбиясида энг аввало, соғлом турмуш тарзига эътибор бериш муҳим. Зеро акмешахс соғлом турмуш тарзининг маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатларига суянган ҳолда ривожланади ва янгича мазмун-моҳият касб этиб такомиллашиб боради. Бошқалар билан мулоқот жараёнида инсон ўзининг ўзлигини худди кўзгуда кўргандек англаб етади.

Акмешахсни ҳақиқий инсон қилиб етиштириш, улар турмуш тарзида ахлоқий фазилатларни камол топтириш, ақл-идрокни

яхши хулқ, яхши билим, яхши амал билан бойитиш лозимлиги жамиятимиз равнақида муҳим аҳамият касб этаётган маънавий-ахлоқий қадриятлар, таълим-тарбия ишининг уйғунлиги ва самарадорлигига боғлиқдир.

Акмеологик билимларнинг таълим тизимидаги яна бир зарурияти шундаки, ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича олган барча билимларни олий даража, яъни малакага айлантириш учун тинимсиз меҳнат қилиш, амалиётга жорий этиш жараёнида талабаларнинг билимларни ўзлаштиришида энг қулай усул ва услубларидан фойдаланиш йўллари излаб топиш, бир сўз билан айтганда, касбий маҳоратнинг олий даражасини эгалламасдан муваффақиятга эриша олмасликларини англайдилар.

Ҳозирги даврда акмеология объекти сифатида етук инсон аклий характеристикаси, касбий фаолият маҳорати белгилари, омиллари, одам маҳорати қабул қилинган. Акмеологиянинг фан доираси текширувларини марказий курсатгичи булиб махсулдорлик тушунчасини очиб берувчи касбий фаолият категорияси кўрсатилади, шунингдек самарадор фаолият Акмеология фанининг тушунча аппаратини ташкил қилади. Акмеологияда тадқиқот объекти етук шахс дир. Акмеология фани етук инсон ривожланишида объектив ва субъектив омилларни, шахсий ҳаёти жараёнида юксакликка эришишини ўрганади. Акмеология катта одамларнинг барча ёш даврларида ижодий етук мутахассис булиб шаклланиши ва ўз касбий акмесига эришиш йўллари ўрганишда инсоний қадриятларга таянади. Акмеология ижодий етуклик қонуниятлари ва одам акмесига эришиши ҳақидаги фан сифатида психология ва унинг асосий йуналишлари билан ўзаро боғланган.

Ўқитувчиларнинг таълим тизимига акмеологик билимларни жорий этиш заруриятини шу билан асослаш мумкинки, узлуксиз таълим тизимининг амалиётдаги ижроси жараёнида талабаларнинг билимларини аниқлашда тест-рейтинг тизимининг жорий этилиши дастлабки пайтларда бирмунча ноқулайликлар туғилишига сабаб бўлди. Бундай негатив ҳолатларни бартараф этишда малакали педагог-олимлар, мураббийларнинг тажрибаларига таянган ҳолда турли методик тавсиялар ишлаб

чикила бошланди. Натижада, олий таълим тизимида энгиллаштирилган беш балли баҳолаш рейтинг тизими мезонлари жорий этилди.

Шу ўринда ёшларни акмешахс сифатида тарбиялашнинг асосий ўзаги ҳисобланган янги таҳрирдаги «Таълим тўғрисида»ги Қонуни узлуксиз давом этадиган таълим-тарбия жараёнини белгиловчи таълимнинг биринчи бўғини ниҳоятда муҳимдир.

Мамлакатимизда талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш асосий вазифа этиб белгиланган. Яъни, талабаларга биринчи кунданок муомала маданияти, овқатланиш, ечиниш-кийиниш, саранжом-саришта юриш, одобли, меҳнатсевар бўлиш, бошқалар меҳнатини қадрлаш, Ватанни ардоқлаш, ростгўй бўлиш, гўзалликни севиш ва гўзаллик яратишга интилиш каби одатларни уларнинг онгига сингдириш – маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг асосини ташкил қилади.

Олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабаларни, бир сўз билан айтганда акмешахслар даражасигача етказишда инсонпарварлик чашмаларидан, умум-башарий кадриятлардан баҳраманд бўлишларига асосий эътиборимизни қаратмоғимиз лозим. Ҳақиқатдан ҳам, маънавий-ахлоқий тарбия – бу миллат ва жамият томонидан яратилган барча руҳий ва ақлий неъматларни шаҳс томонидан ўзлаштирилиб, ундан фойдаланган ҳолда ўз ахлоқини баркамоллаштиришга эриша олишлик даражасини кўрсатувчи мезондир.

Мустақил ватанимизнинг улкан умиди бўлган ёш авлодни келажакда билимдон, мустақил фикрловчи, ўз Ватани ва халқини, оиласини севувчи инсонлар қилиб тарбиялаш, демократик кадриятларни ҳар бир акмешахс онгига сингдириш бизнинг асл мақсадларимиздан бири ҳисобланиши лозим. Ушбу мақсадларни амалга оширишда инновацион муҳитни яратиш, бошқача айтганда олий таълимда интеграцияга асосланган машғулотларни ташкил этиш орқали талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга эришилади. Демак, интеграция – ўқитишнинг мақсад ва омилларини бир бутун қилиб бирлаштиришдир. Шундай

қилиб, олий таълим муассасаларида барча машғулотлар интеграция ҳолида ташкил этилса талабаларнинг дарс машғулотларидан зерикишининг олди олиниб, тафаккур доирасининг янада кенгайиши ва улар билан қўшимча шуғулланиш имконияти пайдо бўлади ва шаклланаётган маънавий-ахлоқий сифатлар самарадорлиги ортади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан шундай хулосага келиш мумкин. Таълимни бошқариш миллий сиёсат асосида амалга оширилмоқда. Зеро, таълим жараёнини замонавийлаштириш, инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришда ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг етакчи ўрин эгаллаши ва янги жамият кишиси – «Акмешахс»ни шакллантириши яққол кўзга ташланмоқда. Миллий тарбия асосида амалиётда ўз ифодасини топаётган баркамол авлод юксак даражада талабга жавоб берувчи тарбиявий ишларнинг янги метод ва воситаларининг ёшларга ҳаётига кенг кириб бориши, акмешахс қобилияти, истеъдоди, изланиши ва янгиликка интилиши руҳида яшаш имкониятини яратмоқда. Бу жараённинг энг муҳим омилларидан бири – соғлом ижтимоий-ахлоқий муҳитнинг яратилганлигидир. Шундай экан, узлуксиз таълимнинг миллий концепцияси талаблари асосида ислохотларни амалга ошириш таълим ислохотларининг устувор вазифаларидан бирига айланмоғи лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. *“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 7 августдаги СҚ-108-IV-сонли Қарори.*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947 сон Фармони.* <https://lex.uz/docs/3107036>.

3. *Зиёмуҳаммедов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2006. – 351 б.*

4. *Тиллаева Г.Х. Акмеологиянинг ижтимоий-ахлоқий муаммолари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2012. – 160 б.*

## ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

*U.N. Marasulova – direktor o‘rinbosari.  
U.E. G‘oyimov- o‘qituvchi TDPU Shahrisabz filiali.*

### UMUMTA'LIM MAKTABLARIDA O'QUVCHILARNING OTA-ONALARI BILAN ISHLASH METODIKASI

#### **Annotatsiya**

*Maqolada maktab o'quvchilarini kamol toptirishda shaxsiy xislatlari orqali ta'sir etish mexanizmini joriy etish maqsadida, ularning ota-onalari bilan ishlash tizimini takomillashtirish borasida muloxazalar yuritilgan. Ma'lumki, bugungi kunda ota-onalarning farzand tarbiyasidagi roli biroz susaygandek. Shu sababli, o'qituvchilar o'quvchilar bilan ishlash tizimida uzviy ravishda ularning ota-onalari bilan ham birgalikdagi faoliyati tashkil etilsa, ta'lim-tarbiyada samarali natijalarga erishiladi.*

***Kalit so'zlar:** Oila tarbiyasida ota-ona roli, "Men" obrazini shakllanishi, ota-onalar bilan ishlash metodikasi, yo'llari, amalga oshirish mexanizmi, ota-onalar yig'ilishi, davra suhbatlari, konferensiyalar, muammoli oilalarda olib boriladigan suhbatlar.*

### МЕТОДИКА РАБОТЫ С РОДИТЕЛЯМИ УЧЕНИКОВ СРЕДНИХ ШКОЛ

#### **Аннотация**

*В статье обсуждается необходимость совершенствования системы работы с родителями с целью внедрения механизма влияния на развитие школьников через их личностные качества. Известно, что сегодня роль родителей в воспитании детей, похоже, снижается. Следовательно, эффективных результатов в обучении можно достичь, если учителя будут интегрированы со своими родителями в систему работы с учениками*

***Ключевые слова:** Роль родителей в семейном воспитании, формирование имиджа «Я», методы работы с родителями, способы, механизм реализации, родительские собрания, круглые столы, конференции, беседы в неблагополучных семьях.*

### METHODS OF WORK WITH PARENTS OF SECONDARY SCHOOLS

#### **Annotation**

*The article discusses the need to improve the system of work with parents in order to introduce a mechanism for influencing the development of schoolchildren through their personal qualities. It is known that today the role of parents in raising children seems to be declining. Consequently, effective learning outcomes can be achieved if teachers are integrated with their parents in the system of working with students.*

***Keywords:** The role of parents in family education, the formation of the "I" image, methods of working with parents, methods, implementation mechanism, parent meetings, round tables, conferences, conversations in disadvantaged families.*

Ma'lumki, har bir shaxs o'z ichki va tashqi dunyosi bilan butunlay boshqalardan ajralib turadi. Bizning har birimizda o'z psixologik xususiyatlarga ega bo'lgan shaxsiy "Men"imiz bo'lib, u orqali biz dunyoni ko'ramiz, uni qabul qilamiz, atrof-muhitga aynan mana shu "men"imiz orqali munosabatimizni bildiramiz. Boshqarish jarayonidagi bizning "men"imizga

yetkazilgan har qanday ta'sir esa tarbiya bo'lib, biz tomonimizdan qabul qilinishi yoki qilinmasligi mumkin. Bu o'rinda tarbiyani aynan shaxs ruhiyatiga ta'sir, deb qarash mumkin. Boshqarish esa – ishlab chiqarishda shaxsning hulqiy xususiyatlarini inobatga olish va uni ma'lum faoliyat tomoniga maksimal yo'naltirishga erishishdir. Shaxsning hulqiy



xususiyatlari, uning qobiliyati, temperamenti, atrofni emotsional aks ettirishi, ma'lumoti va boshqa shunga o'xshash turli tomonlar bilan farqlanar ekan, boshqarishda boshqaruvchi aynan mana shularni qanchalik to'liq nazardan qochirmasa va inobatga olsa, bu shaxsni boshqarish shunchalik oson kechadi. Ota-onalar va o'qituvchilar o'rtasida bolalarni yagona do'stona jamoaga to'plash uchun qulay sharoit yaratish, maktabda shaxsning erkin rivojlanishi uchun, ma'naviy boy, baxtli bo'lishni va odamlarga baxt keltirishni biladigan insonga munosib hayot qurishga qodir bo'lgan samarali tizimni shakllantirish o'qituvchi-boshqaruvchi uchun bugunning bosh masalasi bo'lib qolmoqda. Bunda normativ hujjatlar asosida maktabning barcha sohalarida ota-onalarning faol ishtirokini ta'minlashga erishish kerak bo'ladi. YA'ni:

oilalarda sog'lom turmush tarzini shakllantirish;

bolalar va o'spirinlarda asotsial xatti-harakatlarning oldini olish uchun sharoit yaratish;

maktab va oila o'rtasidagi o'zaro ta'sir shakllarini takomillashtirish;

oilani pedagogik qo'llab-quvvatlash (o'qish, maslahat berish, tarbiya, ta'lim masalalarida yordam berish va hk);

Oilaning tarbiya vazifasi juda muhimdir. Jamoaga kelgan bola u yoki bu tarzda ota-onalar tomonidan belgilab qo'yilgan qadriyatlarni uzatadi.

Oilaning tarbiya vazifasi uch jihatga ega:

1. Motivatsion-qiyamat sohasini shakllantirish (odamlarga, biznesga, o'ziga bo'lgan munosabat).

2. IQ sohasini shakllantirish (qobiliyatlar, bilimlarni egallash va hk).

3. Hissiy-irodaviy sohani shakllantirish.

Oilaning tarbiyaviy salohiyati bu moddiy turmush sharoiti, oilaning kattaligi va tuzilishi, munosabatlarning tabiati, psixo-emotsional kelib chiqishi, aloqa xususiyatlari, ota-onalarning shaxsiyati, pedagogik madaniyat darajasi va boshqalar.

Bugungi kunda oilada bola-ota-ona munosabatlari inqirozi mavjud. Bu mamlakatning siyosiy va iqtisodiy hayotidagi o'zgarishlar bilan bog'liq. Ota-onalar moddiy farovonlikka e'tibor berishga majbur bo'lmoqdalar, ya'ni ular oilada muloqotga kam vaqt sarflashadi. Natijada, yaqin

odamni tushunish bilan bog'liq bo'lgan hissiy tarkibiy qism o'zaro aloqadan chetlashtiriladi. Rolli o'yin sezilarli darajada pasayib ketdi, chunki oilalar, qoida tariqasida, bitta bolaga ega. Ajralishlar soni ko'paygan. Shuning uchun xulosa quyidagicha:

Maktab oilaning rivojlanishiga ko'maklashish uchun mas'uldir. O'quvchi shaxsini rivojlantirishga qaratilgan ishlar o'quvchilarning ota-onalari ta'lim va tarbiya jarayonida qatnashgan taqdirdagina samarali bo'ladi.

Ota-onalar bilan ishlashni taxminan ikki qismga bo'lish mumkin:

ota-onalar yig'ilishlari doirasida barcha sinf ota-onalari bilan pedagogik va psixologik madaniyatni oshirish;

ota-onalarning bir qismi bilan, avvalambor, "ota-bola" tizimidagi konstruktiv o'zaro bog'liqlik bilan bog'liq bo'lgan ko'nikma va qobiliyatlarni shakllantirish uchun tuzatish va rivojlanish darslari shaklida.

Maktabning ota-onalar bilan ishlash mazmunini quyidagicha tashkil etish mumkin:

- ota-onalarning psixologik va pedagogik bilimlarini oshirish (ma'ruzalar, seminarlar, individual konsultatsiyalar, amaliy mashg'ulotlar);

- ota-onalarni ta'lim jarayoniga jalb qilish (ota-onalar yig'ilishlari, birgalikdagi ijodiy ishlar, moddiy-texnik bazani mustahkamlashda yordam berish);

- maktabni boshqarishda ota-onalarning ishtiroki (maktab kengashi, ota-onalar qo'mitalari).

Ota-onalar bilan ishlashning shakllari va usullari ota-onalarning pedagogik madaniyatini oshirishga, maktab va oila o'rtasidagi o'zaro aloqalarni, uning ta'lim salohiyatini kuchaytirishga yo'naltirilgan bo'lishi kerak.

Ish usullari: kuzatish; suhbat; sinov; so'roq qilish.

Ota-onalar bilan ishlash shakllarini an'anaviy yoki noan'anaviy tartibda olib borish kerak:

- ota-onalar yig'ilishi;

- sinf va maktab miqyosidagi konferensiyalar;

- o'qituvchi bilan individual maslahatlashuvlar;

- uyga tashriflar;

- ota-onalar uchun treninglar;

- muhokamalar;

- psixologik moslashuv;
- davra suhbatlari;
- og‘zaki jurnallar;
- ota-onalar kechalari;
- ota-onalar o‘qishlari;

Sinf rahbarining o‘quvchilarning ota-onalari bilan ishlashi tizimida muhim o‘rin psixologik-pedagogik ta‘limga berilgan.

Psixologik-pedagogik ta‘lim shakllari quyidagilardir:

Pedagogik bilimlar universiteti (ushbu shakl ota-onalarni pedagogik madaniyat asoslari bilan qurollantirishga, ularni bolalarni tarbiyalashning dolzarb masalalari bilan tanishtirishga yordam beradi).

Konferensiya (bolalarni tarbiyalash bo‘yicha bilimlarni kengaytirish, chuqurlashtirish va mustahkamlashni nazarda tutadi).

Ota-onalar konferensiyalari (maktab miqyosida, sinf xonalari) maktabning o‘quv ishlari tizimida katta ahamiyatga ega. Ota-onalar konferensiyalari bolalarning faol a‘zolariga aylanadigan jamiyatning dolzarb muammolarini muhokama qilishi kerak. Ota va bola o‘rtasidagi ziddiyatlar muammolari va ulardan chiqish yo‘llari, giyohvand moddalar, oilada jinsiy tarbiya - bu ota-onalar konferensiyalarining mavzulari bo‘lishi mumkin.

Ota-onalar konferensiyalari maktabda ishlaydigan psixolog, ijtimoiy o‘qituvchining majburiy ishtiroki bilan juda ehtiyotkorlik bilan tayyorlanishi kerak. Ularning vazifasi konferensiya muammosi bo‘yicha sotsiologik va psixologik tadqiqotlar o‘tkazish, shuningdek konferensiya qatnashchilarini ularning natijalari bilan tanishtirishdir. Ota-onalarning o‘zi konferensiyalarning faol ishtirokchilari hisoblanishlari lozim. Ular o‘zlarining tajribalari nuqtai nazaridan muammoning tahlilini tayyorlaydilar.

Konferensiyaning o‘ziga xos xususiyati shundaki, u belgilangan muammo bo‘yicha muayyan qarorlarni qabul qiladi yoki tadbirlarni rejalashtiradi.

Seminar (bolalarni tarbiyalashda ota-onalarning ko‘nikmalarini rivojlantirish, paydo bo‘lgan pedagogik vaziyatlarni samarali ravishda kengaytirish, ota-onalarda pedagogik fikrlashni o‘rgatish shakli).

Ochiq darslar (maqsadi - ota-onalarni mavzu bo‘yicha yangi o‘quv dasturlari, o‘qitish metodikasi, o‘qituvchi talablari bilan tanishtirish. Bunday darslar ota-onalarning bilimsi-

zligi va o‘quv faoliyatining o‘ziga xos xususiyatlarini tushunmaslik oqibatida kelib chiqadigan ko‘plab nizolarning oldini olishga yordam beradi).

Shaxsiy tematik konsultatsiyalar (maktab ishlari va bolaning xulq-atvori, uning muammolari to‘g‘risida haqiqiy tasavvur beradigan ma‘lumot almashish).

Hozirgi kunda ajralishlar ko‘payib bormoqda, natijada ko‘plab bolalar e‘tibordan chetda qolmoqdalar. Turmush qurmaganlar soni ham ko‘paymoqda.

Ularning jamiyat taraqqiyotiga qanday ta‘sir qilishini o‘ylab ko‘ring? Aytishim kerakki, yoshlar muqaddas familiyaning ma‘nosini tushunmayaptilar, oilaviy javobgarlikni his qilmayaptilar. Axloqiy amaliyot va tajriba hali rivojlanmagan.

Shaxsiy maslahat - bu sinf rahbari va oila o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarning muhim shakllaridan biridir. Ayniqsa, o‘qituvchi sinfni yollayotgan paytda kerak. Ota-onalarning tashvishlarini, bolalari haqida gapirish qo‘rquvini yengish uchun ota-onalar bilan individual maslahat va suhbatlar o‘tkazish kerak. Maslahatlashishga tayyorgarlik ko‘rayotganda, bir qator savollarni aniqlash maqsadga muvofiqdir, ularning javoblari sinf bilan o‘quv ishlarini rejalashtirishga yordam beradi. Yakkama-yakka maslahatlashish mazmunli bo‘lishi kerak va ota-onalar bilan o‘qituvchilar o‘rtasida yaxshi aloqalarni yaratishga yordam beradi. O‘qituvchi ota-onaga o‘qituvchini norasmiy sharoitda tanishtirmoqchi bo‘lgan hamma narsani aytib berishlari va ularning bolalari bilan kasbiy ishlashi uchun muhim ma‘lumotlarni bilib olishlari uchun imkoniyat berishlari kerak:

- bola sog‘lig‘ining xususiyatlari;
- uning sevimli mashg‘ulotlari, qiziqishlari;
- oiladagi muloqotda afzalliklar;
- xulq-atvor reaksiyalari;
- belgi xususiyatlari;
- o‘rganish uchun motivatsiya;
- oilaning axloqiy qadriyatlarini.

Oilaviy tashriflar (o‘qituvchining ota-onalar bilan individual ishlashi, yashash sharoitlari bilan tanishish).

Ota-onalar yig‘ilishi (pedagogika fanining ta‘lim tajribasi ma‘lumotlariga asoslangan tahlil, mulohaza shakli).

Umumta'lim maktablarining ota-onalar yig'ilishlari - yiliga ikki marta o'tkaziladi. Maqsad: maktab to'g'risidagi normativ-huquqiy hujjatlar, ishning asosiy yo'nalishlari, vazifalari, natijalari bilan tanishish.

Umumta'lim maktablarining ota-onalar yig'ilishlari, qoida tariqasida, yiliga ikki marta-dan ko'p bo'lmagan holda o'tkaziladi. Bunday uchrashuvlarning mavzusi ma'lum vaqt davomida maktab ishi to'g'risida hisobot xarakteriga ega. Ularda direktor, uning o'rinbosarlari so'zga chiqadilar, maktabning ota-onalar qo'mitasi ish haqida hisobot beradi. Masalan, ta'lim muassasasi attestatsiyadan o'tgan va erishilgan natijalar bilan ota-onalar jamoasini tanishtiradilar.

Maktab bo'ylab ota-onalar yig'ilishidan ota-onalarning ijobiy tajribalarini namoyish etish uchun foydalanish mumkin. Shunday qilib, o'quv yilining oxirida bolalarni tarbiyalashda ijobiy tajribaga ega bo'lgan oilalarni mukofotlash mumkin.

Sinfdagi ota-onalar yig'ilishlari - yiliga to'rt-besh marta o'tkaziladi. Maqsad: sinf o'quv ishlari vazifalarini muhokama qilish, o'quv ishlarini rejalashtirish, oila va maktab o'rtasidagi yaqin hamkorlik yo'llarini aniqlash, dolzarb pedagogik muammolarni ko'rib chiqish.

Sinfdagi ota-onalar yig'ilishlari chorakda bir marta o'tkaziladi, agar kerak bo'lsa, ular tez-tez o'tkazilishi mumkin. Ota-onalar yig'ilishi ota-onalarni tarbiyalash maktabiga aylanishi, ularning pedagogik dunyoqarashini kengaytirishi, yaxshi ota-ona bo'lish istagini rag'batlantirishi kerak. Ota-onalar yig'ilishlarida o'quvchilarning ta'lim yutuqlari tahlil qilinadi, ularning imkoniyatlari, o'quv faoliyatida sinfning ilgirilash darajasi tavsiflanadi. Ota-onalar yig'ilishi - bu bola erishgan muvaffaqiyatni namoyish etish uchun imkoniyat. Yig'ilishdagi suhbat sinflar haqida emas, balki bilim va axloqiy motivatsiyaga mos keladigan bilim sifati va intellektual harakatlar o'lchovi haqida bo'lishi kerak. Ota-onalar yig'ilishi uchun nafaqat o'quv mashg'ulotlarida, balki o'quvchilarning ijodiy ishlari, ularning yutuqlari ko'rgazmalarini tayyorlash kerak.

Ota-onalar yig'ilishining ko'plab variantlari mavjud. Ularning tabiati va yo'nalishi hayotning o'zi, bolalar jamoasida ishni tashkil etish tizimidan kelib chiqadi. Uchrashuv mavzusi va metodikasida o'quvchilarning yosh xususiyatlari, ota-onalarning ma'lumot darajasi

va qiziqishi, maktab oldida turgan tarbiyaning maqsad va vazifalari hisobga olinishi kerak.

Ota-onalar yig'ilishlarini o'tkazish bo'yicha tavsiyalar:

1. Ota-onalar yig'ilishi ota-onalarni tarbiyalashi, bolalarning xato va kamchiliklarini aytmasligi kerak.

2. Uchrashuv mavzusini belgilashda bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olish kerak.

3. Uchrashuv ham nazariy, ham amaliy xarakterga ega bo'lishi kerak: vaziyatlarni tahlil qilish, treninglar, munozaralar va hk.

4. Jamoat talabalarning shaxsiy xususiyatlarini muhokama qilish va qoralash bilan shug'ullanmasligi kerak.

Ota-onalar uchun maslahatlarning taxminiy mavzulari:

1. Bola o'rganishni xoxlamaydi. Men unga qanday yordam bera olaman?

2. Bolaning xotirasi yomon. Uni qanday rivojlantirish kerak?

3. Oiladagi yagona bola. Ta'limdagi qiyinchiliklarni bartaraf etish usullari.

4. Bolalarni jazolash. Ular nima bo'lishi kerak?

5. Bolalardagi tashvish. Bu nimaga olib kelishi mumkin?

6. Uyatchan bola. Uyatchanlik muammolari va uni engish yo'llari.

7. Oiladagi qo'pollik va tushunmovchilik.

8. Oiladagi iqtidorli bola.

9. Bolalarning do'stlari - do'stlarmi yoki dushmanlarmi?

10. Bir tom ostida uchta avlod. O'zaro aloqa muammolari.

Ota-onalar o'qishlarini maktabda tashkil etish ham ota-onalar bilan ishlashning juda qiziqarli shakli, bu ota-onalarga nafaqat o'qituvchilarning ma'ruzalarini tinglash, balki muammo bo'yicha adabiyotlarni o'rganish va uning muhokamasida ishtirok etish imkoniyatini beradi. Ota-onalar o'qishlari quyidagicha tashkil etilishi mumkin: o'quv yilining boshidagi birinchi yig'ilishda ota-onalar o'zlarini eng ko'p qiziqtirgan pedagogika va psixologiya masalalarini belgilaydilar. O'qituvchi ma'lumot to'playdi va uni tahlil qiladi. Maktab kutubxonachisi va boshqa mutaxassislarining yordami bilan siz savolga javob olishingiz mumkin bo'lgan kitoblar tanlanadi. Ota-onalar tavsiya etilgan kitoblarni o'qiydilar, so'ngra ota-onalar

o'qishlarida o'rgangan ma'lumotlaridan foydalanadilar. Ota-onalar o'qishlarining o'ziga xos xususiyati shundaki, kitobni tahlil qilishda ota-onalar ushbu masalani o'zlari tushunganliklari va kitobni o'qib bo'lgandan keyin uni echishga bo'lgan yondashuvlarning o'zgarishi haqida gapirishlari kerak.

Ota-onalar oqshomi - bu ota-onalar jamoasini mukammal birlashtiradigan ish shaklidir. Ota-onalar kechalari sinfda bolalar ishtirokisiz yiliga 2-3 marta o'tkaziladi. Ota-onalar oqshomi - bu sizning farzandingizning do'stining ota-onasi bilan muloqot qilish bayrami, bu sizning bolangizning go'dakligi va bolaligi xotiralari bayrami, bu hayot va o'z farzandi ota-onalarni qiziqtirgan savollarga javob izlashdir. Ota-onalar uchun kechalarning mavzulari juda xilma-xil bo'lishi mumkin. Asosiysi, ular bir-birlarini, o'zlarini, ichki ovozlari tinglashni va eshitishni o'rgatishlari kerak.

Ota-onalar uchun kechalar mavzulariga misollar:

1. Bolaning tug'ilishi va uning hayoti va rivojlanishining birinchi yili.
2. Bolaning birinchi kitoblari.
3. Farzandimning kelajagi. Buni qanday ko'rishim mumkin?
4. Bolamning do'stlari.
5. Oilamizning bayramlari.
6. Bizning oilamizda "Ha" va "Yo'q".
7. Bizning oilamizning tug'ilgan kuni. Uni qanday nishonlaymiz?
8. Farzandlarimiz tomonidan kuylangan qo'shiqlar.

Bunday tadbir shakllari sizga nafaqat taklif qilingan mavzular bo'yicha o'z fikringizni bildirishga, balki boshqa ota-onalarning bahslarida o'zingiz uchun foydali narsalarni eshitishga, o'zingizning ta'lim vositangizda yangi va qiziqarli narsalarni qabul qilishga imkon beradi.



*1-rasm. Ota-onalar bilan birgalikdagi olib boriladigan tarbiyaviy ishlar.*

Ota-onalar tarbiyasi - bu o'z farzandiga nisbatan o'zini tutish va o'zaro munosabatga bo'lgan munosabatini o'zgartirishni, uni yanada ochiqroq va ishonchli qilishni xohlaydigan ota-onalar bilan ishlashning faol shakli. Ota-onalarning ikkalasi ham ota-onalar tarbiyasida ishtirok etishlari shart. Shundan kelib chiqqan holda mashg'ulotlar samaradorligi oshadi va natijalar uzoq kutilmaydi. Trening 12-15 kishilik guruh bilan o'tkaziladi. Agar barcha ota-onalar ularda faol ishtirok etsa va doimiy

ravishda qatnasha, ota-onalar uchun treninglar muvaffaqiyatli o'tkaziladi. Trening samarali bo'lishi uchun u 5-8 mashg'ulotni o'z ichiga olishi kerak. Ota-onalar tarbiyasi, qoida tariqasida, ota-onalarga bir muncha vaqt o'zlarini boladek his qilishlariga, bolalik taassurotlarini hissiyot bilan tiklashga imkon beradigan maktab psixologi va sinf rahbari tomonidan olib boriladi.

Ota-onalar katta qiziqish bilan "bolalarning qiziqishlari", "sevimli o'yinchoq", "mening

ertakdagi obrazim", "bolalar o'yinlari", "bolalik xotiralari", "mening oilam haqida film" kabi o'quv topshiriqlarini bajaradilar.

Ota-onalarning davra suhbatlari - bu ota-onalarning muloqotlari va ota-onalarning jamoaviy shakllanishining munozarali shakllaridan biridir. Ota-ona davra suhbatlari pedagogik muammolar bo'yicha savollarga javob shaklida tayyorlanadi. Savollarni ota-onalarning o'zi tanlaydi. Ikkita oila bitta savolga javob beradi. Ular turli pozitsiyalarga, turli xil fikrlarga ega bo'lishlari mumkin.

Qolgan tomoshabinlar bahsga kirishmaydilar, faqat qarsaklar bilan oilalarning fikrlarini qo'llab-quvvatlaydilar. Sinf o'quvchilari ota-onalar davra suhbatlari bo'yicha mutaxassislar bo'lib, savolga javoblarda qaysi oila ularni to'g'ri talqin qilishga eng yaqin bo'lganligini aniqlaydilar.

Quyida ota-onalar bilan ishlash rejasidan bir namunani misol keltiramiz:

Ota-onalar bilan ishlash rejasi.

### 1-jadval

№	Vaqt	Tadbir
1.	Avgust	Ota-onalar yig'ilishi "Bolalarning maktabga tayyorligi, darsliklar bilan ta'minlash. Yangi o'quv yilida o'quv jarayonini tashkil etish bo'yicha vazifalar. Ota-onalar qo'mitasini saylash. Xavfsizlik bo'yicha brifinglar (umumiy brifing).
2.	Sentabr	Ota-onalar qo'mitasining o'quv yilining boshlanishiga bag'ishlangan yig'ilishi.
3.	Sentabr oyining oxiri	O'quvchilar oilalariga tashrif buyurish, bolalarning kun tartibiga rioya qilishlarini tekshirish, "noto'g'ri" oilalarni aniqlash (oilaviy so'rovnomalarni tuzish) Bolalarning sinfdan tashqari mashg'ulotlarda qatnashishi va to'garaklar va seksiyalarga qatnashishi to'g'risida suhbatlar.
4.	Noyabr	O'quvchilar, o'qituvchilar va maktab ma'muriyati bilan ochiq ota-onalar yig'ilishi "1-chorakning dastlabki natijalari: o'quv natijalari, davomat, o'zini tutish. Birinchi quvonch va birinchi muvaffaqiyatsizliklar. Sinfning jamoaviy xarakteristikasi. Bolalar uchun ovqatlanish va transportni tashkil etish, qo'shimcha ta'lim. Ota-onalar ta'limi - maktabning normativ-huquqiy bazasi bilan tanishish (Nizom, mahalliy hujjatlar, ta'lim dasturlari va boshqalar). " Ma'muriyat va fan o'qituvchilari bilan suhbatlar.
5.	Dekabr	Suhbat (telefon orqali suhbat) "Biz bolaga hayotdagi ustuvor yo'nalishlarni o'rgatamiz".
6.	Dekabr oyining oxiri	Ota-onalarning o'quvchilar bilan uchrashuvi "Bugun bu yerda bo'lganimiz juda yaxshi". (Yangi yil tadbirlari va ularni o'tkazish paytida xavfsizlik to'g'risida. Bolalarga yangi yil sovg'alari bilan ta'minlash.)
7.	Yanvar	"Maktab o'quvchisining kundaligining kichik sirlari" tanlovi. Ota-onalar qo'mitasi tomonidan o'quvchilar oilalarining maktab kundaligini yuritishga bo'lgan munosabatini tahlil qilish. Ota-onalar qo'mitasining yig'ilishi «Bolalarning rivojlanishi uchun qulay shart-sharoitlar. Ahloq tarbiyasi".
8.	Fevral	Ota-onalar yig'ilishi "Bolaning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish - bu jamiyat hayotiga muvaffaqiyatli moslashish garovi". (Bolalar ijodiyoti festivaliga tayyorgarlik, oilaning roli va ishtiroki to'g'risida. Hozirgi o'quv natijalari, bolalarning davomat va o'zini tutishi).
9.	Mart	Suhbat (masofaviy aloqa). Bolani qanday jazolash kerak? "Ta'lim jarayoni sifatini oshirishda ota-onalarning roli to'g'risida" ota-onalar qo'mitasining yig'ilishi.
10.	April	O'quvchilar oilalariga tashrif buyurish, bolalarning kun tartibiga rioya

	(bir oy ichida)	qilishlarini tekshirish, "noto'g'ri" oilalarni aniqlash (oilaviy so'rovnomalarni tuzish)
11.	May (bir oy ichida)	O'quvchilar oilalariga tashrif buyurish, bolalarning kun tartibiga rioya qilishlarini tekshirish, "noto'g'ri" oilalarni aniqlash (oilaviy so'rovnomalarni tuzish)
12.	May (oxirgi hafta)	Ota-onalar yig'ilishi "O'tgan yil yakunlarini sarhisob qilish. Ta'tilga oid pedagogik tavsiyalar. Xavfsizlik bo'yicha brifinglar.
13.	Yoz davomida	"O'quv yili yakunlarini sarhisob qilish" ota-onalar qo'mitasining yig'ilishi.
14		Ota-onalar bilan doimiy aloqani ta'minlash (yozgi ta'til va ta'til davrida bolalarni ish bilan ta'minlash, maktab hududida yozgi amaliyotni o'tayotgan bolalar).
		Maktabda va uyda bolaning hayotini doimiy ravishda kuzatib borish uchun ota-onalar bilan doimiy aloqada bo'lish (bolalarning birgalikdagi shaxsiy hamrohligi).
		Ota-onalar uchun ochiq eshiklar kuni.
		Ota-onalarning maktab miqyosidagi va sinfdagi tadbirlarda ishtirok etishi (bilimlar kuni, o'qituvchilar kuni, onalar kuni, bitiruvchilar oqshomi, 23 fevral, 8 mart, 9 may, so'nggi qo'ng'iroq).
		Ota-onalarning so'rovnomalari va so'rovlari.
		Muzeylar, ko'rgazmalar, teatrlarga jamoaviy tashriflarni tashkil etish; ekskursiyalar.
		Ijodiy tanlovlarda, loyihalarda birgalikda ishtirok etish.

Sinf rahbari va o'quvchilarning ota-onalari o'rtasidagi o'zaro ta'sir shakllari zamonaviy madaniy hayotga qadam qo'yayotgan o'sib borayotgan shaxsni kamol toptirishga xizmat qiladi. Bu o'rinda o'qituvchilar va ota-onalar uchun quyidagi eslatmalarni bilishi foydalidir: Agar:

- bola doimiy ravishda tanqid qilinsa, u nafratlanishni o'rganadi;
- bolani masxara qilishsa, u qo'rqqoq bo'lib ulg'ayadi;
- bolani maqtashsa, u olijanob bo'lishni o'rganadi;
- bola qo'llab-quvvatlansa, u o'zini qadrlashni o'rganadi;
- bola haqoratlarda ulg'aysa, u aybdordek yashashni o'rganadi;
- bola bag'rikenglikda ulg'aysa, u boshqalarni tushunishni o'rganadi;
- bola halollikda ulg'aysa, u adolatli bo'lishni o'rganadi;
- bola xavfsizlikda ulg'aysa, u odamlarga ishonishni o'rganadi;
- bola dushmanlik ruhiyatini ko'rib yashasa, u tajovuzkorlikni o'rganadi;

- bola oilada o'zaro tushunish va do'stona hayot kechirsa, u bu dunyoda sevgini topishni o'rganadi.

Ushbu xulosalar hayotiy amaliy kuzatuvlar, pedagogik amaliyotni tushunish asosida vujudga keldi. Ushbu qoidalardan ota-onalar bilan amaliy ishlarda, shuningdek ular bilan uchrashuvlar va suhbatlar mavzularida foydalanish mumkin.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. "Barkamol avlodni tarbiyalashda oila instituti va fuqarolarning o'zini o'zi boshqarish organlarining ta'lim muassasalari bilan o'zaro hamkorligini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida" O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori. 2012 yil 19 iyun, 175-son.

2. "Oila-mahalla-ta'lim muassasasi" hamkorlik mexanizmini kuchaytirish bo'yicha chora-tadbirlar majmuasi. Vazirlar Mahkamasining 2012 yil 19 iyundagi 175-son qaroriga 3-ilova. <https://nrm.uz/content/>.

3. Guljaxon Xolmurodova "Maktab va ota-ona hamkorligi". Surxon tongi. 2021. 23 yanvar.

4. Zokir Xudoyshukurov. “Oila, mahalla, ta’lim muassasasi hamkorligi farzandlarimizning jismonan va ma’nan yetuk bo’lib ulg’ayishida muhim ahamiyatga ega”. Xalq so’zi. 2021yil. 23 yanvar.

5. *Forming Family Life Practice and Experiences in Young People Mind*. <http://journale.aurisverlag.de/index.php/EES/J/article/viewFile/1071/1269>.

*M.D. Abdullayeva- o’qituvchi. TVCHDPI*

## MAKTABGACHA VA KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNI SO’ZLASHISHGA DOIR ME’YORLAR BILAN TANISTIRISH YO’LLARI

### Аннотация

*Maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarni ijtimoiy munosabatlar jarayoniga faol jalb etish, shaxslararo muloqotni samarali tashkil etishga o’rgatish bugungi kunning eng dolzarb vazifalaridan biridir. Ularni jarayonining faol ishtirokchilari bo’lishlariga erishishda ular tomonidan ijtimoiy-huquqiy meyorlarning muvaffaqiyatli o’zlashtirilishi o’ziga xos ahamiyat kasb etadi.*

*Ma’lumki, kishilar o’rtasidagi o’zaro aloqa muayyan ijtimoiy-huquqiy me’yorlar asosida tashkil etiladi. Ko’p holatlarda ijtimoiy va huquqiy me’yorlar asosida tartibga solinadigan munosabatlar jarayoni ishtirokchilarning madaniyatlik darajasini ham ifodalashga xizmat qiladi. Jamoat joylarida o’zini tutish, kinoteatrlarga tashrif buyurish, umumiy ovqatlanish muassasalarida, maishiy xizmat turlari, jamoat transportidan foydalanish, shuningdek, yo’l harakati qoidalariga rioya qilish jarayonida shaxsning umumiy madaniyati namoyon bo’ladi.*

**Kalit so’zlar:** *huquqiy davlat, huquqiy jamiyat, shaxs, tarbiyalanuvchi, kichik maktab yoshi, jamoat joyi, jamoat transporti, me’yor.*

## ВВЕДЕНИЕ В СОЦИАЛЬНЫЕ НОРМЫ РЕЧИ ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОЙ И НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ

### Аннотация

*Одна из важнейших задач сегодня - активно вовлекать дошкольников и младших школьников в процесс социальных отношений, научить их эффективно организовывать межличностное общение. Успешное принятие ими социально-правовых норм имеет особое значение для того, чтобы сделать их активными участниками этого процесса. Известно, что взаимодействие между людьми строится на определенных социально-правовых нормах. Во многих случаях процесс отношений, регулируемый социальными и правовыми нормами, также служит для выражения уровня культуры участников. Поведение в общественных местах, посещение кинотеатров, предприятий общественного питания, бытовых услуг, пользование общественным транспортом, а также соблюдение правил дорожного движения отражают общую культуру личности.*

**Ключевые слова:** *правовое государство, правовое общество, личность, ученик, младший школьный возраст, общественное место, общественный транспорт, норма.*

## INTRODUCTION TO SOCIAL SPEECH NORMS OF PRESCHOOL AND ELEMENTARY SCHOOL CHILDREN

### Abstract

*One of the most important tasks today is to actively involve preschoolers and younger schoolchildren in the process of social relations, to teach them how to effectively organize interpersonal communication. Their successful adoption of social and legal norms is of particular importance in order to make them active participants in this process. It is known that interaction between people is based on certain social and legal norms. In many cases, the process of*

*relationships, governed by social and legal norms, also serves to express the level of culture of the participants.*

*Behavior in public places, visiting cinemas, catering, consumer services, using public transport, and observance of traffic rules reflect the general culture of the individual.*

**Key words:** *legal state, legal society, personality, student, primary school age, public place, public transport, norm.*

**Kirish.** Mustaqil O'zbekistan Respublikasida shakllanayotgan milliy istiqloq g'oyalari fuqarolarni Respublika Konstitutsiyasida ehtirol etilgan insonparvar, demokratik, huquqiy davlat va huquqiy jamiyatni barpo etishdek ezgu maqsad atrofida birlashtirishga xizmat qiladi. Har bir fuqaroning ijtimoiy-siyosiy, huquqiy faolligini yuzaga keltirish, huquqiy madaniyatini qaror toptirish - fuqarolik (huquqiy) jamiyatning asosiy talabi sanaladi.

**Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili (Literature review).** Nutq insonlargagina xos bo'lgan faoliyat turlaridan biri hisoblanadi. Faoliyat turi sifatida aniq maqsadga yo'naltirilgan nutq "kishilik taraqqiyoti tarixida yuzaga kelgan va o'zaro muomalani tashkil etish uchun zarur so'zlashuv ko'nikmalarining rivojlanishi natijasida mustahkamlangan" (Bolshaya psixologicheskaya entsiklopediya. – Moskva: Eksmo, 2007. – S. 396). Nutqning og'zaki va yozma shakllari mavjud bo'lib, kishilar o'rtasidagi ijtimoiy munosabatlar jarayonida asosan og'zaki nutqdan foydalaniladi. Insoniy faoliyatning ushbu turi "mavhum-mantiqiy fikrlash va ongning shakllanishiga xizmat qiladi. Nutq negizida kechadigan fikriy faoliyat jarayonida esa tasavvurning shakllanishi ro'y beradi... Nutqining hissiy imkoniyati tufayli inson u yoki bu voqea-hodisaga o'z munosabatini bildiradi" (Bolshaya psixologicheskaya entsiklopediya. – Moskva: Eksmo, 2007. – S. 396).

So'zlashish (suhbatlashish) jarayonida ikki yoki undan ortiq kishilarning bir-birlariga, atrof-muhitga, o'zlarini o'rab turgan ijtimoiy va moddiy borliqqa nisbatan munosabatlarini bildirishda muhim ahamiyat kasb etib, jamoatchilik tomonidan tan olingan me'yor (qoida)larga amal qilish har bir shaxs zimmasidagi burch sanaladi. Bu burchning to'la bajarilishi esa shaxs tomonidan so'zlashuv me'yorlarining puxta o'zlashtirilishini taqozo etadi. Shu bois oilada va ta'lim muassasalarida bolalarni yoshlikdan so'zlashish me'yorlari

bilan tanishtirib borish muhim ijtimoiy-pedagogik vazifalardan biridir.

Tayyorlov guruhidagi bolalarda yosh xususiyatlariga ko'ra "nutq zarur darajada o'sgan bo'lib, aktiv (faol) va passiv (sust) lug'ati ancha taraqqiy etganligi tufayli, tarbiyachi tushuntirishlarining ma'nosini yaxshi anglay oladi" (Pedagogika / Pedagogika institutlari uchun darslik. Akad. S.R.Rajabovning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: "O'qituvchi", 1981. – 50-bet). SHu bois maktabgacha va kichik maktab yoshidagi bolalarga so'zlashuv (muomala) me'yorlari to'g'risida ma'lumotlarni berish orqali ularni atrof-dagilar bilan o'zaro muloqotni to'g'ri tashkil etish ko'nikma va malakalarini shakllantirishga e'tibor qaratish bu yo'lda pedagogik faoliyatni samarali olib borishda qiyinchilik va murakkabliklarni yuzaga keltirmaydi.

**- Tahlil va natijalar (Analysis and results).** Maktabgacha ta'lim yo'nalishidagi tayyorlov guruhi tarbiyalanuvchilari hamda kichik maktab yoshidagi bolalarda so'zlashuv me'yorlariga amal qilish ko'nikma hamda malakalarini shakllantirish quyidagi vazifalarni bajarish orqali ta'minlanadi:

1. Bolalarni "so'zlashish" hamda "muomala", shuningdek, "so'zlashish me'yorlari" ("muomala me'yorlari") kabi tushunchalar bilan tanishtirish.

2. Bolalarga so'zlashuv (muomala)ning, kishilar o'rtasida o'zaro munosabatlarni tashkil etishdagi ijtimoiy va shaxsiy ahamiyatini ko'rsatib berish.

3. Bolalarda so'zlashuv (muomala) me'yorlariga amal qilmaslikning salbiy oqibatlaridan xabardor qilish.

4. Bolalarni nutqiy murojaat turlari bilan yaqindan tanishtirish.

5. Bolalar tomonidan so'zlashuv (muomala) me'yorlari to'g'risidagi tushunchalarning yetarlicha o'zlashtirilishi uchun sharoit yaratish.



6. Bolalarda ijtimoiy sub'ektlar (ota-onalar, oilaning boshqa a'zolari, o'qituvchilar, sinfdoshlar, tengdoshlar, shuningdek, ularning atrofidagi boshqa kishilar) bilan to'g'ri so'zlashish ko'nikmalarini shakllantirish.

Bolalarni "so'zlashish" hamda "muomala", shuningdek, "so'zlashish me'yorlari" ("muomala me'yorlari") kabi tushunchalar bilan tanishtirishda ularni quyidagi ma'lumotlar bilan tanishtirish maqsadga muvofiqdir:

"So'zlashish" – bolalar va kattalar tomonidan fikrning og'zaki bayon etilishi.

"Muomala" – bolalar va kattalarning bir-birlari bilan so'zlashuvi.

*So'zlashish, muomala* – bu ikki yoki undan ko'p bola yoki katta kishilar o'rtasida o'zaro aloqani yuzaga keltiradigan jarayon.

"So'zlashish me'yorlari" – bolalar yoki kattalar tomonidan fikr og'zaki bayon etilayotganda amal qilinishi zarur bo'lgan talablar.

"Muomala me'yorlari" – bolalar yoki kattalar bir-birlari bilan so'zlashayotganlarida amal qilinadigan talablar.

So'zlashish orqali bolalar va kattalar bir-birlari bilan aloqa qiladilar, bir-birlarining holidan xabardor bo'ladilar. So'zlashish chog'ida bolalar yoki kattalarning orzu-istaklari, o'y-niyatlari, orzu-umidlari, intilishlari va maqsadlari to'g'risida ma'lumotlarga ega bo'linadi. Bolalar va kattalar so'zlashish orqali bir-birlariga yordam kerakligini anglaydilar va muhtojlarga yordam berishga shoshiladilar.

So'zlashish har bir bola yoki katta yoshli kishi uchun zarur. Chunki so'zlashish orqali atrofda sodir bo'layotgan voqea-hodisalardan xabar topiladi. SHu bilan birga so'zlashish natijasida turli ma'lumot, axborot va bilimlar o'zlashtiriladi.

Bolalarda so'zlashuv (muomala) me'yorlariga amal qilmaslikning salbiy oqibatlaridan xabardor qilish bo'yicha o'quvchilarning e'tiborlariga quyidagi ma'lumotlar havola etilishi mumkin:

Bolalar va kattalar bir-birlari bilan o'zaro so'zlashganlarida ma'lum qoidalarga amal qilishlari lozim. Agarda mavjud qoidalarga amal qilinmasa, quyidagi salbiy holatlar ro'y beradi:

- o'zini noqulay ahvolga qo'yish;
- suhbatdoshiga hurmatsizlik qilish;
- suhbatdoshining ko'nglini og'ritish;

- suhbatdoshlar o'rtasidagi do'stlik, o'rtoqlikka rahna solish;

- o'z fikrini yetarli bayon qila olmaslik;

- maqsadini suhbatdoshiga tushuntira olmaslik;

- qo'pol muomalasi yoki gaplari uchun suhbatdoshdan tanbeh eshitish;

- suhbatdoshida o'zi haqidagi noto'g'ri fikrning yuzaga kelishiga sababchi bo'lish;

- atrofdagilarning o'ziga bo'lgan hurmatini yo'qotish.

Bolalarga ular tomonidan so'zlashuv (muomala) me'yorlari to'g'risidagi tushunchalarning yetarlicha o'zlashtirilishi uchun sharoit yaratish ham muhim talablardan biri sanaladi. Bu o'rinda ularning e'tiborlariga quyidagi ma'lumotlarni havola etish mumkin:

Suhbat mazmunidan kelib chiqqan holda so'zlashish turlicha namoyon bo'ladi. Ular quyidagichalardan iborat:

- 1) salomlashish;
- 2) tanishish;
- 3) iltimos qilish;
- 4) savol berish;
- 5) minnatdorchilik bildirish.

Salomlashish ikki kishining bir-biri bilan uchrashishi vaqtida bir-birlaridan hol-ahvol so'rash sanaladi. Salomlashish vaqtida suhbatdoshlarning yuzlari ochiq bo'lishi, tabassum qilishlari, bir-birlariga yaxshi niyatlarni ifodalovchi so'zlarni aytishlari talab qilinadi.

Shu bilan birga o'quvchilar salomlashishda quyidagi talablarga amal qilishlari lozim:

1) salomlashish so'zlari sifatida qabul qilingan so'z va iboralardan foydalanish:

- bunda agar o'rtoqlar bilan uchrashib qolinsa, u holda "Salom", "Yaxshimisan?", "Ishlaring yaxshimi?" deb murojaat qilish;

- kattalar bilan uchrashilganda esa qo'lni o'ng ko'krak ustiga qo'shgan holda "Assalomu alaykum", "Ahvollaringiz yaxshimi?", "Sog'liqlaringiz yaxshimi?", "Charchamay yuribsizmi?" kabi iboralarni qo'llash maqsadga muvofiqdir.

2) salomlashish vaqtida qo'pol yoki jargon (buzib ishlatiladigan) so'zlarni qo'llamaslik yoki noma'qul harakatlarni qilmaslik:

- tengdoshlar, o'rtoqlar bilan uchrashganda "Privet", "Chao", "Somalaykum" (arabchadan tarjima qilinganda bu so'z "Sizga o'lim tilayman" ma'nosini anglatadi);

- o'rtoqlar bilan uchrashganda hech qanday so'zsiz, bugungi kunda urf bo'lganidek, o'zaro bosh urishtirish;

- o'rtoqlar bilan o'pib ko'rishmaslik.

Agarda o'zaro uchrashgan kishilar bir-birlariga notanish bo'lsalar, u holda suhbat tanishishdan boshlanadi. Tanishish chog'ida ham ma'lum talablarga rioya qilinishi shart. SHu sababli boshlang'ich sinf o'quvchilariga ham tanishish vaqtida amal qilinadigan qoidalar to'g'risida ma'lumot berish, ularda tanishish jarayonini to'g'ri uyushtirish ko'nikma-malakalarini shakllantirishga e'tibor qaratish lozim.

Bolalar asta-sekin tanishish chog'ida quyidagi iboralarni qo'llashga odatlanishlari kerak:

1. Siz bilan tanishishga ruxsat eting!
2. Siz bilan yaqindan tanishishni xohlardim!
3. Keling, tanishaylik!

So'zlashishda, odatda, biror-bir narsa yuzasidan iltimos qilishga ham to'g'ri keladi. Bu holda dastlab uzr so'rash kerak. Chunki murojaat qilinadigan kishi biror ish bilan mashg'ul bo'lishi yoki biror narsani o'ylayotgan bo'lishi mumkin. Shuning uchun "Uzr!", "Kechirasiz!", "Ruxsat bersangiz!" kabi so'zlar bilan murojaat qilib, keyingina, "Iltimos!", "Mumkin bo'lsa...", "Agar Sizga noqulay bo'lmasa...", "Agar Sizga qiyinchilik tug'dirmasa..." degan holda iltimos qilish zarur.

Suhbatlar chog'ida savol bilan murojaat qilishga nisbatan ham talablar qo'yiladi. Bu talablar quyidagilardan iborat:

1) oilada, jamoa joylarida savol berishga to'g'ri kelsa yoki savol berish ehtiyoji tug'ilsa, u holda shunday yo'l tutiladi:

- dastlab uzr so'raladi;

- savol bilan murojaat qilinadi (savol bilan murojaat qilinganda "So'rasam mumkinmi?", "Bir savol bersam maylimi?", "Ayta olmaysizmi?", "Ko'rsatib yuborolmaysizmi?", "Marhamat qilib, menga aytsangiz!", "Tushuntirib qo'ya olmaysizmi?" kabi iboralardan foydalanish odob qoidalaridan sanaladi);

2) ta'lim muassasasida dars vaqtida o'qituvchiga savol bilan murojaat qilishga to'g'ri kelsa, u holda quyidagicha yo'l tutish to'g'ridir:

- o'ng qo'l ko'tariladi;

- o'qituvchi ruxsat bergandan so'ng savol bilan murojaat qilinadi;

- bordi-yu, o'qituvchi savol berishga ruxsat bermasa, u holda dars tugashi kutib turiladi va mashg'ulot yakunida yoki mashg'ulot tugagandan keyin o'qituvchiga savol beriladi.

Belgilangan qoidaga muvofiq, dars vaqtida savol istalgan paytda berilmaydi, balki, o'qituvchining yoki so'zlayotgan o'quvchi so'zini tugatgandan keyin, yoki umuman, mashg'ulot tugagandan keyingina savol bilan murojaat qilish lozim. Odatda o'qituvchilar mavzuni tushuntirib bo'lganlaridan keyin o'quvchilardan "Savollar bormi" deb so'rashadi. SHu vaqtda o'quvchi o'zini qiziqtirayotgan savolni berishi mumkin.

So'zlashish jarayonida, shuningdek, suhbatdoshga minnatdorchilik bildirishga ham to'g'ri keladi. Bunda ham muayyan qoida (talab)larga rioya qilish kerak. Ya'ni:

1) ochiq so'z, salgina tabassum qilish;

2) umumiy axloqiy me'yorlardan kelib chiqqan holda ma'lum so'zlarni qo'llash (bunda "Rahmat", "Tashakkur", "Minnatdorman", "Sog' bo'ling!", "Uzoq umr ko'ring!", "Ishlaringiz o'ngidan kelsin!", "Kuningiz xayrli o'tsin!", "Omadingizni bersin!" kabi so'z va iboralardan foydalanish mumkin).

So'zlashish me'yorlariga ko'ra suhbat chog'ida suhbatdoshga to'g'ri murojaat qilish ham muhim hisoblanadi. Suhbatlar chog'ida odatda suhbatdoshga "Sen" yoki "Siz" deb murojaat qilinadi. Bunda suhbatdoshning yoshi va o'ziga qay darajada yaqinligi inobatga olinadi. O'zbek xalqida tengdoshlarga nisbatan "Sen", katta yoshdagilarga nisbatan esa "Siz" deb murojaat qilinadi.

Tashkil etilayotgan suhbatning suhbatdoshlar uchun samarali bo'lishi uchun yana bir qoidaga amal qilish zarur. Bu suhbat vaqtida suhbatdoshning ismini aytishdir. Odatda, bolalar va yoshlar suhbatdoshlariga ularning ismlarini to'liq yoki qisqartirilgan holda aytib murojaat qilishadi. Milliy qadriyatlarimizga ko'ra inson ismini to'liq aytish talab etiladi. Islom ta'limoti g'oyalarini ifoda etuvchi manbalar va zamonaviy psixologik tadqiqotlarning natijalariga ko'ra har bir so'zda o'ziga xos quvvat mavjudligi aniqlangan. SHu sababli, har bir kishiga o'z ismini eshitish yoqimli tuyuladi. Ismni qisqartirib yoki buzib aytish odobsizlik hisoblanadi.

**Xulosa va takliflar (Conclusion/Recommendations).** Shunday qilib, so'zlashish (suhbatlashish) ikki yoki undan ortiq kishilarning birlariga, atrof-muhitga, o'zlarini o'rab turgan ijtimoiy va moddiy borliqqa nisbatan munosabatlarini bildirish jarayoni sanaladi. Kishilar o'zaro so'zlashish (suhbatlashish) vaqtida jamoatchilik tomonidan tan olingan me'yor (qoida)larga amal qiladilar. Shu sababli maktabgacha ta'limning tayyorlov guruhlaridagi tarbiyalanuvchilarni va boshlang'ich sinf o'quvchilarini so'zlashish me'yorlaridan xabardor qilishga alohida e'tibor qaratish lozim.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Milliy istiqlol goyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. - T.: Uzbekiston, 2000. - 64 b.

2. Abdullaeva SH. Pedagogicheskie tekhnologii razvitiya poznavatel'g'nqx tvorcheskix sposobnostey uchao'ixsya mladshix klassov: Diss. ... kand. ped. nauk.-T.: 2005.-175 s.

3. Abdullayeva Q., Yusu'ova M., Rahmonbekova S. Odobnoma /2-sinf uchun darslik. - T.: "Mehnat", 2001. - 96 b.

4. Adizov B.R. Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari: P.f.n... diss. - T.: 2002. - 276 b.

5. Adizov B.R. Boshlang'ich ta'limni ijodiy tashkil etishning nazariy asoslari: <http://ru.wiki'edia.org/wiki>

6. [http://www.gou'32441.narod.ru/files/og'/001\\_o'orn\\_kons'ekt/2010-08-1.html](http://www.gou'32441.narod.ru/files/og'/001_o'orn_kons'ekt/2010-08-1.html)

7. <http://www.7ya.ru/article/'ravila-dorozhnogo- dvizheniya-dlya-malyshej/>

8. [http://de.3dn.ru/'ubl/43-1-0-1\\_14](http://de.3dn.ru/'ubl/43-1-0-1_14)

9. [http://www.'ro'aganda-bdd.m/index.'h'?act='ages&id=1\\_87](http://www.'ro'aganda-bdd.m/index.'h'?act='ages&id=1_87)

10. <http://www.rusedu.info/CM'ro-v-74.html>

*Н.Н.Нарзиева – кафедраси мудири, н.ф.ф.д. (PhD) СамВМИ*

## ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРГА АСОСЛАНИБ ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

### Аннотация

Ўқувчиларда таянч компетенцияларга асосланиб тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириши, ўқув-тадқиқот ишлари, ўқувчиларнинг билиш жараёни даражасларини тубдан ўзгартиради ва у фан-техника тараққиётининг асосини ташкил этади.

**Калит сўзлар:** ўқитувчи, таълим, ўқувчи, тадқиқотчилик, компетенция, кўникма, гуруҳ, шакллантириши, тарбия, педагог, мустақил ижод.

## МЕТОДЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОСНОВНЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ

### Аннотация

Формирование исследовательских умений у студентов на основе базовых компетенций, учебно-исследовательской работы коренным образом меняет уровень учебного процесса студентов, что составляет основу научно-технического прогресса.

**Ключевые слова:** педагог, образование, студент, исследование, компетентность, умение, группа, формирование, воспитание, педагог, самостоятельное творчество.

## THE METHODS OF FORMATION OF RESEARCH SKILLS IN STUDENTS BASED ON BASIC COMPETENCIES

### Annotation

The formation of research skills in students based on basic competencies, teaching and research work, radically changes the level of students' learning process, and it forms the basis of scientific and technological progress.

**Keywords:** *teacher, education, student, research, competence, skill, group, formation, upbringing, educator, independent creativity.*

**Кириш.** Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнини ҳар босқичида ҳикоя, суҳбат, муаммоли машқлар бажартириш, меҳнат топшириқлари, таълим берувчи ўйинлар, ўқув-мунозаралари, таълим жараёнидаги рағбатлантириш ва танбех бериш, ўқув материаллини муаммоли тарзда ўргатиш, муаммоли суҳбат, тадқиқотлар, индуктив ва дедуктив муҳокамалар, китоб билан мустақил ишлаш, оғзаки сўров, ёзма ишлар, ижод, дастурлаштирилган таълим, мустақил назорат ишлари сингари методлар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда самара беради. Лекин, бугун нафақат етук, билимли мутахассис, балки соғлом маънавиятли **шахс**, баркамол инсон шакллантиришни талаб қилмоқда. Бунинг учун ўқитувчиларга комил инсонни тарбиялаш йўллари белгилаб бериш, уларни шундай мақсад учун зарур бўлган методик қўлланмалар, педагогик ашёлар билан таъминлаш зарур.

Мактаб амалиётида усул, кўпинча, метод билан бир нарса ёки методнинг бир қисми деб қаралади. Аслида усуллар методларни юзага келтирувчи, уни ташкил қилувчи унсурлардир. Масалан, таълимнинг муаммоли методи *муаммоли вазият яратиши, ўқув фаразларини шакллантириши*, уларни *исботлаш* сингари усулларни ўз ичига олади. Ўқувчиларни тадқиқотчиликка йўналтирувчи *муаммоли, суҳбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив* сингари мантиқий таълим методларида ҳам *ўрганилаётган ўқув материалдан муҳимни ажратиши, ўрганилаётган ҳодисанинг умумий ёки хусусий жиҳатларини топиб тасниф қилиши, тизимга солиши, аниқликлар киритиши, исботлаш* сингари усуллардан фойдаланилади.

Педагог-олим Б.Х.Рахимов ўз тадқиқотларида: “Аввало, ўқитувчи ўқувчилар олдига муаммо қўяди ва унинг таърифини айтиб ўтади, ўқувчилар эса муаммони ечиш учун йўл-йўриқ қидирадилар. Сўнгра ўқитувчи ўқувчилар олдига муаммони мустақил таърифлаш вазифасини қўяди-да, уни ечишга ўзи йўлланма беради. Шундан сўнг эса ўқитувчи муаммога ишора

қилмайди, балки ўқувчиларни мустақил таҳлил қилиб чиқиш, ундан сўнг таърифлаш, ечиш усуллари ва имкониятларини қидириб топишга ўргатади” [1, 2] -дейди.

Суҳбат методи ўқувчи тафаккури мустақиллигини таъминлашда муаммоли таълимдан кейинги асосий метод ҳисобланади. А.Тожиёвнинг “Адабиёт дарсларида суҳбат” қўлланмасида мустақил ижодий таълим самарадорлигини таъминлашда суҳбат методининг ўрни ва аҳамияти очиқ берилган [3].

**Асосий қисм.** Бугунги кунда узлуксиз таълим жараёнида қўлланилаётган “Ақлий ҳужум”, “Ҳар ким ҳар кимга ўргатади”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим”, “6х6х6”, “Кластер”, “Қарорлар шажараси” сингари методларнинг айримларидан мустақил ижодий таълим жараёнидаги бадиий асар таҳлилида ҳам фойдаланиш мумкин. Аслини олганда, бу методларнинг таълимдаги мантиқий методлардан фарқи унча катта эмас.

Интерфаол методлар ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутаяди. Қисқа вақт мобайнида маълум назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда маълум фаолият юзасидан кўникма, малака ҳосил қилиш, шу билан бирга уларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва чакқонликни талаб қилади.

“6х6х6” мустақил ижодий таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган методларнинг яна биридир. Мазкур методдан кичик матнлар устида ишлаш учун фойдаланганда ўқитувчидан педагогик маҳорат ва зийраклик, гуруҳларни шакллантира билиш талаб қилинади. Бу методда синфдаги ўқувчилар олти-олтитадан олти гуруҳга бўлинади. Жами 36 ўқувчи иштирок этади. Гуруҳларга муайян номлар берилади. Дарс мавзуси эълон қилиниб, маълум вақт белгиланади. Ўқувчилар мавзу атрофида баҳслашадилар, ўз муносабатларини билдирадилар. Мавзу бўйича белгиланган вақт яқунлангач,

ўқитувчи гуруҳларнинг аъзоларини алмаштиради. Янги гуруҳда аввалги гуруҳдан битта вакил қолади ва у ўз гуруҳининг мавзу юзасидан чиқарган хулосаларини янги гуруҳга баён этади. Янги гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳнинг фикр ва хулосаларини ўрганадилар, унга ўз муносабатларини билдирадилар. Шу тариқа киска вақт оралиғида ўқувчилар томонидан ҳам мавзу юзасидан фикр билдирилади, ҳам бу фикрлар уларнинг ўзлари томонидан таҳлил қилинади.

Гуруҳдаги ўқувчилардан кичик гуруҳлар ташкил этишда:

1. Гуруҳлар ўқитувчи томонидан белгиланади.

2. Гуруҳга раҳбарлик қила оладиган ўқувчи ва гуруҳ аъзолари олдиндан аниқ белгилаб олинади.

3. Ҳар бир гуруҳга зехнли ва қобилиятли ҳамда бўшроқ ўзлаштирадиган ўқувчилар, имкон қадар, тэнг тақсимлашга ҳаракат қилинади. Гуруҳлар бир-бирига муносиб аъзолар билан тўлдирилади ва вазифалари белгиланади.

4. Гуруҳ раҳбари ва аъзоларига вазифалари тушунтирилади.

5. Ҳар бир гуруҳ доира шаклида ўтириши, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бир-бирини кўриб туриши шарт.

6. Иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига, ғояларига эътибор бериб борилади. Яхши ғоя эгалари рағбатлантирилади.

Бундай гуруҳларни ташкил этишдан аввал: ўқувчиларнинг шу ишни бажаришга билим ва малакалари етарлилигига ишонч ҳосил қилиш; гуруҳларга аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш; вазифанинг бажарилиши учун етарли вақт ажратиш; ўз вазифасини вақтдан илгари бажарган синфнинг бандлигини

таъминлашга тайёр бўлиш; кўйиладиган масала мураккаб бўлганда гуруҳ аъзолари сонини кенгайтириш; баҳолаш ва мукофотлаш жараёнининг гуруҳ аъзоларига таъсирига тайёрланиш; кучли гуруҳларни мукофотлаш; бажарилган иш натижасини қандай топшириш йўллари ҳақида ўйлаб кўриш ва маълум қилиш; жамоанинг эркинлигига имконият яратиш керак бўлади.

**Таҳлил.** Маълумки, мустақил ижодий таълимда бу методларнинг барчаси замирида асарларнинг бадиий таҳлили ётади. Асарларни ҳар хил методлар кўмағида ўқув таҳлилига тортишда, улар билан ишлаш борасида ўқувчиларнинг тасаввурларини уйғотадиган, мантикий мулоҳаза юритишга ундайдиган, фақат ўз фикри ва хулосасини айтишга мажбур қиладиган савол-топшириқлар бериш лозим [4,5].

Ўқувчиларнинг мустақил равишда фикр юритиш, билим олиш ва ижодкорлик қобилиятини тарбиялашга эришиш бугунги умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бўлиши мақсадга мувофиқ.

Биз 4-синф табиатшунослик дарсларида ўқувчиларни мустақил, эркин фикрлашга, мавзулар бўйича эгаллаши лозим бўлган билимларни ўзлари изланиб топишлари учун педагогик технологиянинг “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Дебат”, “Венн диаграммаси” методлари асосида ишлашга йўналтирдик ва бу жараён ўқувчида изланувчанлик ва тадқиқот фаолияти шаклланишига ёрдам беради. Куйида биз 4-синф табиатшунослик дарслигидаги “Ўзбекистондаги табиий бойликлар” мавзусини ўқитишда ўқувчиларда таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик фаолиятини таркиб топтиришга доир иш тажрибаларимизни таништирамиз (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### “Ўзбекистондаги табиий бойликлар” мавзусини ўқитишда ўқувчида таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик фаолиятини таркиб топтириш

Мавзунини танлаш, муаммоларни аниқлаш	Саволларни белгилаш		Тадқиқот ўтказиш
Ўзбекистондаги табиий бойликлар	Дарслик мавзусида берилган саволлар. 1. Табиий	Муаммоли саволлар кўйилиши. 1. <i>Ижтимоий</i> <i>фаол</i>	Дарслик, кўшимча манбалар,

	<p>бойликлар деб нимага айтилади?</p> <p>2. Табиий бойликларга нималар киради?</p> <p>3. Тугайдиган табиий бойликларга мисол келтиринг?</p> <p>4. Тугамайдиган табиий бойликларга нималар киради?</p> <p>5. Қайта тикланадиган табиий бойликларни нима учун муҳофаза қилиш керак?</p>	<p><b>фуқаролик компетенцияси доирасида.</b> Ўзбекистондаги табиий бойликларни табиий муҳит омиллари билан боғлаб тушунтиринг .</p> <p>2. <b>Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси доирасида.</b> Сизнингча, табиий бойликлар қандай ҳосил бўлади?</p> <p>3. <b>Коммуникатив компетенция доирасида</b> Тугайдиган табиий бойликларга сув ва ерости бойликлари киради. Шундайми? Ёки уларнинг биронтаси тугамайдиган бойликми?</p> <p>4. <b>Коммуникатив компетенция доирасида</b> Куёш нури, ўсимликлар, ҳайвонлар, шамол, ҳаво, сув буларнинг қайсилари тугамайди. Фикрингизни изоҳланг.</p> <p>5. <b>Ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси доирасида</b> Қайта тикланадиган табиий бойликларни асраш учун сиз қандай ҳисса қўша оласиз?</p> <p>6. <b>Математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси доирасида</b> Ўзбекистоннинг табиий бойликлари акс эттирилган “Маълумотлар дарахти”ни яратинг ва таҳлил қилинг.</p>	<p>интернет манбаларидан табиий бойликларга мос маълумотлар ўрганилади.</p> <p>Улар тизимга солинади.</p> <p>Натижалар таҳлил қилинади.</p> <p>Хулосалар тайёрланади.</p>
--	---	---	---

Ўқувчилар муаммоли саволларга жавоблар тайёрлаш учун дарслик, ўқув қўлланмалар, интернет манбалари, электрон дарслик асосида ишлайдилар, олган маълумотларни тизимга соладилар, тақдимот учун асосий тушунчаларни ажратадилар, берилган муаммо ечимларини асослаб бериш

учун изланадилар ва ўқувчилар тадқиқотчилик фаолиятига йўналтирилади.

Ўқувчини тадқиқотчилик фаолиятига йўналтирилган дарслар:

- фанга қизиқишини оширади;
- мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради;

- ўқувчи фаоллигини оширади;
- ўқувчиларнинг дарслик ва бошқа кўлланмалар билан ишлашга ўргатади;
- ахборот технология медиатаълим манбалари билан ишлаш малакалари шаклланади;
- мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашади.

**Хулоса.** Юқорида қайд этилган омиллар ва тамойилларга асосланган ҳолда, хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш жоизки, ўқувчиларда таянч компетенцияларга асосланиб тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш, ўқув-тадқиқот ишлари, ўқувчиларнинг билиш жараёни даражасларини тубдан ўзгартиради ва у фан-техника тараққиётининг асосини ташкил этади.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Рахимов Б.Х. Талаба-ёшларни илмий-тадқиқот ишларига йўналтиришнинг ижтимоий-педагогик асослари. Пед.ф.д. дисс.Т.: 2009. -Б. 20, 31, 90.

2. Турдиев Н.Ш., Шоисаева Г. Ўқувчиларда предметга оид компетенцияларни шакллантириш/“Умумтаълим фанлари методикаси” маънавий-маърифий, илмий, методик журнали. 2016. № 5. -Б. 4-6.

3. Тожиёв А. Адабиёт дарсларида суҳбат. –Т.: Ўқитувчи, 1997. –Б.153.

4. Яминова С. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш. Пед. фан. ном ...дисс. – Т.: 1997. –Б.168.

5. Научная библиотека диссертаций и авторефератов disser Cat <http://www.dissercat.com/content/razvitie-issledovatel'skoi-kompetentnosti-starsheklassnikov-v-usloviyakh-profilnogo-obucheniya#ixzz4sXVDDvrc>

Д.А.Комилова-ўқитувчи. АнДУ

## МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

### Аннотация

Мақолада мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг долзарблиги асосланган. Болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари ёритилган. Тарбиячи-педагогларнинг педагогик вазифалари келтирилган.

**Таянч сўзлар:** компонент, коммуникатив, компетенция, дидактик, технологик, ижтимоий-ҳиссий, қадрият, мезон, ижтимоий хулқ, ижтимоий-психологик.

## ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ У ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА КАК СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

### Аннотация

В статье раскрыта актуальность формирования коммуникативной компетенции у дошкольников, описаны педагогические аспекты формирования коммуникативной компетенции у детей. Даны педагогические задачи педагогов-воспитателей.

**Ключевые слова:** компонент, коммуникативный, компетентность, дидактический, технологический, социально-эмоциональный, ценностный, критерий, социальное поведение, социально-психологический.

## FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE IN PRESCHOOL AGE AS A SOCIAL AND PEDAGOGICAL PROBLEM

### Annotation

*The article reveals the relevance of the formation of communicative competence in preschoolers, describes the pedagogical aspects of the formation of communicative competence in children. The pedagogical tasks of teachers-educators are given.*

**Key words:** *component, communicative, competence, didactic, technological, socio-emotional, value, criterion, social behavior, socio-psychological.*

Тез ўзгараётган даврда инсонларнинг ўзаро бир-бирига мулоқот қилиш жараёни муҳим ўрин тутди. Бу эса фаолиятнинг самарали натижаси ҳамда ўзаро муносабат қилиш жараёни билан боғлиқдир. Бола шахсининг самарали мулоқотининг энг зарур компонентларидан бири коммуникатив компетенциянинг шаклланганлигидир. Маълумки, инсонларнинг коммуникатив компетенцияси таркибига бошқалар билан ўзаро ҳаракат қилиш, ўқув жараёни, ишлаб чиқариш, маданий ва ижтимоий ҳаётда мулоқот юритишда фойдаланиладиган турли белгилар яъни нутқ, тил ва вазиятлар киради. Болаларнинг шахс сифатида шаклланишида таълимнинг илк бўғини бўлган мактабгача давр муҳим саналади. Бу даврда болалар атроф олам ва жамият, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги барча маълумотларни жуда тез ўзлаштирадilar. Мактабгача ёш даврида ўзлаштирилган билим ва кўникмалар бутун ҳаёти давомида асқотади. Бугунги кунда мактабгача таълим соҳасида жуда катта ислохотлар амалга оширилмоқда бироқ, ўқув-тарбиявий жараёнда турлича ёндашувлар олиб борилса-да, болаларнинг мактаб таълимига мослашиши, тенгдошлари ва атрофдагилар билан самарали мулоқотга киришиши қийин кечмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларни комплекс ривожлантириш орқали уларни мактаб таълимига интенсив тайёрлаш масаласи долзарб саналмоқда. Мазкур ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияларни шакллантириш мактаб таълимига тез ва самарали мослашиш омили ҳисобланади. Коммуникатив компетенция ижтимоий тавсифга эга бўлиб, уни болаларда шакллантириш учун умумдидактик, хусусий тамойилларга ва инновацион ёндашувларга асосланган жараённи ташкил этиш тақозо этилади.

Дунёда иккинчи муаллим унвонига эга бўлган Абу Наср Форобий “Бахт-саодатга эришув тўғрисида” асарида “инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиш, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади. Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади”-деб ёзади [7;82-б]. Дарҳақиқат, шахс камолотида уни ўзгалар билан самарали мулоқоти, дунёқараши ва коммуникативлиги муҳим ўрин эгаллайди.

Коммуникатив компетенция тушунчасининг илк бор Америкалик антрополог-лингвист олим (D. Hymes, 1972) Делл Хаймсом аниқлаган, унинг фикрича “коммуникатив компетенция латинча сўз бўлиб, мос келиш, ўхшаш, эришаман маъноларини англатади, коммуникация жараёнида грамматика қоидаларига амал қилиш ва тилдан фойдалана олиш қобилиятидир” [3;130-132 б]. Ушбу жараённинг технологик тузилмаси ва дидактик таъминоти педагогларда касбий компетенциялар ва нутқий маданиятнинг шаклланганлигига ҳам бевосита боғлиқдир. Санаб ўтилган вазифалар мактабгача таълим мазмуни, унга қўйилувчи давлат талаблари кўлами доирасида амалга ошади.

Психолог олим Р.С.Немов компетентликка қуйидагича фикр билдиради: “компетентлик аниқ бир билимни эгаллаш, қандайдир бир соҳанинг имкониятларидан хабардор бўлиш”[4;5-б]. Олимнинг фикрига кўра мактабгача катта ёшдаги болаларда ҳам коммуникатив компетенцияни шакллантиришда уларга пухта билим бериш, бутун олам ва атроф-муҳитдаги нарса-ҳодисалар ҳақида тўлиқ маълумот бериш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талабларида бола компетенцияси тушунчасига маълум бир ёш



даврига хос бўлган вазифаларни мақсадли бажариш учун етарли бўлган боланинг билими, кўникмаси, малакалари ҳамда кадриятлари деб таъриф берилади [1;3-6] Мактабгача таълим-тарбия жараёнида мазкур компетенцияни бажариш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, мактабгача таълим муассаса-сининг “Илк қадам” Давлат ўқув дастурида мактабгача ёшдаги болалар ривожланишининг соҳа компетенциялари таркибида коммуникатив компетенция алоҳида мезон сифатида белгилаб берилган бўлиб, мулоқот воситаларидан турли вазиятларда фойдалана билиш кўникмаси деб изоҳланган [2;7-6]. Шу билан боғлиқ ҳолда бажарилиши режалаштирилаётган тадқиқот давлатнинг ижтимоий буюртмаси талабларини бажаришга оид вазифаларни кўзда тутади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда мактабгача таълим талабларидан бири сифатида замонавий таълим тенденцияларига таянилади. Давлат талабларининг ижтимоий-ҳиссий ривожланиш соҳасида мактабгача катта ёшдаги болалар тенгдошлари ва катталар билан мулоқот малакаларини ривожлантиришга қодирлиги, мулоқот давомида ўз фикрини, ҳиссиётлари ва тасуротларини намоён этади, таниш инсонлар билан осон мулоқотга киришади, ижтимоий хулқ қоида ва меъёрларга бўйсунуши кўрсатилган [1;17-18-6].

Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш соҳасида мактабгача ёшдаги болалар жамият томонидан қабул қилинган меъёр ва кадриятларни ўзлаштириш, маънавий-миллий кадриятларни англаш, тенгдошлари, катталар билан мулоқотни ривожлантириш, мулоқотда мустақил бўлиш, ўз хатти-ҳаракати ва қарашларини мақсадли йўналтириш ижтимоий-ҳиссий интеллектни ривожлантириш, тенгдошлари билан ҳамкорликдаги фаолиятга тайёр бўлиш, оиласи, катталар ва ўртоқларига ҳурмат билан қараш каби талабаларга эътибор қаратилади. Амалиётдаги кузатишларимиз шуни кўрсатдики, мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш катталар ва педагог-тарбиячилар назаридан четда қолмоқда. Аксарият болалар ўзаро бир-бирларини

тушунмайдилар, тинглашни ҳам истамайдилар, жаҳлдорлик аломатлари сезилади ва ўзаро келиша олмасликларидан кичик низолар келиб чиқиши юзага келмоқда. Юзага келган ушбу ҳолатлар нафақат болаларни ўзаро мулоқотига тўсиқ бўлади, балки таълимий-тарбиявий жараёнларга ҳам халал беради. Коммуникатив компетенцияга мактабгача ёшдаги болалар характерининг асоси сифатида қараш мумкин, ижтимоий ва интеллектуал ривожланишида зарур восита дейиш мумкин. Болалар жамоавий ўйинлар, куриш яшаш ва бадиий ижод қилишда ўзаро мулоқот натижасида самарали фаолиятга эришадилар. Мактабгача таълим даврида болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришда уларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. Бу вазифаларни амалга оширишда замонавий технологияларга асосланса, болаларнинг мактаб таълимига мослашиши самарали кечади. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ўзгалар билан мулоқотга киришишида муаммолар юз бериши, уларда ижтимоий кўникмаларни етарлича шаклланишига тўсқинлик қилади. Яъни тенгдошлари ва катталар билан самарали мулоқот қила олмаган бола муносабатларда эркин иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда қулай ҳаракатланиш имкониятига етарлича эга бўлмасликдан қийналади. Шу боис, тадқиқот ишимизда илгари сурилган ғоя бу, катта мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантириш орқали уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, мулоқотчанликни ривожлантириш орқали жамиятга мослаштиришдан иборат.

Ҳозирги кунда мактабгача таълим жараёнида болаларда коммуникатив компетенция етарли даражада шаклланимаяпти. Натижада мактаб таълимига қадам қўйган болаларнинг аксарияти турли ҳаётий вазиятларда муаммога учрамоқдалар. Маълумки, болалар мактабгача таълимда олган билим ва кўникмаларини мустақил фикрлаш орқали намоён этишлари лозим, бироқ уларда сўз бойлигини етарли эмаслиги сабабли мулоқотга қийинчилик билан киришади. Шунинг учун ҳам уларни нутқини ривожлантириш, луғат захирасини бойитиш зарур. Мактабгача таълим

ташкilotида болалар тарбиячи-педагоглар, тенгдошлари билан мулоқотда бўладилар. Аксарият ота-оналарда болалар таълим-тарбияси билан фақат тарбиячи-педагоглар шуғулланиши керак-деган тушунча шаклланган. Улар фарзандлари билан оилада мунтазам суҳбатлашмайдилар, болаларнинг саволларига тўлиқ жавоб қайтармайдилар, сўзлашиш кўникмаларини шаклланишига эътибор қаратмайдилар. Пировардида болалар ўзгалар ва тенгдошлари билан мулоқот қилишда қатор тўсиқларга учраши табиийдир. Болалар мактабгача таълими даврида ижтимоий ҳаёт кўяётган талабларни билиши, атрофдагилар ва тенгдошлари билан мулоқотга киришиш, ўз “МЕН”ини намоён қилиш каби кўникма ва малакаларни етарлича ўзлаштирмаптилар. Зеро, мактабгача таълимнинг самараси 5-6 ёш болаларнинг мактаб таълимига ҳар томонлама тайёрлиги, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши, етук шахс сифатида шаклланганлиги билан баҳоланади. Тажриба учун танлаган Андижон, Самарқанд, Наманган вилоятларидаги мактабгача таълим ташкilotларида 5-6 ёшдаги болалар таълим-тарбиясидаги дастлабки кузатувлар шуни кўрсатдики, аксарият болаларда коммуникативлик етарли даражада ривожланмаган. Улар воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдиришда қийинчиликка учрайдилар, тенгдошлари билан ўзаро мулоқотда муаммолар юз беради.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг мулоқотга киришиши, сўз бойлиги даражаси ва улардан кундалик нутқий муҳитда қўллаш ҳолатларини ўрганишга оид илк кузатув ишлари орқали, мавзунинг долзарблигини кўйидаги ҳолатлар билан асослаймиз:

- катта мактабгача ёшдаги болаларда уларнинг ўзгалар ва тенгдошлари билан луғат бойлигининг бошланғич таълимда мулоқот қилиш майдони кенг бўлгандагина ўқитиладиган фанларини эгаллаш учун етарли мактаб таълими даврида ҳар томонлама эмаслиги;

- болаларнинг ўз фикрини эркин эканлигини кўрсатмоқда. Коммуни-кативлик ифодалаш, нутқий муҳитга мос сўзлашиш боланинг шахс сифатида шаклланиши кўникмаларини ривожлантиришга оид жараёни остида кечувчи қайта алоқанинг дидактик таъминотнинг етарли эмаслиги;

- ота-оналарнинг ўз фарзандини мактаб Мактабгача катта ёшдаги болалар ҳаёти таълимига нутқий жиҳатдан тайёр бўлиш давомида маълум ҳаракатларни амалга мезонлари ва талабларидан етарлича хабардор ошириши унинг атрофидаги бошқа эмасликлари;

- мактабгача катта ёшдаги болалар мулоқот давомида ўз фикри, ҳиссиётлари ва таассуротларини намоён эта олмаётганликлари;

- мактабгача катта ёшдаги болалар ўз суҳбатдошига илтимос ёки маълумотларни айта олмаслиги, таниш инсонлари билан мулоқотга кириша олмакликлари;

- мактабгача катта ёшдаги болаларда компетенциявий кўникмаларини мақсадли шакллантиришга йўналтирилган ўқув ва дидактик топшириқларнинг тизимлаштирил-маганлиги;

- мактабгача катта ёшдаги болаларда нутқни диалогик шаклини етарли даражада шаклланмаганлиги ҳамда коммуника-тивликни ривожлантиришга мўлжалланган ўқув қўлланмани ишлаб чиқилмаганлиги;

- мактабгача катта ёшдаги болаларда илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривож-ланишига қўйиладиган давлат талабларини (ижтимоий-ҳиссий, нутқ, мулоқот ўқиш ва ёзиш малакалари соҳалари) самарали эгаллашларини таъминловчи дидактик тизим ишлаб чиқилмаганлиги;

- мактабгача таълим ташкilotларида катта мактабгача ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган технологиялар аниқланиб, амалиётга жорий этилмаганлиги;

- МТТ педагоглари томонидан коммуникатив компетенциянинг ижтимоий-руҳий аспекти тўлиқ англамаётганлиги;

- мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компе-тенцияни шакллантириш методи-қасини ишлаб чиқилмаганлиги.

Бугунги кунда амалиёт мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуни-кативлик яъни ривожланишнинг кенг имкониятларига эга

Мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шаклла-ниши ижтимоий ва шахсий омилларнинг ўзаро алоқадорлигида амалга ошади. Мактабгача таълим жараёнида болалар ўз фаоллик-ларини намоён этадилар ва мулоқотга киришадилар. Бу жараён уларда комму-никатив кўникмаларни шаклланишига пойдевор яратади. Бу даврда болаларда маълумот ва воқелиklar ҳақида мустақил фикрлаш ҳамда ўз фикрини билдириш жараёнлари юз беради.

Коммуникатив компетенция мактаб-гача катта ёшдаги болаларнинг мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини эгаллаши, янги ижтимоий муҳитга мослашиш, маданият меъёрларга оид билимлар, мулоқот қилиш одоби ва унга риоя қилишдир. Яъни бола шахсининг муҳим хусусияти бўлиб, мулоқотчанлик қобилияти, билим, кўникма, малака, ҳиссий ва ижтимоий тажриба негизида шаклланади. Коммуникатив компе-тенция мулоқот жараёнидаги вазиятларга ижтимоий-психологик тайёргарлик бўлиб, турли вазиятларга таянилади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларда коммуникатив компетенцияни шаклланти-ришда тарбиячи-педагоглар қуйидаги педагогик вазифаларни амалга оширишлари лозим.

1. Болаларни сўзламоқчи бўлган гапнинг моҳиятини тўлиқ тушуниш ва равон ифодалашга ўргатиш.

2. Нутқни тўғри ифодалаш, ноаниқ ва икки маъноли сўзлардан қочиш, нотаниш ва қисқа мазмунли сўзлардан фойдаланмас-ликни тушунтириш.

3. Новербал ҳаракатларни назорат қилиш. Мулоқотда фақат сўзлар ва маълумотларнинг ўзи етарли бўлмаслиги, зарур ҳолатларда мимика, жест, интонация ва позалардан фойдаланиш лозимлигини уқтириш.

4. Шахсий қарашларда қатъий қарор қабул қилишдан сакланиш. Мулоқот вақтида шахсий нуқтаи назарлар доим ҳам тўғри бўлмаслиги, бу эса жиддий хатоларни юзага келтиришини тушунтириш.

5. Маълумотларни суҳбатдошига вақти ва вазиятга қараб етказиш.

6. Суҳбатдошининг фикрларини эътиборга олиш, ўз қарашларини вазият таъсирига қараб баён этиш малакасини шакллантириш.

7. Самарали мулоқотнинг асосий шартларидан бири тўғри тинглаш эканлигини тушунтириш.

Санаб ўтилган педагогик вазифалар мактабгача катта ёшдаги болаларни ўзаро қайта алоқа ўрнатишлари ҳамда бир-бирини тушунишларида асосий омил ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари.Т.:2018.18 июнь.*

2. *Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури Т.:2018-59 б.*

3. *Бочарникова М. А.//Молодой ученый.- 2009.- № 8 (8).-С.130-132.*

4. *Немов Р.С. Практическая психология: Учеб.пособие.М.:Гуманит.изд.Центр Владос, 1997-320 с*

5. *Седов К.Ф. Дискурс и личность.М.: Лабиринт, 2004.-320 с.*

6. *Chomsky N. Aspects of the Theory of Syntax. Boston: MIT Press, 1965.*

7. *Хошимов К, Нишонов С. Педагогика тарихи: Дарслик. Т.:А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси наириёти, 2005-304б.].*

8. *Холмухамедов М.М. Профессional таълим тизимида компетенциявий ёндашувни жорий этиш масалалари. Педагогика журналы.Т.:2020.№4 3-7 бетлар.*

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА АКТ ИМКОНИЯТЛАРИ

*A.A.Parmonov – assistent. O‘zMU Jizzax filiali*

### UMUMTEXNIK FANLARNI O‘QITISHDA TALABALARNING AXBOROT – TEXNIK KOMPETENSIYASINI SAMARALI SHAKLLANTIRISHNING INNOVATSION USULLARI

#### **Annotatsiya**

*Ushbu maqolada “shakllantirish” tushunchasi, texnika oliy o‘quv yurti bakalavrlarida ATKni shakllantirish bo‘yicha UTFning imkoniyatlarini hisobga olgan holda, o‘quv jarayonining mohiyatini aks ettiradigan, o‘quv jarayonini qurish va uni boshqarishning nazariy yondashuvlarini ochib berilib, uning asosiy didaktik tamoyillarini aniqlangan. Texnika oliy o‘quv yurti bakalavrida ATKlarni shakllantirish modeli ishlab chiqilgan.*

***Kalit so‘zlar:** shakllantirish, motivatsiya, umumtexnika fanlari (UTF), kognitiv, pragmatik, model, modellashtirish, Moodle platforma.*

### ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ЭФФЕКТИВНОГО ФОРМИРОВАНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-ТЕХНИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРЕПОДАВАНИИ ОБЩИХ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК

#### **Аннотация**

*В данной статье понятие «образование» раскрывает теоретические подходы к построению и управлению образовательным процессом, отражающие сущность образовательного процесса, с учетом возможностей ОТД в формировании ИТК у бакалавров технических вузов, раскрыты его основные дидактические принципы. Модель формирования АТС разработана на бакалавриате технического вуза.*

***Ключевые слова:** формирование, мотивация, общая инженерия (ОТД), когнитивная, прагматическая, моделирование, моделирование, платформа moodle.*

### INNOVATIVE METHODS OF EFFECTIVE FORMATION OF STUDENTS' INFORMATION AND TECHNICAL COMPETENCE IN TEACHING GENERAL TECHNICAL SCIENCES

#### **Abstract**

*In this article, the concept of "education" reveals theoretical approaches to the construction and management of the educational process, reflecting the essence of the educational process, taking into account the possibilities of the GTS in the formation of ITCs for bachelors of technical universities, discloses its basic didactic principles. The ATC formation model was developed at a bachelor's degree at a technical university.*

***Keywords:** formation, motivation, general engineering (GTS), cognitive, pragmatic, modeling, modeling, moodle platform*

**Kirish.** Biz eng avvalo maqolamizdagi “shakllantirish” tushunchasiga urg‘uni qaratsak va ilmiy jihatdan tahlil qilib ko‘rsak, maqolani batafsil yoritishda bizga dasturul amal vazifasini o‘taydi. Psixologik nuqtai nazaridan shakllantirish bu ijtimoiy subyektlarni, ularga muvaffaqiyatli hayot kechirish uchun zarur bo‘lgan yaxlit, barqaror xususiyatlarni va

fazilatlarini maqsadli va uyushgan ravishda o‘zlashtirish jarayoni bo‘lib, operativ xulq-atvorni, ularni yaqinlashtiradigan izchil qadamlarni bosqichma-bosqich yaratilishida namoyon bo‘ladi [1].

Pedagogik jihatdan I.P. Podlasiy “shakllantirish” tushunchasini “insonning shakllanish jarayoni - istisnosiz barcha omillar ta’sirida

bo'lgan ijtimoiy mavjudot: ekologik, ijtimoiy, iqtisodiy, mafkuraviy, psixologik va boshqalar" sifatida belgilaydi [2].

Pedagogik amaliyotda "shakllantirish" ma'lum bir qadriyatlar va munosabatlar tizimini, bilim va ko'nikmalarni yaratish uchun insonga ta'sir o'tkazish texnikasi va usullaridan foydalanishni anglatadi. Shakllanish jarayonida shaxs ko'zlangan fazilatlarini egallaydi [3].

Bo'lajak texnika oliy o'quv yurti muhandisi bakalavrlarining ATKlarini shakllantirishni kasbiy o'z-o'zini rivojlantirishga qaratilgan maqsadga muvofiq pedagogik jarayon sifatida tushunamiz.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Bo'lajak texnika oliy o'quv yurti muhandisi bakalavrlarida ATKni shakllantirish bo'yicha UTFning imkoniyatlarini hisobga olgan holda, o'quv jarayonining mohiyatini aks ettiradigan, o'quv jarayonini qurish va uni boshqarishning nazariy yondashuvlarini ochib berib, uning asosiy didaktik tamoyillarini aniqlandi. Didaktik tamoyillarni tanlash maqsadlarini oqilona aniqlashga, o'quv materialining mazmunini tanlashga, ATKni shakllantirishga qaratilgan UTF o'qitish shakllari, vositalari va usullarini tanlashga imkon beradi. Birinchi didaktik tamoyillardan biri K.D.Ushinskiy tomonidan shakllantirilgan: o'z vaqtida va asta-sekinlik, tabiatga moslik, psixologik xususiyatlarga muvofiqlik, munta-zamlik, faollik va tashabbuskorlikni rivojlantirish [4].

I.P.Podlasiy zamonaviy didaktik tamoyillar tizimida: ong va faoliyat prinsipi, aniqlik, sistematiklik va izchillik, kuch, ilmiy xarakter, mavjudlik, nazariya va amaliyot o'rtasidagi bog'liqliklarni alohida ta'kidlab o'tadi [5].

V.A.Slastenin, I.F.Isaev, E.N.Shiyanov o'qitish tamoyillarini mazmunli (fuqarolik, ilmiy, ta'limiy, fundamental va amaliy yo'nalish) va protsessual (uzluksizlik, izchillik, vijdonlilik, ijodiy faoliyat, ko'rinuvchanlik) tamoyillarini o'qitishning yetarli darajasi bilan ta'minlangan tizim sifatida ko'rib chiqishni taklif qildi. Ushbu bo'linish didaktikaning asosiy savoliga javob berishga yordam beradi: **nimani va qanday o'qitish kerak?** [6].

Multimediya ta'limi sharoitida didaktikani o'rganish predmetlarini hisobga olgan holda N.V.G'ofurov va S.I.Osipov quyidagi didaktik tamoyillarni: ilmiylik, mavjudlik, sistematiklik, amaliyot bilan bog'liqlik, o'quvchilarning ongi

va faolligi, asosiy tugun tushunchalari tizimlari, uning individualizatsiyasi bilan o'qitishning kollektivligi kombinatsiyalarini ajratib ko'rsatadilar [7].

ATKni shakllantirish samaradorligi ko'p jihatdan talabalarning UTFni o'rganishga bo'lgan intilishlariga bog'liq. Ta'lim faoliyatining faol va yo'naltirilgan jihati motivlar tizimi: *kognitiv, ijtimoiy, pragmatik, motivatsion-qiyamat, estetik, mavqe, kommunikativ* va boshqa motivlar tomonidan beriladi.

Motivatsiyani rivojlantirish muammosi ta'limning asosiy masalasidir. Bir tomondan, kompetentsiyani rivojlantirish uning motivatsion-qiyamat komponentini majburiy kuchaytirishni nazarda tutadi, boshqa tomondan esa hech qanday ta'lim faoliyati mavjud bo'lmagan holda rivojlana olmaydi. Ko'pgina mahalliy va xorijiy tadqiqotlar motivatsiya rivojlanishini o'rganishga bag'ishlanganligi bejiz emas. Hozirga qadar motivatsiyani aniqlashda yagona yondashuv va yagona terminologiya ishlab chiqilmagan. Motivatsiyani o'rganish metodikasiga mahalliy va xorijiy mualliflarning ko'plab asarlari bag'ishlangan. Ular motivni turli jabhalarda ko'rib chiqadilar: motiv *maqsad, niyat, shaxsning barqaror xususiyati, ichki ishtiyoq, ongli ehtiyoj sifatida*, lekin deyarli barchasi *motiv ehtiyoj* bilan bog'liqligini, uning asosida shakllanganligini va mavjudlik maqsadlarini nazarda tutganligini ta'kidlashadi.

Talabalar o'rtasida o'quv faoliyati uchun ijobiy motivatsiyani shakllantirishga yordam beradigan bir qator omillar mavjud:

- ta'limning yakuniy va dolzarb maqsadlaridan xabardor bo'lish;
- o'zlashtirilgan nazariy bilimlar va amaliy ko'nikmalarning ahamiyatini anglash;
- o'quv materialini taqdim etishning hissiy shakli;
- o'quv faoliyatining kasbga yo'naltirilganligi;
- o'quv vazifalarini bajarishda muammoli vaziyatlarni modellashtirish;
- o'quv guruhida "kognitiv psixologik iqlim" va qiziqish mavjudligi [8].

Kasbiy ta'limni muvaffaqiyatli amalga oshirilishi uchun u bir qator talablarni o'z ichiga olishi kerak:

1. Talabalarning umumtexnik fanlar ahamiyati, ularning ixtisoslashtirilgan fanlar tizimidagi asosiy roli to'g'risida xabardorligi;


2. Kasbiy xususiyatlar bilan bir qatorda umumtexnik bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirish;

3. Zamonaviy texnik vositalarning umumtexnik va keyinchalik kasbiy vazifalarni hal qilishdagi ahamiyatini anglash.

Umumtexnik va informatika fanlari bo'yicha kasbga yo'naltirilgan fanlararo o'qitishni amalga oshirish talabalarning egallab turgan bilim va ko'nikmalarining muhimligini anglashiga hissa qo'shadi, talabalarning motivatsion sohasini kengaytiradi.

Shunday qilib, kasbga yo'naltirilganlik tamoyili dastlabki yillarda fan mazmuniga kasbiy jihatdan muhim bilim va ko'nikmalarni kiritishni va kelajakda universitet bitiruvchilari amalga oshirishi kerak bo'lgan faoliyat usullarini nazarda tutadi. UTFlar matematika,

fizika va informatika predmetlari sohasiga asoslanganligi bilan bir qatorda nazariy mexanika, materiallar qarshiligi, mashina va mexanizmlar nazariyasi kabi umumtexnik fanlar bir-biri bilan chambarchas bog'liqdir. Fanlararo aloqalarni ochib beradigan asosiy reja-sxema tuzish talabalarga fandagi mavzuga doir modullar, shuningdek umumtexnik va maxsus fanlarning mavzuga doir bo'limlari o'rtasidagi munosabatlarni tasavvur qilish imkoniyatini beradi. Bunday reja-sxemani taqdim etish talabaga UTFni o'rganishning dastlabki bosqichida ma'lum bir mavzuni fan tarkibida o'rganishning muhim-ligini ko'rish va anglash imkoniyatini beradi, talabalar ongida o'rganilayotgan mavzuning yaxlit tasvirini shakllantiradi, sababi, turli xil fanlar taqazo qilgan kasbiy muammolar va ko'nikmalarni hal qilish uchun murakkab bilim zarurligini tushunishga imkon beradi.



1-rasm. Umumtexnika fanlarining o'zaro integratsiyasi.

Shunday qilib, fanlararo uzluksizlik kasb faoliyati obyektlarini o'quv jarayoniga kiritishni va amaliy dasturlardan foydalangan holda kasbiy faoliyatni modellashtirishni, UTFning mazmuni va kasb bilan uslubiy bog'liqligidan iborat bo'lgan kasbga yo'naltirilganlikni o'z ichiga oladi.


*UTF o'qitish ikkita asosiy komponentni o'z ichiga qamrab oladi:*

**Birinchi komponent** UTFda bitiruvchining ilmiy dunyoqarashi, tizimli va analitik fikrlash ko'nikmalarini, farazlarni ilgari surish va olingan natijani asoslash qobiliyatlarini shakllantirishdan iborat bo'lgan asosiy, fundamental ta'lim olishdir.

**Ikkinchi komponent** amaliy ko'nikmalarni rivojlantirish, amaliy muhandislik muammola-

rini mustaqil hal qilish ko'nikmalari, bo'lajak mutaxassisning ijodiy salohiyati va umumtexnik bilimlariga shaxsiy, bahoga asoslangan munosabatni rivojlantirishdan iborat.

UTFning birlamchi asosini tabiatan universal bo'lgan fizik qonunlar, qoidalar, ilmiy-texnik nazariyalar, tushunchalar va usullarning spektri tashkil etadi.



**2-rasm. UTFlarni o'qitish jarayonida ATKlarni shakllantirishning innovatsion modeli.**

A.K.Tomilin nazariy mexanikaning asosiy ahamiyatiga alohida e'tibor berib quyidagicha qayd etadi "Ikki bosqichli oliy ta'lim tizimida fundamental va amaliy fanlarni ajratib olish juda muhimdir. Bakalavriat darajasida fundamental tayyorgarlik ayniqsa muhimdir. Matematikada, fizikada va mexanikada

fundamental bilimlarsiz, zamon bilan hamnafas bo'la oladigan, muhandislik va texnologiyadagi yangiliklarni idrok etadigan va rivojlantiradigan muhandisni tayyorlash mumkin emas. Universitetning "Nazariy mexanika" kursi zamonaviy mexanik muhandisning ilmiy dunyoqarashini shakllantirishda alohida o'rin

tutadi va ijodiy fikrlaydigan mutaxassisni tayyorlash uchun keng imkoniyatlar yaratadi. Mexanika asoslari sohasidagi chuqur va mustahkam bilimlarsiz muhandislik-mexanik yoʻnalishining barcha keyingi fanlarini oʻzlashtirish uchun asos yaratib boʻlmaydi”[9].

Keling, UTFlarni oʻqitish jarayonida boʻlajak texnika oliy oʻquv yurti bakalavrida ATKlarni shakllantirish modelini ishlab chiqishga toʻxtalamiz.

ATKni shakllantirish modelini ishlab chiqishda biz ilmiy tadqiqotning asosiy usullaridan biri boʻlgan va hozirgi paytda pedagogikada keng qoʻllaniladigan modellashtirish usulidan foydalanganmiz. Modellashtirish ushbu tizimning tuzilishi, aloqalari, tashkil etish va ishlash tamoyillari takrorlanadigan model yaratish orqali mavjud yoki rivojlangan tizimga moddiy yoki aqliy taqlid qilishni nazarda tutadi.

**Xulosa va takliflar.** Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, talabalarda ATKni shakllantirish boʻyicha UTFning imkoniyatlarini hisobga olgan holda, oʻquv jarayonining mohiyatini aks ettiradigan, oʻquv jarayonini qurish va uni boshqarishning nazariy yondashuvlarini ochib beradigan, uning asosiy didaktik tamoyillarini aniqlay oladigan, fanlararo aloqalarni ochib beradigan asosiy reja-sxema tuzish talabalarga fandagi mavzuga doir modullar, shuningdek umumtexnik va maxsus fanlarning mavzuga doir boʻlimlari oʻrtasidagi munosabatlarni tasavvur qilish imkoniyatini beradigan va bular orqali UTFlarni oʻqitish jarayonida boʻlajak texnika oliy oʻquv yurti bakalavrida ATKlarni shakllantiradigan modelini ishlab chiqilishi lozim ekan.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. *Психологический словарь / под ред. В. П. Зинченко, Б. Г. Меццеракова. – М. : Педагогика-Пресс, 2014. – 440 с.*

2. *Подласый, И.П. Педагогика: 100 вопросов - 100 ответов : учеб. пособие для вузов / И.П. Подласый. – М. : Владос-Пресс, 2004. – 365 с.*

3. *Безрукова, В.С. Основы духовной культуры: энциклопедический словарь педагога / В.С. Безрукова. – Екатеринбург, 2000. – 937 с.*

4. *Ушинский, К. Д. Проблемы педагогики : избранные труды в 4 кн : книга 1 / К. Д. Ушинский. – Москва : Дрофа, 2005. – 640 с.*

5. *Подласый, И. П. Педагогика. Новый курс : учебник для студентов высших учебных заведений / И. П. Подласый. // Общие вопросы. Процесс обучения в 2-ух т.Т.1. – М. : ВЛАДОС, 2001. – 576 с.*

6. *Сластенин, В.А. Педагогика: учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов; под ред. В.А. Сластенина. – М.:Издательский центр «Академия», 2002. – 576 с.*

7. *Гафурова, Н.В. О состоянии дидактики в мультимедиа образовании / Н.В.Гафурова, С.И. Осипова //Философия образования. – 2013. – № 6 (51). – С. 195–204.*

8. *Ильин, Е.П. Мотивация и мотивы / Е.П. Ильин. – СПб.:Питер, 2000. – 512 с.*

9. *Томилин, А. К. Роль и место курса «Теоретическая механика» в подготовке современного инженера-механика / А. К. Томилин // Инженерное образование – 2012. – № 11. – С. 70–73.*

**J.B.Qudratov- Magistratura talabasi  
A.R.Azizov -Ilmiy rahbar**

#### MIKROELEKTRON NPM\*69 BLOKINI MIKROPROTSESSOR ASOSIDA DASTURINI VA PRINSIPIAL SXEMASINI YARATISH AVFZALLIGI

##### Annotatsiya

*Bugungi kunda zamonaviy temir yoʻl, BMRS tizimida shu turdagi panellarga oʻrnatilgan bajaruvchi va teruvchi bloklar unchalik eski boʻlmasada, elektromagnit relolari asosida yigʻilganligi sababi bir muncha oʻlchami katta va xorijdan sotib olinganligi sababli qimmatbaho eksport texnologiyadir. Ushbu maqolada, teruvchi bloklarning mikroelementlardan foydalangan holda aloxida yaxlit bir mikrosxemalarga birlashtirishimiz mumkunligi haqida soʻz yuritiladi.*



*Shuningdek, NPM-69-M releli bloki temir yo'l elektr zanjirlarini boshqarishda mikroprotessor asosida prinsipal sxemalashig avfzalligi keng mushohada etiladi.*

**Kalit so'zlar:** BMRS tizimi, blok, NPM-69-M releli blok, mikroprotessor, mikrosxemalar, mikroelementlar.

## ADVANTAGES OF CREATION OF PROGRAM AND PRINCIPAL SCHEME ON MICROPROCESSOR BASE OF MICROELECTRON NPM \* 69 BLOCK

### Annotation

*Today, the modern railway is an expensive export technology due to the fact that the actuator and dial blocks mounted on such panels in the BMRS system are not so old, but assembled on the basis of electromagnetic relays. This article discusses how we can combine dialect blocks into separate integrated circuits using microelements. Also, the advantage of microprocessor-based schematic diagrams in the management of NPM-69-M relay block railway circuits is widely observed.*

**Keywords:** BMRS system, block, NPM-69-M relay block, microprocessor, chips, microelements.

## ПРЕИМУЩЕСТВА СОЗДАНИЯ ПРОГРАММЫ И ОСНОВНОЙ СХЕМЫ НА МИКРОПРОЦЕССОРНОЙ БАЗЕ МИКРОЭЛЕКТРОННОГО БЛОКА NPM \* 69

### Аннотация

*Сегодня современная железная дорога - это дорогостоящая экспортная технология из-за того, что в системе BMRS на таких панелях установлены не такие старые, а смонтированные на таких панелях приводы и шкалы, а собраны на основе электромагнитных реле. В этой статье обсуждается, как с помощью микроэлементов объединить диалектные блоки в отдельные интегральные схемы. Также широко отмечается преимущество микропроцессорных принципиальных схем в управлении релейными блочными цепями железных дорог НПМ-69-М.*

**Ключевые слова:** Система БМРС, блок, релейный блок НПМ-69-М, микропроцессор, микросхемы, микроэлементы.

Bugungi kunda bizning hayotimizga yangilik bo'lib kirib kelayotgan har qanday qurulma ma'lum bir muddatdan so'ng uning yangi turi ommalashishi bilan o'z ahamiyatini yo'qotib boraveradi. Ammo bu muddatning uzunligi qurulmaning nechog'lik mukammal tuzilganligiga bog'liq. Hozirgi vaqtda foydalanilayotgan apparaturalaming ko'p qismi avtomatika ham da telemexanikaning eski tizim prinsiplarida qurilgan. Temir yo'l transportida zamonaviy mikroelektronika va raqamli usullar bilan axborotni o'zgartirish oxirgi yillarda qo'llanila boshladi. Bunday texnologiyalarni qo'llash apparaturalarda metallar kamroq ishlatish va avtomatika va telemexanika tizimlariga yuklatilgan funksiyalami texnik bajarilish qiymatini kamaytiradi. Elektronika sohasidagi yuksalish mikroelektron apparatura hal qilishi zarur bo'lgan masalalarning funksional imkoniyatlarini oshishiga olib keladi. Shuningdek temir yo'l tarmog'ida elementar marshrutlar

uchun sxemalarni qurish va ularni stansiya rejasiga binoan o'zaro ulash tamoyillari blokli tizimlarni qurish imkonini yaratgan bo'lsa, ularning takomillashuvi natijasida boshqarishning marshrutli ko'rinishini nazarda tutgan blokli marshrutli markazlashtirish ishlab chiqildi. Bu tizimlarni ishlab chiqishda sxema uzellarining bloklarga kompanovkalanashning ikki tamoyilni qo'llash imkoniyati yaratildi. Birinchi tamoyilning mohiyati shundan iboratki bir elementar marshrut uchun zarur bo'lgan barcha releler bir blokka kompanovkalanadi.[1] Bu geografik tamoyil deb ataladi. Ikkinchi tamoilda esa bir blokka cheklangan funksiyalarni bajaradigan releler komponovkalanib (ya'ni bir blokda elementar marshrutni ajratish va tutashtirish funksional bloki, yana birida marshrutlarni turini ajratib boshqarish va nazorat uzeli boshqasida esa svetaforlarni boshqarish bloki bo'ladi) bu bloklarning hajmi va og'irligini sezilarli darajada kamaytiradi.[2] Lekin bu tamoyil

ham EM uchun yetarli yechim bera olmadi. Shuning uchun blokli EM larni takomillashtirish jihatlaridan bir panelli tipidagi EM lar yaratildi. EM paneli o'ziga xos funksional blok bo'lib, uning asosida ko'p sonli apparaturalar joylashtirilib, buning hisobiga panellararo ulanmalar soni kamayadi va uning montaj kamerasiga shtepselli ajratkichlar yordamida ulangan releler o'rnatilgan.[3] Men amaliyotlar davomida BMRS tizimida shu turdagi panellarga o'rnatilgan bajaruvchi va teruvchi bloklar bilan yaqindan tanishdim. Tanishish chog'ida shunga amin bo'ldimki bu bloklar unchalik eski bo'lmasada, elektromagnit relelari asosida yig'ilganligi sababli bir muncha o'lchami katta va xorijdan sotib olinganligi sababli yetarlicha qimmat ekan. O'ylaymanki teruvchi bloklarning xususiyatlaridan kelib chiqadigan bo'lsak ularni har birini mikroelementlardan foydalangan holda aloxida yaxlit bir mikrosxemalarga birlashtirishimiz mumkin. Stantsiya jihozlarini kompyuterlashtirish, elektr markazlashtirishning stansiyadagi ekspluatatsion ko'rsatkichlarini 15% ga yaxshilash imkoniyatini beradi. Shu bilan birgalikda, releli jihozlarning kam ishonchligini hisobga olgan holda, elektr markazlashtirish apparaturasini profilaktik xizmat ko'rsatish uchun 20-40% mablag'ni saqlab qoladi. Kompyuterlik markazlashtirishda funksional masalalar, doimiy mantiqiy bog'lanishlarni qurish yo'li bilan emas, releli yoki elektron tizimlarga o'xshash, balki dasturlar ishlatish usulini mikroelektron hisoblash mashinalarini jalb etgan holda yechiladi. Masalan istalgan yo'lga o'rnatilgan poyezdli yoki manyovr marshrutni bajarilishi uchun qo'llanilgan NPM\*69 teruvchi blokida qo'llanilgan KDR relelarini hol datchiki bilan, blokda kontaktlarni esa PVG turidagi fotoelektrik relelar

bilan almashtirish orqali bu blokning o'lchamini va og'irligini sezilarli darajada kamaytirsak bo'ladi. Biz yaratgan blok zamonaviy raqamli temir yo'l tizimlari uchun qo'yilgan ilk qadam desak xato bo'lmaydi. Bundan tashqari bu bizga yuqori iqtisodiy samarani ta'minlaydi. Oddiygina misol NPM\*69 turidagi 1 ta blokning narxi (7000 -8000 rubl) bo'lsa biz yarata-digan blokning narxi taxminan 800000-1000000 so'm atrofida bo'ladi. NPM-69-M releli bloki temir yo'l elektr zanjirlarini boshqarishda teruvchi guruh bloklaridan biri hisoblanib, uzoq muddatli xizmat qiladi va ixcham dizayni va parvarish qilish qulayligi bilan ajralib turadi. Qurilma nominal zo'riqishida 24,0 V bo'lgan doimiy manbadan quvvat oladi. NPM-69-M tipidagi releli bloklari kirish, chiqish svetoforlarini va marshrutlarini boshqarishni ta'minlaydi. Elektr markazlashtirish uchun temir yo'l stansiyalarida o'rnatilgan teruvchi bloklarida o'rnatilgan NPM\*69 bloki marshrutni bajarilishini ta'minlaydi. Kelgusidagi rejalarimiz teruvchi bajaruvchi guruh bloklarining barchasini ixcham, samarali va eng asosiysi moliyaviy jihatdan arzon raqamli va ichonchli ko'rinishga o'tkazishdir.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Сапожников В.В., Елкин Б.Н., Кокурин И.М. и др. Станционные системы автоматики и телемеханики: Учеб. для вузов ж.-д. трансп. Под ред. Вл.В. Сапожникова. - М.: Транспорт, 1997.- 423 с.
2. Белязо И.А. и др. Маршрутно-релейная централизация. - М.: Транспорт, 1974.-320 с.
3. Альбом типовых решений МРЦ-13 / Разраб. проектно-изыскательским институтом «Гипротрансигналсвязь». — Л.: Главжелдорпроект, 1980. Т. 1 - 6.

**Z.R.Nazirova-o'qituvchi. Sam VMI**

### VETINARIYA MUTAXASSISLIGI TALABALARINING RUS TILINI O'RGANISH KOMPETENSIYASI SHAKLLANTIRISHDA AUDIO VOSITALARDAN FOYDALANISH

#### Annotatsiya

*Ma'lumki, oliy ta'lim muassasalarida rus tilini o'qitish o'ziga xos xususiyatga ega bo'lib, maxsus o'quv dasturi va o'qitish metodikasini qo'llashni taqazo etadi. Mavjud tizim shuni ko'rsatadiki, bugungi kunda rus tilini o'qitishda nutq faoliyatining har to'rtala turini ya'ni o'qish, yozish, gapirish va tinglashni o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi. Rus tilida nutq faoliyati tur-larini xususan tinglab tushunishni o'rgatish samarasi bir qancha omillarga: darslarni to'g'ri tash-*

*kil eta olish, dars jarayonida axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan to'g'ri va unumli foydalana olish hamda talabalarga jonli muloqot muhitini yaratib berishga bog'liq. Muhokama qilina-yotgan mavzuning dolzarbligi, bir tomondan uning ijtimoiy ahamiyati bilan belgilansa, ikkinchi tomondan, mazkur muammo bo'yicha hozirgacha nufuzli ilmiy-pedagogik tadqiqotlar olib borilmaganligidadir. Bundan tashqari, hozirgacha talabalarning rus tilida tinglab tushunish kompetensiyasini shakllantirish tadqiqotlar olib borilmagan ushbu maqolada veteranariya mutaxassisligi talabalarining rus tilini o'rganish kompetensiyasini shakllantirish yuzasidan amaliy qilinyotgan pedagogik tajriblardan misollar tahlillar bila keltiriladi.*

**Kalit so'zlar:** *Pedagogik texnologiyalar, til o'rganish kompetensiyasi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, rus tili o'qitish metodikasi, interaktiv metodlar.*

## **КАК НЕОБХОДИМО ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ФОРМИРОВАНИЕ КОМПЕТЕНТНОСТИ РУССКОГО ЯЗЫКА ДЛЯ СТУДЕНТОВ ВЕТЕРИНАРНОЙ СПЕЦИАЛЬНОСТИ**

### **Аннотации**

*Известно, что преподавание русского языка в высших учебных заведениях имеет свои особенности и требует использования специальных учебных программ и методик обучения. Существующая система показывает, что обучение всем четырем типам речевой деятельности, а именно чтению, письму, разговорной речи и аудированию, важно в современном обучении русскому языку. Эффективность обучения аудированию на русском языке зависит от ряда факторов: умения правильно организовывать уроки, правильного и эффективного использования информационных и коммуникационных технологий в классе и создания живой коммуникативной среды для учащихся. Актуальность темы определяется, с одной стороны, ее социальной значимостью, а с другой - тем, что авторитетных научно-педагогических исследований по данной проблеме до сих пор не проводилось. Кроме того, в данной статье, в которой еще не проводилось исследование формирования у студентов компетенции аудирования на русском языке, приводятся примеры и анализ педагогических практик по формированию концепции изучения русского языка студентами ветеринарных специальностей.*

**Ключевые слова:** *Педагогические технологии, концепция изучения языка, информационно-коммуникационные технологии, методы обучения русскому языку, интерактивные методы.*

## **RECONSTRUCTION OF RUSSIAN LANGUAGE COMPETENCE FOR STUDENTS OF VETERINARY SPECIALTY AS A PSYCHOLOGICAL NECESSARY FORMATION**

### **Annotation**

*It is known that the teaching of Russian language in higher education institutions has its own characteristics and requires the use of special curricula and teaching methods. The current system shows that teaching all four types of speech activities, namely reading, writing, speaking and listening, is important in teaching Russian today. The effectiveness of teaching listening comprehension in Russian depends on a number of factors: the ability to organize lessons correctly, the correct and effective use of information and communication technologies in the classroom, and the creation of a lively communication environment for students. liq. The urgency of the topic is determined, on the one hand, by its social significance, and, on the other hand, by the fact that no authoritative scientific and pedagogical research on this issue has been conducted so far. In addition, this article, which has not yet conducted research on the formation of students' listening comprehension competence in Russian, provides examples and analyzes of pedagogical practices in the formation of the concept of learning the Russian language by students of veterinary specialties.*

**Keywords:** *Pedagogical technologies, the concept of language learning, information and communication technologies, methods of teaching Russian, interactive methods.*

Mamlakatimizda oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, o'quv-metodik ta'minotini yaxshilash, mutaxassis kadrlar tayyorlash sohasida olib borilayotgan islohotlar natijasida professor o'qituvchilarning ilg'or ta'lim texnologiyalari va o'qitish usullarini tatbiq etish bo'yicha tashabbuskorligini oshirish, chet tillarini o'qitishning interfaol metodlarini joriy etish imkoniyatlari kengaymoqda. Shuningdek, oliy ta'lim muassasalari rus tili o'qituvchilarining kasbiy-pedagogik faoliyati mazmunini ilg'or xorijiy tajribalar asosida takomillashtirish zarurati mavjud. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida "oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini shaxs, davlat va jamiyatning dolzarb istiqboliy ehtiyojlariga muvofiqlashtirish, chet tillarni chuqurlashtirilgan tarzda o'rganish"[1] kabi ustuvor vazifalar belgilanib, bu borada chet tillarini o'qitishning kasbiy-pedagogik shart-sharoitlari va amaliyotini tahlil qilish, rus tili o'qituvchilarining kasbiy-pedagogik faoliyatini tashkil etishning didaktik ta'minoti, chet til ta'limi mazmunini takomillashtirish, shakl, metod, vositalarini qo'llash samaradorligini oshirish muhim hisoblanadi. Bugungi kunda veterinariya mutaxassisligi talabalarining jahon amaliyotida keng qo'llanilyotgan xorijiy tillarni chuqur o'zlash-tirish bo'yicha kasbiy kompetentligini (layoqatlilik) rivojlantirishda rus tilida nutq kompetensiyasini shakllantirish, zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llashga doir innovatsion faoliyatni modernizatsiyalash, og'zaki nutqqa differensial yondashgan holda va nutq odobi kompetensiyalarini bosqichma - bosqich shakllantirish, ta'lim samaradorligini oshirish, o'quv fanlari bo'yicha elektron o'quv vosita va darsliklar yaratish, ta'lim berishda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish imkoniyatini kengaytirish alohida ahamiyatga molikdir.

Chet til – bu xorijiy mamlakat tilidir[2]. Respublikamizda G'arbiy Yevropa (ingliz, rus, ispan, nemis, faransuz) tillari va Sharq (arab, turk, fors, xitoy, hind) tillari o'qitilib kelinmoqda. Bu tillar ta'lim muassasalarining o'quv rejalaridan o'rin olgan. Metod - metodika tushunchasi grek-lotinchada "metodos-"metodus" so'zidan olingan bo'lib, ma'lum maqsadga eltuvchi yo'llar, usul ma'nosini anglatadi. Turli adabiyotlarda atamaning tor va keng ma'nosini

uchratish mumkin. "Metodika" atamasi tor ma'noda ta'limning konkret dars jarayoni bilan bog'liq tushunchani anglatadi. Mashg'ulotlarni rejalashtirish va o'quv materiallarini tayyorlash bilan bog'liq bo'lgan ko'rsatmalarni qamrab oluvchi boshqariladigan dars jarayoni sifatida talqin etiladi.[3] Talabalarning til o'rganish kompetensiyasini bizning fikrimizcha, innovatsion-pedagogik faoliyat – yangi mahsulot yaratishga yo'naltirilgan ilmiy, texnologik, tashkiliy, moliyaviy, tijorat tadbirlari majmuasidan iborat bo'lib, ulardan maqsad yig'ilgan bilim, malaka, ko'nikma, texnologiya va ishlab chiqirish infratuzilmasini mazkur yangi mahsulotni keng miqyosda ishlab chiqarishga ishlatish va samaradorligini ta'minlashdir. Ta'limdagi innovatsion-pedagogik faoliyatni takomillashtirish – raqobatbardosh kadrlarni tayyorlashga yo'naltirilgan ilmiy, texnologik, tashkiliy, moliyaviy, tijorat tadbirlari yig'indisi bo'lib, maqsad to'plangan bilim, ko'nikma, malaka, texnologiyani ijtimoiy-iqtisodiy kapitalga yo'naltirish va ta'minlashdan iboratdir. Demak, kasbiy-pedagogik faoliyatni takomillashtirish–raqobatbardosh mutaxassislar tayyorlashga yo'naltirilgan pedagogik jarayon natijasini o'zida ifoda etib, oliy ta'lim sifati va samaradorligini ta'minlashga xizmat qiladi.

Biz dars jarayonida veterinariya mutaxassisligi talabalariga rus tilda dars olib borish ham tinglab tushunishni o'rgatishda ajoyib ish metodi sanaladi. O'quvchi-talabalar dars davomida ishlatiladigan jummalarni tushunishlari uchun muallim juda ko'p marta takrorlamasligi, o'ta sekin ham aytmasligi, har doim ona tiliga tarjima qilavermasligi talab etiladi. Maxsus mashqlar, o'z navbatida, tinglab tushunishga tayyorlov va sof nutqiy mashqlarga bo'linadi. Tayyorlov mashqidan ko'zlangan maqsad, oldindan qiyinchililarni bartaraf qilishdir. Tayyorlov mashqlari tilga oid va o'quvchi psixologiyasi bilan aloqador qiyinchilikning oldini olishda bajariladi. Til qiyinchilikni bartaraf etishda o'zga nutqdagi yangi hodisalarni topib farqlash va tushunib yetish, tovush timsolini ma'nosi bilan bog'lash, so'z yasaliyini fahmlab ma'no chiqarish, leksik va grammatik birlikning kontekstdagi ma'nosini ochish, ma'nodosh va zid ma'noli hodisalarni tanib olish va anglash singari mashqlar bajariladi. Ular tinglab tushunishning leksik,

grammatik va talaffuzni eshitish mashqlari sifatida namoyon bo'ladi.

Shuni ham ta'kidlash kerakki, o'qitish metodikasiga kiritilgan o'qitish usullari nafaqat to'g'ridan-to'g'ri o'qitishga, balki mashg'ulotlarning samarali tashkiliy vositalari va shakllarini ishlab chiqishga qaratilgan. Hozirgi vaqtda rus tilini o'qitish metodikasi psixologiya, falsafa, tilshunoslik va pedagogika bilan chambarchas bog'liqdir[4]. Kuzatishlarimiz va o'tkazilgan so'rovnoma natijalari shuni ko'rsatdiki, OTM talabalarining ko'pchilik qismi tinglab tushunish malakalarini o'zlashtirishni boshqa nutq faoliyati turlariga qaraganda qiyin deb biladilar. Talabalar fikricha, ular o'qiganda, ko'rganda tinglab tushunishga qaraganda 6 marta ko'p ma'lumot olar ekanlar. Biroq tinglab tushunish muloqotga kirishishning nihoyatda kerakli va o'ta muhim bosqichidir. Ma'lumki, muloqot ikki tomonlama bo'ladi. Chet tilida muloqotga kirishayotgan shaxs, eng avvalo, suhbatdoshining nutqini to'liq tushuna olishi va aniq javob qaytara bilmog'i kerak. Hozirgi kundagi tinglab tushunishni o'rganish va o'rgatishdagi eng katta muammo bu mahalliy so'zlovchilarning nutqini tushunishdir. Shu bois chet tili darslarida o'quvchi-talabalarga tinglab tushunishni o'rgatish o'qituvchining asosiy vazifasidir. Bilimlarni egallashning ushbu bosqichi o'quvchilarning talaffuzini til sohiblarining aslyatdagi nutqini egallash imkonini ham beradi. Ta'lim jarayonida o'quvchilar o'zlari o'rganayotgan tilni o'z sohiblaridan emas, balki o'qituvchilar nutqi orqali o'rganadilar. Bu tilni sof amaliy holatida o'zlashtirish imkoniyatini birmuncha cheklab qo'yadi, chunonchi, chet tili tovushlari talaffuzi, nutq tempi va intonatsiyasi turli aksentlar bilan o'zlashtirilishiga olib keladi. Odatda, ko'pincha chet mamlakatlarida bir muddat yashagan yoki tez-tez borib turadigan yohud chet elliklar bilan bevosita muloqot qilib turadigan o'quvchi-talabalargina chet tilida sof holatida va erkin so'zlasha oladilar. Demak, chet tillarini aslyatida tinglab tushunish orqali o'rganishning ahamiyati nihoyatda katta, biroq bunday imkoniyatlar hammaga ham nasib etavermaydi. Tillarni o'rganishda AKT vositalarini qo'llash aynan shu bo'shliqni to'ldirishga yordam beradi. Biz bugungi kunda dars jarayonini tashkil qilishda asosan audio vositalardan foydalanamiz. Ta'kidlab o'tish

joizki, oliy ta'lim talabalari uchun ham tinglab tushunish malakalarini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Tinglab tushunish aksariyat talabalar uchun eng qiyin nutq faoliyati turi hisoblanadi. Ayniqsa, aslyatdagi nutqni tinglab tushunish ularga murakkablik qiladi. Tinglab tushunish malakalarini rivojlantirish o'z-o'zidan sodir bo'lib qoladigan jarayon emas. Bunga asta-sekinlik bilan erishiladi. AKT dasturiy va instrumental vositalaridan foydalanish bu jarayonni osonlashtiradi va talabalarda til o'rganishga ishtiyoq uyg'otadi. Tinglab tushunishga o'rgatishda axborot kommunikativ vositalardan foydalanish samarali natijalar beradi. Buning bir nechta asoslari mavjud:

Birinchidan, bugungi kun talabalari "Internet avlodlari" sifatida harakterlanadi. Ular mahalliy so'zlashuvchilar tomonidan yaratilgan kompyuter dasturlari, video o'yinlar va internet tilini yaxshi tushunadilar. Albatta, til o'rganishni istagan talaba-yoshlar AKT vositalari yordamida rus tilini osongina o'zlashtira olishlari uchun sinf xonalari zamonaviy texnologiyalar bilan jihozlanishini xohlaydilar; Ikkinchidan, AKT vositalari yordamida mustaqil til o'rganish talabalarning erkin muloqotga kirisha olish imkoniyatlarini oshiradi. Talabalar tinglab tushunish mashqlarini amalda bajarar ekan, ularda tilni amalda qo'llash tajribasi shakllanadi; Uchinchidan, dars davomida AKT vositalaridan foydalanish talabalarda ulardan mustaqil ravishda foydalanish ko'nimasini shakllantiradi. O'rganuvchilar uyda yoki biror internet kafeda yoki ofisda o'zlari tinglab tushunish mashqlarini doimiy bajarishlari mumkin bo'ladi. To'rtinchidan, tinglab tushunishni o'rgatishda AKT dasturiy vositalari, xususan, veb-brauzerlardan foydalanish talabalarning bugungi kun yangiliklaridan bexabar qolmasligini ta'minlaydi va to'g'ridan to'g'ri aloqaga kirisha olish qobiliyatini shakllantiradi. Bundan tashqari, talabalarda to'g'ri veb-saytlarni tanlay bilish haqida tushuncha paydo bo'ladi va mustaqil ta'limda muhim ahamiyat kasb etadi. Ko'rinadiki, oliy ta'lim talabalari uchun tinglab tushunish malakalarini rivojlantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Talabalarning tinglab tushunish malakalarini shakllantirish hamda rivojlantirishda AKT vositalarining o'rni boshqa vositalar bilan almashtirib bo'lmaydi.

Tinglab tushunishga o'rgatishda axborot kommunikativ vositalardan foydalanish samarali natijalar beradi. Tinglab tushunishga o'rgatishda axborotning quyidagi manbalaridan keng foydalanish maqsadga muvofiq:

Xulosa qilib aytganda tinglab tushunishni nafaqat o'zaro balki audio eshittirishlar orqali ham o'rgatish juda muhim. Chunki talabalar mahalliy so'zlovchilarning nutqini tushuna olishlari ularning kelajakdagi ishlari uchun ahamiyatlidir. Audio matnlar, radio dasturlar, xabarlar shular jumlasidandir. Bunda talabalarga mavzu haqida qisqacha ma'lumot berib o'tiladi. So'ng matn eshittirilib ularning boshlang'ich bilimlari sinovdan o'tkaziladi. Keyin ikkinchi bora tinglatilib, mavzuni detallari bilan ochish uchun savollar va topshiriqlar beriladi. Ta'lim jarayonida o'quvchilar o'zlari o'rganayotgan tilni o'z sohiblaridan emas, balki o'qituvchilar nutqi orqali o'rganadilar. Bu tilni sof amaliy holatida o'zlashtirish imkoniyatini birmuncha

cheklab qo'yadi va chet tili tovushlari talaffuzi, nutq tempi va intonatsiyasini turli aksentlar bilan o'zlashtirilishiga olib keladi. Tillarni o'rganishda psixologik kompetensiyani shakllantirish AKT vositalarini qo'llash aynan shu bo'shliqni to'ldirishga yordam beradi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini Yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risida"gi PF-4947-son Farmoni. – O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-yil, 6-son, 70-modda.
2. Jalolov J. Chet tilini o'qitish metodikasi. - Toshkent. "O'qituvchi nashriyoti" 1996 y.
3. Saydaliev S. Chet tilo'rgatish metodikasi-dan ocherklar. -Namangan.- 2004.
4. Чет тилларни ўқитиш замонавий технологияси масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. - Тошкент 2007.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ – МОДУЛЬ-КРЕДИТ ТИЗИМИНИНГ АСОСИ

*Ш.Д.Хайитова – ўқитувчи. СамДТИ*

### ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МОДЕЛИ

#### Аннотаци

*Ушбу мақолада талабларни мустақил таълим олишини умумқасбий фанлар мисолида фаоллаштиришининг ўқув педагогик фаолиятни лойиҳалаш орқали назарий функционал тузилмаси келтирилган. Шунингдек, педагогик жараён, педагогик тизим ва унинг босқичлари, ўқув фаолиятининг алгоритмлари, талабаларни мустақил таълимни фаоллаштириши учун керак бўладиган дидактик материаллар кўрсатиб ўтилган.*

*Калит сўзлар:* лойиҳалаш, модел, фаоллаштириши, умумқасбий, педагогик жараён, педагогик тизим, мустақил таълим, педагогик жараён.

### STUDENTS AS A THEORETICAL MODEL OF ACTIVITY OF INDEPENDENT EDUCATION

#### Annotation

*This article presents the theoretical and functional structure of the activation of the requirements of independent learning through the design of educational activities on the example of general professional disciplines. It also shows the pedagogical process, the pedagogical system and its stages, algorithms of educational activities, didactic materials needed to activate the independent learning of students.*

*Keywords:* design, model, activation, general, pedagogical process, pedagogical system, independent education, pedagogical process.

## СТУДЕНТ КАК ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

### Аннотация

*В статье представлена теоретическая и функциональная структура активизации требований самостоятельного обучения через проектирование учебной деятельности на примере общепрофессиональных дисциплин. Также показаны педагогический процесс, педагогическая система и ее этапы, алгоритмы учебной деятельности, дидактические материалы, необходимые для активизации самостоятельного обучения студентов.*

**Ключевые слова:** дизайн, модель, активация, общее, педагогический процесс, педагогическая система, самостоятельное обучение, педагогический процесс.

**Кириш.** Педагогика ва психология соҳа-сидаги назарий тадқиқотларнинг натижалари график билимлар соҳасида муҳим ўзгаришларни амалга ошириб, ижодий ташаббускорлик, фаоллик ва умумқасбий фанларни ўқитиш методларини такомиллаштириш йўллари илмий излашни рағбатлантириди.

Олиб борилган изланишлар натижасида ишлаб чиқилган ўқув-услубий кўлланмалар ва электрон таълим ресурслари асосида бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларида тайёрлашда мустақил таълимни фаоллаштириш учун дидактик таъминоти бойитилади. Бунда талабаларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари (мотивация, йўналтириш, жалб этиш ва тажрибаларни бойитиш) кенгайтирилади.

Бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларида мустақил ишлаш методик компетентликни шакллантиришнинг мақсади касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида талабанинг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш ва турли таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш саналсада, умумқасбий ва ихтисослик фанлари асосларини ўрганиш вазифалари куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- аниқ педагогик ҳамда ишлаб чиқариш муаммоли вазиятларда масалани ажратиб олиш ва уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик ва техник-технологик тафаккурни ривожлантириш;

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг педагогик-шахсий фаолияти асоси сифатида педагогик, умумқасбий ва ихтисосликка оид билимларни ўзлашти-

ришга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга эришиш;

- бўлажак касбий фаолият индивидуал методининг асоси сифатида, ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш ҳаракатларининг репродуктив ва ижодий усулларини шакллантириш;

- муҳим касбий-педагогик сифатларини ривожлантириш (ҳамдардлик, бола-ларни севиш ва бошқалар), касбий ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириш ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Илмий манбаларда педагогик кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг таълимий кадриятлари гуруҳида ўз-ўзини такомиллаштиришнинг омиллари - ўз-ўзини такомиллаштиришга янгича ёндашув, мустақил таълим олиш, мустақил билим олиш, шахсий қобилиятларни намоён эта олиш, ижтимоий-касбий мустақиллик, мустақил билим олиш стратегияси, режалаштириш ва ўзини бошқариш, ўзини тарбиялаш, ўзини ўзи касбий-шахсий жиҳатдан такомиллаштириш, мустақил билим олиш манбалари, шакли, метод, усул ва воситалари, уларнинг турлитуманлиги, улардан самарали фойдаланиш ва хоказолар ҳисобланади [1].

Таълим жараёнида профессионал таълими ўқитувчилари мустақил ишлаш орқали куйидаги вазифаларни белгилаб олиши лозим:

- мустақил таълим олиш;
- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топиш, қулай усул ва воситаларни аниқлаш;

- ахборот манбалари ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- ўз фаолиятини инновацион ёндашув асосида ташкил қилиш кўникмасини эгаллаш;
- умумий ва хусусий компетенцияларни эгаллашга йуналтирилганлик.

Ўқув жараёнида мустақил таълимни ташкил этишда профессионал таълими ўқитувчиларининг назарий ва амалий тайёргарлик даражасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин: фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш; (битирув) малакавий иши учун материаллар тўплаш; амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш; илмий мақола, тезис ва маъруза тайёрлаш; тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш; фанни ўқитишдаги инновациялар, педагогик технологиялар ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва бошқалар [3].

Профессионал таълими ўқитувчиларида мустақил ишни самарали ташкил этишда:

- тизимли ёндашиш;
- барча босқичларини мувофиқлаштириш ва узвийлаштириш;
- ташкил этиш ва назорат қилиш механизмларини такомиллаштириб бориш зарур.

Бўлажак профессионал таълими ўқитувчиларининг мустақил иш жараёни инновацион ёндашувга кўра такомиллаштириб борилган ахборот-услубий таъминотга асосланиши лозим. Профессионал таълими ўқитувчиларининг мустақил ишлаш натижасида-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва улар асосида таълим тарбия жараёнини ташкил этиш, педагогик жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, сифат ва самарадорлигини оширишга тизимли ёндашувни жорий этиш, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини такомиллаштириш, ўқувчилар учун зарур ва қулай бўлган таълим муҳитини

вужудга келтирувчи ахборотларни тўплаш, таълим тарбия жараёнини ташкил этишнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш каби самарали натижаларга эришилади [2].

**Таҳлил.** Шундай қилиб, умумқасбий фанларни ўрганишда талабаларнинг мустақил ишларини фаоллаштириш тизимини яратиш учун уч турдаги объектларни: педагогик тизим, педагогик жараёнлар ва педагогик вазиятларни лойиҳалаш керак. Уларнинг барчаси яхлитлиги ва ички бирлигини ҳисобга олган ҳолда ўзаро боғлиқ ҳолда лойиҳаланади.

Педагогик тизим, педагогик жараёнлар ва педагогик вазиятларни лойиҳалаштириш мураккаб кўп босқичли фаолиятдир. Бу фаолият кетма-кет босқичлар сифатида амалга оширилиб, бўлажак фаолиятнинг ривожланишини умумий ғоядан аниқ тавсифланган аниқ ҳаракатларга олиб келади. Лойиҳалашнинг уч босқичи мавжуд:

- биринчи босқич-модделлаш;
- иккинчи босқич-лойиҳалаш;
- учинчи босқич-қурилиш.

Педагогик моделлаштириш (модел яратиш) - педагогик тизимлар, жараёнлар ёки вазиятларни яратиш мақсадлари (умумий ғоя) ни ишлаб чиқиш ва уларга еришишнинг асосий йўллари. Ҳар қандай педагогик фаолият, бизга маълумки, мақсаддан бошланади. Мақсад педагогик тизимнинг янада қурилишига мувофиқ ғоя, қараш, ҳатто ишонч бўлиши мумкин.

Педагогик лойиҳалаш (лойиҳа тузиш) тор маънода-яратилган моделни янада ривожлантириш ва уни амалий фойдаланиш даражасига етказиш. Лойиҳалаш босқичи лойиҳа яратиш орқали амалга оширилади. Амалда бу босқичда биз яратилган модел билан ишлаймиз ва у педагогик воқеликни айланттириш учун ундан фойдаланиш даражасига келтирилади.

Педагогик қурилиш (конструкция яратиш) - яратилган лойиҳанинг янада батафсиллиги бўлиб, уни ўқув жараёнининг реал иштирокчилари томонидан муайян шароитларда фойдаланиш учун яқинлаштиради. Қурилиш лойиҳани янада батафсиллаштиради, уни конкретлаштиради ва реал фаолият шароитларига яқинлаштиради.

Ўқув-педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш методологик вазифа ҳисобланади.



Педагогик лойиҳалаш шакллари-турли даражадаги аниқлик билан, педагогик тизимларни, жараёнларни ёки вазиятларни яратиш ва ишлашини тасвирлайдиган ҳужжатлардир.


Биз 1-расмда кўрсатилган умумкасбий фанларни ўрганишда талабалар мустақил ишларини фаоллаштиришнинг моделини туздик. Моделда бешта блок-компонентлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифани бажаради. Ҳар бир компонентни ва бажарадиган функцияларни кўриб чиқамиз.

Модел қуйидаги таркибий қисмларни аниқлайди: мақсад, структуравий-мазмун, технологик, баҳоловчи ва субъектив-рефлектор.

Умумкасбий фанларни ўрганишда талабалар мустақил ишининг мақсади Давлат таълим стандарти билан белгиланади. ДТС га тегишли мутахассислик бўйича касбий таълим ўқитувчиларини тайёрлашга қўлланиладиган ДТС талабларига асосланади.

Улар билан бир қаторда ҳар бир аниқ вақтда ва аниқ вазиятда аниқланадиган тактик мақсадлар ҳам мавжуд. Стратегик мақсад вектори нисбатан доимийдир.

Тактик мақсадлар ташқи муҳит шароитини ўзгартириш ва тизимнинг ички имкониятларини ўзгартиришга қараб ўзгариши мумкин.



**1-расм. Талабалар мустақил таълимни ривожлантириш модели**

Бу компонентнинг вазифаси предикативдир. Ўқув материални ишлаб чиқишнинг ҳар қандай берилган моментда мақсад-ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини интенсивлаштириш, бу фаоллаштириш воситалари мустақил ишларда бажарилади. Мустақил ишнинг турлари ва шакллари стратегик ва тактик мақсадларга кўра белгиланади.

Таркибий ва мазмун компоненти муайян ўқув интизоми ёки ўқув фанлари мажмуи мазмуни билан белгиланади. Бу компонентда ечиладиган вазифалар график билимлар

бўйича ўқув материалнинг алоҳида мантикий тузилмаларини ажратиш, уларни тузиш ва тегишли мавзуларни ажратиш билан боғлиқ.

Ўқитувчи курснинг етакчи гоъларини аниқлайди, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни тақсимлайди ҳамда ўқувчиларнинг мустақил бажарадиган мавзу ва бўлимларини аниқлайди.

Бўлажак касбий таълим ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнига мустақил ишларни киритиш маъруза ва амалий машғулотлар жараёнида барча режалаштирилган тадбир-

ларни пухта таҳлил қилишни ва уларнинг босқичма-босқич мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасида узвийликни ўрнатишни талаб этади. Бу репродуктив ва ижодий мустақил ишларнинг функционал таъсирини кўрсатади [4].

Ушбу компонент тушунтириш ва тасвирий функцияни бажаради. Шу жиҳати билан мустақил ишнинг ўқув вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Билимларни танлаш, унинг шакли, ундан фойдаланиш ва қўллаш характери фикрий жараёнлар оқимида боғлиқ ва шу билан ўқувчи томонидан ўрганиладиган билимларнинг билиш фаолиятини активлаштиришга яқин боғлиқлигини аниқлаштиради.

**Хулоса.** Моделнинг кейинги таркибий қисми технологик ҳисобланади. У ўзаро боғлиқ икки элементдан-ўқувчиларнинг мустақил ишлаш алгоритми ва ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини фаоллаштириш имконини берувчи ўқув воситаларини ишлаб чиқишдан иборат. Ўқитувчининг фаолияти, биринчи навбатда, талабанинг мустақил ишини фаоллаштириш мақсадини белгилаш билан тавсифланади. График билимларни ўзлаштиришни ва бўлажак

муҳандиснинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришни таъминловчи мустақил ишларнинг турли комбинацияларини излашга олиб келади ва шу билан бирга талабага мустақил ишларни бажариш ва фаоллаштириш учун эътибор беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Аскарлов, И. Б. (2017). *Управление и планирование процессом формирования исследовательских умений и навыков будущих преподавателей профессионального образования. Школа будущего*, (2), 10-15.

2. Хайитова Ш Д. *Бўлажак касб таълими ўқитувчиларни мустақил таълим олишини фаоллаштириш усуллари. НамДУ илмий ахборотномаси. 2020 йил № 4 сон.*

3. *Педагогика: Учеб. пособие для студентов пед. учеб. заведений / В.А. Сластенин, И.Ф. Исаев и др. М., 1998. 512 с.*

4. *Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташиқил этиши: Автореф. дис. ... пед.фан.докт. – Т.:1998. – 42 б.*

**С.Аллаярова-ф.ф.н.докторант (DSc)  
З.Қаюмова-талаба. ЎзМУ**

### **ОНЛАЙН ТАЪЛИМДА САМАРАЛИ ЎҚИТИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ**

#### **Аннотация**

*Онлайн таълим – пандемия давридаги энг мақбул таълим шакли сифатида дунёнинг кўплаб мамлакатларида жорий этилди. Бироқ, у анъанавий таълим каби самарали натижаларга эриша олмаганини кўплаб тадқиқотлар асосламоқда. Шу боис, онлайн машғулотларни ташиқил этишида яхши самара бериши мумкин бўлган таълим стратегияларини аниқлашга оид изланишлар олиб бордик. Мақоланинг эмпирик асосини талабалар ва ўқитувчилар ўртасида ўтказилган сўровнома, методологик асосини мавзуга оид нуфузли журналларда нашр қилинган илмий мақолалар ташиқил этади.*

**Калит сўзлар:** онлайн таълим, олий таълим, ўқитувчи, ўқувчи, анъанавий таълим, таълим стратегиялари.

### **ЭФФЕКТИВНЫЕ СТРАТЕГИИ В ОНЛАЙН-ОБУЧЕНИИ**

#### **Аннотация**

*Онлайн-образования считается как одна из самых эффективных форм обучения во многих странах мира, особенно в периоде пандемии. Однако, на основе изученных исследований можем сказать традиционная образования до сих пор остается более эффективным формом обучения. Мы провели исследования по выявлению эффективных образовательных стратегий управления процессами онлайн-обучения. Эмпирическая база статьи основано на*

опросах, проведенных среди студентов, а методологическая основа статьи обосновывается на научных статьях, опубликованных в престижных научных журналах.

**Ключевые слова:** онлайн-образование, высшее образование, учитель, студент (учащийся), традиционное образование, образовательные стратегии.

## EFFECTIVE TEACHING STRATEGIES IN ONLINE EDUCATION

### Abstract

*Online education has established itself as one of the most effective forms of education in many countries of the world. However, if we look at the research, we can observe that, in many ways, it has yet not surpassed the traditional education in the efficacy of education. Therefore, we conducted researches on the detection of the effective educational strategies of the management of online learning processes. The empirical core of the paper is based on the surveys conducted among the students, and the methodological basis of the article is reflected in the scientific papers, published on prestigious scientific journals.*

**Keywords:** Online education, higher education, teacher, student (learner), traditional education, educational strategies.

### КИРИШ

Онлайн таълим, яъни масофавий ўқиш, ҳозирги кунда дунё бўйлаб кескин ривожланмоқда ва баъзи давлатларда кундалик ҳолатга айланиб улгурди. Шу ўринда, Ўзбекистонда ҳам онлайн таълим олиш кун сайин ривожланиб бормоқда. Пандемия сабабли юртимизда 2020 йил апрель ойидан бошлаб оммавий тарзда биринчи марта ташкил этилган онлайн таълим жараёнида ўзига яраша муаммо ва камчиликлар кузатилди. Ҳозирги кунгача онлайн таълим мазмуни ва сифатида анъанавий таълим шакли каби натижадорликка эришиш мураккаблигича қолмоқда. Бироқ замон талабларини эътиборга олган ҳолда онлайн таълим сифатини оширишга боғлиқ ҳаракатларни давом эттиришимиз мақсадга мувофиқлиги объектив заруратдир.

Пандемия даврида йўлга қўйилган онлайн таълим узлуксиз таълимнинг барча босқичларига аҳолининг АКТ (ахборот коммуникация технологиялари) компетенцияларини ошишига ҳизмат қилди, таълим субъектлари онлайн дарс ва вебинарларда иштирок этиб, дунёнинг турли бурчакларидаги нуфузли профессор-олимлар маърузаларини тинглашга муваффақ бўлдилар. Қолаверса, пандемия сабабли минглаб ўқув, илмий адабиётларнинг электрон намуналари тайёрланиб таълим платформаларига жойланди. Умуман олганда, барча таълим субъектларда онлайн таълим ҳақида билим, малака, кўникмалар шаклланди. Биз

ҳам таълим субъекти сифатида онлайн таълимнинг мазмуни ва сифатини оширишга доир бир қанча изланишлар олиб бордик (С.Н.Аллаярова., 2020). Ушбу мақолада онлайн ўқишда таълим мазмуни ва сифатида ижобий таъсир қиладиган стратегиялар мазмуни ҳамда имкониятлари очиқ беришга ҳаракат қиламиз. Тадқиқотларимиз натижа-ҳасида саралаб олинган бир нечта таълим стратегияларини муҳокамангизга ҳавола қиламиз.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Аввало, масофавий ва анъанавий таълим ҳақида тўхталиб ўтсак. Масофавий таълим - бу кўшимча равишда амалга ошириладиган технология кўмаги ва тўлиқ Интернет орқали амалга ошириладиган таълим (Allen, I. E., & Seaman, J., 2005.); бу ўқитувчилар ва ўқувчиларни географик масофа ёки вақт бўйича ажратганда содир бўлади (Keengwe J., & Kidd, T. T., 2010). Анъанавий таълим эса, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг юзма-юз ўқиш ва ўрганиш жараёни бўлиб, бевосита мулоқот орқали амалга ошади (Paul, Jasmine, Jefferson, Felicia, 2019).

Энди барчамизга қизиқ бўлган онлайн таълимнинг афзаллик ва камчиликларини кўриб чиқсак.

Масофадан турибми ёки одатдагидек синфхоналарда таълим олишми, иккисидан бирини танлаш кўпларни қийнаётган савол. Кўпинча ўқувчилар масофавий таълим олишни танлашдан кўркишади, бу ҳолат уларнинг ушбу таълим шакллари

ижобий ва салбий томонлари ҳақида тўлиқ билим ва тасаввурга эга эмасликларидан келиб чиқади. Шунинг учун биринчи навбатда онлайн ўқишнинг умумий хусусиятларига эътибор қаратсак.

- Ўқувчи ўқиш билан бир қаторда ўзига маъқул иш билан ҳам шуғулланиши мумкин. Аслида онлайн ўқишни танлаган ўқувчиларнинг асосий қисми ўз ишидан воз кечишни истамайдиган, аммо билим олишни хоҳлайдиганлардир. Онлайн таълимда сиз дам олиш кунлари, ишдан қайтганингизда ҳатто ярим кечада ўқишингиз мумкин;

- Маблағингиз тежаллади. Ҳар қандай дастур учун масофавий таълим даражаси (Интернетда ёки бошқа усулда), ўқув марказларидаги оддий тўловдан кўра анча арзонроқ бўлиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан мақбул вариантларни қидираётган ўқувчилар учун онлайн таълим - энг тўғри йўл;

- Вақтингиз тежаллади. Ўқув марказларига бориш ва қайтиш вақтида транспорт кутиш учун кетадиган вақтингизни тежашингиз мумкин. Онлайн таълимда сиз истаган жойдан туриб маълумот оласиз.

- Ўз-ўзини ривожлантириш ёки аксинча, билимларни ривожлантиришдан ортда қолиш мумкин. Онлайн дарсларда тинглаш, тасаввур қилиш қобилияти кучлироқ бўлган талабаларнинг ўқув предметларини ўзлаштириши секин тушунувчи, жонли мулоқот орқали кўпроқ маълумот олишга мойил ўқувчилардан яхшироқ бўлади;

- Чалғиш эҳтимоли юқори. Онлайн таълимда юзма-юз мулоқот қилиш учун ўқитувчилар ва кутилаётган топшириқлар ҳақида доимий равишда эслатувчи синфдошлар йўқ. Агар масофавий ўқитиш курсини муваффақиятли яқунламоқчи бўлсангиз, ўзингизни ғайратли ва диққатли қилишингиз керак;

- АКТга тобелик. Онлайн ўқишнинг энг катта душмани бу интернет провайдерларининг секин ишлаши ёки алоқа узилиб қолиши. Бу вазиятда ўқувчининг таълим олишга бўлган интилиши сўниб, асабийлашишига сабаб бўлади.

Биламизки, хоҳ анъанавий (юзма-юз) ёки онлайн таълим олиш бўлсин таълим жараёнининг марказида ўқитувчи туради. Педагоглар ҳар қандай таълим муҳитида

билим бериш ва ўргатишнинг ажралмас қисмидир; улар асосан дарсни ривожлан-тиради, тузилиши ва тартибини сақлайди, ўқувчилар қатнашишни рағбатлантиради ва билим беради. Шунга кўра, онлайн дарсни сифатли ўтишда ўқитувчилардан талаб қилинадиган айрим профессионал малакаларни келтириб ўтамыз:

### **1. Технологияни билиш.**

Аввало, ўқув машғулотларидан олдин ўқитувчи ўқувчилар фойдаланадиган АКТ имкониятларини яхши билиши керак. Техник ёрдам хизматлари мавжуд бўлса-да, ўқитувчи ўқувчи учун биринчи ёрдамга келувчидир. Муҳим стратегиялардан бири - ўқитувчиларнинг ўқувчиларга техник кўмак учун қаерга мурожаат қилиш кераклиги тўғрисида аниқ маълумот беришидир. Яъни, ўқитувчилардан техник ёрдам сўралганда ўқувчиларни бошқа қулай хизматларга йўналтиришлари керак (web платформалар, қулай браузерлар, қидирув хизматларидан фойдаланиш каби). Талабалар учун техник ёрдам хизматлари мавжуд бўлса-да, ўқитувчилар шунга қарамай юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишга тайёр бўлишлари мақсадга мувофиқ. Синхрон муҳокамалар ёки реал вақтда жамоа машғулотлар пайтида, масалан, техник муаммоларни ҳал қилиш қобилияти дарс вақтини тежайди.

### **2. Фаоллик, яратувчанлик.**

Онлайн ўқиш пассив, ўз устида ишламайдиган ўқитувчиларнинг жойи эмас. Тадқиқотларга назар солсак, ўқувчиларнинг фикрича, онлайн дарс ўтувчи ўқитувчилардан кўра анъанавий дарс ўтувчи ўқитувчиларни кўпроқ ҳис қила олишларини таъкидлашган (google.form, 8.). Чунки жисмоний яқинлик, ўқитувчига ҳеч қандай нутқсиз ҳам фаол иштирокини таъминлайди. Онлайн таълимдаги ўқитувчидан жисмоний яқинлик бўлмаганлиги учун кўпроқ фаоллик талаб қилинади. Ўқитувчи дарсининг биринчи кунидан олдин ҳам барча талабаларга табрик хати ёки иложи бўлса видео хабар жўнатиши талабаларнинг қизиқиш ва мотивациясини кучайтиради, эртанги онлайн машғулотга аниқ мақсад билан уланади. Дарс давомида талабаларнинг фаоллигини кучайтириш усулларини аниқлаши, масалан, мунтазам ва хилма-хил оғзаки мулоқот ёки оғзаки

бўлмаган мулоқотдан, масалан, смайликлардан фойдаланиши ҳам яхши натижа беради (Allen, I. E., & Seaman, J., 2005.). Олиб борилган тадқиқотларимиз асосида муваффақиятли деб топилган айрим стратегияларни келириб ўтамиз: асосий тезкор хабарлардан кўра видео суҳбатдан фойдаланиш, мавзулар доирасида мунозаралар ташкил этиш (телеграм гурӯҳида сўров ёки мавзу бўйича викторина ўтказиш), саволларга тезкор, мунтазам ва очик жавоблар бериш ва ҳоказо.

### **3. Ўқув машғулоти бўйича аниқ тахминий натижаларни белгилаш.**

Онлайн дарс берувчи ўқитувчи дарснинг аниқ тахминларини (ўқув натижаларига нисбатан) эртароқ белгилаб қўйиши керак. Ўқитувчиларнинг виртуал платформалардаги ўқув натижалари, одатда анъанавий дарсдагидан фарқ қилади. Ўрганилган манбаларга кўра, онлайн жамоада ўқитувчилар ўқувчиларнинг иштирокига кўпроқ эътибор қаратишлари талаб этилади. Ўқувчиларга фанни ўзлаштиришда белгиланадиган баҳолаш мезонларининг олдиндан эълон қилиниши ҳам онлайн дарсдаги давоматга сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда ўқувчилар виртуал машғулотда нима учун иштирок этаётгани, дарс учун ҳаржлаётган вақт ва маблағ ундан олинадиган билим мазмунига мос келадими ёки йўқми аниқ белгилаб олишига таъсир қилади (Collinson, G., Elbaum, V., Haavind, S., & Tinker R., 2013). Бир сўз билан айтганча, онлайн таълимда “тасодифий” талаба бўлмайди. Шу маънода ўқув мақсадларига етишиш даражаси юқори бўлади.

Шунингдек, ўқитувчи талабаларнинг фанга оид саволларига тезда жавоб беришлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жавоб бериш вақти ва воситаларининг параметрларини биринчи машғулотдаёқ айтиб қўйиш ҳам ўқитувчининг масъулиятли эканлигини билдирувчи омиллардан биридир. Масалан, ўқитувчи электрон почта хабарларига бир иш куни ичида жавоб қайтаришини ва агар бирон сабабга кўра у ушбу талабни қондирмаса, буни маълум қилиши керак. Тезкор жавоб бериш даврида талабалар ўқитувчидан бир неча соат ичида электрон почтага жавоб беришини кутишади, агар

ўқитувчи жавоб бермаса, талаба алоқани узиши мумкин.

### **4. Қулайлик ҳисси.**

Виртуал муҳит онлайн таълимни биринчи бор бошлаган ўқувчилар учун янги ва ҳали синалмаган бўлганлиги боис уларда иккиланиш ва хавотирлик бўлиши табиий. Кўрқув, хавотир ва яққаланиш ҳисси чарчаш даражасига олиб келиши мумкин, шунинг учун ўқитувчилар барча ўқувчиларга қулайлик ҳиссини берадиган муҳит ярата олишлари лозим. Ўқитувчиларнинг бу маҳорати фанни ўқитишга бўлган иштиёқ, касбий билим ва қизиқиш ҳиссиётларини кўрсата олишларида намоён бўлади. Педагогик маҳорат ва ўз мутахассислигини чуқур билиш ўқитувчининг энг катта ютуғидир.

Ўқув жараёнининг икки томонлама муносабатларга асосланганлигини ҳисобга олсак, ўқитувчиларнинг самарали дарс ўтиши ўқувчиларнинг ҳам онлайн таълимга бўлган муносабати билан боғлиқ эканлигини эслаб ўтиш ўринли. Виртуал таълим субъектларнинг ўқишга иштиёқи ўқитувчилар томонидан етказиладиган чуқур билим, касбга қизиқтириш, келажакка ишонч уйғота олиш кабилар билан боғлиқ. Ўқувчилар томонидан иштиёқсиз, виртуал педагогик маҳорати етарли эмас деб қабул қилинган ўқитувчилар ўқувчиларда машғулотларда иштирок этишда иккиланиш, асабийлашиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шу сабабдан аввал бошидан ўқитувчи томонидан ташкил қилинган “қулайлик ҳисси” ўқувчилар мотивациясини ошириб, ижобий муҳитни яратишига эътибор қаратиш лозим. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчилар ўқувчиларни дарсга қатнашишини таъминлаб турувчи, лозим бўлса кафолатловчи *жамоат маданияти модели*ни ташкиллаштириши керак.

### **5. Сифатли асенкрон муҳокамалар орқали мулоҳаза ва мулоқотни тарғиб қилиш.**

Иштирокчи ўз шерикларидан ўрганиши ва мунозарага онгли равишда ҳисса қўшиши учун, мулоҳазали жавоб беришдан олдин дарснинг бошқа аъзолари шарҳлари ҳақида фикр юритиши керак. Тадқиқотларга кўра, яхши ўқитувчи бундай фикр юритишни қандай тарғиб қилиш кераклигини билади.

Онлайн таълим берувчи ўқитувчининг муваффақиятли стратегиялари каторига асенкрон муҳокаманинг даврийлик хусусиятини тушуниш ва жойлаштирилган мавзуни мунозара пайтида узилиб қолмаслиги муҳимлигини англаш киради (5.). Маҳоратли ўқитувчи доимий равишда мулоҳаза юритиш ва муҳокама қилиш учун имкон берадиган мавзулар билан машғулотларни ташкил қилади. Шу ўринда “синхрон” ва “асенкрон” тушунчаларига қисқа таъриф бериб ўтсак. Онлайн ўрганиш синхрон деб айтилса, бу реал вақт режимида амалга ошириладиган онлайн ёки масофавий таълим деган маънони англатади, айти пайтда асенкрон равишда ўрганиш онлайн каналлар орқали реал вақт режимида ўзаро алоқасиз амалга оширилади (Тимур Постоев, 2020.). Синхрон ва асенкрон – тарзда иштирок этишнинг мониторинги, онлайн ўқитишнинг зарур таркибий қисмидир. Шунинг учун ўқувчилар ўқув жараёни динамикасини, мавзулар муҳокамаси ва мунозараларни доимий равишда ташкил қилиб кузатиб борадиган ва бундай имкониятлар берилмаган тақдирда иштирокчиларнинг фикрларини сўраб турадиган ўқитувчини афзал кўришади. Ўқитувчилар иштирок этиш масалаларини муҳокама қилиш учун талабалар билан алоҳида, офлайн режимда ҳам боғланиши мумкин (5.). Шунинг таъкидлаш керакки, ушбу алоқа, иштирокчининг суҳбатларни ўз зиммасига олгани ва бошқа шахсларнинг имкониятларига рухсат бермаслиги натижасида ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун мунозараларга муносиб ва тенг равишда имкониятга кўмаклашиш мавзу бўйича муҳокамаларни доимий равишда кузатиб боришни талаб қилади. Онлайн таълим ўқитувчисининг ҳар бир ўқувчи ва жамоа бажараётган ишни тўғри назорат қила олиши муҳим аҳамиятга эга.

#### **6. Фаол раҳбар ва кузатувчи мувозанатини меъёрда сақлаш.**

Онлайн ўқитувчилар учун яна бир муҳим стратегия бу - ўқув менежери сифатида дарсни бошлаш қобилияти; бу ўқув жамоасида катта масъулиятни ўз зиммасига олади. Дарс давом этар экан, ўқитувчи таълим бошқарувчиси вазифасини ўқувчилар жамоасига босқичма-босқич топшириши

керак. Ушбу вазифа онлайн ҳамжамиятни куриш билан боғлиқ стратегияларни самарали амалга ошириш ва аста-секин жамоат муҳокамаларидан воз кечиш орқали амалга оширилади (Vrasidas, C. and Glass, G. V. (Eds), 2004). Дарс охирида ҳар бир иштирокчи ўзини ўзи бошқарадиган ўқувчи сифатида ҳаракат қилиши керак. Шу жараёнда билим кўникма, кўникма малака ва малакалар компетенция даражасига кўтарила олади.

#### **ХУЛОСА**

Умуман олганда, юқоридаги келтириб ўтилган стратегиялар, анъанавий таълимнинг юқори сифатини онлайн таълимда сақлаш, керак бўлса ошириш имкониятини яратади. Қайд этиш лозимки, таълим бериш режимининг ўзига хослиги онлайн муҳитда ўқитиш учун профессор-ўқитувчилардан кўшимча маҳорат ва кўникмалар талаб этади. Агар таълим муассасалари анъанавий дарслардан тўлиқ онлайн ёки аралаш таълимга ўтаётган бўлса, юқори малакали ўқитувчиларни тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мақсадга мувофиқдир.

Онлайн таълимнинг анъанавий таълимдан ажралиб турувчи ютуғи юқорида келтирилганмиздек “тасодифий” ўқувчи-ларнинг бўлмаслигидир. Онлайн таълимда ўқишга онгли ёндашиш тамойили устувор аҳамиятга эга. Таълим олишдан мақсади бўлмаганларга бу ерда ўрин йўқ. Бироқ, пандемия сабабли бутун дунё таълим тизимида тажрибадан ўтган онлайн таълим мазмунини янада ошириш, ўқитиш сифатини яхшилашда юқорида келтирилган таълим стратегияларини қўллаш самарали натижа беради. Таъкидлаш лозимки, сўнгги бир йил давомида онлайн таълим сифатини оширишга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилди, илмий изланишлар натижалари эълон қилинди. Бизнинг камтарона тадқиқотларимиздан олинган хулосалар ҳам онлайн таълим самарадорлигини оширишга ўзига яраша ҳисса қўшади деб умид қиламиз.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Allen, I. E., & Seaman, J. (2005, November) *Growing by degrees: Online Education in the United States, 2005* Wellesley, MA: Alfred P Sloan Foundation. <https://files.eric.ed.gov/fulltext/ED530062.pdf>

2. Keengwe J., & Kidd, T. T. (2010) *Towards best practices in online learning and teaching in higher education Journal of Online Learning and Teaching*, 6, 533-541.
3. Paul, Jasmine, Jefferson, Felicia A *Comparative Analysis of Student Performance in an Online vs. Face-to-Face Environmental Science Course From 2009 to 2016. Frontiers in Computer Science.*  
<https://www.frontiersin.org/article/10.3389/fcomp.2019.00007>. VL - 1. 2019. p. - 2624-9898.
4. <https://webinar.ru/blog/что-такое-синхронное-обучение/> Тимур Постоев Что такое синхронное обучение?
5. <https://worldscholarshipforum.com/uz/sinxron-va-asen-kron-o%27rganish-nima/> Onlayn ta'limda sinxron va asinxron o'rganish nima? Faktlar
6. *Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Тошкент: 2015. – 208 бет.*
7. Vrasidas, C. and Glass, G. V. (Eds) (2004), *Current Perspectives in Applied Information Technologies: Online Professional development for Teachers*, Information Age Publishing, Inc, Greenwich, CT
8. <https://docs.google.com/forms/d/1OQGnjB5wggcbuCm4Pso-3W1-mbXPYcKqv3qaMejTBWU/> Сўровнома
9. Collinson, G., Elbaum, B., Haavind, S., & Tinker, R (2000). *Facilitating online learning: Effective strategies for moderators* Madison, WI: Atwood Publishing Community College Research Center (2013).
10. <https://www.researchgate.net/publication/347928978> TA'LIM FAN VA INNOVATSIYA С.Н.Аллаярова. Талабаларнинг илмий тадқиқот фаолиятига таъсир этувчи омиллар. Таълим, фан ва инновация. 2020 йил 4-сон. –Б.11-15.
11. Masofaviy ta'limning afzalliklari va kamchiliklari <https://mail.prep.uz/news/onlayn-talim/masofaviy-ta-limning-afzalliklari-va-kamchiliklari>
12. Ratheeswari K. *Information Communication Technology in Education // Journal of Applied and Advanced Research*. 2018/05/10. VL-3. DOI-10.21839/jaar.2018.v3iS1.169. [https://www.researchgate.net/scientific-contributions/2142402182\\_K\\_Ratheeswari](https://www.researchgate.net/scientific-contributions/2142402182_K_Ratheeswari)

## СОҒЛОМ АВЛОД – КЕЛАЖАГИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

*Д.Т.Мамирова-доцент. ГИИКУ*

### **ПРОБЛЕМЫ СОВРЕМЕННОГО СПОРТА И СРЕДСТВА ВОССТАНОВЛЕНИЯ**

#### **Аннотация**

Данная статья посвящена современным способам определения здоровья в тесной связи со спортом. Раскрывает проблемы возникновения физического напряжения, нарушения баланса между процессами торможения и возбуждения в коре головного мозга. Целью статьи является: решение проблем восстановительного процесса различными методами и средствами. В статье описывается причины сильной усталости и напряжения, а также разработанный ряд предложений по методологии оценки эффективного управления восстановительным процессом. В выводе сообщается, что рационально организованная тренировочная и соревновательная деятельность повышает используемый реабилитационный инструмент для ускорения процесса занятий спортом и повышения спортивного потенциала.

**Ключевые слова:** физические нагрузки, усталость, напряжение, невроз, импульс, восстановление, контроль, режим.

## CHALLENGES OF CONTEMPORARY SPORT AND RECOVERY FACILITIES

### Abstract

*This article is devoted to modern methods of determining health in close connection with sports. It reveals the problems of physical stress, imbalance between the processes of inhibition and excitation in the cerebral cortex. The purpose of the article is: solving the problems of the recovery process by various methods and means. The article describes the causes of severe fatigue and stress, as well as developed a number of proposals on the methodology for assessing the effective management of the recovery process. In the conclusion, it is reported that rationally organized training and competitive activity increases the used rehabilitation tool to accelerate the process of doing sports and increase sports potential.*

**Keywords:** *physical activity, fatigue, stress, neurosis, impulse, recovery, control, regime.*

## ZAMONAVIY SPORTNING MUAMMOLARI VA TIKLASH VOSITALARI

### Annotatsiya

*Ushbu maqola sog`liqni sport bilan chambarchas bog`liq holda aniqlashning zamonaviy usullariga bag`ishlangan. Bu jismoniy stress, miya yarim korteksidagi inhibitsiyon va qo`zg`alish jarayonlari o`rtasidagi muvozanatning muammolarini ochib beradi. Maqolaning maqsadi: tiklash usullari muammolarini turli usullar va vositalar yordamida hal qilish. Maqolada og`ir charchoq va stress sabablari, shuningdek tiklanish jarayonini samarali boshqarishni baholash metodologiyasi bo`yicha qator takliflar bayon etilgan. Xulosa qilib aytganda, oqilona tashkil etilgan mashg`ulotlar va raqobatbardosh faoliyat sport bilan shug`ullanish jarayonini tezlashtirish va sport salohiyatini oshirish uchun ishlatilgan reabilitatsiya vositasini ko`paytiradi.*

**Kalit so`zlar:** *jismoniy faollik, charchoq, stress, nevroz, impuls, tiklanish, boshqarish, rejim.*

Сегодня, большое внимание уделяется широко используемым реабилитационным инструментам для ускорения процесса занятий спортом и повышения спортивного потенциала. Разумное использование лечебного оборудования имеет решающее значение в условиях экстремальной физической и психологической (психической) нагрузки современного спорта

Одной из важнейших проблем современного спорта является повышение конкурентоспособности спортсменов. Ведущие спортсмены мира занимаются спортом не менее 2-3 раз в день. Увеличивается количество соревнований, а также масштаб и интенсивность спортивных мероприятий. У людей с высокими спортивными достижениями, часто наблюдается напряжение. Это характеризуется снижением трудоспособности, в организме расстраивается центральная нервная система. Это может произойти из-за чрезмерной интенсивности возбуждения или торможения. При интенсивной активности мышц, сильное движение происходит из-за ускоренного распространения проприоре-

цепторов от импульсов к нервным клеткам. Занятия физической культурой и спортом влияют на социальную моторику, производительность труда, здоровье, положительно сказываются и на общем культурном развитии, поведении и способах проведения досуга, внешнем и внутреннем облике, культурных потребностях. Так, по данным научно-статистического центра физической культуры и спорта, среди активно занимающихся физической культурой на 15-20 % больше инициативных работников, преуспевающих в трудовой деятельности и пользующихся авторитетом коллег. [6 С.462]

**Цель:** решение проблем восстановительного процесса различными методами и средствами в соревновательном и тренировочном процессах.

В случаях чрезмерной, ускоренной физической работы по освоению сложных адаптивных действий может повредить нервную деятельность. Многие дифференцированные изменения, которые необходимы в этих условиях, являются причиной чрезмерной подвижности нервных процессов. Однако это всегда приводит к



нарушению центральной нервной системы. Эти случаи называются неврозами. [5 С.129]

Невроз является результатом нарушения баланса между процессами торможения и возбуждения в коре головного мозга. Напряжение - это прежде всего центральная нервная система, такая, как кора головного мозга, (спинной мозг, головной мозг), которая была достигнута во время упражнений, высокий уровень улучшенной координационной (адаптивной) активности приводит к серьезным изменениям. [7 С.256]

Одной из основных причин сильной усталости и напряжения является то, что упражнения выполняются без полного восстановления, с болевыми ощущениями при развивающемся напряжении. Среди прочих причин особенно выделяются: выполнение упражнений, которые не организованы должным образом, и требование достижения высоких спортивных результатов в кратчайшие сроки. [4. С.11]

Напряжение у спортсменов связано с невроз-специфическими симптомами. У них разные жалобы: эмоциональное раздражение, злость, избыточный вес, головная боль, бессонница, головокружение, повышенная утомляемость, повышенное потоотделение, снижение рабочих навыков и спортивных результатов.

К сожалению, из-за изменчивости и неопределенности возможностей и функционального состояния спортсмена, спортсмены и тренеры часто не замечают начальную стадию напряжения. На ранних стадиях стресса, помимо общих изменений, у спортсменов могут ухудшиться достигнутые результаты, способность работать и улучшать свою технику, и координацию.

Реакция сердечно-сосудистой системы на тест в первую очередь определяется ухудшением скоростных характеристик занимающегося и последующим ухудшением результатов теста (атипичные, то есть реакции с дистонической и гипертонической формой, период восстановления длится в течение продолжительного времени). На более поздних стадиях стресса сердечная недостаточность ухудшится, обмен веществ увеличится, витамины (в основном аскорбиновая кислота) в организме

уменьшатся. Различные заболевания и дефекты могут возникать из-за снижения уровня защиты спортсмена.

Такие проблемы решаются регулированием общего режима и режима упражнений, избегая напряжения, тем самым восстанавливая организм спортсмена. На начальной стадии, необходимо уменьшить количество, объем и тяжесть физических нагрузок, а также продлить время отдыха. Естественно рекомендуется менять место тренировок, то есть тренировки за пределами стадиона и спортзала - в парке, на реке. В этом случае организм спортсменов будет восстанавливаться в течение двух-трех недель, а режим их тренировок будет постепенно увеличиваться.

На втором этапе стресса, спортсмену необходимо отдохнуть от одной до двух недель для специальных упражнений. Рекомендуется активный отдых: пешие прогулки, утренняя гимнастика, бег, плавание и другие расслабляющие способы. Через 1,5-2 месяца спортсмену разрешается выполнять определенный режим упражнений и участвовать в соревнованиях.

На третьем этапе стресса, спортсмен должен повторять выполнение упражнений в течение нескольких недель (1-4) полностью. Упражнения нужно начинать постепенно, примерно через 2,0-2,5 месяца. Отборочные соревнования разрешены через 2,5 месяца. [8 С.53]

Реабилитация спортсменов, находящихся в напряженном состоянии, рекомендуется проведение лечения в частных медицинских учреждениях, физиотерапевтических учреждениях, а также в больницах. Физические упражнения являются чрезвычайно сложными с большой нагрузкой, приводящими к серьезным последствиям в определенных органах и системах. В некоторых случаях, дают осложнения на работу сердца и кровеносной системы, происходит неправильная работа почек, печени и пищеварительного тракта. [1 С.112]

Чрезмерное напряжение является результатом несовместимости физической и спортивной нагрузки с физическими возможностями.

Усталость является физиологическим процессом, умственным или физическим нарушением и кратковременно исчезает после отдыха. Чрезмерная усталость, это состояние, которое возникает, когда прогрессирует процесс утомления, когда дело доходит до упражнений без выздоровления и когда нарушается режим упражнений, что приводит к развитию патологии.[3 С.78]

Основательность знаний по физической культуре, владение умениями и навыками физического самосовершенствования, организации здорового образа жизни, использования средств физической культуры для реабилитации при высоких нервно-эмоциональных нагрузках и после перенесенных заболеваний; они творчески внедряют физическую культуру в профессиональную деятельность, в семейную жизнь. [2 С. 19]

**Выводы.** Из выше изложенного, можно сделать вывод, что для восстановления работоспособности организма необходимо использовать широкий спектр спортивной медицины. Необходимо разделить на группы: педагогические, психологические, медицинские. Также можно выделить, что инструментами реабилитации являются: а) система, восстанавливающая спортсмена после тренировки; б) система медицинской реабилитации: восстановление способности спортсменов справляться с болезнями, травмами и истощением.

Неправильное использование этих средств, неадекватное состояние организма, увеличение количества нагрузок, отрицательно сказывается на здоровье спортсменов и приводит к ухудшению их работоспособности. Поэтому, применяя средства и методы восстановления, необходимо принимать во внимание индивидуальные особенности, возраст,

половые различия, физическое развитие, антропометрические данные, стадию и характер тренировки или соревнования.

#### СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Светличная Н.К. Спортивная физиология: Учебное пособие, - Ташкент. Изд "ИЖОД", 2007г. С. 19

2. Мамирова Д.Т. Взаимосвязь физической культуры и воспитания профессионального мастера в подготовке будущих специалистов актёрского профиля// ВАК журнал: Физическая культура: воспитание, образование, тренировка. Москва 2019г. №2. С. 112

3. Крусевич Т.И. Теория и методика физического воспитания: Учебник, под ред. -3 том. Киев. Олимпийская литература, 2004 г. С. 78

4. Azimov I.G. Sobitov SH.S. sport fiziologiyasi – Toshkent, 1993. С. 11

5. Stewart, G.W. Active Living: The Miracle Medicine for a Long and Healthy Life. Human Kinetics Publishers 2. Geli, JA (2007). p. 129 (Чудо-медицина для долгой и здоровой жизни).

6. Мамирова Д.Т. Социальные факторы и способы мотивации по привлечению студенческой молодежи к регулярным занятиям физической культурой и массовыми видами спорта. Научный вестник НамГУ 2019 йил 6-сон С. 462.

7. Мамирова Д.Т. Проблемы тренировочного процесса при возникновении физической усталости и способы ее восстановления. Научный вестник НамГУ 2018 йил 5-сон С. 256.

8. Суслов Ф.П. О тенденциях выступления российских спортсменов на играх Олимпиад в неофициальном командном зачете // Теория и практика физической культуры. - 2009. - №12. С. 53.



таълим соҳасига инновацион технологиялар ва тараққий этган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини кенг тadbик этиш, ёшларнинг камолоти йўлида барча имкониятлардан самарали фойдаланиш кабиларда намоён бўлмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам узоқ йиллар давомида бизда таълим-тарбия ишлари жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва ҳалқимизнинг тарихий илдизларидан узиб қўйилган эди. Мустақиллигимиз шарофати билан барча жабҳаларда бўлгани каби мусиқа таълими ва тарбиясини миллий негизда шакллантириш ва ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралди, уни ҳалқимизнинг миллий маданияти, санъати, анъаналари негизда барпо этишнинг кенг имкониятлари яратилди. Халқ мусиқа мероси ўз мазмунида ҳалқимизнинг муайян тарихий босқичлари, ижтимоий, иқтисодий, маънавий турмуш тарзи, ҳаётий қарашлари, орзу умидлари, урф-одатлари, умуминсоний ғояларни мужассамлаштиради. Шу боис улардан ёш авлодни миллий ғоя ва мафкура руҳида, қолаверса баркамол шахс сифатида тарбиялашда фойдаланиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайдиган вазифалар сирасига киради. Бу эса Республикамизда амалдаги таълимнинг барча бўғинларида, хусусан, таълимнинг энг муҳим шакллантирувчи босқичи бўлган умумтаълим мактабларида ўқувчи-ёшларни миллий мусиқа меросимизнинг энг ноёб намуналари – халқ кўшиқлари, ашулалари, куйлари, мумтоз ва мақом асарлари билан чуқур таништириб боришни тақозо этади.

Мустақил ривожланиш йилларида мусиқа таълими соҳасида, уни миллий асосларда қайтадан шакллантириш борасида улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда таълим тизими олдида қўйилаётган замонавий талаблар бу ишларни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш заруриятини юзага келтирмоқда. Бу ўринда қуйидагиларни кўрсатиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз:

1. Умумтаълим мактабларининг «Мусиқа маданияти» фани бўйича ўқув дастурлари ва дарсликларига киритилган куйлаш ва тинглаш учун тавсия этилган асарлар репертуарини қайта кўриб чиқиш, ўзбек халқ

кўшиқлари, мумтоз (мақом) мусиқа ҳақида билим ва малакалар ҳосил қилишга мўлжалланган ўқув материалларни муайян синф, чорак мавзулари доирасида чекланиб қолмаслигига эътибор қаратиш лозим.[2]

2. Юксак ва мураккаб ижод намунаси бўлган мумтоз куй-кўшиқлар воситасида амалга ошириладиган таълимий-тарбиявий ишларни синфдан ташқари шакллари узвийлик ва тизимлилик тамойиллари асосида йўлга қўйиш.

3. Халқ мусиқа мероси (фольклор мумтоз ва мақом) мусиқа ҳақидаги ўқув материаллари ва улар учун ажратилган ўқув соатлари ҳажмини кўпайтириш, мазмунан янада бойитиш зарур.

Шуни эътироф этиш жоизки, ўзбек халқ мусиқа мероси улкан маънавий хазина бўлиб, унинг тарткибидаги оғзаки анъанадаги фольклор куй-кўшиқлар, мумтоз ашулалар негизда халқ оғзаки ижоди ёки мумтоз шеърят намуналарига хос адабий матн ётади. Бу бебаҳо ҳазинанинг яна бир қимматли жиҳати замонавий композиторларнинг кўчилигининг улардан илҳомланиб, янги-янги асарлар яратиш келинаётганлигида кўринади.

Мумтоз адабиёт вакиллари томонидан яратилган шеърый асарлар юксак ижод намунаси сифатида асарлар давомида ҳалқимиз томонидан эъзозланиб келинади. Уларнинг бадиий асар сифатида юксак маҳорат ва истеъдод меваси эканлиги, улар мазмунида ифодаланган ғоялар, ишқ тарифи баён этилган лирик кечинмалар, нозик ҳистуйғулар, ғоят нафис тасвирлар, ўхшатишлар, ранглар тавсифи ҳар қандай киши қалбида ўзига хос, ажиб ҳиссиётлар уйғотади. Бундай асарларни ҳар гал ўқиганда бир-бирини такрорламайдиган туйғуларни туясан киши. Шоирнинг бетимсол ҳаёлоти, ўз ҳаёлотида сиймосини чизган машуқасининг олийжаноб фазилатлари-ю, киши эркини забт этувчи ташки кўриниши, ҳаракатлари беихтиёр ўқувчининг ҳам қалбини ўзига ром этади. Бундай шеърый матнга басталанган куй, мусиқанинг сеҳрли таъсири билан уйғунлашиб, инсон ҳиссиётига кучли эмоционал таъсир этиши билан эстетик тарбиянинг кудратли воситасига айланади. Шунинг учун ҳам халқ

музыка меросидаги фольклор ва мумтоз музыка асарларидан, уларнинг маънавий ва эстетик тарбиявий имкониятларидан педагогик мақсадларда фойдаланиш яхши самара беради. “Инсон ўз табиатига кўра доимо гўзалликка интилиб яшайди. Гўзалликка интилиш майли билан яшайдиган инсонни ёшлигидан гўзаллик қонунлари бўйича тарбиялаш, уларда гўзалликни ҳис этиш, баҳолаш, ўз муносабатини билдира олишга ўргатиш, гўзаллик яратишга бўлган истеъдодини рўёбга чиқаришига имконият яратиш, эстетик тарбиянинг бош мақсади ва вазифасини белгилайди.”[4]

Миллий нафосат ва миллий ахлоқ, миллий этика ўзбек халқининг, республикаимиз маънавий-маърифий ҳаётининг равнақида нақадар муҳим ва салмоқли аҳамиятга эга бўлса, эстетик ва ахлоқий тарбия ҳам ёшларнинг маънавий баркамол, ақлан етук, миллий кадриятларни теран ҳис этувчи шахс сифатида камол топишида бебаҳо воситадир. Шунинг учун ҳам маънавий эстетик анъаналардан, миллий кадриятлар, миллий музыкаий меросдан унумли ва ўринли фойдаланиш бугунги кунда таълим-тарбия олдига қўйилган ижтимоий буюртмани муваффақиятли бажаришда муҳим ўрин тутаяди. Бугунги кунда турли техник воситалар (интернет тармоқлари, телефон) орқали беҳаёликни, шармсизликни, қуруқ оҳанг билан йўғирилган «ракс»лар, шовқинлар, бақирок, йиғлоқи нолаларни «оммавий маданият» ниқоби остида ёшлар ҳаётига кириб келаётганлиги, замонавий эстрада санъатидаги кўшиқчиликни «интернационаллашуви» (бошқа халқлар музыкасига таклид, ўзбекчага ўгириш, оҳангидан фойдаланиш, шуларга мос ҳатти-ҳаракат, қилиқлар билан «безалган» клиплар) натижасида халқимизнинг

чинакам миллий, бетакрор жозибасига эга бўлган музыкаий анъаналар, ижрочилик услубларига эга бўлган санъат ўрнини сохта, енгил-елпи оҳангларга қизиқиш майиллари эгаллаб олаётганлиги ачинарли ҳолдир. Буларнинг барчаси бугунги кунда таълимнинг барча бўғинларида, хусусан умумтаълим мактабларида ўқувчи ёшларни миллий маънавий кадриятларга муносабатини миллий ғоя ва мафкура мазмуни ҳамда моҳиятига монанд шакллантириш, муаммоларнинг назарий асосларини таҳлил қилиш ва уларнинг ижобий ечимини таъминлаш чоралари, иш усуллари, воситалари, педагогик шарт-шароит ва имкониятларини аниқлаш, биринчи навбатда миллий музыка меросимизни чуқур ўрганиш, унга қизиқиш ва муҳаббат туйғуларини ўстиришнинг илмий педагогик тизимини ишлаб чиқиш ёш авлод тарбияси учун масъул педагог-мураббийлар олдига ўз фаолиятига юксак масъулият билан ёндашиш вазифаларини қўяди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Мирзиёев. «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга тарълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. 2018 йил, 14 август.

2. Умумий ўрта таълимнинг ДТС ва ўқув дастури. Музыка. Т.: Таълим тараққиёти, ахборотнома, 6,7-махсус сонлар 1999 йил.

3. Эстетик тарбия асослари. Ўқув қўлланма. Н.Кушаев таҳрири остида. Т.: Ўқитувчи, 1988 йил.

4. И. Қудратов Талабаларни халқ кўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш. –Тошкент, Фан. 2009 йил. 23- б.

**Г.Ю.Азимова – мустақил изланувчи  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
давлат бошқаруви академияси**

#### ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ОИЛАДАГИ ИЖТИМОЙ МУҲИТНИНГ ТАЪСИРИ

##### Аннотация

Мазкур мақолада бугунги кунда ўзбек оиласи, ота сиймоси, ота намунаси, ота ва фарзанд муносабатлари ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** ўзбек оиласи, оилавий муносабатлари, оилавий тарбия, ота намунаси, ота сиймоси.

## ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ СРЕДЫ В СЕМЬЕ НА ВОСПИТАНИЕ РЕБЕНКА

### Аннотация

*В данной статье исследуется современная узбекская семья, взаимоотношения в семье, пример отца, образ отца.*

**Ключевые слова:** *узбекская семья, взаимоотношения в семье, семейное воспитание, пример отца, образ отца.*

## THE INFLUENCE OF THE SOCIAL ENVIRONMENT IN THE FAMILY ON THE UP-BREAKING OF A CHILD

### Annotation

*This article explores the modern Uzbek family, relations the example of a father, the model of a father.*

**Keywords:** *Uzbek family, family relations, family education, example of a father the model of a father.*

Фарзанд тарбияси ҳар бир давр ва замонда энг муҳим ва долзарб масалалардан бўлиб келган. Айниқса, бугунги кунда фарзандларимизнинг яхши таълим-тарбияли инсонлар қилиб тарбиялаш давлат миқёсидаги долзарб масала эканини ҳар биримиз яхши тушиниб турибмиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди” деган таъкиди давлатимиз раҳбари томонидан келажак авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганининг далолатидир. Шунингдек, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Абдурауф Фитрат бобомизнинг ёш авлод тарбияси ҳақидаги куйидаги фикрларини изоҳлайди: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”

Жамият ҳаётининг фаровонлиги кўп ҳолларда оилаларнинг ҳаётга қандай таъриғарлигида намоён бўлади. Шунинг учун жамиятнинг аҳволи билан оиланинг ҳоли

бир-бирига чамбар-чарс боғлиқдир. Шунга кўра жамиятдаги норасоликлар тўғридан-тўғри оилага ёки оиладаги иллатлар тўғридан-тўғри жамиятга ўз таъсирини ўтказади. Ҳар бир бузилган оила, ҳар бир етим қолган бола, ҳар бир ёлғиз эркак, ҳар бир кўз ёшли аёл жамиятнинг дардидир, деб бежиз айтилмаган. Агар оила тинч, соғлом бўлса, жамият мустаҳкам ва барқарор ривожланади. Ўзбек оиласининг дунёдаги бошқа оилаларга ўхшаш томонлари кўп. Шу билан бирга унинг ўзига хос жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Азалий тушунчалар бўйича, никоҳ-илохий аҳд, оила – муқаддасдир. Маълумки, Ҳадиси шарифларнинг муайян қисмида ахлоқ-одоб, Исмом дини ҳам неча асрдирки инсонни тарбиялаш, айниқса, болаларга одоб ва ахлоқдан пухта тарбия беришни энг муҳим вазифа ўрнида қўрган. Чунки, жамият аъзоларининг яхши хулқли, ҳалол ва пок бўлишини орзу қилсангу, аммо ўша жамиятнинг келажаги бўлмиш болалар тарбияси ҳақида қайғурмасак, ниятларимиз сароблиғича қолаверади.

Оилада отанинг оила раҳбари сифатида маъсулияти алоҳида аҳамиятга эга. Аллоҳ таоло эркак кишини жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратган. Аллоҳ таоло эркак кишига оиладек муқаддас даргоҳга раҳбар бўлиш вазифасини юқлаб, Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган: “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоим турувчилардир. Сабаб-Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари

(аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортик қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол мулкидан сарф қилиб туришларидир.” (Нисо сураси, 34-оят)

Эркак кишининг энг катта бурчи ўз қарамоғидагиларнинг ўзгаларга қарам бўлиб қолишига йўл қўймаслигидир. Шунинг учун эркакнинг зиммасида оила аъзоларининг нафақаси фарздир. Ҳадисда: “Киши ўз қарамоғидагиларни нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қилади”, дейилган.

Оталар оила бошлиқлари сифатида оиланинг иқтисодий таъминланганлик, фарзанд тарбияси борасидаги вазифаларини шараф билан адо этаётганлари қувонарли ҳол, албатта. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда баъзи бир оила бошлиқлари айни шу масалада ўз вазифаларини унутиб қўймоқда.

Оилада ҳар доим эркак киши улуғ ҳисобланади. Ота ҳаётда машаққатлардан тортиб, барча хурсандчиликларгача, ўзининг букилмаслиги, эгилмаслиги билан бардош берувчи шахс сифатида гавдаланади. Оиланинг барча оғир ва маъсулиятли юмушларини ота бажаради.

Ҳар бир фарзанд учун ота дунёдаги энг улуғ инсондир. Бола отасига таъқлид қилади ва ундан ўрнак олади. Ота боласига барча яхши сифатларни намоёйиш қилиб, барча ёмон сифатлардан узокда бўлиши керак. Ота болага шахсий намуна кўрсатиши билан бирга уларга одобни кунт билан зерикмасдан ўргатиб бориши зарур. Чунки ота фарзандига берадиган нарсаларнинг энг қимматлиси ва зарурийси одобдир.

Саъид ибн Осс розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллалоху алайҳи васаллам: “Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши одоб ўргатишдан ортик ҳадя қила олмайди”, дедилар.

Бола ота-онаси ҳузурида омонатдир, унинг қалби покиза гавҳардир. Агар унга яхшилик ўргатилса, ўшандай улғаяди. Унинг савобига ота-онаси ва мураббийси шерик бўлади. Агар ёмонликка ўргатилса, унинг гуноҳига ота-онаси ва мураббийси шерик бўлади. Шундай экан, болани ёмонликдан сақлаш, унга таълим-тарбия бериш, яхши ахлоқни ўргатиш, ўткинчи лаззатларга қизиқишига одатлантирмаслик, моддий

бойликка ружу қўйишига йўл қўймаслик зарур. Токи фарзанд улғайиб бойлик ортидан югуриб умрини зое кетказмасин.

Оилада ота-она биргаликда асосий тарбиячилардир. Тарбиянинг эса усуллари кўп. Ўргатиш, тушинтириш, таъқиқлаш ва ҳоказо. Лекин тарбиянинг энг самарали усули – намуна кўрсатишдир. Шунинг учун оталар қандай намуна кўрсатса, шу фарзандига акс этади. Мисол учун ота фарзандига чекиш, ичкиликбозликни зарарли оқибатлари ҳақида таъсирли гаплар гапирса-ю, ўзи чекса фарзанди ҳам чекадиган, ўзи ичса фарзанди ҳам ичадиган бўлиб вояга етиши эҳтимоли кучли. Чунки отада шундай ҳолатни кўрга фарзандлар, бу иллатни оддий жараён деб қабул қилади. Отанинг талаби ва амаллари ўртасида мутаносиблик бўлиши керак. Акси бўлсачи, фарзанд оқибатда салбий одатларга ўзи англамаган ҳолда ўргана бошлайди. Бундан кўринадики, айрим оталарнинг ахлоқи, оилада даврасида ўзларини тутишлари, ичкиликбозликлари ёки бошқа салбий кўринишлари фарзандларига ўз таъсирини кўрсатади. “Қуш уясида кўрганини қилади” деганларидек, бола андозани ота ёки онасидан олади.

Оилада ота-она ҳеч қачон фарзанд тарбияси жараёнини ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги керак. Фарзандини гўдаклигида парвариш қилиб, уни оқ ювиб, оқ тараб, вояга етказиб, унинг камолоти йўлида жон куйдириб, касб-корли, уйли-жойли қилиш-гача бош-қош бўлиши ота-онанинг меҳрини ўзига хос кўринишидир. Фарзанд тарбияси ажодлардан қолган мерос. Катта тажрибага эга бўлган ҳалқимизда кейинги йилларда айрим муаммолар кузатилаётганин сир эмас. Бунинг сабабларини таҳлил қилиш ва замонавий ўзбек оилаларида фарзанд тарбиясининг муҳим жиҳатларини ўрганиш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бола оилада биринчи ҳаётий тажрибани ота-онасидан олади, кузатади ва ўзини ҳар турли вазиятларда қандай тутиш кераклиги андозасини ўрганади. Оилада ота-она болани нимага ўргатса, уни аниқ, ҳаётий мисоллар билан мустаҳкамлаши зарур, акс ҳолда тарбиявий таъсир заифлашиб, фарзандига гапи ўтмайдиган бўлиб боради. Бу каби

холоатлар фарзанд тарбиясида ўз таъсирини кўрсатади. Фарзанд тарбияда билиб-билмай йўл қўйиладиган хатоликлар турли тумандир. Улар орасида кенг тарқалганлари ота-оналарнинг ҳаддан ташқари обрўталаб-ликлари, хукмронликка интилишлари, фарзандини хошиш истакларини инobatга олмаган ҳолда, “ўзлари хоҳлагандай” қилиб тарбиялашга уринишларидир. Мутахассисларнинг фикрича, бола тарбиясида танбех ва таъқиқларга жуда эҳтиёт бўлиш керак, боланинг ҳар бир қадами назорат остига олинса, унинг ҳатти-харакатидаги мустақиллик, фаоллик, ўз кучига, имкониятига ишонч кабилар ўз-ўзидан йўқолади. Ички майл, истак ва интилишлар ўрнига тобелик, итоаткорлик каби пассив хулқ-атвор шаклланади. Д.С.Акивиснинг “Ота меҳри” номли оилавий тарбияга бағишланган китобида оиладаги муносабатлар, ота ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар шаклланишининг тарбиявий жиҳатларини муҳокама қилиб шундай ёзади: “Ота онага қараганда фарзандига камроқ ғамхўрлик қилади, балки у кўпроқ болага мустақиллик беради, бу билан болада ўзини англашни, ўзини ўзи бошқаришни, ўз кучига ва имкониятларига ишонишни тарбиялайди”

Болани баркамол бўлиб шаклланиши учун ота-онанинг ҳар бирининг хатти-харакатининг таъсири бор. Болага нисбатан илик муносабат, унинг ишлари билан қизиқиш, унга кўрсатилган ғамхўрлик ва вақтида қилинган талабчанлик болада ўзига бўлган муносабатни шакллантиради, яъни ўзига тўғри баҳо бериш, ўзига талабчан бўлиш, ўзига ишончни тарбиялайди. Фарзанд тарбияси бу боланинг хатти-харакатини доимий назорат қилиш деб тушиниб, боланинг мустақиллигини ва ижодий фаоллигини чегаралаб қўйган ота-оналар эса, фарзанди улғайгач, улар кутган сифатларини намоён эта олмаса “шунча уринишимга қарамасдан фарзандим мен хоҳлагандек инсон бўлмади”-каби ҳолатларга тушадилар. Боланинг кўнгли тусаган ишларни қилишга ҳаддан зиёд эркинлик бериб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ота-она фарзандининг тарбиясини доимий маълум бир меъёрда ушлаб туришлари керак.

Шунингдек, фарзанд тарбиясида ота-онанинг бир-бирига бўлган муносабати,

ўзларини оила даврасида тутиши муҳим аҳамиятга эга. Оилада эр-хотин ўзаро муносабатларнинг барча қоидасига амал қилишлари лозим. Катталарга ҳурмат, кичикларни авайлаш, бир-бирига меҳрибонлик, самимийлик, айниқса аёлларни иззат қилиш одатга айланиб бориши керак. Фарзандларга онани ҳурмат қилиш, унга меҳрибон бўлишни ўргатиш отанинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Аёл кишини ҳурмат қилишни оилада ўғил бола ўз отасидан намуна сифатида ўрганadi. Оилада эр ўз аёлига нисбатан зўравон бўлса, бу муҳитда тарбияланаётган ўғил фарзанд аёлларни ожиза, улар устидан хукмронлик қилиш мумкин деган фикр билан ўсади ва отасидан зўравонлик хусусиятларини ўзига мерос қилиб олади. Шу ўринда ҳақимизнинг “Онасини кўриб қизни ол” деган нақлга “Отасини кўриб, ўғилга баҳо бер” деган нақлни кўшишни давр тақозоси деб ҳисоблаш мумкин.

Оилада ўғил бола отасига, қизлар эса онасига ўхшашга, улардаги яхши хислатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қиладилар. Чунки, фарзанд учун ота-она қалбга яқин энг улуғ инсонлардир. Ота-она оилада фарзандига берган тарбияси билан унинг бир умрлик тақдирига ўз ҳиссасини кўшади. Фарзанд тарбиясида отанинг қаттиққўллиги, онанинг меҳрибонлиги ҳал қилувчи омиллардан биридир. Оиладаги умумий соғлом иқлим, меҳр-муҳаббат, оқибат, ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлик, ота-онанинг билим савияси, иймон эътиқодлилиги, дунёвий ва диний илм-маърифатдан хабардорлиги, пул ва пулдорликка, моддий ва маънавий бойликка муносабати ва шу каби жуда кўп нарсаларга боғлиқ.

Ота-она боланинг ақлий, ахлоқий, жисмоний камолоти учун баравар жавобгар. Оилада ота-она бу жавобгарликни яхши хис этиши муҳим. Ота-она Фарзанд олдидаги бурчини уни ҳам руҳий-маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиши учун жисмоний жиҳатдан чиниққан, баққувват, турли касаллик ва иллатлардан соғлом қилиб улғайтириш билан бажаришини тушиниши керак. “Бола ота-она қўлида бир омонатдир”, “Ўз болангиз тарбиясига ўзингиз маъсул, огоҳ бўлинг”, “Ўз уйингни ва ўз болангни



ўзинг асра”, “Бефарқлик-иллат, оқибати-ғурбат” каби халқ ичидаги иборалар бежиз шаклланмаган.

Ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатлар ишонч ва ҳурмат тамойилларига асосланиши лозим. Шундагина кутилган мақсадга эришилади.

Оилада фарзанд тарбияланади, унга умуминсоний қадриятлар сингдирилади ва бошланғич ижтимоий йўналиш оилада берилади. Оила мустаҳкамлиги, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустаҳкамлиги ва маънавий етуқлигининг гаровидир. Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантиришни, келин танлашни, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтарганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатнинг қудрати-соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонини тиккан инсонлар қўлида.

Бугун мустақил мамлакатимизда оила сиёсатини олиб боришда, оилаларни мустаҳкамлашда оталарнинг маъсулияти, салоҳиятини юксалтириш орқали ўз миллийлигимизга хос бўлган қадриятларни унутмаслик ва ёш авлодни оиласига садоқат

руҳида тарбиялаш заруратини юзага келтиради.

Агар ҳар бир оила ўзининг ҳар бир боласини одобли этиб тарбияласа, оилалар одобли бўлади, оилалар одобли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади, жамият мустаҳкам бўлса, давлатда тинчлик ва осойишталик ҳукм суради.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. Июль, 2017 й.*

2. *Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент.: Ўзбекистон, 2017, -295 б.*

3. *Қуръони Карим. А. Мансур изоҳли таржимаси, Нисо сураси, 34-оят.*

4. *Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариши тартиблари. Т.: “Маънавият”, 1998.*

5. *Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Т.: “Ma’naviyat” 2009*

6. *Соғлом авлод – бизнинг келажакимиз. Тошкент.: Абу Али ибн Сино., 2000.*

*D.M.Safarova-Senior Teacher  
Jizzakh State Pedagogical Institute*

## ERNEST HEMINGWAY AND UZBEK LITERATURE

### Abstract

*Literature is the richness of the spiritual world of man; it is impossible to be indifferent to it. However, translation as a part of literature is a product of creative work and has national significance. Therefore, our article cares about the development of this field in literature and literary criticism in general.*

**Key words:** *Hemingway, literature, translations, novels, writers, poets, literary criticism, creative work.*

## ERNEST HEMINGWAY VA O'ZBEK ADABIYOTI

### Rezyume

*Adabiyot - bu insonning ma'naviy dunyosining boyligi; unga befarq bo'lib qolish mumkin emas. Biroq, tarjima adabiyotning bir qismi sifatida ijod mahsuli bo'lib, milliy ahamiyatga ega. Shuning uchun biz maqolamizda ushbu yo'nalishni adabiyotda va umuman adabiy tanqidida rivojlantirish to'g'risida gaplashamiz.*

**Kalit so'zlar:** *Xeminguey, adabiyot, tarjimalar, romanlar, yozuvchilar, shoirlar, adabiy tanqid, ijod.*

## ЭРНЕСТ ХЕМИНГВАЙ И УЗБЕКСКАЯ ЛИТЕРАТУРА

**Аннотация**

*Литература - это богатство духовного мира человека; к нему невозможно оставаться равнодушным. Однако перевод как часть литературы является продуктом творчества и имеет общегосударственное значение. Поэтому в нашей статье речь идет о развитии этого направления в литературе и литературной критике в целом.*

**Ключевые слова:** Хемингуэй, литература, переводы, романы, писатели, поэты, литературная критика, творчество.

**INTRODUCTION.**

In the 60s and 70s, the Uzbek translation work reached a new level and took on a wider geographical scope as many talented young translators entered the literature. Uzbek literature has been enriched with works created by talented masters of words, and they have become a spiritual treasure of mankind. The interaction of Uzbek literature with the literature of the peoples of the world has been further strengthened, and the opportunity to contribute to the universal spiritual development has increased. Thanks to the talent and skill of translators, Uzbek readers began to read the masterpieces of ancient literature, the Renaissance and the twentieth century world literature in their native languages. At the same time, students from many countries of the world enjoyed the works of great writers and poets of the Uzbek people. In the 60's, the images of human maturity came to the fore in Uzbek literature, and it is no coincidence that the great American writer Ernest Hemingway's novel "The Old Man and the Sea" appeared in Uzbek. This novel is dedicated to human endurance and courage. The author was awarded with International Nobel Prize for this work. From this point of view, it can be considered that the appearance of the novel in the Uzbek language was a requirement of its time. The work was published in 1963. It was published in

Gafurov's translation.

In the 1970s, various groups sparked the flames of war in many parts of the world. In response, the literature paid more attention to the translation of works in the anti-war spirit. Uzbek translators, in turn, made a significant contribution to the promotion of literature that fights for peace and justice in the world. G'afurov

E. Hemingway's "Goodbye, gun!" translated the novel into Uzbek, fully reflecting the author's angry protest against the war.

**MATERIALS AND MEETHODS**

A number of articles have been written in the Republic on the study of American literature, in particular the translations of English literature. In this regard, J. Buronov, S. Aznaurova, Q.Musaev, M. Sulaymonov, D. Scientific articles by Gulomova and a number of other translators can be cited.

In analyzing the Uzbek translations of Hemingway's works, we have made the object of our research the portrait of the heroes in Hemingway's works, the presentation of speech culture and stylistic means.

The novelty of our scientific work is that it:

- a) follows the methodological features of the American writer's work and the compatibility of their methods of interpretation;
- b) in the study, from English in general, and in particular E. In the translation of Hemingway's works, special attention is paid to translating the "spirit" of the work, its emotional layer;
- c) the writer's narrative style is studied;
- d) the degree of strict adherence to the methodological and grammatical norms of the Uzbek language is studied;
- e) Important principles of translation, such as the complete elimination of the mediating language and taking into account the level of artistic taste of the people, are also emphasized.

Also in our study, E. Hemingway's ideological and aesthetic views, his writing skills, his principles of character creation and the degree of their preservation in translation are compared, and he is studied as the creator of the "telegraph" and "iceberg" styles in the author's works. In the process of translations, the skill of

the skilled translator I. Gafurov in revealing these situations is revealed.

Based on the latest achievements of modern translation studies in the analysis of translations of the works of E. Hemingway, I. Kashkin, I. Leviy, K. Chukovskiy, V. Rossels, G. R. Gachechiladze, J. I. We rely on the works of Retsker, MM Martchyan, J. Sharipov, M. Rasuli, ZS Aznaurova, G. Salyamov, NV Vladimirova, J. Buranov and other famous scientists. It is known that in the early 80s of the last century there were no direct translations from English, and only a collection of short stories "Golden Pie" by American progressive writers, published in 1972, was translated from the original by A. Iminov. Uzbek students got acquainted with the works of foreign writers indirectly through the Russian language. Including E. Hemingway's "Old Man and the Sea" story and "Goodbye, gun!" The novel was also translated from Uzbek into Uzbek.

In 1982, there was a lot of research work in Uzbek Soviet translation studies on the problems of poetic translation, the theoretical basis of which was created (J. Sharipov, M. Rasuli, etc.). However, there has been very little research on the problems of prose translation. Translations of the works of great American writers such as T. Dreiser, J. London, M. Twain, F. Cooper, E. Hemingway were already loved and read by Uzbek readers, and at the same time required serious scientific research.

### RESULT AND DISCUSSION

In the Uzbek literature of the last century, there was no major scientific work that would acquaint readers with the works of the above-named masters of words and convey to them the ideas of humanity put forward by these writers. Such studies have been created in Russian literature, and the research of Russian hemingues deserves special attention. Russian hemingues have carefully analyzed the Russian translations of the writer's works, revealing the greatness, talent and high artistic level of the writer's humanistic ideas. In Uzbek literary criticism, the creative skills of the great writer in the creation of images, the basis of their revival in the Uzbek language have not yet been studied.

In order to fill this gap, we intend to analyze the translations of E. Hemingway's works in our future research; we based our analysis on the writer's skill in creating characters, his aesthetic

views, and the ideological direction of his works.

### CONCLUSION.

Hemingway's works are characterized by a high level of humanism. The writer is a delicate researcher of the development of the psyche and behavior embodied in the character of the protagonist. And it should be noted that the recreation of the character of the protagonists, their mental state depends in many respects on the principles of translation used by the translator. There are two approaches in translation studies. Some scholars believe that translation should be approached from a linguistic point of view, while others believe that it should be approached from a literary point of view. We try to study the problems under consideration on the basis of general philological principles. When analyzing a work of art, we must keep in mind the words of the well-known literary critic M. Koshchanov: "... the subject of observation and research of a literary critic should be, first of all, the problems of the character of the heroes and their discovery." Indeed, it is difficult to solve the problem correctly without knowing the extent to which the characters, ideological and aesthetic aspects of E. Hemingway's works have been restored in translation.

### REFERENCES:

1. Baker S. *Hemingway: The writer as artist.*— 4-th ed.— New York: Princeton univ. press, 1973.— XX, 438 p .;
2. Shaw S. *Ernest Hemingway.* - New York: Ungar, 1975. - 136 p .;
3. Young Ph. *Ernest Hemingway.* - University Park: The Pennsylvania state univ. press, 1966.— 297 p.
4. Saidov.A. *Ibrahim Gafurov is the arif of badianavis, the perfection of arifs.* - Tashkent, 2017. 111 pages.
5. Fayzullaeva, U. (2020). *VIRGINIA WOOLF AND TIME CATEGORY.* Журнал иностранных языков и лингвистики, 1(2), 6-10.
6. Fayzullaeva, U. (2020). *THE INNER WORLD OF A WOMAN.* Journal of Critical Reviews, 7(2), 49-50.
7. Fayzullaeva, U. (2019). *THE INNER WORLD OF A WOMAN" MRS. DALLOWAY", BY VIRGINIA WOOLF.* Journal of Critical Reviews, 7(2), 2020.

**ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ***И.А.Турсунқулов –катта ўқитувчи. ЖизПИ***БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Аннотация**

*Ушбу мақолада бошқарув механизмнинг мазмун-моҳияти, унинг назарий ва амалий жиҳатлари ва усуллари очиб берилган. Шунингдек, корхоналарда бошқарув механизмнинг даражасини ошириб бориши, унинг илмий назарий асосларини ривожлантириши ҳозирги замон менежменти илми олдида турган долзарб масалалари келтирилган.*

**Калит сўзлар:** менежмент, бошқарув, тизим, механизм, маркетинг, бошқарув механизми, иқтисодиётнинг ривожланиши, механизм элементлари, тизимли ёндашув.

**ПОВЫШЕНИЕ СОДЕРЖАНИЯ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ И ЕГО ТЕОРЕТИЧЕСКИХ И ПРАКТИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ****Аннотация**

*В статье описывается сущность механизма управления, его теоретические и практические аспекты и методы. Также здесь представлены актуальные вопросы, стоящие перед наукой о современном менеджменте, повышение уровня механизма управления на предприятиях, развитие его научно-теоретической базы.*

**Ключевые слова:** менеджмент, менеджмент, система, механизм, маркетинг, механизм управления, экономическое развитие, элементы механизма, системный подход.

**IMPROVING THE CONTENT OF THE MANAGEMENT MECHANISM AND ITS THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS****Annotation**

*This article describes the essence of the management mechanism, its theoretical and practical aspects and methods. Also, the topical issues facing the science of modern management, raising the level of management mechanism in enterprises, the development of its scientific and theoretical basis are presented here.*

**Keywords:** management, management, system, mechanism, marketing, management mechanism, economic development, mechanism elements, systematic approach.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув фаолияти саноатни ривожланиши, унинг самарадорлигини оширишни муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли ушбу фаолият доимо такомиллаштирилиши зарур. Бунда уни ташкил этиш механизми умуман олганда айниқса, бошқариш механизмини замон талабларида келиб чиқиб, ривожлантириш лозим. Бозор механизми билан бошқарув механизми назария ва амалий нуқтаи назардан мос ҳолда ривожланишини таъминлашда уларни қонуний томонлари, усуллари, функциялар, ташкилий тузимини ўрганиш ва такомиллаштирилиб бориши

мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Уларни корхона даражасида тадқиқ этиш ҳозирги даврда аҳамиятли вазифадир. Демак, бошқарув механизмини шундай ташкил этилиши лозимки, у авваломбор илмий-техника тараққиётига, ишлаб чиқариш муносабатларига, бошқарувнинг замонавий шаклларига мос бўлиши керак. Айниқса бошқарув механизмнинг назарий ва метадологик жиҳатларини тадқиқ этишда олдингилари билан таққослаш ва бу борада уларни ривожлантириш иқтисодчи олимларимиз олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бундан ташқари, бозор

муносабатлари шароитида товар-пул муносабатлари, ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш, уларни бошқарув механизмини элементлари билан узвий боғлиқликда тадқиқ этиш ва бу борада қарорлар қабул қилиш бошқарув механизмининг самарадорлигини оширишга асос бўлади. Ушбу ҳолатларни ўрганган россиялик иқтисодчи олима И.Герчикова ўзининг асарларида шундай изоҳлаган: "агарда менежмент умуман олганда бошқарув фанини комплекс тизим сифатида тадқиқ этилмаса, яхши натижага эришиш кийин бўлади". Шундай бу фикрга қўйилган ҳолда бошқарув механизмини яхлит тизим сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3].

Жаҳон иқтисодиёти глобаллашув шароитида менежмент метадологиясининг моҳияти ошиб боради. Чунки XVIII -XIX асрлардаги менежментнинг назарий жиҳатларини янгилаш ва ривожлантириш зарурати йиғилмоқда. Менежмент назария–сини баъзи бир томонлари ҳозирги замон цивилизациясига тўғри келмоқда.

Ҳозирда фаолият олиб бораётган саноат-банк гуруҳлари, трансмиллий коорпарацияларни бошқариш учун бошқарувга бошқача ёндашувни талаб этмоқда. Уларнинг бошқарув механизмини ўрганиш эътиборли ҳисобланади.

Олдинги ва ҳозирги адабиётларда менежмент тушунчасига етарли даражада таърифлар берилган. Бундан ташқари бу тадқиқотимиз вазифасига кирмайди. Шу сабабли ишимизда менежмент тушунчаларини алоҳида изоҳлашни лозим кўрмадик. Лекин менежмент ва менежмент механизми моҳиятини батафсилроқ ёритишга ҳаракат қилдик. Менежмент моҳиятидан келиб чиққан ҳолда унинг метадологик жиҳатларини илмий нуқтаи назардан фойдали ва зарур ҳолат деб ҳисоблаймиз. Менежмент фундаментал ва кўп қиррали фандир. Чунки ҳар бир фаолиятининг асосида менежмент илми туради. Чунки жамиятдаги моддий ва меҳнат ресурслардан оқилона фойдаланишда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда менежмент илми, унинг тамойиллари, усуллари, функцияларини ва бошқаларни яхши билаш натижасида

эришиш мумкин. Менежментнинг асосий мақсади ҳам шунда деб ўйлаймиз.

Менежмент мустақил фан сифати бозор иқтисодиёти шароитида нималарга ўз эътиборини қаратиш мумкин:

a) корхоналарни бозор талаби ва таклифига йўналтирилган ҳолда истеъмолчиларни эҳтиёжларига зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва белгиланган фойдага эришиш;

b) эркин қарор қабул қилиш учун хўжалик мустақиллигини таъминлаш борасида хўжалик юритишга ким масъулли эканлигини аниқлаш;

c) бозор ҳолатидан келиб чиқиб, мақсад ва дастурларга ўзгартиришлар киритиш;

d) корхоналарни пировард натижаларига асосланган ҳолда қайси қисмларга мустақиллик беришни амалга ошириш;

e) корхоналарда устида ишланган ва операцион қарорларни қабул қилиш;

f) менежмент механизмини доимий равишда такомиллаштирилган ҳолда унинг самарадорлигини таъминлаш;

g) менежмент соҳасида етук ва юқори профессионалкадрларни тайёрлашни амалга ошириш.

Маълумки ҳар бир давлат кўп тармоқли иқтисодиётга эга. Иқтисодиётнинг асосий моҳияти шундан иборатки, менежмент илми давлат бошқарувидан то кичик корхоналар даражасига, яъни давлат ва ташкилотларга талуклидир. Чунки буларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун менежмент зарурдир. Менежмент илмининг асосий ютуғи бошқа фанларга нисбатан ҳам шу билан белгиланади. Шу сабабли иқтисодиётнинг ҳозирги ривожланган даражаси менежер фаолияти билан белгиланади. Хорижий ривожланган давлатларда менежмент фаолиятини самарали ташкил этиш бошқарув механизми билан ифодаланади.

Механизм тушунчаси бошқарув механизми каби кўп ҳолатлар ишлатилади. Масалан, соат, машина, жихозлар ва бошқаларда. Механизм кўп бўлақлар, элементлар, тизимлардан иборат бўлади. Иқтисодиётда эса бу алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки тизимларнинг нормал ишлаши ҳам унинг механизмини

тўғрилигига боғлиқдир. Илмий адабиётларда охириги йилларда "механизм" тушунчаси турли ифодаларда кенг қўлланилади. Масалан, хўжалик механизми, хўжалик юритиш механизми, ташкилий-иқтисодий механизми, бозор механизми, баҳо механизми ва бошқалар.

Авваламбор "механизм" тушунчаси нимани англатади? Механизм сўзи кенг маънога эга бўлиб, жисмларни бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши, яъни бошқача қилиб айтганда, бу тузилмалар ёки айрим жараёнларни умумий йиғиндисини билдиради [2].


Ю.М.Осипов механизм тушунчаси моҳиятининг таърифини қуйидагича изоҳлайди. Биринчи томондан, элементларни тартибга келтириш бўлса, иккинчиси ушбу тартибнинг жараёнини бир мақсадга мувофиқлигини англатади [5]. Л.И.Абалкин хўжалик механизми моҳиятининг кўп жихатлилигини ифодалаб, хўжалик механизми ўзига хос жиҳати

иқтисодий рағбатлантириш шакллари, усуллари ва ҳуқуқий нормаларни изоҳлайди.[1 ] Шундай қилиб механизм тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, бунда бошқариш элементларини тартибга келтириш орқали бошқариш самарадорлигини ошириш ва кўзланган фойдага эришишни ифодалайди.

Юқорида айтиб ўтилгандек барча иқтисодий жараёнлар бошқарув механизмини тартибга келтиришасосида амалга оширилади. Шундай экан, бошқарув механизми - бу кенг маънода бир-бири билан узвий равишда боғлиқ бўлиб, уларнинг умумийлигини сақлаган ҳолда бошқарув объектида амалга оширилаётган жараёнларнинг самарадорлигини белгилайди.

Бошқарув механизмнинг умумий кўринишини қуйидаги расмда кўриш мумкин.

1-расм. Бошқарув механизмини элементлари тузилиши



Айтиб ўтиш жоизки, бошқарув пағонаси ошиб борган сари бошқарув механизми элементлари ҳам ортиб боради. Чунки бошқарувнинг ҳар бир пағонаси ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, миллий иқтисодиёт, тармоқ иқтисодиёти, турли шаклдаги корхона иқтисодиёти ва бошқалар.

Бошқарув механизмнинг ажралмас қисми ташкилий-иқтисодий механизм ҳисобланади. Чунки ушбу механизмни яхши тартибга келтириш натижасида корхонанинг фаолияти юқори даражада бўлади, ишлаб

чиқариш харажатлардан самарали фойдаланилади ва ўз-ўзидан даромад ошиб боради.

Иқтисодий адабиётларда ташкилий-иқтисодий тушунчаларга турли ёндашувлар мавжуд. Масалан, А.П.Градов миллий иқтисодиётни тизим сифатида белгилаб, унга ўзаро таъсир этадиган ташкилий-иқтисодий механизм билан боғлиқ, ишлаб чиқариш ва истеъмолчи ўртасида тенгликни таъминлайди [4].

Б.Н.Райзберг ташкилий-иқтисодий механизмни ташкилий тузулмалар, бошқарув шакллари, усуллар йиғиндиси билан ифодалаб, бошқарув тизими ва бошқарув механизми бир маънони англатмайди, - деб таъкидлайди [6].

Бизнинг фикримизча, ташкилий-иқтисодий механизм тармоқ ёки корхонани бошқаришдаги асосий элемент бўлиб, умуман олганда хўжалик механизмининг самарадорлигини оширади.

Ташкилий-иқтисодий механизмнинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун усул ва воситалардан фойдаланиш зарур. Булар тармоқ ёки корхонамақсад ва вазифаларига тўғри келиши керак ва зарар етказмаслиги лозим. Механизмнинг мақсад ва вазифалари субъект манфаатлари билан ташкилий-иқтисодий механизм ўртасидаги тамойилга қарши бўлмаслиги лозим.

Ташкилий-иқтисодий механизмни шакллантириш ва такомиллаштиришда асосий тамойиллардан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш унинг самарадорлигини оширади. Бундай тамойилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тармоқ ёки корхонани ривожлантиришда механизмнинг мақсадга мувофиқлиги;

- барча элементларни структуризациялаш ва уларни бир-бирига таъсирчанлигини бир тизимга келтириш;

- тармоқни максимал даражада салоҳиятчан қилиб ривожлантириш;

- ташқи муҳитнинг таъсирига тезда мослашиш;

- ташкилий-иқтисодий механизм субъектларининг манфатини келишганлиги;

- ташкилий-иқтисодий механизмни инновацион ривожлантиришга йўналтириш.

Юқорида айтиб ўтилгандек, тармоқ ва корхонанинг ишлашида ташкилий-иқтисодий механизм доирасида бошқарув механизми туради. Бошқарув механизми турли усул ва воситалар орқали амалга оширилади. Шундан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётни бошқаришда ташкилий-маъмурий усулдан ҳам фойдаланади. Ташкилий-иқтисодий механизм ишини таъминлашда ташкилий-маъмурий усулдан фойдаланиш шартли ҳисобланади. Чунки ташкилий-иқтисодий механизм ва ташкилий-

маъмурий усулларнинг таъсири давлат томонидан тартибга келтирилади. Кенг маънода эса ташкилий-иқтисодий механизм ва ташкилий-маъмурий усул умумиқтисодий таъсирга киритилади.

Айтиб ўтиш керакки, ташкилий-иқтисодий механизмдаги амалга оширилаётган барча жараёнлар омиллар таъсири остида юритилади. Булар ички ва ташқи омилларга бўлинади. Бунда айниқса, ташқи омилларни ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ташқи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аниқ соҳада жаҳон ишлаб чиқариш тенденцияларини ривожланиши;

- халқаро муносабатлар тавсифи;

- жаҳон ва ички бозорларда мамлакат маҳсулотига талаби;

- миллий иқтисодиётнинг ривожланиш стратегияси ва устивор йўналишлари.

Тармоқнинг фаолият олиб бориши ва ташкилий-иқтисодий механизмни самарадорлиги кўрсаткичлар натижавийлигида ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу кўрсаткичлар хўжалик механизми фаолиятини тавсифлайди. Кўрсаткичлар тизими мавжуд механизмнинг муаммоларини аниқлаш усул ва воситалари самарадорлигини аниқлаш имкониятини яратади.


Ташкилий-иқтисодий механизмни моҳиятини хусусияти тармоқни миллий иқтисодиётни қайси соҳасига таллуқли эканлиги билан ва ташқи муҳим омиллари билан асосланади.

Шундай қилиб айтиш жоизки, ташкилий-иқтисодий механизм - бу кўп жиҳатли ва кўп қиррали тизим бўлиб, ўзида ўзаро таъсир этувчи субъектлар, усуллар, воситалар, жараёнларни умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Бошқарув механизмини метадиалогик нуқтаи назардан концептуал моделини ишлаб чиқиш мақсад мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шундан келиб чиққан ҳолда ишимизда бошқарув механизмини концептуал моделини яратишга ҳаракат қилдик (2-расм).

Бошқарув механизм моделининг концептуал асосларини қуйидагилар ташкил этади:

2-расм. Бошқарув механизмини концепцияси модели.



Бошқарув механизмининг моҳиятини кенгрок тушунишш учун ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун бозор механизми билан боғлаб тадқиқот ўтказиш лозим. Бозор механизми - бу бозор тизимига хос бўлган бир-бирини тақазо этувчи ва биргаликда амал қилувчи иқтисодий воситалардир [7]. Булар жумласига талаб, таклиф, товар нархлари, бозор сегменти ва конъюктураси, пул, фойда, риск, фоиз, иқтисодий мажбурият, рақобат кабилар киради. Бошқарув механизмини шакллантириш ва такомиллаштиришда бозор механизмини ҳам эътиборга олиш зарур. Демак, бозор механизми серкирра тушунча бўлиб, унинг элементларидан бошқарув механизмида фойдаланиш ижобий самара беради. Шу билан бирга бозор механизми ва бошқарув механизми ўртасида боғлиқлик борлигини таъкидлаш лозим. Чунки бошқарув механизми элементлари бозор механизмининг ривожланишига асос бўлади. Бунда бошқарув механизмининг асосий мақсади бошқарув жараёнининг бошқарув объектига таъсир этиш орқали тартибга солиш ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, корхоналарда бошқарув механизмининг даражасини ошириб бориш, унинг илмий назарий асосларини ривожлантириш ҳозирги замон менежменти илми олдида турган долзарб масала ҳисобланади. Бунинг учун авваламбор, унинг мазмун-моҳиятини

ўрганиш лозим. Айтиб ўтиш жоизки, жаҳон иқтисодий ривожланиши бошқарув фанининг чуқурлашувиға сабаб бўлмоқда. Чунки бошқарувнинг мазмун-моҳияти ҳам шунга асосан бойитилади. Бошқарув назариясида тамойиллар, усуллар, услублар, ташкил этиш хоссалари, менежмент муносабатлари илм-фан тараққиёти натижасида мураккаблашади ва такомиллаштирилади. Ҳозирда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши янги босқичга ўтганлиги сабабли, унинг самарадорлигини оширишда бошқарув механизмини, унинг назарий асосларини чуқур ўрганишда барча фундаментал фанлар зарур, аммо бошқарув фани алоҳида аҳамият касб этади ва уни тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлади. Бошқарув механизмининг мазмун-моҳиятини ўрганиш метадологик жиҳатларини тадқиқ этиш, уни ривожлантириш ҳозирги давр менежменти илмининг долзарб масаласи бўлиб, ишлаб чиқаришнинг ривожланишига, модернизациялаш ва диверсификациялаш сиёсатини кенгайтиришга, меҳнат унимдорлигини ва самарадорлигини оширишга катта имкониятлар яратади. Шунинг учун бошқарув механизмини ягона тизим сифатида тадқиқ этиш назария ва амалиётга катта фойда келтиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Абалкин Л.И.- *Экономические воззрения и государственная деятельность.* 1999 г. ISBN 5-201-03238-9ё



2. Бородин.А.И. - Состав и структура организационно-экономического механизма стратегического развития предприятия. Изв. Томский политехнической университета. 2003. Т.306

3. Герчикова И. - Менеджмент: учебник. 2009.

4. Градов А.П.- Национальная экономика. учебнойе пособие. 2005.

5. Жигайло В.В. Механизм взаимодействия государства и частного государственного партнерства//экономического науки. 2011.

6. Райзберг Б.Н.- Основы экономики. 5-16-000873-X, 5-16-000270-7; 2003 з/

7. Ўлмасов А., Вахобов А.В. - Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.: "Шарқ", 2006 й. 275 бет.

**Ш.Калонов-бош мутахассис. ОТРТИТТЭМ  
Z.Намройева-магистр  
В.Кодирова-магистр ТМИ**

## QO`SHMA KORXONALARDA BOSHQARUV HISOBI AHAMIYATI VA DOLZARBLIGI

### Аннотация

*Maqolada qo`shma korxonalar faoliyatida boshqaruv hisobi yuritishni yo`lga qo`yishdagi mavjud muammolarni aniqlash hamda ularni bartaraf etish chora tadbirlarini ishlab chiqish, boshqaruv hisobini yuritilishini xalqaro talablar doirasida ishlab chiqish hamda shu orqali takomillashtirish, korxonalarda boshqaruv hisobi tizimini mukammal tashkil etish yo`llarini izlab topish, amalga tadbiq etish va uning samaradorligini baholashni o`rganish bo`yicha taklif va tavsiyalar berilgan.*

**Tayanch so`zlar:** *Qo`shma korxonona, boshqaruv hisobi, boshqaruv hisobi maqsadi va xususiyatlari, boshqaruv hisobi tizimi*

## ВАЖНОСТЬ И АКТУАЛЬНОСТЬ УПРАВЛЕНЧЕСКОГО УЧЕТА В СОВМЕ- СТНЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ

### Аннотация

*В данной статье выявление проблем в управленческом учете в совместных предприятиях и определение мер их устранению, разработка и совершенствование управленческого учета в соответствии с международным стандартами, найти пути совершенствования организация системы управленческого учета в совместных предприятиях и по изучению оцениват его эффективность предложения и рекомендации.*

**Ключевые слова:** *содместное предприятие, управленческий учет, цели и особенности управленческого учета, система управленческого учета.*

## THE IMPORTANCE AND RELEVANCE OF MANAGEMENT ACCOUNTING IN JOINT VENTURES

### Annotation

*The article investigates identifying the existing problems in management accounting of joint ventures and developing the solutions the problems, developing and improving of management accounting in accordance with international standards, finding and implementing ways of improving the management accounting in joint ventures and suggesting and recommending how to assess its effectiveness.*

**Key words:** *Joint ventures, management accounting, the purpose and specifics of management accounting system.*

Iqtisodiy sharoitning bugungi holatida mam-lakatimizda xo`jalik yurituvchi subyektlarda samarali boshqaruvni tashkil qilish borasida qator ishlar olib borilmoqda. Bizga ma`lumki, iqtisodiyot tun-u kun o`zgarishda bo`ladi, bugungi kun iqtisodiy vaziyat ertaga teng bo`lmay qolishi mumkin. Boshqaruv hisobi nafaqat ishlab chiqaruvchi korxonalarda balki barcha tarmoq yo`nalishlari bo`yicha muhim hisob turi hisoblanadi.

Respublikamizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning samarali amalga oshirilishi uchun boshqarishning turli sohalarida o`zgarishlar bo`lishi o`ta muhim. Bozor munosabatlarining shakllanishi natijasida korxonalarini boshqarishda yangi talablar paydo bo`lmoqda. O`zbekiston iqtisodiyotining zamonaviy o`tish bosqichi tadbirkorlik faoliyatining rivojlanishi va turli xil mulkchilik shakllariga o`tish bilan tavsiflanadi. Bu o`z navbatida samarali boshqarishning zarurligini taqozo etadi. Samarali boshqarish o`z navbatida ishlab chiqariladigan mahsulot raqobatbardoshligini va buning natijasida iqtisodiyotning raqobatbardoshligini ta`minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Qo`shma korxonalarda boshqarish tizimini barpo qilish, ishlab chiqarishni tashkil qilish va uning turiga to`la mos keluvchi boshqaruv yaratishdan va bozor iqtisodiyoti sharoitida boshqaruvning har bir bo`g`inining ishlab chiqarish texnika, xo`jalik ijtimoiy va moliyaviy faoliyatini boshqarish bo`yicha hamma funktsiyalarning bajarilishi zaruratidan kelib chiqadi. Bu muammolarning yechimi boshqaruvni isloh qilish boshqaruv funktsiyalarini samarali taqsimlash boshqaruv maqsadini aniq belgilash bo`yicha bir qator tadbirlarni o`tkazish orqali amalga oshiriladi.

Lekin hozirgi bozor sharoitida qo`shma korxonalar va tashkilotlarda hamon boshqaruv tuzilmasida ortiqcha bo`g`inlar mavjud bo`lib, bular o`z navbatida yuqorida ta`kidlaganimizdek, mehnat unumdorligining pasayishiga va pirovard natijada korxonaning yakuniy faoliyatiga salbiy ta`sir ko`rsatmoqda. Shu sababli bozor iqtisodiyotini erkinlashtirish sharoitida korxonalarda boshqaruvning tashkiliy tuzilmasini bozor talablariga moslashtirish, ya`ni takomillashtirish bugungi kunning muhim vazifalaridan biri hisoblanganligi ham mazkur maqola mavzusining dolzarbligini tasdiqlaydi.

Ayni paytda Respublikamiz o`z oldiga qo`ygan maqsadiga erishishning istiqbolli yo`llaridan biri ham - qo`shma korxonalaridir. Qo`shma korxonalar - ikki yoki undan ortiq davlatlarning, ikki yoki undan ortiq mulkdorlari o`z kapitallarini, tajribalarini, bilimlarini birlashtirgan holda tashkil etilgan korxonalaridir. Iqtisodchilar qo`shma korxonalarda boshqaruv tizimi-iqtisodiyotning turli darajalaridagi xo`jalik faoliyatini amalga oshirish jarayonlarini maqsadga muvofiq tashkil qilish, nazorat qilish va takomillashtirish uchun tegishli o`zgartirishlar kiritib borish bilan shug`ullanuvchi turli idora va muassasalar faoliyati tizimi sifatida qarashadi.

Rivojlangan davlatlarda va o`zimizda qo`shma korxonalarini boshqarish va tashkil etishdagi to`plangan boy tajribalardan mahalliy sharoitlarga mos holda samarali foydalanish ko`zlagan natijalarga erishishda muhim omil bo`lishi mumkin.

Korxonalarda boshqaruv hisobi nazariy va amaliy masalalarini tadqiq etishga mam-lakatimiz olimlaridan Raximov M., Fayziyeva U., Pardaev A., Abduganiev A., Quziyev I. Do`stmurodov R., Karimov A., Xolbekov R., Mamatov Z., Karimov N., Hasanov B., Hoshimov A. va boshqalarning ilmiy ishlari bag`ishlangan.

Hozirgi paytda qo`shma korxonalarda boshqarish amaliyotida ko`pgina muammolar kelib chiqmoqda. Bularning ba`zilari korxonaning haqiqiy mulk egalari va boshqaruvchilar(menejerlar)ning o`zaro munosabatlardagi o`zgarishlar bilan bog`liqdir. Sababi oldingi korxonaning bitta mulk egasi o`rniga endilikda bir nechta paydo bo`lmoqda. Korxonalar menejerlarining korxonaning yangi mulk egalari oldida yechishi lozim bo`lgan va javob berishi talab etiladigan vazifalarining doirasi tubdan o`zgardi. Oxirgi yillarda loyiha tashkilotlari xodimlari orasida yoshlar ulushining kamayib ketishi, yosh mutaxassislarning o`z ixtisosliklari bo`yicha ishlashi va shu kabi boshqa muammolar o`z yechimi kutib turibdi. Ma`lumki, bozor munosabatlariga o`tish ishlab chiqarish va bozorning samarali o`zaro ta`sirini, davlat boshqaruvi va korxonalarining o`z-o`zini boshqarishning mutanosib nisbatda bo`lishini ta`minlovchi takomillashtirish xo`jalik mexanizmini yaratishga yo`naltirilgandir. Yuqorida fikrlarning o`ziyam maqola mavzusining dolzarbligidan dalolatdir.

O'zbekiston iqtisodiyotining hozirgi rivojlanish holatida, hamda kichik va xususiy biznes salohiyatining kundan-kunga oshib borayotganligini inobatga olib, tovar mahsulotlari ishlab chiqarishni ko'paytirish, aholi bandligini ta'minlash va mulkdorlar sinfini shakllantirishni tezlashtirish uchun mahalliy xom-ashyo negizida buyumlar va materiallar ishlab chiqarishni mahalliyashtirish yirik va kichik korxonalar o'rtasidagi kooperatsiya aloqalarini kengaytirish muhim ahamiyat kasb etadi. Xorijiy davlatlarning yirik va kichik korxonalar hamkorligini rivojlantirishga oid tajribalarini o'rganish bugungi kunda kichik biznesni ishlab chiqarish maydonlari bilan ta'minlash, mahsulotni sotish jarayoni va marketing xizmatini tashkil etishdagi muammolarni xalq etishda muhim ahamiyatga egadir.

Bu esa o'z-o'zidan boshqaruv hisobi sohasida ulkan vazifalarni yuzagakeltiradi. Mamlakatimizda bozor iqtisodiyoti taraqqiy etgan mamlakatlar tajribasini inobatga olgan holda boshqaruv hisobi, hisobot va nazoratning milliy tizimi shakllandi va rivojlanmoqda. Ozbekistonda xususiy mulk huquqini himoya qilish va uning ustuvor mavqeini yanada kuchaytirish jarayonlari samaradorligini ta'minlash maqsadida boshqaruv hisobini tashkil qilish xalqaro standartlar darajasida bo'lishini taqozo qiladi. Bu esa bitiruv malakaviy ishining dolzarbiningini belgilaydi.

Qo'shma korxonalarini tashkil etish va ularning ish yuritishining samaradorligini, korxonalarining maqsadiga, strategiyasiga erishish jarayonlarida vujudga keladigan muammolarni hal etish uchun vazifa va yo'nalishlarni ishlab chiqishdan iboratdir. Shunday qilib, qo'shma korxonalar hozirgi sharoitda, iqtisodiy munosabatlar muhitida hamkorlikning eng rivojlangan shakli sifatida namoyon bo'lmoqda. Bu korxonalar shunday shakllardan biriki, bunda halqaro hamkorlik qatnashchilari boshqa shakldagi korxonalarda bir xil sharoitda, amalga oshirilmagan iqtisodiy manfaatlarini hal etish mumkin bo'ladi.

Qo'shma korxonalarining boshqaruv hisobining e'tiborli jihatlaridan biri shundaki undagi axborotlar korxonaning rivojlanishiga bevosita o'z ta'sirini o'tkazadi, shu sababli bu axborotlarni qay tarzda kim tomonidan shakllantiril-

ganligi ham muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Qo'shma korxonalar o'z maqsadlari va strategiyalarini amalga oshirishlarida vujudga keladigan muammolarni hal etish uchun quyidagi vazifalarni amalga oshirishlari lozim.

1. O'z mahsulotlarini sotishda tashqi bozorlarni segmentlarga bo'lish.

2. Qo'shma korxonalar mahsulotiga bo'lgan talabni maqsadli yo'naltirilgan holda o'rganish.

3. Iste'mol bozorida mavjud bo'lgan raqobatchilarni o'rganish.

5. Sotishga mo'ljallangan mahsulotlarni sug'urtalash.

6. Qo'shma korxonalar mahsulotlarini tashqi yarmarka va ko'rgazmalarda reklama qilish.

O'zbekiston iqtisodiy sharoitida qo'shma korxonalarining o'rni ahamiyatli. O'zbekiston iqtisodiy sharoitida qo'shma korxonalar yildan yilga sonlari ko'payib bormoqda. 2019 yil 1 yanvar holatiga faoliyat ko'rsatayotgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar soni 7560 tani tashkil etdi. O'tgan yilning shu davriga nisbatan 2043 taga yoki 37,0%ga o'sgan. Davlat statistika qo'mitasi xabariga ko'ra, ushbu korxonalarining asosiy qismi Rossiya Federatsiyasi, Turkiya Respublikasi, Xitoy Xalq Respublikasi, Qozog'iston Respublikasi va Koreya Respublikasi hissalariga to'g'ri keladi.


Shuningdek, xorijiy kapital ishtirokidagi faoliyat ko'rsatayotgan korxonalarining 4006 tasi qo'shma, 3554 tasi esa xorijiy korxonalar hisobiga to'g'ri keladi.

Yangi tashkil etilgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalarining iqtisodiy faoliyat turlari bo'yicha ko'radigan bo'lsak, asosan 728 tasi sanoat, 654 tasi savdo, 229 tasi qurilish, 190 tasi qishloq, o'rmon va baliq xo'jaligi va 297 tasi boshqa faoliyat turlari hissasiga to'g'ri keladi.

Hududlar kesimida, xorijiy kapital ishtirokidagi faoliyat ko'rsatayotgan korxonalarining asosiy qismi Toshkent shaharda 4728 ta (jami dagi ulushi 62,5%), Toshkent viloyatida 851 ta (11,3%) va Samarqand viloyatida 396 tani (5,2%) tashkil etgan. Eng kam xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar Xorazm viloyatida 71 ta (0,9%), Qashqadaryoda 85 ta (1,1%), Navoiy viloyatida 109 ta (1,4%) hamda Qoraqalpog'iston Respublikasi 121 tani (1,6%) tashkil etgan.

## Qo`shma korxonalarining hududlar kesimida

■ Toshkent shaharda    ■ Toshkent viloyatida  
 ■ Samarqand viloyati    ■ Qolgan viloyatlar



Agar faoliyat yuritayotgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalar iqtisodiy faoliyat turlari kesimida ko`rilsa, eng ko`p sanoatda 2995 tani (39,6%), savdoda 1668 tani (22,0%) hamda boshqa faoliyat turlarida esa 1225 tani (16,2%) tashkil qilgan. Eng kamlari esa sog`liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar ko`rsatishda 97 tani (1,3%), axborot va aloqada 209 tani (2,8%), tashish va saqlashda 214 tani (2,8%) qishloq, o`rmon va baliq xo`jaligida 339 tani (4,5%), yashash va ovqatlanish bo`yicha xizmatlarda 325 tani (4,3%) va qurilishda 488 tani (6,5%) tashkil qilgan. Ko`rinib turibdiki faoliyat yuritayotgan xorijiy kapital ishtirokidagi korxonalarining asosiy qismi sanoat va savdo faoliyat turiga to`g`ri keladi. Shuningdek, eng kam ulush esa sog`liqni saqlash va ijtimoiy xizmatlar ko`rsatish hamda axborot va aloqa faoliyat turlariga to`g`ri keladi.

2018 yilning yanvar-dekabr oylarida xorijiy kapital ishtirokidagi yangi tashkil etilgan korxonalarining soni 2385 tani tashkil qilgan. Bu ko`rsatkich esa o`tgan yilning shu davriga nisbatan 1522 taga ko`paygan. Qo`shma korxonalar faoliyatida boshqaruv hisobi yuritishni yo`lga qo`yishdagi mavjud muammolarni aniqlash hamda ularni bartaraf etish chora tadbirlarini ishlab chiqish, boshqaruv hisobini yuritishni xalqaro talablar doirasida ishlab chiqish hamda shu orqali takomillashtirish, korxonalarda ichki nazorati tizimini mukammal tashkil etish yo`llarini izlab topish, amalga tadbir etish va uning samaradorligini baholashni o`rganish zaruriyati mavjud.

Qo`shma korxonalarda boshqaruv hisobini tashkil etishda ichki tartib qoidalarining belgilanishi tizimlashtiriladi, ya`ni :

-qo`shma korxonada xodimlarning mehnat taqsimotini javobgarlik markazlari bo`yicha aniqlashtiriladi;

- samarali boshqaruv hisobini tashkil etish hamda ichki nazoratni samarador ishlashini ta`minlash bo`yicha takliflar beriladi;

- ishlab chiqarish korxonalaridagi boshqaruv buxgalteriya bo`limi tashkil etish bo`yicha tizim ishlab chiqildi va ularning belgilangan muddatlarda hisobot topshirilishini ta`minlash tekshiruvini takomillashtiriladi;

-korxonaning o`zi ko`zlagan foydaga erishishida samarali yo`llar tizimlashtiriladi.

Xulosa qilib aytadigan bo`lsak, qo`shma korxonalarini o`z iqtisodiy faoliyati samarali tashkil qilishda boshqaruv hisobini ahamiyati va o`rni katta. Boshqaruv hisobini tashkillashtirish korxonaning iqtisodiy foydasiga ijobiy ta`sir ko`rsatadi va qo`shma korxonalarining tarkibiy tuzilmalari, bo`limlari va bo`linmalari faoliyatlariga to`g`riga ta`sir ko`rsatadi. Boshqaruv hisobining yuritilishi kelgusi davrdagi ishlab chiqarishni rejalashtirish uchun kerakli bo`ladigan aniq, asosli ma`lumotlarni yetkazib beradi. Bu esa pul mablag`larini noto`g`ri yo`naltirilishini, tovar moddiy zahiralarnig turib qolishini oldini oladi.

### ADABIYOTLAR RO`YXATI

*1.O`zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Oliy Majlis palatalariga qilgan Murojaatnomasi.2020 yil 26 yanvar.*

2. O'zbekiston Respublikasi Buxgalteriya hisobi milliy standartlari. –T.: O`zR. 2011-y.

3. M.A.Baxrushina Бухгалтерский управленческий учет: Учебник – М.: Омега-Л, 2007

4. B. A. XASANOV, A. A. XASHIMOV Boshqaruv hisobi – T.:Cho`lpon nomidagi nashriyot 2012

5.A.X.PARDAYEV, B.X.PARDAYEV Boshqaruv hisobi. – T.:G`afur G`ulom nomidagi nashriyot 2008

6. M.Sharifxo`jayev, Y. Abdullayev Menejment: Darslik. – T.: “O`qituvchi” 2001.

7.O.Jumanov Boshqarish hisobi: Iqtisodi rivojlangan mamlakatlarning tajribasi.

*Ю.И.Салимова-аспирант*

## УРБАНИЗАЦИЯ КАК НАПРАВЛЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ

### Аннотация

*В статье с учетом различных подходов к исследованию процессов урбанизации, а также на основе выявленных разнообразных эффектов этого явления, дано авторское определение понятия «урбанизация» во взаимосвязке с региональным устойчивым развитием территорий.*

**Ключевые слова:** урбанизация, городское население, региональная политика, комплексное устойчивое социально-экономическое развитие регионов.

## SHAHARLASHTIRISH MINTAQAVIY SIYOSAT YO'NALISHI SIFATIDA

### Rezyume

*Maqolada urbanizatsiya jarayonlarini o'rganishda turli xil yondashuvlarni hisobga olgan holda, shuningdek ushbu hodisaning aniqlangan turli xil ta'siri asosida muallifning "urbanizatsiya" tushunchasiga mintaqaviy barqarorlik bilan birgalikda berilgan ta'rifi berilgan. hududlarni rivojlantirish.*

**Kalit so'zlar:** urbanizatsiya, shahar aholisi, mintaqaviy siyosat, hududlarning barqaror barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi.

## URBANIZATION AS A REGIONAL POLICY DIRECTION

### Resume

*In the article, taking into account various approaches to the study of urbanization processes, as well as on the basis of the various effects of this phenomenon identified, the author's definition of the concept of "urbanization" is given in conjunction with regional sustainable development of territories.*

**Key words:** urbanization, urban population, regional policy, integrated sustainable socio-economic development of regions.

В современных условиях урбанизация стала мировым трендом социально-экономического развития многих стран и регионов. Процесс урбанизации развивается по пути качественного совершенствования и дальнейшего преобразования городских поселений, усложнения форм и систем урбанизационных структур в пределах охваченных городами территорий. Количество городов постепенно увеличивается: в начале XIX в. в

городах жило 3 % населения планеты, в начале XX в. — около 15 %, а на пороге XXI в. — почти 47 %.

Региональный фактор тесно взаимосвязан с процессом урбанизации. Для лучшего понимания процесса урбанизации, необходимо учитывать региональные различия экономического развития стран и проблемы обеспечения комплексного экономического, эколого-

гического и социального развития территорий.

Основная задача данной статьи – на основе анализа различных подходов к исследованию урбанизации показать тесную взаимосвязь регионального развития и процессов урбанизации и дать авторское определение понятия «урбанизация».

### Обзор исследований

Для достижения поставленной цели были рассмотрены зарубежные и отечественные работы, посвященные процессу урбанизации.

Понятие «урбанизация» происходит от латинского языка: urbanus, означающий «городской» или urbs – «город». По определению Организации объединенных наций (ООН), под урбанизацией понимается рост городов вследствие перемещения населения из сельских районов в поисках улучшения работы и условий жизни.

Ю.Л. Пивоваров охарактеризовал урбанизацию, как исторический процесс повышения роли городов, городского образа жизни и городской культуры в развитии общества, связанный с пространственной концентрацией деятельности в сравнительно немногочисленных центрах и ареалах пре-

имущественно социально-экономического развития.

Классики экономических исследований (М. Вебер, Э. Дюркгейм, Г. Зиммель, К. Маркс и Ф. Энгельс, Р. Парк, Ф. Тённис и др) связывали урбанизацию с ростом промышленного производства, ускорением темпов производительности труда, широкой дифференциацией и специализацией рынка труда, внутренней миграцией в города, концентрацией и зонированием населения в городской черте.

Дж. Джиббс на основе изучения развития стран Европы, Северной Америки и Японии выявил такие особенности урбанизации, как увеличение количества городов, размеров городов и доли городского населения в общей численности населения.

Концепции, касающиеся исследования урбанизации в географическом и градостроительном аспекте можно разделить на две основные категории: урбанистские и дезурбанистские. Различия между ними проявляются в том, что урбанистский подход предполагает решать экологические проблемы современного города за счёт концентрации населения, тогда как в дезурбанистском подходе это делается за счёт рассредоточения людей в природной среде.

Таблица 1

### Урбанистские и дезурбанистские концепции

Урбанистские концепции		Дезурбанистские концепции	
Эжена Энара, Т. Гарнье, О. Пере, Сант-Элиа, Ле Корбюзье, Н. Ладовского, Л. Гильбесмейера	индустриальный город “город небоскрёбов” “город-машина” “лучезарный город” на 3 млн. нас. “динамичный город” “многоуровневый город”	Сориа-и-Мато, Э. Говарда, Р. Энвина и Н. Тейлора, Э. Сааринена (1918),  Н. А. Милютин М. Я. Гинзбурга Ф. Л. Райта	“линейный город” “Город-сад” “города-спутники” “органическая децентрализация” “зональный город” “линейный город” “пространственный город” “новый элемент расселения”
И. Фридмана, Кезо Танге Дж. Фицджеральда Н. Шеффера, П. Солери, Ф. Л. Райта, Ж. Бернара	“город-структуру” “пространственный город” “висячий город” “кибернетический город” “биотехнический город” “город-небоскрёб” на 1,6 млн. нас. “тотальный город”	А. Бабурова, А. Гутнова, И. Лежавы	

Источник: Составлено автором

В настоящее время появились новые формы пространственных структур, которые связаны с процессом урбанизации, такие как мегарегионы, которые возникают вокруг мегагородов (с населением 10–20 млн чел.) и мегагородов (с населением свыше 20 млн чел.) в процессе их агломерационного развития; городские коридоры, возникающие вдоль крупных транспортных маршрутов или линейных структур расселения и представляют собой вытянутую цепочку городских центров разного размера, образующих в совокупности город-гигант; современные

урбанизированные системы расселения такие как мегаполис, агломерация, конурбанизация, мегаполис; города-регионы, возникающие на базе городов-миллионеров в ходе их субурбанизации и превращения их в агломерации.

Экономические аспекты процесса урбанизации получили значительное развитие в современной специальной литературе. Их анализ и обобщение позволили выявить ряд направлений исследований, которые в обобщенном виде отражены в таблице 2.

Таблица 2

## Различные аспекты исследования процесса урбанизации

Ученые-исследователи	Направление теорий/концепций
Г.М. Лаппо	Исследование факторов торможения процессов агломерации
А. И. Трейвиш	Теория дифференциальной урбанизации в отношении крупных регионов России
Ж. А. Зайончковская	Исследование миграционной подвижности населения и ареал притягательности крупных городов на базе социологических исследований
В. Н. Лексин	Урбанизация как дополнительный фактор усугубления регионального неравенства через процесс сосредоточения административного ресурса в «региональных столицах»
Н.В. Зубаревич	Анализ динамики экономического развития крупных городов
Ф. Ратцель, С. Сассен, Дж. Джейкобс, Т.Г. Нефедова, Б.С. Хорева и др.	Изучение географических факторов в дифференциации городов, социальной стратификации, определяющей городскую среду, функций городов и т. д.
Е.А. Коломак	Оценка влияния урбанизации на экономический рост в России
А.И. Ласько	Влияние урбанизации на частоту и продолжительность глобальных экономических кризисов
А.А. Петрова, Л.А. Пятлина	Изучение урбанизации как фактор изменения экологической ситуации
В.Н. Медведева, А.Н. Харланова	Оценка роли урбанизации в экономике
Д.А. Зарипова	Влияние урбанизации на структуру экономики (укрупнения городов и снижения удельного веса сельского населения)
В.А. Русановский, В.А. Марков	Влияние урбанизации на дифференциацию уровня производительности труда в городах российских регионов
Е.Г. Андреева, Е.Д. Филиппова, Г.А. Буданов, И.Н. Юдина, В.В. Ивантер, Р.Р. Рамазанов, С.В. Смирнов, С.Н. Растворцева	Взаимосвязь урбанизации и экономического роста

*Источник: Составлено автором*

Таким образом, многие ученые связывали урбанизацию с повышением роли городов, городского образа жизни и культуры, развитием индустриализации, миграционными процессами и трудовыми отношениями, улучшением благосостояния населения, делая упор на зависимость городского общества от информатизации и глобализации и т.д.

Как показал обзор литературы, недостаточно изученной является проблема увязки процесса урбанизации и регионального развития, комплексного устойчивого развития региона. Между тем, эта связь станет очевидной, если проанализировать положительное и отрицательное влияние урбанизации на региональное развитие.

Таблица 3

**Положительные и отрицательные стороны урбанизации**

<b>Факторы</b>	<b>Положительные стороны урбанизации</b>	<b>Отрицательные стороны урбанизации</b>
Экономические	пространственная концентрация человеческого, социального и интеллектуального капиталов, т.е. всех основных видов ресурсов на единой территории	увеличение разрыва между центром и окраинами, усиление дифференциации населения по уровню доходов
	экономический рост и развитие, высокая продуктивность, повышается благосостояния, качества и уровня населения городов, а также совокупного спроса в стране в целом	рост цен на рынках жилья, земли и потребительском рынке.
	развивается инфраструктура города, улучшается бытовое обслуживание населения, повышается уровень и качество различных услуг, в т.ч. медицинских, образовательных, дорожных услуг	рост нагрузки на инфраструктуру городов, насыщенность городов автомобильным транспортом
	увеличивается число различных потребительских рынков и связанных с ним специализированных производств	сложность трудового обустройству прибывающего населения и рост конкуренции на рынке труда
	быстрое внедрение инноваций и технологий в городах	угроза продовольственной безопасности страны (отток населения из сел создает зависимость от импорта продовольствия)
Социальные и экологические	формирование техносферы – новой среды обитания	общественная напряженность
	стимулирование культурного развития и прогресса, организация различных форм досуга и отдыха горожан	увеличение преступности
	снижение уровня безработицы	ухудшение качества жизни в городах (рост этажности и плотности застройки, скученность проживания, загазованность, шум и т.д.).
	активизация процессов внутрен-	перемещение населения из



ней миграции	сельской местности в городскую зону, и как следствие сокращение сельскохозяйственного сектора в экономике
появление возможностей у каждого человека развиваться и самореализовываться, повышения образованности населения и уровня медицинского обслуживания	загрязненностью окружающей среды, уязвимость населения от различных инфекций, техногенных или природных катастроф
исчезают бытовые проблемы	проблемы утилизации мусора
специализируются и развиваются социальные потребности.	формирование малодетной модели семьи и снижение рождаемости
	дефицит взаимосвязи между человеком и естественной окружающей средой.

*Источник: Составлено автором*

Таким образом, с одной стороны, процесс урбанизации может способствовать устойчивому развитию и росту благосостояния населения городов, тем самым создавая условия для развития социальной, инженерно-коммунальной и дорожно-транспортной инфраструктуры на основе внедрения передовых, энергосберегающих, экологически чистых технологий и материалов. С другой стороны, урбанизация - становится источником появления проблем городского развития.

Важно отметить, что эффекты процессов урбанизации для экономического регионального развития неоднозначны и зависят от этапов, стадий, и особенностей развития той или иной территории, от сети пространственных связей, ее плотности и структуры, а также от функций городов. В результате, несмотря на присутствие некоторых универсальных характеристик, сочетание выгод и издержек процессов урбанизации в каждой стране имеет свою специфику.

Например, поскольку Узбекистан находится на начальной стадии процесса урбанизации, то урбанизация будет больше нести положительный эффект и способствовать экономическому росту регионов и благосостояния населения. В дальнейшем целесообразно будет изменить стратегию городского развития. Так, в Ташкенте целесообразно замедлить процессы урбанизации, в других ре-

гионах Узбекистана усилить процесс урбанизации, стимулировать создание городов и развитие областных центров. И тем самым, обеспечить гибкость в применении процессов урбанизации для различных территорий.

Для Узбекистана актуальна также проблема территориальной неравномерности социально-экономического развития. Поэтому задачей политики урбанизации является рационализация межрегиональных пропорций и связей в масштабе экономического пространства страны, выравнивание уровней хозяйственного и комплексного социально-экономического развития регионов.

С учетом выше изложенного, понятию «урбанизация» можно дать трактовку, как инструмент региональной политики, обеспечения комплексного устойчивого социально-экономического развития регионов, основанный на возрастании роли городов и увеличения городского населения. Соответственно политика урбанизации и механизм устойчивого регионального развития должны быть сопряжены и взаимосвязаны.

### **Выводы**

Анализируя различные подходы к понятию «урбанизация» зарубежных и отечественных исследователей, следует отметить о многообразии трактовок понятия урбанизации, исследований различных аспектах в литературе. Экономические аспекты процес-

са урбанизации получили значительное развитие в современной специальной литературе.

При определении понятия «урбанизация» недостаточно и слабо изучены моменты, связывающие урбанизацию с региональной политикой, комплексного устойчивого развития региона, учитывающей природно-экономически потенциал городских территорий, в частности, с комплексным изучением и развитием городских территорий путем сбалансированности экономических, социальных и экологических факторов и предположений.

Взаимосвязь регионального развития и урбанизации стала очевидной при анализе положительных и отрицательных сторон влияния урбанизации на региональное развитие.

В итоге, возникла необходимость новой трактовки понятия «урбанизации», как инструмента региональной политики, обеспечения комплексного устойчивого социально-экономического развития регионов, основанный на возрастании роли городов и увеличения городского населения, которая особенно актуальна для стран развивающихся экономик, к которой относится Узбекистан.

#### СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Буданов Г.А. *Экономические школы об экономическом росте и необходимости социальной защиты населения* // Социально-экономические реформы: региональный аспект. 2001. № 3. С. 56–58.

2. Груза, И. *Теория города [Текст]* / И. Груза. – М.: Стройиздат, 1972. – 247с.

3. Гутнов, А. Э. *Мир архитектуры. Лицо города [Текст]* / А. Э. Гутнов, В. Л. Глазычев. – М.: Молодая гвардия, 1990. – 352 с.

4. Зарипова Д.А. *Оценка влияния тенденций урбанизации на условия развития городов* // Научное обозрение. 2012. № 2. С. 457–464.

5. Ивантер В.В. *Стратегия перехода к экономическому росту* // Проблемы прогнозирования. 2016. № 1. С. 3–7.

6. Коломак Е.А. *Оценка влияния урбанизации на экономический рост в России* // Регион: Экономика и Социология. 2011. № 4. С. 51–69

7. Ласько А.И. *Урбанизация как причина экономического кризиса* // Экономика и менеджмент инновационных технологий. 2014. № 7. С. 51–53.

8. Манаева И.В. *Особенности социально-экономического неравенства в городах России* // Экономический анализ: теория и практика. 2017. Т. 16. Вып. 5. С. 960–970

9. Медведева В.Н., Харланова А.М. *Урбанизация и ее роль в экономике* // Теория и практика современной науки. 2016. № 6-1. С. 867–870.

10. *Омский научный вестник*. 2011. № 6. С. 46–50.

11. Петрова А.А., Пятлина Л.А. *Урбанизация как фактор изменения экологической ситуации города Санкт-Петербурга* // Научная перспектива. 2016. № 4. С. 82–83.

12. Пивоваров Ю.Л. *Основы геоурбанистики: Урбанизация и городские системы: учеб. пособие*. М., 1999. С. 16-17.

13. Растворцева С.Н., Ткачева А.С. *К вопросу об увеличении темпов роста и обеспечении конкурентоспособности экономики регионов России* // Заметки ученого. 2016. № 3. С. 92–96.

14. Русановский В.А., Марков В.А. *Фактор урбанизации в пространственных моделях экономического роста: оценка и особенности в Российской Федерации* // Вестник Тамбовского университета. Сер.: Гуманитарные науки. 2015. № 7. С. 113–124.

15. Смирнов С.В. *Экономический рост и экономические кризисы в России: конец 1920-х годов – 2014 г.* // Вопросы экономики. 2015. № 5. С. 28–47.

16. Соболева Н. П. *Геоурбанистика: учеб. пособие*. Томск, 2012. С.46

17. Филиппова Е.Д. *Современные проблемы экономического роста. Экономический рост в России* // Вопросы экономических наук. 2016. № 6. С. 57–58.

**JURNALIST KADRLARNI TAYYORLASHDA JAMOATCHILIK BILAN ALOQALAR  
FANINING O'RNI****Annotatsiya**

Maqolada axborotlashgan jamiyatda PR-materiallarni OAV kanallarida joylashtirish va PR-kampaniyalarni amalga oshirish uchun ommabop media-platfomalardan foydalanish oqibatlari shuningdek, ommaviy kommunikatsiya doirasidagi munosabatlarni qayta tashkil etishi va kommunikator sifatida o'z ta'sirini namoyon qilishi xususida so'z boradi. Shu jumladan, media-kontent sifatining yomonlashishi, media borliqni shakllantirish mezonlarining o'zgarishi va ommaviy axborot vositalaridan foydalangan holda tarqatilayotgan axborot mahsulotiga auditoriyaning ishonish darajasining pasayishi kuzatildi. Ayni shu jarayonda journalist kadrlarni tayyorlashda «Jamoatchilik bilan aloqalar» fani bo'lajak jurnalistlarning tahlil qobiliyatini shakllantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Ushbu maqolada bo'lajak journalist kadrlarni tayyorlashda "Jamoatchilik bilan aloqalar" fanining dolzarbligi xususida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** Axborotlashgan jamiyat, PR-materiallar, PR-nashrlar, "Tamoyillar deklaratsiyasi" mediamakon, journalist kadrlar.

**РОЛЬ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ В ПОДГОТОВКЕ ЖУРНАЛИСТОВ****Аннотация**

В статье рассматриваются последствия размещения PR-материалов на медийных каналах и использования популярных медиа-платформ для проведения PR-кампаний в информированном обществе, а также реорганизация массовой коммуникации и ее влияние как коммуникатора. В частности, произошло ухудшение качества медиаконтента, изменения в критериях формирования медиаприсутствия и снижение доверия аудитории к информационному продукту, распространяемому через СМИ. В этом процессе предмет «Связи с общественностью» играет важную роль в обучении журналистов формированию аналитических навыков будущих журналистов. В статье обсуждается актуальность темы «Связи с общественностью» в обучении будущих журналистов.

**Ключевые слова:** Информированное общество, PR-материалы, PR-публикации, медиaprостранство "Декларация принципов", журналисты.

**THE ROLE OF PUBLIC RELATIONS IN THE TRAINING OF JOURNALISTS****Annotation**

The article discusses the consequences of posting PR materials on media channels and using popular media platforms to conduct PR campaigns in an informed society, as well as the reorganization of mass communication and its impact as a communicator. In particular, there has been a deterioration in the quality of media content, changes in the criteria for shaping the media presence, and a decline in audience confidence in the information product disseminated through the media. In this process, the subject of "Public Relations" plays an important role in the training of journalists in the formation of analytical skills of future journalists. This article discusses the relevance of the subject of "Public Relations" in the training of future journalists.

**Keywords:** Informed society, PR-materials, PR-publications, "Declaration of Principles" media space, journalists.

Hozirgi kunda PR-oqimlarning bir qator eng muhim aloqa tizimlariga qo'shilishi kuzatilmoqda, bu ham media makonning o'zi, ham uning ishtirokchilarining unga bo'lgan munosabati o'zgarishiga olib keladi. PR-nashrlar sonining ko'payishi ommaviy axborot vositalari

funksiysi va ularning jamiyatdagi o'rnini o'zgarishiga o'ib keldi. PR-materiallarni joylashtirish va PR-kampaniyalarni amalga oshirish uchun ommabop media-platfomalardan foydalanish ommaviy kommunikatsiya doirasidagi munosabatlarni qayta tashkil etdi va kommunikator sifatida o'z ta'sirini namoyon qildi. Natijada, media-kontent sifatining yomonlashishi, media borliqini shakllantirish mezonlarining o'zgarishi va ommaviy axborot vositalaridan foydalangan holda tarqatilayotgan axborot mahsulotiga auditoriyaning ishonish darajasining pasayishi kuzatildi. Ayni shu jarayonda PR mutaxassis kadrlarni yetishtirish ularning tahlil qobiliyatini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. «Jamoatchilik bilan aloqalar» fani orqali journalist kadrlarni tayyorlashda ahamiyatini belgilash uchun dastlab PR qachon paydo bo'lgan tarixiy tipologiyasi hamda bugungi kunda tendensiyalari qanday kechmoqda shu xususida so'z yuritimiz.

Bu fan dastlab «Pablik rileyshnz» deb ataladi. Ingliz tilidan olingan «Public Relations» atamasi – «Jamoatchilik bilan aloqalar», «Jamoatchilik bilan munosabatlar» degan ma'nolarni anglatadi. «Public Relations» (bundan buyon – PR, piar) iborasi ilk bor AQSHning uchinchi prezidenti Tomas Jefferson tomonidan ishlatilgan. U 1807-yili «Kongressga yettinchi murojaati»da ushbu atamani birinchi marta qo'llagan. Bundan maqsad, o'sha davrda hukumatning jamoatchilik bilan aloqalarini davlat darajasiga ko'tarish, ilmiy-tashkiliy jihatdan yo'lga qo'yish edi. Keyinchalik PR fani asoschilaridan biri Edvard Bernayz bu iboraning mohiyatini «jamiyat manfaatlari yo'lidagi harakatdir»[2] deb ta'riflagan. Demak, «AQSHda piarning paydo bo'lishi bevosita siyosiy jarayonlar mahsuli»[3] bo'lgan. Oradan bir asr vaqt o'tib, alohida fan sifatida voqelikka aylangan PR tarixi o'sha davrdagi hodisalardan kelib chiqadi. AQSHning o'sha davrdagi prezidentlari hukumat bilan xalq o'rtasida mustahkam va ishonchli aloqalar o'rnatishni yangi davlat ravnaq topishi asosiy omili sifatida qabul qildilar. Ularning bu mezonga asoslangan fikrlari nihoyatda to'g'ri bo'lib chiqdi. Tomas Jeffersonning quyidagi so'zlari demokratiya yo'lini tanlagan qator gazetalar uchun shiordek bo'lib qoldi: «Agar menga hukumat bo'lsinu gazetalar bo'lmasin yoki gazetalar bo'lsinu hukumat bo'lmasin – birini tanlang, deyishsa, men hech

ikkilanmasdan hukumat bo'lmasa ham gazetalar bo'lishi kerak, degan bo'lardim»[4]. Bu fikrni biryozqlama talqin qilmaslik kerak. Tomas Jefferson gazeta va boshqa nashrlar mavqeini, ta'bir joiz bo'lsa, mas'uliyatini oshirishni ham ko'zda tutgan bo'lishi mumkin. Binobarin, hukumatning yo biror tashkilotning jamoatchilik bilan aloqalarini matbuotsiz, ommaviy axborot vositalarisiz tasavvur etib bo'lmasligini demokrat rahbar ushbu tushunchasi vositasida ham ifodalagani ko'rinib turibdi. Jamoatchilik fikri bilan hisoblashish masalasi uzoq yillar turli bahs-munozaralarga sabab bo'lgani tarixiy manbalarda ko'p uchraydi. Bu g'oyani miloddan oldin yashagan Suqrot ilgari surib, o'z shogirdlarini haqiqatni bilishga undagan. U haqiqatni «bahs orqali, suhbat yo'li bilan bilish, anglash mumkin, degan, suhbatda asosiy e'tiborni inson ongi va tafakkurini tahlil qilishga qaratish zarurligini aytgan. O'z davrida bu usul «Suqrot usuli» deb atalgan»[5]. Sharq allomalari ijodida ham jamoatchilik bilan aloqalar g'oyasi ilgari surilganini anglash mumkin. 1072-yili Malikshoh saroyida vazirlik qilgan Nizomulmulkning fikrlari ham e'tiborga molikdir. Olim va shoir Umar Xayyom bilan maslakdosh bo'lgan Nizomulmulk «Siyosatnoma» asarida shunday yozgan: «zarurat bo'lmasa, oliy majlisdan hech nima yozilmaydi. Farmonning hurmati va kuch-quvvati shunday bo'lishi kerakki, ijro etilmaguncha uni hech kim qo'lidan qo'ymasini»[6]. Demak, bu qadim siyosat zamirida ham jamoatchilik bilan aloqalar o'ziga xos jihatlari aks etgan. Podsho amriga munosabatlar o'rganilgan hamda uning ijrosi nazorat qilingan. Bu qimmatli fikrlar bugungi kunda ham ahamiyatini yo'qotgani yo'q. Demak, jamoatchilik bilan aloqalar biz uchun aslida qadimiy tushuncha. O'tgan asrda rivojlangan mamlakatlarda voqelikka aylangan PRni tushunish, uning mohiyatini anglash qiyin emas. Mutaxassislarning e'tirof etishlaricha, zamonaviy PR amaliy jihatdan jurnalistika zaminida paydo bo'lgan. Uning aynan amaliyotdagi asoschilaridan biri amerikalik jurnalist Ayvi Ledbetter Li bo'lgani haqida qator «Pablik rileyshnz» kitoblarida qayd etilgan. 1898-yilda Nyu-Yorkdagi Priston universitetini tamomlagan Ayvi Li dastlab «World» gazetasida faoliyat ko'rsata boshlaydi. Biroq, yosh jurnalistni reportyorliklikning tor ko'chalari qoniqtirmaydi. U ko'proq ijtimoiy-siyosiy hayotda faol

bo'lishga intilardi. Bu intilishini 1903-yili Nyu-York meri saylovida namoyon etdi. Keyingi yili AQSh prezidentligiga saylov davrida demokratlar partiyasi milliy qo'mitasiga matbuot-byurosi xodimi bo'lib o'tgach, hamkasbi Jorj Parker bilan birga «Parker va Li» firmasini tashkil etishdi. 1906-yilda Ayvi Li «Tamoyillar deklaratsiyasi»ni nashrdan chiqardi. Bu bilan u dastlab «matbuot xizmati xodimining faoliyatini jamoatchilikka yaqinlashtirgan»[7] bo'lsa, ayni vaqtda yangi kasbni jamiyat uchun juda zarur bo'lgan soha bilan to'ldirdi, uning muhimligini ko'rsatib berdi. «Ayvi Lining asosiy xizmati shuki, u yangi kasbga ochiq xarakter berdi. «Tamoyillar deklaratsiyasi» butun millat uchun yuqori davlat organlari va hokimiyatni ham hisobga olib mashhur amerikacha ochiq jamiyat shakllanishi yo'lida asosiy dasturiy hujjatlardan biri bo'lib qoldi». Yuqorida keltirilgan faktlarga tayanadigan bo'lsak PR sohasi bugungi kunda yetakchi yo'nalshlardan biriga aylandi. Hozirda bozor iqtisodiyotiga bosqichma-bosqich o'tayotgan

OAV tarmoqlari turli-xil mediaplatformalar PR orqali iqtisodiyotni yuqori tendensiyalarini boshdan kechirmoqda. Bo'lajak journalist kadrlarni tayyorlashda «Jamoatchilik bilan aloqalar» fani doirasida OAVning imidjni saqlab qolgan holda media-kontent yaratishga o'rgatish bilim ko'nikmalarini shakllantirish hamda auditoriya va OAV munosabatlaridagi shaffoflikni saqlab qolish borasida talab-yoshlarning amaliy tajribasini oshirishdan iborat. Ushbu fan doirasida bo'lajak journalist talabalar quydagi metodlar yordamida tarbiyalanadi:

1) «Jamoatchilik bilan aloqalar» fani yuzasiidan dastlab aniq tushunchalarga ega bo'lishlari uchun talabalar nazariy bilimlar bilan birga bugungi kunda media sohasida yetakchi PR kompaniyalari faoliyatini tahlil qiladilar hamda “erkin ijodiy izlanish” metodidan foydalanilgan holda amaliy misollar topadilar;

2) Ikkinchi bosqichda PR kompaniyalari tomonidan tayyorlangan media-kontentning psixologik kongnitiv xususiyatini tahlil qilishadi;

3) Uchinchi bosqich ma'lum bir OAV yo'nalishini tanlagan holda unga mos bo'lgan PR materyallar tayyorlab jamoatchilik fikrini o'rganadilar.

Xulosa qilib aytganda «Jamoatchilik bilan aloqalar» fani bo'lajak journalist kadrlarning bilim ko'nikmalarini oshirish bilan birga jahon bozorida itisodiyotning yuqori cho'qqisiga olib chiqyotgan PR yo'nalishlari haqida ma'lumotga ega bo'lishlariga yaqindan ko'maklashadi. Natijada mediaplatformalarida ommani chalg'itishga xizmat qilyotgan materyallarning soni kamayadi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Muminov F. *Pablik rileyshnz: istoriya i teoriya. T.: Ijod dunyosi, 2004, 32 b.*

2. Berneys E. L. *The Later Years. Public Relations Insights 1956-1986.-Rhinebeck: Free Press, 1986.-P.12.*

3. Arziyev F. *Pablik rileyshnz – axborot ortidagi manfaat. //Xalq so'zi, 2003, 4 noyabr.*

4. *Qarang: Milliy tiklanish, 1997, 2 dekabr.*

5. *Pedagogika tarixi. A.Zunnunov, M.Xayrullayev va boshqalar. T.: Sharq, 2000, 175-b.*

6. *Nizomulmuluk. Siyosatnoma yoki siyar ulmuluk. T.: Adolat, 1997 y. 77 b.*

7. *Komilov N. Vazir qanday bo'lishi kerak? //Rahbar va xodim. –T.: Akademiya, 1998, 58 b.*